

ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР
КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ
ИЛМИЙ-МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ФАРГОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА
УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ МИНТАҚАВИЙ
МАРКАЗИ**

ИНСОН ФАЛСАФАСИ

модули бўйича

Олий таълимнинг “Милий ғоя: Ўзбекистонни ривожланиш стратегияси” ва “Диншунослик” йўналиши лари учун

ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА

Фарғона – 2019

Ушбу ўқув-услубий мажмуа Олий ва ўрта маҳсус, касб-ҳунар таълими йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг баённомаси билан маъқулланган намунавий дастур асосида ишлаб чиқилган ва минтақавий марказ Илмий кенгашининг 2018 йил «__» августдаги __ -сонли қарори билан тасдиқланган.

Тузувчи:

И. Сиддиқов – ФарДУ Фалсафа кафедраси ўқитувчиси

Тақризчилар:

А.А.Қамбаров – фалсафа фанлари номзоди, доцент

И.М.Арзиматова – фалсафа фанлари номзоди, доцент

МУНДАРИЖА

I. ИШЧИ ДАСТУР
II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ
III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР
IV. АМАЛИЙ МАШРУЛОТЛАР МАТЕРИАЛЛАРИ
V. КЕЙСЛАР БАНКИ
VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ
VII. ГЛОССАРИЙ
VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....

I. ИШЧИ ДАСТУР

Кириш

“Инсон фалсафаси” модулининг мақсади: ларга инсон фалсафасининг пайдо бўлиш шаклланиши ва унинг турли йўналишлари ҳақида изоҳ бериш, фалсафий билимларини мукаммаллаштиришдир.

“Инсон фалсафаси” модулининг вазифалари:

“Фалсафа” йўналишида педагог кадрларнинг касбий билим, кўникма, малакаларини узлуксиз янгилаш ва ривожлантириш механизмларини яратиш;

- замонавий талабларга мос ҳолда олий таълимнинг сифатини таъминлаш учун зарур бўлган педагогларнинг касбий компетентлик даражасини ошириш;

- “Фалсафа” йўналишида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг фан ва ишлаб чиқариш билан интеграциясини таъминлаш.

Модул бўйича ларнинг билим, кўникма ва малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар

“Инсон фалсафаси” курсини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

:

- табиий ва ижтимоий фанлар орасидаги ўзаро алоқадорликни тахлил қилиш; инсон фалсафасини мувофиқлаштирувчи фан эканлигини илмий асослаш;

- инсон фалсафаси фанини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида магистр: Ҳозирги замон дунёқарашига кўрсатган таъсирига кўра инсон фалсафасини ғоялари нисбийлик назарияси ва квант механикаси ғояларига teng туради. инсон фалсафасига хос тушунчаларини

ҳар қандай ривожланувчи тизимларга нисбатан қўллаш мумкинлиги ҳақида тасаввурга эга бўлиш;

- инсониятнинг фалсафий фанлар учрашадиган (кроссдисциплинар) муаммолар хусусида ишлаётган соҳа бўлгани учун хамда ижтимоий билим ҳосил бўлишининг ўзига хос ноанъанавий жиҳатлари мавжудлиги учун уни методология нуқтаи назаридан баҳолаши ва улардан фойдалана олиш;

- жамият ва инсон ҳақида фалсафий масалалари, борликдаги глобал эволюцияларнинг механизмини очиб бериш.

- Фалсафий фанларни ўқитиши жараёнида илғор хорижий тажрибалардан фойдаланиш амалиёти борасида кўникма ва малакаларни ҳосил қилиш;

:

Биринчидан, инсон борлиқни, ўз-ўзини ва ўз чегараларини англаб етиши натижасида вужудга келган янги дунё умумий ҳисобланади; бундай англашнинг иккинчи қутби инсон мақсадлар ва муаммоларни қўйиши, унинг эркинликка интилиши, дунёнинг мутлақлиги ва трансценденталлигини тушуниб етиши, экзистенция эркинлигини англаб етиши, экзистенция ва трансценденция ўртасида фарқ пайдо бўлади, индивидуал онг шаклланиши ва ривожланиши ҳақида;

Иккинчидан, юқорида зикр этилган маданий дунёларни тарихда илк бор вужудга келган ўзликни англаш, тафаккурнинг ўзи ҳақида мулоҳаза юритишига эришиш лозим.

Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар

“Инсон фалсафаси” модулинин ўқитиши жараёнида қўйидаги инновацион таълим шакллари ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

- замонавий ахборот технологиялари ёрдамида интерфаол маъruzаларни ташкил этиш;

- виртуал амалий машғулотлар жараёнида кейс, лойиха ва ассисмент технологияларини қўллаш назарда тутилади.

Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

“Инсон фалсафаси” модули бўйича машғулотлар ўқув режасидаги “Аналитик фалсафа”, “Таълим фалсафаси ва унинг истиқболлари” ўқув модулларии билан узвий алоқадорликда олиб борилади.

Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Модулни ўзлаштириш орқали лар замонавий ва инновацион ҳорижий таълим технологияларини ўзлаштириш, жорий этиш ва амалиётда қўллашга доир проектив, креатив ва технологик касбий компетентликка эга бўладилар.

Модул бўйича соатлар тақсимоти

№	Инсон фалсафаси	Хаммаси	НИНГ ЎҚУВ ЮКЛАМАСИ, СОАТ					Мустақил таълим	
			Аудитория ўқув юкламаси						
			Жами	Жумладан			Назарий		
	Модул мавзулари	30	26	10	16			4	
1.	Инсон борлигининг ўзига хос хусусиятлари.	2		2					
2.	Фалсафа тарихида инсон борлиғига муносабат.	2		2					

3	Инсонни фалсафий тушунишнинг ўзига хос хусусияти.	2		2		
4	Шарқ фалсафасида инсон муаммоси.	2		2		
5	Инсон масаласида Ғарб анъанаси.	2		2		
6	Онг инсон борлигининг асоси.	2			2	
7	Инсон фалсафий муаммо сифатида.	2			2	
8	Фалсафий антропологиянинг пайдо бўлиши ва ривожланиши, предмети ва вазифалари.	2			2	
9	Инсон мавжудлигининг космобиологик даражалари.	2			2	
10	Ижтимоий ва маданий омилларнинг инсон онгига таъсири.	2			2	
11	Инсон маданияти шаклланишига диний дунёқарашнинг таъсири.	2			2	
12	Инсоннинг кўп ўлчовлиги.	2			2	
13	Жон ҳақидаги фалсафа.				2	
14 .	Индивидуаллик борлиғи. Онгнинг табиати. Онг ва жоннинг тенглаштирилиши. Онг ҳақидаги тасаввурларнинг ривожланиши					2
15	Фалсафа тарихида инсоннинг келиб чиқиши ҳақидаги таълимотлар.					2

МАЪРУЗА МАШҒУЛОТЛАРИ МАВЗУЛАРИ

1-мавзу: Инсон борлигининг ўзига хос хусусиятлари

Инсон фалсафанинг азалий муаммоси. Инсоннинг корпускуляр тўлқинли табиати. Коинотда инсон ўрни. Инсон ҳақидаги микротасавурлар. Мия фаолияти квант қонунларига мувофиқ амалга оширилиши. Мия ишини моделлаштиришнинг аҳамияти. Инсон ички аъзоларнинг температураси ва вақт ритмлари ҳақида ахборот берувчи радиоиссиқликнинг тарқалиши. «Гомо космикус» концепцияси. Инсон ва космоснинг ягоналиги ғояси. Инсоннинг космосдаги борлигининг тўрт асосий босқичи Тейяр де Шарден эсхатологияси. Инсоннинг креативистик модели. Инсон – Коинот голограммаси.

2-мавзу: Фалсафа тарихида инсон борлиғига муносабат.

Инсоннинг моҳиятини тушунишга уринишлар. Фалсафа тарихида инсон индивидуаллигининг ички, яширин ҳолатини акс эттирувчи «жон» ва «онг» тушунчаларининг таҳлили. Атоқли софистлар Протагор (мил. ав. 490-420 йиллар) мил. ав. V асрдаёқ «инсон барча нарсалар мезонидир: у мавжуд нарсаларнинг мавжудлигини, йўқ нарсаларнинг эса йўқлигини белгилайди», деб қайд этиши. Суқрот (мил. ав. 469-399 йиллар) ҳам ҳақиқат излаб инсонга мурожаат этиши. Инсон ўз жони фаолиятини бошқара олади, шу боис дунёни тушуниш йўли ўз- Платоннинг биринчи бўлиб жон ҳақидаги яхлит таълимотни яратиши. Сенека, Р.Декарт, А.Навоий, А.Жомий, И.Кант, И.Г.Фихте, Ж.П.Сартр, М.Хайдеггер ва бошқа мутафаккирлар инсоннинг маънавий негизини биринчи ўринга қўйиб, унинг онги, маънавий дунёси ва билиш қобилиятларини ўрганиши. XXI асрда деярли икки ярим йиллик тарихий тараққиёт жараённида ҳам инсон муаммосининг ўз аҳамиятини йўқотмаганинг объектив сабаблари.

3-мавзу: Инсонни фалсафий тушунишнинг ўзига хос хусусияти.

Инсон биосфера эволюциясининг зарурий босқичи. Инсон – Гея элементи. В.И.Вернадский «инсониятнинг геологик роли» ҳақида. Табиий экологик тизимларда инсоннинг ўрни ва аҳамияти. Технологик тараққиёт жараёнини оқилона бошқаришнинг биологик мухитни асрашдаги роли. Биологик сиёсатни амалга оширишнинг зарурияти. , Ж.Лавлок модели. Инсон ва биосферанинг квант-тўлқинли алоқаси. Геном голографик компьютер сифатида. Хромосомалардан ўқиладиган ва хромосомаларга ёзиладиган майдонли тузилмалар биологик тизимлар ўз-ўзидан ташкил топиш жараёнининг омили. Ген технологияси ва инсоннинг жисмоний олами. Гўзаллик туйғусининг биологик асослари.

4-мавзу: Шарқ фалсафасида инсон муаммоси.

Зороастиризмда инсон муаммоси. Авесто асосида инсонга муносабатни белгилаш. Сўфийлик таъриқати инсон моҳияти. Хинд ва Хитой фалсафасида инсон муаммосининг ўрганилиши.

5-мавзу: Инсон масаласида Ғарб анъанаси.

Инсон ва ҳокимият: янги аср ижтимоий-маданий контексти. ижтимоий мегамашинанинг тикланиш жараёнини уч босқичи: - Биринчи босқич 1789 йилги француз инқилоби. Иккинчи босқич асосан биринчи жаҳон уруши даври. Учинчи босқичи иккинчи жаҳон уруши йиллари. Янги ижтимоий мегамашина - ҳокимиятга ташналиқ. Инсон ижоди ва санъат символизми. Санъат асарларида гавдалантирилган трансцендент қадриятларнинг индивиднинг ижтимоийлашувига таъсири. Мусиқа шахснинг уйғун ривожланиши ва (бу ижод учун зарур), унинг зўравонликда намоён бўлувчи деструкцияси билан узвий боғлиқлиги. Инсон ва виртуал воқелик. Цивилизацияларнинг ўзгариши даврида инсон. Инсон ўйин-кулги, гап-гаштак ва сайр-томушалар дунёсида. XXI аср бошида ўйинлар ва

томушаларнинг яна бир янги жиҳати «инсон – компьютер» комплекслари фаолияти

АМАЛИЙ МАШГУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-амалий машғулот: Онг инсон борлигининг асоси.

Мия фаолияти квант қонунларига мувофиқ амалга оширилиши. Мия ишини моделлаштиришнинг аҳамияти. Инсон ички аъзоларнинг температураси ва вақт ритмлари ҳақида ахборот берувчи радиоиссиқликнинг тарқалиши. «Гомо космикус» концепцияси. Инсон ва космоснинг ягоналиги гояси. Инсоннинг космосдаги борлигининг тўрт асосий босқичи Тейяр де Шарден эсхатологияси. Инсоннинг креативистик модели. Инсон – Коинот голограммаси.

2-амалий машғулот: Инсон фалсафий муаммо сифатида.

Инсон борлигининг ўзига хос хусусиятлари. Фалсафа тарихида инсон борлиғига муносабат. Жон ҳақидаги фалсафа. Индивидуаллик борлиғи. Онгнинг табиати. Онг ва жоннинг тенглаштирилиши. Онг ҳақидаги тасаввурларнинг ривожланиши. Онгнинг структураси ва функциялари. Онгсизлик. Индивидуал онг борлиғи. Ижтимоий онг борлиғи. Иррационализм онг ҳақида. Онг бош мия функцияси сифатида. Онг фалсафий муаммо сифатида. Онгнинг материалистик концепцияси. Тил ва онг. Ўзликни англаш.

Инсон атрофидаги олам. Инсоннинг дунёдаги ўрни. Инсоннинг дунёдаги ўрни ҳақидаги тасаввурлар тарихи. Инсон Коинотда марказий ўринни эгаллашига бўлган ишончни вайрон қиласиган илмий дунёқарашнинг шаклланиши. XVII асрдан бошлаб Коинотда кўп сонли цивилизацияларнинг

мавжудлиги ғояси янада ривожланиши. Инсоннинг Коинотдаги имкониятларига баҳо беришда таяниш мумкин бўлган баъзи бир муҳим шартлар . Антроп принцип. Ҳозирги вақтда инсон фан ва фалсафада яна табиатнинг ажралмас қисми.

3-амалий машгулот: Фалсафий антропологиянинг пайдо бўлиши ва ривожланиши, предмети ва вазифалари.

Инсон фалсафий муаммо сифатида. Фалсафа тарихида инсоннинг келиб чиқиши ҳақидаги таълимотлар. Инсонни фалсафий тушунишнинг ўзига хос хусусияти. Инсоннинг кўп ўлчовлиги. Шарқ фалсафасида инсон муаммоси. Инсон масаласида Farb анъанаси. Фалсафий антропологиянинг пайдо бўлиши ва ривожланиши. Инсоннинг биоижтимоий моҳияти. Инсонни тушунишда дуализм ва монизм. Инсонга интровертив ва экстровертив ёндашувлар. Инсонга оид социоцентрик концепциялар. Инсон масаласига теоцентрик ёндашувлар. Инсонга нисбатан биологизаторлик ва социологизаторлик концепциялари. Ҳаётнинг мазмуни ва унда инсоннинг вазифаси. Ҳаётда инсоннинг вазифаси ва унинг моҳияти. Ҳаётни тарқ этиш босқичлари: ижтимоий, руҳий, биологик ўлим, миянинг ўлеми. Инсонни фалсафий нуктаи назардан ўрганишнинг зарурати.

4-амалий машгулот: Инсон мавжудлигининг космобиологик даражалари.

Инсон фалсафанинг азалий муаммоси. Инсоннинг корпускуляр-тўлқинли табиати. Коинотда инсон ўрни. Инсон ҳақидаги микротасавурлар. Мия фаолияти квант қонунларига мувофиқ амалга оширилиши. Мия ишини моделлаштиришнинг аҳамияти. Инсон ички аъзоларнинг температураси ва вақт ритмлари ҳақида ахборот берувчи радиоиссиқликнинг тарқалиши. «Гомо космикус» концепцияси. Инсон ва космоснинг ягоналиги ғояси. Инсоннинг космосдаги борлигининг тўрт асосий босқичи Тейяр де Шарден эсхатологияси. Инсоннинг креативистик модели. Инсон – Коинот голограммаси.

5-амалий машгулот: Ижтимоий ва маданий омилларнинг инсон онгига таъсири.

Инсон феноменининг ижтимоий омиллари. Инсон хулқ-атворига нисбатан иқтисодий ёндашув. Симфоник шахс концепцияси.

Ижтимоий борлик (социум) ҳам турли даражадаги симфоник шахслар тўпламишининг иерархиявий бирлиги. Л.Карсавин ижтимоий фалсафасида изчил «социоцентризм», Гипериндивидуаллик концепцияси. Гипершахс ҳақидаги тасаввурнинг ўринлилиги учун З.Фрейд кашф қилган трансфер феномени. Тоталитар ва демократик тизимларда инсон мақоми. Тоталитар тизимга ялпи қўрқув муҳити хослиги. «Гомо креатор»га эришиш йўлида.

6-амалий машгулот: Инсон маданияти шаклланишига диний дунёқарашнинг таъсири.

Миллий маданиятларнинг диний маданият шаклланишидаги роли. Синтоизм. Буддизм. Дзэн оқими. Конфуцийчилик. Токугава режими учун конфуцийчиликнинг аҳамияти. Миллий фанатизмнинг шаклланишида бусидо издошлари онгига ўлимдан қўрқмаслик ғоясини сингдирган дзэн-буддизм **Ислом дини асосий ғояларнинг ривожи. «Оллоҳ буюк».** Ислом фақат дингина эмас, у яхлит цивилизация ва маданият, давлат ва ҳукуқ, ўзининг бетакрорлиги билан ажralиб турувчи ислом тарихи, фалсафаси ва санъати Исломда шахсни камол топтириш андозаси омиллари. Ғарбда салб юришларининг кашф қилган ва амалга ошиши, исломда муқаддас уруш – жиҳодни ўйлаб топилиш ва ҳаётга татбиқ этилиши.

7-амалий машгулот: Инсоннинг кўп ўлчовлиги.

Инсон биосфера эволюциясининг зарурий босқичи. Инсон – Гея элементи. В.И.Вернадский «инсониятнинг геологик роли» ҳақида. Табиий

экологик тизимларда инсоннинг ўрни ва аҳамияти. Технологик тараққиёт жараёнини оқилона бошқаришнинг биологик муҳитни асрашдаги роли. Биологик сиёсатни амалга оширишнинг зарурияти. , Ж.Лавлок модели. Инсон ва биосферанинг квант-тўлқинли алоқаси. Геном голографик компьютер сифатида. Хромосомалардан ўқиладиган ва хромосомаларга ёзиладиган майдонли тузилмалар биологик тизимлар ўз-ўзидан ташкил топиш жараёнининг омили. Ген технологияси ва инсоннинг жисмоний олами. Гўзаллик туйғусининг биологик асослари.

8-амалий машгулот: Жон ҳақидаги фалсафа.

Инсон руҳиятидаги инқилоб. Шахсни соматологик идентификация қилиш концепцияси. Инсон қурқувининг янги образлари. XX аср қўрқув манбай – ислом ақидапарастлари терроризмининг пайдо бўлиши Кўрқувнинг янги тури –экологик ҳалокат хавфи. Психотрон уруш хавфи .Биотехнология методларидан фойдаланиш хавфи Бир вужудда «Мен»нинг кўп сонлилиги. «Мен» полицеентрик модели. XXI аср бошида «онг – материя» фалсафий муаммоси.

БАҲОЛАШ МЕЗОНИ

№	Баҳолаш турлари	Максимал балл	Баллар
1	Кейс топшириклари	2.5	1.2 балл
2	Мустакил иш топшириклари		0.5 балл
3	Амалий топшириклар		0.8 балл

II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.

1. «Баҳслашув» технологияси

ларнинг ўқув групкаларида уларнинг ўзаро муносабатларини янада яхшилаш, бир-бирларига тезлик билан кўнишилари ёки ўзаро бир-бирлари

билин яхши муносабатда бўлишлари учун баъзида улар ўртасида баҳслар ташкил этиб туриш мақсадга мувофиқдир. Чунки бундай баҳслар талаба (ёки ўқувчи)ларни ўз фикрларини чархлаб олишга, ҳаётга ва турли муаммоларга бўлган муносабатларини аниқлаб олишга катта ёрдам беради. Баҳс мавзуларини талаба (ёки ўқувчи)ларнинг ўзлари танлашлари ва таклиф этишлари мумкин. Бу мавзулар уларни баҳсга чорловчи, муаммоли, қизиқарли бўлиши керак, акс ҳолда баҳс давомида талаба (ёки ўқувчи)лар ўз фикрларини баён эта олмайдилар ёки баҳсга кўшилиб ўз фикрларини исботлаб, ҳимоя қила олмайдилар. Баҳслар талаба (ёки ўқувчи)ларни баъзи янглиш фикрларга қарши курашишга ўргатади, атрофдаги бўлаётган воқеаларни тушунган ҳолда тўғри шарҳлашга, ўз ҳолатларида туришга, ноўрин фикрларга ўз вақтида қаршилик кўрсатишга ҳамда ҳар бир фикрни тўғри ёки нотўғри эканлигини аниқлаб олишга, шу билан бир қаторда ўртоқлари билан сухбат қилиш, баҳслашиш, ўз фикрини бошқаларга ўтказа олиш, таъсир эта олиш маданиятига ўргатади. Бақсларни самарали ўтиши, албатта, уларнинг олдиндан қандай тайёрланганлигига боғлиқ. Биз қўйида баҳсларга тайёргарлик кўришда нималарга эътибор қаратиш кераклигини баъзи бир босқичларини ажратиб кўрсатмоқчимиз:

- баҳс мавзусини танлаш ва уни тасдиқлаб олиш;
- тарбиявий вазифаларни аниқлаб олиш;
- олдиндан баҳс мавзусини эълон қилиш ва баҳс давомида муҳокама қилинадиган саволларни белгилаб қўйиш;
- талабаларни баҳс давомида муҳокама қиладиган саволларини тўларок ёритишга ёрдам берадиган қўшимча материалларни тўплаш;
- баҳсни ўтказиш учун масъул ва бошловчиларни тайинлаш;
- баҳс ўтказиладиган жойни жиҳозлаш;
- баҳслашиш қоидаларини рангли, кўргазмали этиб тайёрлаш.

Баҳс қатнашчилари баҳсни ўтказиш ва унда ўзларини тута билиш, бошқара олиш тўғрисидаги қоидалар билан олдиндан ёки баҳс мобайнида танишиб олишлари керак. Улар қўйидагича бўлиши мумкин:

- баҳслашишдан олдин, аввал нима демоқчи бўлганингни яхшилаб ўйлаб олиш;
- гапираётганингда фикрларни аник, содда, мантиқан ва кетма-кетлик билан баён қилиш;
- фақат ҳаяжонга solaётган, ишончи комил бўлган фикларни баён этишга ҳаракат қилиш, билмаган, ишонмаган фикрлар билан баҳслашмаслик;
- кимнингдир фикрига кўшилмаса, уни фикрини масҳараламай, унинг устидан қулмай, хатосини айтмай хақгўйлик билан баҳслашиш;
- айтилган фикрларни иккинчи бор қайтармасдан, янги фикр бўлсагина ўша фикрни баён этиш;
- баҳслашув вақтида қўлларни ҳар томонга ўйнатмасдан, овозни баландлатмасдан, бақирмасдан гапириш. Агар бошқаларни ўз фикрингга ишонтироқчи бўлсанг, уларни сенинг фикрингга кўшилишларини истасанг, унда сен ўз фикрингнинг исботига, албатта, аник далиллар, мисоллар келтириш;

- баҳслашаётган сұхбатдошни ҳурмат қилиш, уни хафа килмаслик, унинг шахсига тегадиган гапларни, қилиқтарни қилмасликка ҳаракат қилиш. Агар шундай қилинса, фақат баҳслашувда кучли эканлигингни күрсатибина қолмай, балки баҳслашув борасида қандай маданиятга эга эканлигини ҳам күрсатған бўлади.

Юқорида қўрсатилган қоидалар чиройли рангли қилиб безатилган ҳолда ўзокдан кўринадиган қилиб ёзилиб баҳс ўтадиган жойга олдиндан илиб кўйилади ёки шунга ўхшаш қоидаларни баҳсни бошлишдан олдин баҳс иштирокчилари билан биргаликда уларнинг берган таклифлари асосида тўзиб, шу ернинг ўзвда қофозга (хона таҳтасига, бирон таҳтага) ёзиб қўйиш мумкин.

Баҳс ўтаётган жойни жиҳозлаш ва безашда буюк педагог олимлар, мутафаккир ва донишмандлар фикрларини ёзиб кўринарли жойга илиб куйиш мумкин. Масапан:

«Қоидани унутма:
Маънодан ўзоқ кетма
Гапни чўзма оз гапир
Кенг маъноли соз гапир».

Бахсда муҳоқама қилинадиган саволлар, муаммолар талаба (ёки ўқувчи)ларни ҳаяжонлантирадиган, куюнтирадиган, замонавий, уларнинг ҳаёт тарзига тегишли бўлгани маъқул. Шунда, таълим муассасаларида ўтказиладиган ўқув машғулотларида ва бошқа жойларда гапиришдан кўрқадиган, уядиган талаба (ёки ўқувчи)лар мана шундай баҳслар давомида бемалол ўз фикрларини баён эта олишлари мумкин.

Таълим муассасаларида кечки пайт ўқишдан бўш вақтларда ётоқхонадаги «Маънавият ва маърифат» хонасида, ёки бирон кичик талаба (ёки ўқувчи)лар чойхонасида, қолаверса, агар имкони бўлса гулхан атрофида ҳам баҳслар ўтказса бўлади. Очик табиат қўйнида гулхан атрофидаги давраларда талаба (ёки ўқувчи)ларнинг эркин ҳолдаги баҳслари қизиқарлироқ, ҳамда ишончлироқ ўтади. Бундай пайтларда талаба (ёки ўқувчи)лар ўзларини жуда эркин ҳис этадилар ва ўз фикрларини бемалол тортинмасдан, қийналмасдан айта оладилар. Бундай гулхан атрофидаги баҳсларни бир неча гурухлар билан ўтказиш мумкин.

Ўтказиладиган баҳсларнинг мавзуларини тўзишга талаба (ёки ўқувчи)ларнинг ўzlари, уларнинг ҳаётий тажриба (ёки ёшлар ҳаётидаги муаммолар, турли болалар ва ёшлар ҳақидаги асарлар, газета ва журналлардаги мақола)лари ёрдам бериши мумкин. Биз қўйида баҳслар учун баъзи бир мавзуларни эътиборингизга ҳавола этамиз:

- Ҳозирги замон комил инсони деб кимни айтса бўлади?
- Маданиятли инсон деб кимни айтса бўлади?
- Сен қандай яшайпсан? Ҳаётинг қизиқарлими?
- Ҳақиқий дўст қандай бўлиши керак?
- Менинг характерим шундай...
- Бепарволик қаердан келиб чиқади?
- Мода ва мен.

- Бепул нарсанинг баҳоси қанча?
- Нима савоб-у, нима гуноҳ?
- ва бошқалар.

Баҳсларни ўтказиш учун талаба (ёки ўқувчи)лардан битта ёки иккита баҳс бошқарувчиси белгиланади, улар баҳсни муҳокама қилиниши керак бўлган мавзу ҳақидаги кириш сўзи билан бошлайдилар. Баҳс давомида эса бошқарувчилар баҳслашувчилар, сўзга чиқувчиларнинг билдираётган фикрларини дикқат билан эшитиб, фикрлар тўқнашувини ўз вақтида очиб борадилар ҳамда умумий хулоса қилишга ҳаракат қиласидилар. Баҳсни олиб борувчиларни танлаш ва уларни тайёрлашда ўқитувчи (мураббий)ларнинг хизматлари катта. Баҳсни талаба (ёки ўқувчи)лардан танланган бошқарувчилар олиб борсада, лекин ўқитувчи (мураббий)лар баҳс давомида уларга ёрдам беришга тайёр туришлари керак, чунки баҳр давомида турли вазиятлар, қийинчиликлар туғилиши мумкин. Одатда баҳслар ўқитувчилар томонидан муҳокама этилган ёки ечилган муаммоларни умумлаштириш ҳамда бирор керакли тавсиялар бериш ва келгусида ўтказиладиган баҳслар мавзусини аниқлаш билан тугалланади.

Баҳсларнинг самарали ўтиши танланган мавзуни муҳокама қилиш учун олдиндан тайёрланган саволларга боғлиқдир.

Баъзи бир мавзудаги баҳсларни ўтказиш учун тахминий саволларни келтирамиз:

Мавзу: Маданиятли инсон деб кимни айтса бўлади?

Саволлар:

- Инсон маданияти нималардан ташкил топади?
- Маданиятли инсонга тегишли қўйидаги фазилатлардан қайси бирини биринчи ўринга қўйган бўлардингиз (хушмуомалалик, топқирлик, маълумотлилик, нотиқлик)?
- Барча маълумотли инсонларни маданиятли деб атаса бўладими?
- Инсонларнинг сўзлашуви, нутқига қараб, уларнинг маданиятли эканликларини аниқласа бўладими?
 - Маданиятли бўлиш учун нима қилиш керак?
 - Кимларни маданиятли деса бўлади?
 - Сен ўзингни маданиятли ҳисоблайсанми?

Мавзу: Менинг ҳарактерим шундай...

Саволлар:

- Ҳарактерли ва ҳарактерсиз - нима дегани?
- Нима учун ҳарактерни тарбиялаш керак? Умуман тарбиялаш керакми?
- Ҳарактерни тўзатса бўладими? Бунинг учун нима қилиш керак?
- Инсон ҳарактерига у яшаётган, ўқиётган жамоанинг таъсири бўлиши мумкини? Бўлса кандай?
- «Яхши», «ёмон» ҳарактер. Буни сен кандай тушунасан?

Мавзу: Бепул нарсанинг баҳоси қанча?

Саволлар:

1. «Бепул нарса», сен бу иборани қандай тушунасан?

2. Сен учун бепул бўлган нарсаларнинг баҳоси борми? Бор бўлса қандай? Мисоллар келтириш (ўқиши жойингдан, уйдан ва бошқалардан).
3. Бепул нарсани асраш - авайлаш керакми? Нима учун?
4. Нима кўпроқ бепул ҳисобланади «Меники»ми ёки «Бизники» ?
5. Сен ўқиётган ўқув даргоҳи ўз баҳосига эгами? Сенинг фикрингча у қанча туроди? Бу ерда сен бепул фойдаланаётган нарсалар: спорт жиҳозлари, кутубхона, компьютерлар ўз қийматига эгами?
6. Агар ҳамма сен учун яратилган шароитдаги бепул нарсалар ўз қийматига эга бўлса, сен уларни қақдай асраган бўлардинг?

2.Хулосалаш» (Резюме, Веер) методи.

Методнинг максади: Бу метод мураккаб, куптармокли, мумкин кадар, муаммоли характеристидаги мавзуларни урганишга каратилган. Методнинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоклари буйича бир хил ахборот берилади ва айни пайтда, уларнинг хар бири алоҳида аспектларда мухокама этилади. Масалан, муаммо ижобий ва салбий томонлари, афзаллик, фазилат ва камчиликлари, фойда ва заарлари буйича урганилади. Бу интерфаол метод танкидий, таҳлилий, аник мантикий фикрлашни муваффакиятли ривожлантиришга ҳамда ўқувчиларнинг мустакил гоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда тизимли баён этиш, химоя килишга имконият яратади. “Хулосалаш” методидан маъруза машгулотларида индивидуал ва жуфтликлардаги иш шаклида, амалий ва семинар машгулотларида кичик гурухлардаги иш шаклида мавзу юзасидан билимларни мустахкамлаш, таҳлили килиш ва таккослаш максадида фойдаланиш мумкин.

Намуна

Дифференциал, интеграцион, масофавий таълим					
Дифференциал т.		Интеграцион таълим		масофавий таълим	
афзаллиги	камчилиги	афзаллиги	камчилиги	афзаллиги	камчилиги
Хулоса:					

3. ФСМУ технологияси

Технологиянинг характеристикаси. Ушбу технология мунозарали масалаларни хал этишда, баҳс-мунозаралар ўтказишда ёки ўқув-семинари якунида (талаба (ёки ўқувчи)ларнинг ўқув машғулотлари ҳамда ўтилган мавзу ва бўлимлардаги баъзи мавзулар, муаммоларга нисбатан фикрларини билиш мақсадида) ёки ўқув режаси асосида бирор-бир бўлим ўрганилгач

кўлланилиши мумкин. Чунки бу технология талаба (ёки ўқувчи)ларни ўз фикрини ҳимоя қилишга, эркин фикрлаш ва ўз фикрини бошқаларга ўтказишга, очик ҳолда баҳслашишга, шу билан қаторда ўкувчи-талабалар томонидан ўқув жараёнида эгалланган билимларини таҳлил этишга ва эгаллаганлик даражасини аниқлашга, баҳолашга ҳамда ларни баҳслашиш маданиятига ўргатади.

Технологиянинг мақсади. Ушбу технология талаба (ёки ўқувчи)ларни тарқатилган оддий қоғозга ўз фикрларни аниқ ва қисқа холатда ифода этиб, тасдиқловчи далиллар ёки инкор этувчи фикрларни баён этишга ёрдам беради.

Машғулотни ўтказиш тартиби:

- ўқитувчи ҳар бир талаба (ёки ўқувчи)га **ФСМУ** технологиясининг тўрт босқичи ёзилган қоғоз ва рақларини тарқатади ва якка тартибда уларни тўлдиришни илтимос қиласди. Бу ерда:

- Ф — фикрингизни баён этинг;
 - С — фикрингиз баёнига сабаб кўрсатинг;
 - М — кўрсатган сабабингизни асословчи далил келтиринг;
 - У — фикрингизни умумлаштиринг.
- ўқитувчи талаба (ёки ўқувчи)лар билан баҳс мавзуси (ёки муаммо)ни белгилаб олади;
- якка тартибдаги иш тугагач, талаба (ёки ўқувчи)лар кичик гуруҳларга ажратилади ва кичик гуруҳларга **ФСМУ** технологиясининг тўрт босқичи ёзилган катта форматдаги коғозларни тарқатади;
 - кичик гуруҳларга ҳар бирлари ёзган қоғозлардаги фикр ва далилларни катта форматда умумлаштирган ҳолда тўрт босқич бўйича ёзишларини таклиф этилади;
 - ўқитувчи кичик гуруҳларнинг ёзган фикрларини жамоа ўртасида ҳимоя қилишларини сўрайди;
 - машғулот ўқитувчи томонидан муаммо бўйича билдирилган фикрларни умумлаштириш билан якунланади.

Тарқатма материалнинг тахминий нусхаси

Вазифа. Педагогик технология ўзини оқлайди!» мавзуси бўйича қўйидаги фикрларингизни баён этинг:

- (Ф) - фикрингизни баён этинг;
- (С) - фикрингиз бабнига бирон сабаб кўрсатинг;
- (М)- кўрсатилган сабабни тушунирувчи (исботловчи) мисол келтиринг;
- (У) - фикрингизни умумлаштиринг.

4.Ролли-ишchan ўйин «консенсус и конфронтация» «Келишув ва зиддият»)

Технологиянинг мақсади: талаба (ёки ўқувчи)ларда мантиқий ва танқидий фикрлаш ҳамда муросага келиш маҳоратини шакллантириш ва

болалар ҳукуқлари муаммолари билан боғлик бўлган тушунчаларини аниқлаш.

Машғулотни ўтказиш кетма-кетлиги:

1. Ўйинни бошлиш.

Мазкур босқичнинг вазифаси: у ёки бу фикрни тўғри эканлигини исботлаш орқали оппонентларни ўз томонига оғдириш.

Машғулотни ўтказиш тартиби:

Талаба (ёки ўқувчи)ларга бирин-кетин тасдиқловчи фикр ёзилган тарқатма материаллар кўрсатилади. Уларга тарқатма материалларда берилган фикрларни қабул қилиш ёки қилмаслик таклиф қилинади. Тарқатма материаллардаги фикрларни қабул қилган талаба (ёки ўқувчи)лар бир томондан, қолганлари иккинчи томондан жой эгаллайдилар. Шундай қилиб гуруҳ 2та кичик гурухларга ажраладилар. Улардан бири тасдиқланган фикрни қабул қиласди ва унинг тўғрилигини исботлайди, бошқа гуруҳ оппонент бўлади. Гурухларнинг вазифалари - ўз гурухларига бошқа гуруҳ азоларндан кўпроқ кишини жалб қилиш, яъни уларниг ўз фикрларини ўзгартиришга олиб келишдан иборатдир. Ҳар бир тасдиқланган фикр устида 5 дақиқа ишланади.

Тарқатма материалдаги тасдиқланган фикрлар қуйидагича бўлиши мумкин:

- болалар ҳукуқлари ҳеч қачон етарлича ҳимоя қилинмайди;
- ўзининг ҳукуқларини билиш ва уни ҳимоя қилиш шарафли ишдир;
- «Болалар шахсий ҳаёт кечириш ҳукуқига эгадирлар» бу ҳақиқатни катталар ҳеч қачон қабул қилолмайдилар;
- ўз ҳукуқларини ҳимоя қила туриб, баъзида ўзаро зиддиятларга ҳам боришига тўғри келади;
- ўз ҳукуқларимни ҳимоя қила оламан, турли услубларни маъқуллай оламан;
- ҳар бир бола учун ўз ҳукуқларини билиш ўта муқимдир;
- маъсулият ҳақида эса болага катталар эслатиб туришади;
- ҳамма вақт менинг ҳукуқларим бошқалар ҳукукларини чегаралаб туради;
- ҳуқуқ доимо жавобгарликни сезишни тақозо этади;
- болалар ҳукуқларини фақат катталар ҳимоя қила оладилар;
- ҳар бир инсон ўз қарашларини ўзгартириш ҳукуқига эга;
- катталар ҳукуқлари болаларнинг ҳукукларини чегаралайди;
- кучли одам ҳамиша ҳақдир;
- эркаклар ва аёллар ҳеч қачон тенг бўлмайдилар.

2. Таҳлил:

Мазкур босқичнинг вазифаси: ўйинни ўтказиш вақтида ўз ҳолатини таҳлил қила олиш ва қуйидаги саволларга жавоб бериш:

- Ўйин шартларини бажариш қийин бўлдими?
- Мазкур ишни бажариш вақтида нималарни ҳис этдингиз?
- Баҳс - мунозара натижасидан қониқдингизми?

- Натижага эришишингизда Сизга нима ёрдам берди ва нима ҳалақит берди?

Бу фаолият ҳамкорликда ўтиши, кўтаринкилик руҳида бўлиши, сұхбатдош чарчамаслиги ва яхши натижа билан тугаши керак.

Баҳс-мунозараларнинг натижасини албатта таҳлил қилиш ва баҳолаш керак. Унинг муваффақияти: *биринчидан*, гурухлар ва уларнинг иштирокчи (ҳамкор)ларини бир-бирларига ўзларининг вазиятлари ва ҳолатларини тушунтириб янги ахборотлар олишларига, *иккинчидан*, ўзаро муносабат вақтидаги зиддият (ёки салбий ҳолат)ни бир қисмини йўқ қилинишига эришишларига, учинчидан, кўйилган муаммони ечиб ўзаро бир-бирларини тушунишларига боғлиқ.

3. *Муросага келишишининг кичик гуруҳда (жуфтликда) ташкил этилиши.*

Мазкур босқичнинг вазифаси: икки оппонент ўртасидаги у ёки бу нарсанни тасдиқланиш розилигига эришиш.

Машғулотни ўтказиш тартиби:

Талаба (ёки ўқувчи)ларга бирон-бир тасдиқданган фикрни танлаш таклиф этилади. Бу биргаликдаги иш қуйидаги кўринишда: бир киши тасдиқловчи -иккинчи киши инкор этувчи бўлади. Бу фаолият якунида маълум бир жуфтлик-лар аниқпанади (ёки уч қатнашчи агар кичик гуруҳда уч киши бўлса). 10 дақиқа мобайнида конструктив баҳс-мунозара кўникмаси ёрдамида муроса (консен-сус)га эришиш керак.

Муҳокама қилиш учун таҳминий саволлар қуйидагicha бўлиши мумкин:

- Сизга ўйин шартларини бажариш қийин бўлмадими?
- Ўйин давомида Сиз нималарни хис этдингиз?
- Баҳс - мунозара натижасидан кониқдингизми?
- Натижага эришишда Сизга нима ёрдам берди ва нима ҳалақит берди?

Машғулот оҳирида ўқитувчи талаба (ёки ўқувчи)ларнинг фаолиятларига баҳо беради ва машғулотни якунлайди.

5. «Тушунчалар таҳлили» услуби

Услубнинг мөҳияти. Ушбу услуб ўтилган (чорак, семестр ёки йилида тугаган) ўқув предмети ёки бўлим барча мавзуларини талаба (ёки ўқувчи)лар томонидан ёдга олиш, бирон - бир мавзу бўйича ўқитувч», томонидан берилган тушунчаларга мустақил равишда ўз изоҳларини бериш, шу орқали ўз билимларини текшириб баҳолашга имконият яратиш ва ўқитувчи томонидан қисқа вақт ичida барча талаба (ёки ўқувчи)ларни баҳолай олишга-йўналтирилган.

Услубнинг мақсади. Талаба (ёки ўқувчи)ларни машғулотда ўтилган мавзуни эгаллаганлик ва мавзу бўйича таянч тушунчаларни ўзлаштириб олинганлик даражаларини аниqlаш, ўз билимларини мустақил равишда эркин баён эта олиш, ўзларининг билим даражаларини баҳолай олиш, якка ва гурухларда ишлай олиш, сафдошларининг фикрига хурмат билан караш, шунингдек ўз билимларини бир тизимга келтира олишга ўргатиш.

Услубнинг қўлланиши: ўқув машғулотларининг барча турларида (дарс бошланиши ёки дарс охирида, ёки ўқув предметининг бирон бир бўлими тугалланганда) ўтилган мавзуни ўзлаштирилганлик даражасини баҳолаш, такрорлаш, мустаҳкамлаш ёки оралиқ ва якуний назорат ўтказиш учун, шунингдек, янги мавзуни бошлашдан олдин талаба (ёки ўқувчи)ларнинг билимларини текшириб олиш учун мўлжалланган. Ушбу услубни машғулот жараёнида ёки машғулотнинг бир қисмида якка, кичик гуруч ҳамда жамоя шаклида ташкил этиш мумкин. Ушбу услубдан уйга вазифа беришда ҳам фойдаланса бўлади.

Машғулотда фойдаланиладиган воситалар: таркатма материаллар, таянч тушунчалар рўйхати, қалам (ёки ручка), слайд.

Изоҳ: режса бўйича белгиланган мавзу асосида ҳамда ўқитувчининг кўйган мақсади (текшириши, мустаҳкамлаш, баҳолаш)га мос тайёрлан тарқатма материаллар (агар якка тартибда ўтказиши мўлжсаллангаи бўгуруҳ ўқувчилари сонига, агар кичик гуруҳларда ўтказиши белгтанган бўлса, ҳолда гуруҳлар сонига қараб тарқатма материаллар тайёрланади).

Машғулотни ўтказиш тартиби:

- талаба (ёки ўқувчи)ларни гуруҳларга (шароитга караб) ажратади;
- талаба (ёки ўқувчи)лар машғулотни ўтказишга қўйилган талафоидалар билан таништирилади;
- тарқатма материаллар гуруҳ аъзоларига тарқатилади.
- талаба (ёки ўқувчи)лар якка тартибда ўтилган мавзу ёки янги мавзу бўйича тарқатма материалда берилган тушунчалар билан танишадилар;
- талаба (ёки ўқувчи)лар тарқатма материалда мавзу бўйича берилган тушунчалар ёнига эгаллаган (ёки ўзларининг) билимлари асосида (берилган тушунчаларни қандай тушунган бўлсалар шундай) изоҳ ёзадилар (якка тартибда);
 - ўқитувчи тарқатма материалда мавзу бўйича берилган тушунчаларни ўқийди ва жамоа билан биргаликда ҳар бир тушунчага тўғри изоҳни белгилайди ёки экранда ҳар бир тушунчанинг изоҳи берилган слайд орқали (имкони бўлса) таништирилади;
 - ҳар бир талаба (ёки ўқувчи) тўғри жавоб билан белгиланган жавобларнинг фарқларни аниқлайдилар, керакли тушунчага эга бўладилар, ўз-ўзларини текширадилар, баҳолайдилар, шунингдек билимларини яна бир бор мустаҳкамлайдилар.

Изоҳ: «Тушунчалар таҳлили» услубини «Чайнвورد», «Ўзлуксиз занжир», «Кластер», «Блиц-занжир» шаклида ҳам ташкил этиши мумкин.

«Тушунчалар таҳлили» услубидан бир дарснинг ўзида дарс бошланишида ўтган мавзуни такрорлаш, мустаҳкамлаш ёки янги мавзу бўйича талаба (ёки ўқувчи)ларнинг дастлабки билимлари, қандай тушунчаларни эгалаганликлари ва шу дарснинг охирида бугунги мавзудан нималарни билиб олганликларини аниқлаш учун ҳам фойдаланиш мумкин.

Куйидаги машғулотда фойдаланиладиган тарқатма материални мисол тариқасида келтирамиз (илова).

Тушунчалар	Мазмуни
Таълим	
Тарбия	
Таълим мазмуни	
Ўқитиши услублари	
Ўқитиши шакллари	
Дарс (ўкув машғулот)	
Ўқитиши воситалари	
Назорат уолублари	
Баҳолаш услублари	
Технология	
Педагогик технология	
Педагогик инновация	
Педагогик маҳорат	
Педагогик квалиметрия	

6.Икки кисмли кундаликлар

Икки кисмли кундаликлар ўқувчиликка матн мазмунини уз шахсий тажрибаси билан чамбарчас боғлаш, узининг табиий кизикувчанини дондириш имконини беради. Айнидса, удувчилик дандайдир адабиётларни удув аудиториясидан ташдари удиб чидиш топширигини олишганида икки дисмли кундаликлар фойдалидир.

Икки дисмли кундалик учун удувчилик ёзилмаган догознинг уртасидан тик чизид утказиб, уни иккига ажратишлари керак. Догознинг чап томонига матннинг дайси дисми уларга энг куп таассурот долдирганини дайд этишади. Эҳтимол, у дандайдир хотирани уйготар ёки хаётларида юз берган водеаларни эсга туширас, ёки шунчаки таажжубга солар. Ёхуд уларнинг далбиди кескин норозилик хиссини уйготар. Унг томонида улар шарх беришлари керак: айни шу цитатани ёзишга уларни нима мажбур этди? Уларга дандай фикрлар уйготди? Шу муносабат билан уларда дандай савол тугилди? ^иссадаси, матнни удиркан, удувчилик вадти-вадти билан тухташлари ва узларининг душалод кундаликларида шундай белгилар дуйиб боришлари керак.

Куйида ана шундай икки дисмли кундаликка мисол келтирамиз:

Ўзбекистонда узлуксиз таълим тизими	
Японияда “Дзюку” тулдирувчи мактаблари	
Жанубий Кореяда чет тилини ургатувчи ^“хагвон”-душимча мактаблар	
Германияда бошлангич таълим хусусиятлари	
Францияда урта таълим: коллежлар ва лицейлар	

7.Б/Б чизмаси

Б/Б чизмаси-Биламан/ Билишни хохлайман/ Билиб олдим. Мавзу, матн, булим буйича изланувчиликни олиб бориш имконини беради.

Тизимли фикрлаш, тузилмага келтириш, таҳлил дилиш куникмаларини ривож-лантиради.

Талабалар:

- Жадвални тузиш доидаси билан танишадилар. Алохидা /кичик гурухларда жадвални расмийлаштирадилар.
- “Мавзу буйича нималарни биласиз” ва “Нимани билишни хохлайсиз” деган саволларга жавоб берадилар (олдиндаги иш учун йўналтирувчи асос яратилади). Жадвалнинг 1 ва 2 булимларини тулдирадилар.
- Маъruzani тинглайдилар, мустадил удийдилар.
- Мустадил кичик гурухларда жадвалнинг 3 булимни тулдирадилар

Б/БХ/Б ЖАДВАЛИ

Биламан	Билишни хохлайман	Билиб олдим

8. Бир неча манбалардан фойдаланиб маъруза тайёрлаш.

Талабалар одатда семинар машгулотларида жавоб бериш учун маърузалар тайёрлашади. Бунинг учун талабаларга маърузалар тайёрлаш йуллари ва имкониятларини ургатиш лозим. Ана шундай имкониятлардан бири-бу бир неча манбалардан фойдаланиб маъруза тайёрлаш хисобланади. Мазкур маъруза жавдвал холатида тайёрланиб, талабага жавоб бериш учун таянч сигнал вазифасини бажаради. Бунинг учун талаба беш устундан ва

материалнинг хажмига дараф бир неча устундан иборат оддий жадвал тузади. Юдоридаги датордаги устунларда ахборотнинг турли манбалари номини курсатишади: дарслеклар, журнал мадолалари, интернет материаллари, интервьюлар.

Чап томондан биринчи катакнинг хар бир даторига талаба мавзуга тегишли ёки жавоб олиниши зарур булган саволни ёзади:

Саволлар	Дарслек	Журнал маколалари	Интернет материаллари	Интервью
Дифференциал таълим нимани англатади?				
Тулдирувчи таълим турла- рини айтинг.				
Интеграцион таълимнинг мазмун моҳияти.				
Хориж тажри- басида идти- дорли талабалар билан иш- лаш масалалари				
Модулли таълимнинг афзаллиги нимада?				
Модулли- кредит тизими мазмун моҳияти.				

9. “Модулли-кредит тизими” мавзусига доир тоифалаш жадвали

“Модулли- кредит тизими”тушун- часи тавсифи	Кредит технологияси буйича тинглов- чилар билимини баҳолаш методикаси	“Модулли- кредит тизими”нинг хусусиятлари	“Модулли- кредит тизими”нинг тамойиллари
---	---	---	--

III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

1-мавзу: Инсон борлигининг ўзига хос хусусиятлари

- 1.Инсон фалсафанинг азалий муаммоси.
- 2.Инсоннинг корпускуляр-тўлқинли табиати.
- 3.Инсон борлигида онгнинг табиати.

Инсон борлиги тирик табиатдан табиий ривожланишнинг бутунлай янги, юқорироқ босқичи эканлиги билан ажралиб туради. Айни шу сабабли юқоридаги мавзуда жонли нарсалар борлиги ҳақида нима дейилган бўлса, барчаси инсонга ҳам тегишли ва унинг табиий-жисмоний, биологик асоси ҳисобланади. Шундай қилиб, жонли организмларнинг мавжудлик қонунлари ва тамойиллари хис этувчи мавжудот саналган инсонга нисбатан ҳам тўла татбиқ этилади. Аммо бундан ташқари инсонни қолган барча жонли нарсалардан фарқлаш имконини берадиган, унда ҳеч шубҳасиз мавжуд бўлган, лекин синчиклаб қараганда кўринмайдиган, аниқ тавсиф беришнинг иложи бўлмаган нимадир мавжуд. Инсоннинг ички дунёсини акс эттирувчи бу «нимадир» турли даврларда турли мутафаккирлар томонидан жон, руҳият, онг, тафаккур, идеал ва ҳоказолар деб аталган.

Инсоннинг моҳиятини тушунишга уринишлар, инсон борлигининг ўзига хос хусусиятини аниқлаш истагига биз ибтидоий жамоа давридаёқ дуч келамиз. Фалсафа тарихида инсон индивидуаллигининг ички, яширин ҳолатини акс эттирувчи «жон» ва «онг» тушунчаларининг таҳлилига алоҳида эътибор қаратилган.

Жумладан атоқли соғистлардан бири Протагор (мил. ав. 490-420 йиллар) мил. ав. V асрдаёқ «инсон барча нарсалар мезонидир: у мавжуд нарсаларнинг мавжудлигини, йўқ нарсаларнинг эса йўқлигини белгилайди», деб қайд этган эди. Суқрот (мил. ав. 469-399 йиллар) ҳам ҳақиқат излаб инсонга мурожаат этади. Инсон ўз жони фаолиятини бошқара олади, шу боис дунёни тушуниш йўли ўз-ўзини билиш орқали ўтади, деб ҳисоблади. Суқротнинг машхур шогирди Платон биринчи бўлиб жон ҳақидаги яхлит таълимотни яратди. У одамлар жонининг қандайлигига қараб уларни ҳар хил типларга ажратди.

Кейинги даврларда Сенека, Р.Декарт, А.Навоий, А.Жомий, И.Кант, И.Г.Фихте, Ж.П.Сартр, М.Хайдеггер ва бошқа мутафаккирлар инсоннинг маънавий негизини биринчи ўринга қўйиб, унинг онги, маънавий дунёси ва билиш қобилиятларини ўрганиш ишига салмоқли ҳисса қўшдилар. Бироқ XXI асрда деярли икки ярим йиллик тарихий тараққиёт жараёнида ҳам инсон муаммоси ўз аҳамиятини йўқотмаган.

Индивидуаллик борлиги. Нима учун билиш жараёнида инсоннинг ички дунёси доим биринчи ўринда туради? Нима учун инсон борлиги нарсалар борлигини тушунишда аксарият муаллифларга таянч нуқтаси бўлиб хизмат қиласи? Бу саволларга жавобни қисман француз файласуфи А.Бергсон (1859-1941)нинг қўйидаги сўзларидан топиш мумкин: «Мавжуд барча нарсалар орасида энг ишончлиси ва бизга кўпроқ маълум бўлгани, ҳеч шубҳасиз, бизнинг ўз мавжудлигимиздир, зеро бизда бошқа нарсалар ҳақида мавжуд тушунчаларни сиртқи ва юзаки деб ҳисоблаш мумкин, ҳолбуки ўз-ўзини билиш ички, теран билишдир¹.

Одамлар асрлар оша ўзларига ўзлари назар ташлаб, ўз ички дунёсини таҳлил қилиш ва ўз моҳиятини тушунишга уриниш йўли билан баъзи бир шак-шубҳасиз тамойилларни аниқлаганлар. Улар орасида инсон тана ва руҳнинг узвий бирлигидир деган тамойил, биринчи ўринда туради. Зеро бу инсон мавжудлигининг мутлақ ва зарурий омилидир. Айни вақтда бу бирликнинг йўқолиши, унинг узилиши муайян индивиднинг ўлимини, у фикрловчи жонзор сифатида борлиқдан йўқликка ўтишини англатади. Бунда тана табиий-жисмоний тузилма сифатида инсон ўлемидан кейин ҳам маълум вақт мавжуд бўлади, яъни ўз борлигини муайян даражада сақлайди. Аммо борлиқ маъносидаги

¹ Бергсон А. Творческая эволюция. – М.: 1984. – С.1.

индивидуал рух, онгдан асар ҳам қолмайди. Моҳият эътибори билан уларнинг йўқолиши муайян инсоннинг ўлимини, индивидуаллик йўқ бўлганини англатади.

Инсон борлиғида онгнинг табиати. Онг муаммосини ечишга нисбатан янгича ёндашувлар ҳозирги замон фалсафасининг иррационалистик оқимларига (лот. Irra Онгнинг табиати.) мансуб. Онг муаммоси ўта мураккаб муаммолардан бири бўлиб, фалсафада доим қизғин баҳс ва мунозараларга сабаб бўлиб келган. Бу баҳс ва мунозаралар ҳозир ҳам тугагани йўқ. Бу ерда гап фақат фалсафа ўз табиатига кўра унда изланиш ва иштиоҳ руҳи яшагани туфайлигина мавжудлигига эмас.

Онгнинг табиати шундай: у хиссий идрок этиладиган объектив борлиқни тушуниш ва акс эттириш учун биз юқорида фойдаланган аксарият кўрсаткичлар ва тавсифларга мос келмайди. *Онгни ўлчаши, бирон-бир тарзда миқдорий ифодалаши, сезии ёки кузатиш мумкин эмас, зеро унинг массаси ҳам, энергияси ҳам йўқ, шунингдек у моддий объектлар каби муайян шакл-шамоийлга ҳам эга эмас.*

Онг шакл-шубҳасиз мавжуд, аммо у аниқ-равшан эмас, балки билвосита – одамлар тили ва муайян фаолияти орқали намоён бўлади. Бинобарин, инсон борлигининг бу элементларини таҳлил қилмасдан онгнинг моҳиятини аниқлаш мумкин эмас. Мазкур таҳлил онгнинг биологик жиҳатини ҳам ўз ичига олади, зеро унинг мавжудлиги инсон бош мияси фаолияти билан узвий боғлиқ. Шу сабабли онгнинг табиати нафақат фалсафада, балки физиология, психология, социология, кибернетика, информатика ва бошқа ижтимоий ва табиий фанларда ҳам ўрганилади.

Айни вақтда мазкур муаммо ўта мураккаблиги туфайли унинг фалсафий талқини айрим фанлар учун муҳим методологик рол йўнайди. Уларнинг натижалари эса, ўз навбатида, онгнинг табиати хусусидаги фалсафий мулоҳазалар учун асос бўлади. Онгнинг табиати масаласининг кўйилиши ва унга берилган тегишли жавоб, одатда, барча кейинги фалсафий, чунончи: онтологик, гносеологик, ижтимоий ва бошқа мавзулардаги мулоҳазаларнинг йўналишини белгилайди.

Онг ва жоннинг тенглаштирилиши. Атроф муҳитда, ўз ички дунёсида юз бераётган ўзгаришларга одамлар қадим замонлардаёқ эътибор берганлар. Бу жон ва рух ҳақидаги мулоҳазалар пайдо бўлишига олиб келган. Шу тариқа башарият тарихида анимизм - одамлар, ҳайвонлар ҳаёти, нарсалар ва ҳодисаларга жон ва руҳлар таъсир кўрсатишига бўлган эътиқод пайдо бўлди, шу аснода шаклланган дунё ҳақидаги тасаввурлар кейинчалик у ёки бу тарзда турли динлар негизини ташкил этди.

Жон ҳақидаги илк фалсафий тасаввурлар одатда муайян биринчи асослар (ҳаво, олов, атомлар ҳаракати ва ш.к.) билан боғланган ва шахссиз бўлган, яъни инсон табиатининг бетакрорлиги, унинг индивидуаллиги билан тенглаштирилмаган. Суқротдан олдинги фалсафа тўлалигича шундай хусусиятга эга бўлиб, бу ерда идеаллик тушунчасини деярли учратмаймиз. Масалан, оловни оқил ва олижаноб, сувни – тубан асос деб ҳисоблаган Гераклит жон (психея) олов ёки сувдан иборат бўлади, деган ғояни илгари суради. Олов кўпроқ бўлган жонни «куруқ» - энг оқил ва мақбул деб ҳисоблайди. Жон намлангач, ўз кучини йўқотади, хўллангач эса – ҳалок бўлади. Шу сабабли жон олови кучлироқ ёниши учун фаол маънавий ва ақлий ҳаёт кечиришга ҳаракат қилиш лозим. Ўз навбатида айрим кишиларнинг жонлари бутун дунёнинг биринчи сабаби ҳисобланадиган ва уни бошқарадиган дунёвий ақл олови – «логос» билан боғлиқ.

Суқрот ва Платон моддий ва идеал ҳодисаларни фарқлаган. Шунингдек, Платон Европа фалсафий анъанасида идеал асосни қайд этибина қолмасдан, балки ундан моддий асосни ҳам келтириб чиқарган биринчи файласуф ҳисобланади. Айрим инсон онги эса, Платон фикрига кўра, унинг жони билан бевосита боғланади. Бу ўлмас жон у ёки бу танага, тана туғилгунга қадар ўз «зиндони»га тушгандек кириб жойлашади ва у ўлганидан кейин эса боқий ғоялар дунёсида мушоҳада юритади ва шу тариқа уларни ўрганиб яшайди. Платон руҳий ҳодисаларни туйғулар дунёси (сезиш ва идрок этиш) ва интеллектга ажратди. Интеллектда у ақл ва идрокни фарқлади. Бунда соф ғоялар билан иш кўрувчи ақл фикрлашнинг формал усувлари билан боғлиқ (масалан, математикада)

идрокка қараганда юксакроқ ҳодисадир. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, кейинчалик фалсафада идеал нарсалар ва ҳодисаларни тушунишга нисбатан кўп сонли ҳар хил ёндашувлар пайдо бўлди, аммо уларнинг барчаси идеалликни моддийлик ва кўламлиликка қарши қўяди.

Аристотелнинг «Жон ҳақида» рисоласини қадимги юонон файласуфларининг онг ҳақидаги фалсафий мулоҳазаларининг муайян якуни деб ҳисоблаш мумкин. Бу ерда жон тананинг моҳияти, унинг уюштирувчи тамойили саналса-да, лекин ақл ички фаоллигининг инъикосига эмас, балки космос ҳаётининг умумий қонунларига бўйсунади.

Ўрта асрлар Европа фалсафаси «дин чўриси»га айланиб, онг ҳақидаги масалага бутунлай ўзгача нуқтаи назар билан ёндашди – уни абадий мавжуд бўлган ва дунёни, шу жумладан инсон ва унинг жонини йўқлиқдан яратган Худонинг ягона дунёвий асос сифатидаги талқини билан боғлади. Бу таълимотга биноан инсон акли илоҳий ақлнинг бир зарраси сифатида муайян даражада ўзини ўзи билиш, ўзини ўзи таҳлил қилиш қобилиятига эга бўлса-да, онгнинг бу фаолияти Тангрини билиш ва у билан мулоқот қилишга қаратилгандир. Онгнинг мазкур объектив-идеалистик талқини билан бир қаторда Ўрта асрларда онгни «фикрловчи материя»дан келтириб чиқарган материалистик анъанада ҳам узилиш юз бергани йўқ. Бундай қараашларга (ёки уларга мойилликка) мутафаккирлар Ибн Сино, Ибн Рушдва ижодига араб фалсафаси ўз таъсирини кўрсатган европалик айрим файласуфлар Дунс Скот, брабанлик Сигернинг асарларида дуч келиш мумкин.

Онг ҳақидаги тасаввурларнинг ривожланиши. Янги даврда онг ҳақидаги тасаввурлар анча кенгайди. *Р.Декарт (1596-1650)* онгни тафаккур билан тенглаштириб, уни умумироқ тусдаги «руҳият» тушиунчасидан ажратди ва онгни мустақил, эркин фикрловчи субстанция деб ҳисоблаб, ёнма-ён жойлашган бошқа – кўламли, фикрламайдиган, моддий субстанцияга қарши қўйди. Дуализм деб номланган мазкур фалсафий ёндашув кейинчалик онгнинг табиатини тушунишга нисбатан икки қарамакарши ёндашув юзага келишига замин ҳозирлади. Шулардан бири руҳийни жисмонийга (Гобс); маънавийни – моддийга боғлаш билан тавсифланади. Иккинчи ёндашув субъектив (Беркли, Юм, Фихте, Мах ва бошқалар) ва объектив (Платон, Фома Аквинский, Гегель) идеализм билан боғлиқ бўлиб, моддий ва жисмоний нарсалар ва ҳодисаларни иккиламчи, идеал, маънавий, руҳий нарсалар ва ҳодисалар маҳсули деб тушуниши билан ажралиб туради.

Иккала ёндашув ҳам немис классик фалсафасида фаол ривожлантирилди. Масалан, Гегель индивидуал онгга бутун ривожланиш негизи саналган мутлақ ғоянинг пировард шаклларидан бири сифатида ёндашди. Бу ерда онг тарихан белгиланган фаол асос сифатида тушуниллади. Мазкур асосда унинг тузилиши даражалари, хусусан, хиссий, мантикий, индивидуал ва ижтимоий даражалар фарқланади.

Бюхнер, Фохт, Молешотт каби файласуфлар онгга «вульгар материализм» нуқтаи назаридан ёндашади. Улар жигардан сафро ажралганидек, ақлдан фикр ажралади, деб ҳисоблаган. *Вулгар материализмга кўра онг соф моддий жараён, унинг мазмуни эса инсон ейдиган озиқ-овқат маҳсулотларининг кимёвий таркиби билан боғланади.*

Табиатшунослиknинг ривожланиши, айниқса нейрофизиология, биология, экспериментал психология соҳасида қўлга киритилган ютуқлар сўнгги йилларда бизнинг онг табиати ҳақидаги тасаввурларимизни сезиларли даражада кенгайтирди. Шунга қарамай, сунъий интеллект яратиш борасидаги ишлар, «фикрловчи машиналар»нинг пайдо бўлиши, «ахборот портлаши» ва компьютер инқилобининг бошқа натижалари, хусусан шахмат ўйинида ҳатто жаҳон чемионларини ҳам ютишга қодир суперкомпьютерларнинг яратилиши инсон онгининг моҳияти ва имкониятлари ҳақидаги масала янгидан қўйилишига сабаб бўлди. Шундай қилиб, аввалги саволларга жавоб олиш баробарида янги муаммолар ҳам пайдо бўлди. Бироқ улар онг муаммосини ечишга нисбатан ҳар хил, баъзан бир-бирини истисно этувчи нуқтаи назарлар ва фалсафий ёндашувлар сонини асло камайтиргани йўқ.

Онгсизлик. Онгсизликни (онг ости) тушуниш янада күпроқ қийинчилик туғдиради. Унинг мавжудлиги австриялик машхур психиатр З.Фрейд (1856-1939) томонидан XX аср бошида аниқлаган.

Хар хил тушлар, галлюцинациялар, хаёлдан кетмайдиган гоялар, интуиция ва шу кабилар онгсизликнинг намоён бўлиши шаклларига мисол бўлиши мумкин. Улар одамлар рухияти ва хулқ-авторига кучли таъсир кўрсатади, лекин айни вақтда бу жараёнларни бошқариш нуқтаи назаридан уларга бўйсунмайди. Шу сабабли онгсизлик онгнинг мазкур лаҳзада онг билан бошқаришга қодир бўлмаган парчаси, дейиш мумкин².

Олимлар инсонда онглилик ва онгсизликнинг ўзаро нисбати тўғрисида сўз юритар эканлар, баъзан уларни океандаги музтоққа ўхшатадилар. Бу музтоғнинг сув устидаги кўзга кўринадиган қисми онгга қиёсланади, сув остидаги кўринмайдиган қисми эса онгсизликка ўхшатиладики, унинг миқёси, шакли, тузилиши ва мазмуни ҳақида биз билвосита белгиларга кўра фақат тахмин қилишимиз мумкин.

Индивидуал онг борлиғи. Инсон онгини илмий тушуниш йўлидаги биринчи қадам одамзот онги унинг мияси ва физиологияси билан узвий боғлик бўлса-да, лекин улар умуман жонсиз ёки жонли табиат билан мутлақо боғланмайдиган алоҳида нарса сифатида мавжуд эканлигини тан олиш билан боғлиқдир. **Онг инсон миясининг объектив борлиқни идеал образларда акс эттириш ва бу образлардан фикрлаш жараёнида фойдаланиш қобилияти сифатида амал қиласи.** Уни бевосита кузатиш мумкин эмас. Онг фақат инсон мияси ишининг натижаси, унинг хоссаси сифатида, шунингдек онг намоён бўлишининг фикрлар, гоялар, эътиқодлар, қадриятлар, мўлжаллар ва шу кабилар тарзида ифодаланган турли шакллари орқали тадқиқ этилиши мумкин.

Индивидуал онг борлигини одатдаги макон ва вақт координаталарида тавсифлаш мумкин эмас. У нафақат доим «шу ерда ва ҳозир» мавжуд бўлади, балки гўёки макондан ташқарида ётади, чунки бирон-бир ҳажм ёки миқдорий ўлчанадиган чизиқли кўрсаткичлар билан ифодаланиши мумкин эмас. Вақтда у (далил сифатида, ҳодиса сифатида), ҳар қандай нарсанинг борлиғи каби, фақат ҳозирги замонда мавжуд бўлади, зеро у ўтмишда йўқ бўлган, келажакда эса ҳали мавжуд эмас. Бироқ, моддий нарсалар борлиғидан фарқли ўлароқ, онг бир қанча ўзига хос хусусиятлар, чунончи: вақт шкаласи бўйлаб ўтмишга ҳам, келажакка ҳам бир лаҳзада кўчиш, илгари мавжуд бўлган нарсалар, юз берган воқеаларни ҳаёлда акс эттириш, пайдо бўлиши, юз бериши мумкин бўлган нарсалар ва воқеаларни тасаввурда гавдалантириш қобилиятига эгадир. Аммо ўтмиш ёки келажакнинг идеал образлари ҳисобланган онгни унинг ҳақиқий борлиғида ўз экранида тасвирларни алмаштирувчи айланувчан калейдоскоп билангина таққослаш мумкин.

Айрим кишилар борлиғи ҳақида сўз юритганда, шуни таъкидлаш лозимки, у барча жонли организмларда бўлганидек функционалгина эмас, балки ўз шаклланиш жараёнида муайян босқичлардан ўтади, бунда тана билан бир қаторда рух ҳам ривожланади. Гарчи бу икки жараён диалектик жиҳатдан ўзаро боғлик бўлса-да, улардан ҳар бирининг ривожланиши ўз йўлидан боради ва асосан турли қонунларга бўйсунади. Айрим кишилар бир-бирига ўхшамаслиги ва уларнинг чексиз даражада ранг-баранглиги шу ҳол билан белгиланади. Улар ўз шаклланиш жараёнининг айни бир босқичлари - инсон, индивид, шахсни ҳар бири ўзича босиб ўтади.

Шахс – инсоннинг уни қуршаган бошқа одамлар томонидан қандай идрок этилиши, тавсифланиши ва баҳоланишини акс эттирувчи ижтимоий ҳодиса. Шахс фақат жамиятда, ўзига ўхшаш одамлар билан мулоқот қилиш, ўтган авлодлар тўплаган тажриба ва билимларни, ўзига қадар яратилган қадриятлар ва хулқ-автор қоидаларини ўзлаштириш орқали шаклланиши мумкин. Шунинг учун ҳам *шахс бўлиши – ижтимоий «қиёфа»га эга бўлиши демакдир*. Буларнинг барчаси ижтимоий борлиқнинг турли ҳолатлари ва жараёнларини тавсифлайди. Уларни тўла ёритиш ижтимоий фалсафа муаммоларининг бутун мажмуини таҳлил қилишни тақозо этади.

² Карап: Шрейдер Ю.А. Загадочная притягательность философии (субъективные заметки) // Вопросы философии. 1996. №7. – С.168.

Ижтимоий онг борлиғи. Ижтимоий борлиқнинг ўзига хос хусусиятларига назар ташласак, у борлиқнинг биз юқорида кўриб чиқсан бошқа барча шаклларидан бутунлай фарқ қилишини кўрамиз. Яхлит ҳолда олинган ижтимоий «организм» ҳайвонлар подасидан бутунлай фарқ қиласди. Жамиятнинг бу ўзига хос, бетакрор хусусияти фалсафада «ижтимоий онг», «жамоа ақли», «объективлашган маънавият» ва ҳоказолар деб аталади. У ҳар хил шаклларда намоён бўлади.

Бу фикрни исботлаш учун муроқот, коммуникация, одамларни тарбиялаш ва уларнинг ижтимоийлашуви воситаси саналган тилни кўриб чиқамиз. Тилнинг айрим кишилар онги, ғоялари, фикрлари билан узвий боғлиқлиги аниқ, аммо ҳозирги замон фани нуқтаи назаридан тил ижтимоий табиатга эга эканлиги ҳам шубҳасизdir. Худди шунингдек тил (инсон нутқи) одамлар жамиятида пайдо бўлгани ва фақат шу ерда мавжуд бўлиши мумкин. Унинг ташки (офзаки, овоз) қўриниши, мазмуни, теранлиги, кенглиги, бойлиги кўплаб авлодларнинг кўп асрлик ўзаро алоқаси ва ўзаро камол топиши маҳсулидир. Бунда айрим инсон у ёки бу тилни фақат муроқот жараёнида ўзлаштиради. Айни ҳолда умуман тил ҳақида сўз юритилмоқдаки, у табиий ҳам, сунъий ҳам бўлиши мумкин.

Энди индивидуал ва жамоа (ижтимоий) маънавиятининг идеаллар, меъёрлар, қадриятлар ва тасаввурларда акс этувчи ўхшаш жиҳатлари ва фарқларига тўхталамиз. Индивидуал маънавий борлиғдан фарқли ўлароқ, ижтимоий маънавий борлиғ ҳақида унинг фан, санъат, дин, ахлоқ ва умуман маданият тарзидаги қўринишларига қараб ҳукм чиқаришимиз мумкин. Хусусан, у ёки бу илмий ғояларнинг пайдо бўлиши доим муайян олимлар билан боғлиқ, аммо фан ижтимоий ҳодиса сифатида муайян шахслар билан боғланмайди, зеро у айрим олимлар илгари сурган назарий қоидалар мажмуидан юқорироқ даражада туради. Босма, аудиовизуал ва бошқа ахборот манбалари, тегишли асбоб-ускуналар ва шу кабиларсиз фанни тасаввур қилиш мумкин эмас. У яхлит ҳодиса сифатида мустақил борлиқка эга. Бугунги кунда, компьютер технологиялари инқилоби даврида фан жамиятнинг бевосита ишлаб чиқариш кучига айланди.

Санъат соҳаси ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин. Қўшиклар, ракслар ва мусика ўз муайян ижрочиларига эга бўлган ҳолда, ўзининг одатлар, расм-руссумлар ва идеаллар қўринишидаги нисбатан мустақил ҳаёти билан яшайди ва шу тариқа ижтимоий макон ва вактда ҳаракатланиб сақланиши, такомиллашиши ва кўпайиши мумкин.

Ижтимоий онгнинг яна бир ўзига хос хусусияти шундаки, у, индивидуал онгдан фарқли ўлароқ, ўз «танаси»ни «тарк эта» олмайди, худди шунингдек у ўз «танаси»дан, яъни жамиятдан ташқарида мавжуд бўлиши ҳам мумкин эмас. Шу сабабли ижтимоий онг асрлар мобайнида абадий мавжуд бўлган, йўқ қилиб бўлмайдиган нарса сифатида қаралган, унинг борлиғи эса бутун инсоният борлиғи йўқ бўлиши билан барҳам топиши мумкин, деб ҳисобланган.

Аммо XX асрнинг ўрталарида одамлар ўз-ўзини қирғин қилиш воситаси – ядро қуролини яратдилар ва шу пайтдан эътиборан инсоният ўзининг «умрбокийлиги»ни йўқотди ва эндиликда у, яшаб қолишига ҳаракат қилувчи айрим жонли организм каби, ижтимоий ҳаётни ўз-ўзини қирғин қилишдан асраб, ўз ижтимоий борлигини сақлаш ҳақида қайғуриши лозим. Шу боис қўйида онгнинг функциясини ўрганамиз.

Онг фалсафий муаммо сифатида. Рационализмдан фарқли ўлароқ *иррационализм* (*irrationalis* – нооқилона, онгсиз) борлиқни оқилона англиши имкониятини чеклайди, баъзан эса бутунлай инкор этади. Хусусан, неофрейдизмнинг атоқли намояндаларидан бири К.Г.Юнг (1875-1961) онгни илмий воситалар билан билиш мумкин эмас, деб ҳисоблаган ва унга таъриф беришга уринишлардан бутунлай воз кечиб, уни расмлар ва метафоралар ёрдамида тавсифлаш билангина кифояланиши таклиф қилган. Онгни тушуниш иррационализм экзистенциализм ва неопозитивизм каби фалсафий оқимларга ҳам хосдир.

Иррационализмга зид ўлароқ, онгни тушунишга нисбатан материалистик ёндашув онгнинг пайдо бўлишини материянинг ўзи билан тушунтиришга интилиш, айни вақтда унинг табиат ва вақтдан ташқарида ҳамда номоддий келиб чиқишини инкор этиш билан

тавсифланади. Бундай қарашларни асослаш учун илмий ва амалий ютуқлардан доим кенг фойдаланилган. Мазкур йўналиш турли даврларда сезувчи, фикрловчи материянинг фарқи ва ўзига хос хусусиятлари нимада?, деган мушкул саволларга жавоб излаган.

Мазкур муаммони тўла ва узил-кесил тушунганликни даъво қилмасдан, шуни қайд этиш мумкинки, ҳозирги замон фани ва ўзини бевосита ёки билвосита намоён этувчи онг инсон миясининг иш жараёни ҳисобланади, унинг функцияси сифатида амал қилади ва ундан айри ҳолда намоён бўлмайди, деб айтиш имконини беради.

Ҳозирги замон фани инсон миясида юз миллиарддан ортиқ асаб ҳужайралари узлуксиз ишлшини, уларнинг ҳар бири ўз навбатида бошқа ўн минг ҳужайра билан ахборот ва сигналлар алмашишини аниқлаган. Инсон мияси, гарчи унинг массаси тана массасининг атиги икки-уч фоизини ташкил этса-да, организм овқатдан оладиган бутун энергиянинг йигирма фоизига яқинроғини истеъмол қиласди.

Мазкур ўта мураккаб биологик «компьютер» ишини тадқиқ этиш мумкин бўлиб, бу билан маҳсус фанлар шуғулланади, аммо фалсафа бундай тадқиқотларни эътиборга олиб, ўз олдига биринчи навбатда онгнинг табиати қандай, деган саволга унинг вужудга келиши ва генезисини ўрганиш йўли билан жавоб бериш вазифасини қўяди. Бунда фалсафа инсон миясининг функцияси саналган онгни ўрганиш билангина чекланмайди, балки масалани кенгроқ қўяди: онгнинг бошқа шакллари, хусусан ўзга моддий тузилмалардан пайдо бўлган онг шакллари мавжуд бўлиши мумкинми?, деган саволга жавоб излайди. Шунингдек, фалсафа онгнинг материядан олдин пайдо бўлган ёки у билан мутлақо боғлиқ бўлмаган моҳият ҳисобланишини назарда тутадиган таълимотларни ҳам истисно этмайди.

Шунга қарамай бугунги кун нуқтаи назаридан инсон ақли тушунишга қодир бўлган борлиқка таянадиган фалсафий ғоялар ишончлироқ хусусият касб этади. Шу маънода онг хақида ҳозирча факат инсон мияси фаолияти муносабати билан аниқ сўз юритиш мумкин.

Янги табиий-илмий маълумотлар олиниши онгнинг табиатини тушунишга нисбатан материалистик ёндашувлар мавқенини кучайтиromoқда. Аммо, кези келганда шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, бу ўта мураккаб масала хусусида фалсафанинг материалистик йўналиши вакиллари ўртасида ҳам ягона фикр мавжуд эмас. Масалан, XX асрнинг 50-йиллари охирида АҚШ ва Австралияда «вульгар материализм» анъанасини давом эттириб вужудга келган *илмий материализм, моҳият эътибори билан маънавий ҳодисаларни миянинг физик ҳолатлари билан тенглаштиради* (Р.Рорти, Г.Фейгл, Д.Армстрон ва бошқалар). 70-йилларда АҚШ ва Канадада пайдо бўлган яна бир фалсафий йўналиш – «эмержентистик материализм» - индивидул руҳият ва онгнинг эволюцион келиб чиқиши ғоясини ҳимоя қиласди ва руҳий ҳодисаларни жисмоний ҳодисаларга боғлашга қарши чиқди. (ингл. emerge – юзага чиқиш, пайдо бўлиш, юзага келиш, унинг вакиллари – М.Бунгे, Ж.Марголис ва бошқалар)

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, онгнинг материалистик концепцияси ҳозирча энг мукаммал ва ҳозирги замон табиатшунослиги талабларига кўпроқ даражада жавоб берадиган фалсафий концепция бўлиб қолмоқда. Айни шу сабабли унга қуйида муфассалроқ тўхталамиз.

Онгнинг материалистик концепцияси. Материалистлар онгнинг пайдо бўлишини факат нотирик материядан табиий йўл билан вужудга келган тирик материянинг тадрижий ривожланиши маҳсули сифатида тушунтиришга ҳаракат қилдилар ва онг табиатининг талқинига «инъикос» тушунчасини киритадилар. Уни материянинг умумий хоссаси деб ҳисоблаб, онгни инъикоснинг олий типи деб тавсифлайдилар ва онгнинг генезисига табиий-тарихий нуқтаи назардан ёндашиб, унинг пайдо бўлишини меҳнат ва тил билан боғлади.

Онгнинг материалистик талқинида объектив дунёнинг барча объектлари, жараёнлари ва ҳодисалари муттасил ўзгаришида бўлади, шунингдек бир-бири билан универсал ўзаро алоқа қиласди ва ўзаро таъсирга кишишади.

Бундай ўзаро таъсирлар натижасида айрим жисмлар ва ҳодисалар бошқа жисмлар ва ҳодисаларга таъсир кўрсатиб, уларда тегишли ўзгаришлар ясаш ва уларни муайян тарзда ўзида гавдалантириш орқали уларда гўёки ўз «изи»ни қолдиради.

Инъикос - нарса ва ҳодисаларнинг ўзаро таъсирлашуви асосида ҳосил бўладиган ҳодиса, ҳолат, жараён ва ўзгаришларни ифодалайди³.

Тирик табиатда инъикос нисбатан содда шакллари ва пассив хусусияти билан тавсифланади. Яъни, сиртдан таъсирланиш натижасида нарсалар ва ҳодисалар ўз механик, физик ёки кимёвий хусусиятларини ўзгартиради, лекин мазкур ўзаро таъсирга жавобан ҳеч қандай фаоллик кўрсатмайди. Бу ерда кумдаги оёқ излари ёки қадимги организмлар ва ўсимликларнинг тоғ жинсларидағи излари, фотосуратлар, кўзгудаги акс ва шу кабилар мисол бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Ҳаёт пайдо бўлган пайтдан эътиборан инъикоснинг бутунлай бошқача (биологик) шакли – таъсирланувчанлик барча жонли нарсаларнинг атроф муҳит таъсирига муносабат билдириши қобилияти сифатида вужудга келди. Бу қобилият фақат сиртдан таъсирларга нисбатан намоён бўлади. Жонли организмлар эволюциясининг юқорироқ даражасида (ҳайвонот дунёси – фауна вужудга келиши билан) таъсирланиш қобилияти бутунлай бошқа хосса – сезувчанликка ўтади. Бу энди инъикоснинг руҳий шакли бўлиб, у организмларда нерв системаси ва руҳиятнинг элементар шакллари пайдо бўлиши натижасида вужудга келади. Сезувчанлик организмларнинг нарсаларнинг айрим хоссаларини сезгилар тарзида акс эттириш қобилияти сифатида намоён бўлади.

Сезгилар эса, ўз навбатида, юксак даражада уюшган ҳайвонларда, масалан умуртқали ҳайвонларда инъикоснинг янада мураккаброқ шакллари, хусусан идрок этиш ва тасаввур қилиш қобилияtlари пайдо бўлишига замин ҳозирлайди. Бу инъикоснинг объектив дунё нарсалари ва ҳодисалари мияда уларнинг идеал нусхалари кўринишида акс этадиган даражасидир. Бу ерда «аклли» ҳайвонлар мияси имкониятларининг чегараси намоён бўлади. Гарчи улар ўзини қуршаган дунёнинг идеал образларини тасаввур қилиб, шу образларга кўра, масалан, ўз эгаларини танисалар-да, уларнинг мияси идеал образлар билан фикрлаш амаллари тарзидаги маҳсус ишни бажаришга қодир эмас. Бу вазифани хал қилишга юқорироқ даражадаги мия қодир бўлиб, унга фақат инсонгина эгадир.

Шундай қилиб, биологик инъикос сезиш, идрок этиш ва тасаввур қилиш каби ҳиссий шаклларда амалга оширилади. Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, бу ерда фикрлаш жараёнида намоён бўладиган онг мавжуд эмас. Онг борлиқни акс эттиришнинг юқорироқ даражаси бўлиб, фақат ижтимоий соҳада мавжуд бўлиши мумкин ва инсон миясида аввало абстракт фикрлашнинг тушуниш, мулоҳаза ва муҳоҳада юритиш каби идеал шаклларида амалга оширилади. Инсон идеал образларни ўз онгидга умумлаштириб, шу тариқа объектив борлиқни тушунчаларда (категорияларда) акс эттиради. Уларнинг ўртасида мантиқий алоқа ўрнатиб, турли нарсалар, ҳодисалар ва шу кабиларнинг моҳиятини тўғри ёки нотўғри акс эттириш орқали улар ҳақида у ёки бу хулосага келади. Муҳоҳада юритиб инсон нарсалар ва ҳодисаларни билади ва шу тариқа борлиқни онгнинг муҳим хусусияти саналган абстракт фикрлаш орқали акс эттиради.

Инъикоснинг олий шакли сифатида онгнинг пайдо бўлиши «аклли одам» (*homo sapiens*)нинг шаклланиш жараёни билан боғланади ва аввало меҳнат фаолияти билан белгиланади. Меҳнат қилиш қобилияти руҳиятнинг ривожланишида улкан сакраш бўлди. Маймун анатомияси ва физиологиясидаги эволюция инсон пайдо бўлишига замин ҳозирлаган бўлса, табиати соғ ижтимоий хусусиятга эга бўлган меҳнат мазкур жараённинг энг муҳим омилига айланди.

Тил ва онг. Онг нафақат инсоннинг меҳнат фаолияти, балки одамлар ўзаро алоқаси ва мулоқотининг универсал воситаси – тил билан ҳам узвий боғлиқдир. Аник, тушунарли нутқнинг пайдо бўлиши, нафақат ижтимоий муносабатлар, балки инсоннинг ўзи, унинг онги ривожланишининг бутунлай янги ва қудратли воситасига айланди, чунки

³ Қаранг: Фалсафа қомусий лугат. Назаров Қ. таҳрири остида – Т.: Шарқ, 2004. –Б.172.

биологик омил (ирсият)дан ташқари одамларда тил ёрдамида янада қудратлироқ омил – тажриба ва ижтимоий муҳим ахборот беришнинг ижтимоий усули пайдо бўлди. Бу турли авлодлар ва тарихий даврларнинг билимлари, анъаналари, маданиятларининг ворисийлигини таъминлади, сўнгги зикр этилган ҳол эса, ўз навбатида, тилнинг янада ривожланиши ва такомиллашувига туртки берди ва замин ҳозирлади.

Шундай қилиб, меҳнат, онг ва тил бир-бири билан шу даражада узвий боғландикси, улардан ҳар бирининг келиб чиқиши ва тарихий ривожланишини бир-биридан алоҳида тасаввур қилиш мумкин эмас. Бунда тил инсоннинг фикрлаш фаолияти амалга ошуви мухим шакл ҳисобланади, меҳнат эса, ўз навбатида, тилни ривожлантиради ва бойитади.

Хуллас, индивиднинг онги ижтимоий белгилангандир, яъни у фақат жамиятда шаклланади ва ундан ташқарида пайдо бўлиши мумкин эмас. У нафақат келиб чиқишига кўра, балки борлик усули жиҳатидан ҳам ижтимоий ҳодиса ҳисобланади, чунки одамларнинг хулқ-атвори, харакатларида намоён бўлади, уларнинг фаолият йўналишини белгилайди.


Хулосалар. Фикрловчи одамнинг ўзига хос хусусияти шундаки, у ўз онги ёрдамида ўзини, ўзи яшаётган муҳитни таҳлил қилиб, ўз «Мени» ҳақида тасаввур ҳосил қиласи ва ўзини бу борлиқдан ажратиб, шу тариқа ўзлигини шакллантиради. Эмоцияларга бой бўлган ва қадриятларга қараб мўлжал олувчи инсон онги фаол асос сифатида амал қиласи, чунки у борлиқнинг пассив инъикоси эмас, балки фикрлаш фаолиятининг изчил, назорат қилинадиган ва бошқариладиган жараёни ҳисобланади. Шу маънода у ижодий фаолият сифатида ҳам намоён бўлади, зеро у нафақат борлиқни акс эттиради, балки уни ўзгартириб, борлиқнинг янги шаклларини яратади.

Бу ерда ҳар қандай ижодкор фаолиятининг негизи, шунингдек инсон яратган ва яратадиган «иккиласмчи» табиатнинг пайдо бўлиш асослари мужассамлашади. Айнан инсон онгининг фаол ва ижодий хусусияти уни сунъий интеллект манбалари – «ақлли», «фикрловчи» машиналар билан бир қаторга қўйиш имконини бермайди. Гарчи улар ахборотга ишлов бериш борасида инсондан анча устун ва ҳатто уларнинг ишида «ижод» унсурлари ҳам намоён бўлса-да, лекин улар машиналар бўлиб қолади. Уларнинг иши маънавиятдан маҳрум ва умуман олганда одамларнинг онгли фаолияти билан тенглаша олмайди. Бу фаолият олдиндан белгиланганди ҳар қандай дастурдан бойроқ, зеро маданий жараёндан унинг фаол асоси сифатида ўрин олган ва асосан маданият билан белгиланади.

Тажрибавий амалий матнлар

Инсон, индивид, шахс, индивидуал борлик, онг, индивидуал онг, жон, онгсизлик, галлюцинация, иррационализм, эмержент материализм, инъикос, тил, ўзликни англаш, вулгар материализм

Қўшимча ва тушунтирувчи матнлар



2-мавзу: Фалсафа тарихида инсон борлиғига муносабат.

1. Инсоннинг моҳиятини тушунишга уринишлар.

2. Фалсафа тарихида инсон индивидуаллигининг ички, яширин ҳолатини акс эттирувчи «жон» ва «онг» тушунчаларининг таҳлили.

Антик даврдан бошлаб инсонга бўлган қизиқиш дам кучайиб, дам маълум вақт пасайиб турган, лекин ҳеч қачон йўқолмаган. «Инсон нима?», деган савол бугунги кунда ҳам аввалгидек жаҳон фалсафасидаги ўта мухим масалалардан бири бўлиб қолмоқда, инсониятнинг энг ўткир акл-заковат соҳиблари эътиборидан тушмай ва айни вақтда ўзининг узил-кесил, умуний эътироф этилган ечимини топмай келмоқда.

Инсон ҳар сафар мутафаккирлар дикқат марказидан ўрин олар экан, унинг моҳиятини янги тарихий шароитда ва янгича нуқтаи назардан англаб етишга ҳаракат қилиб, уни қайта ва қайта янгидан кашф этганлар. Пировардида, фалсафа фанида инсондан мураккаброқ ва зиддиятлироқ предмет йўқ, десак, ҳеч муболага бўлмайди.

Инсон барча яхши фазилатларни ўзида мужассамлаштирган ўзига хос, бетакрор ва баркамол мавжудот – чексиз микрокосм сифатида ҳам, инсон табиатининг норасолиги ва бузуклиги туфайли ҳалокатга маҳкум бўлган табиат хатоси сифатида ҳам, Худо яратган банда сифатида ҳам, бошқа одамлар фаолиятининг маҳсули сифатида ҳам талқин қилинади. Хусусан, Шарқ мутафаккири А.Беруний жаҳон фанида биринчи марта инсон ва

табиат, одам ва олам ўртасидаги муносабатларни дунёвий фан нуқтаи назаридан ўрганади. У “одамлар тузилишининг ранг, сурат, табита ва ахлоқда турлича бўлиши фақатгина наслабларининг турличалигидан эмас, балки тупроқ, сув, ҳаво ва ернинг, одам яшайдиган жойларнинг турличалиги ҳамдир. Тилларнинг турлича бўлишига сабаб одамларнинг гуруҳларга ажралиб кетиши, бир-биридан узоқ туриши, уларнинг ҳар бирида турли ҳохишларни ифодалаш учун зарур бўлган сўзларга эҳтиёж туғилишидир. Узоқ замонлар ўтиши билан бу иборалар кўпайиб, ёдда сақланган ва такрорланиш натижасида таркиб топиб, тартибга тушган”⁴, деб ҳисоблади. Демак, Беруний фикрича, инсоннинг феълатвори ва маънавий қарашлари сурати ва сийрати бевосита табиий мухит таъсирида шаклланади. Зоро, айнан шу табиий мухит, географик шароит халқлар, миллатлар шаклланишининг мухим асоси бўла олади. “Инсон ўз табиатига кўра мураккаб танага эгадир. Инсоннинг танаси бир-бирига қарама-қарши қисмлардан иборат бўлиб, бу қисмлар тобелик кучи асосида бирлашган”⁵. Беруний фикрича, ҳамма одамларда ўзаро бир-бирига ўхшаш ва айни пайтда фарқ қилиб турадиган жиҳатлар мавжуд. Ибн Сино, “Инсон бошқа барча ҳайвонот оламидан сўзи, тили ва ақли, тафаккур қилиши билан фарқ қиласди. Инсон ақли турли фанларни ўрганиш ёрдамида бойийди”⁶, деб ҳисоблади. Форобий фикрича, инсон ўз табиатига кўра ҳаётини тартибга келтириш, мустаҳкамлаш ва такомиллаштириш учун бошқа инсонларга мухтоҷ бўлади. Якка ҳолда ҳеч ким бунинг уддасидан чиқа олмайди. “Инсон шундай маҳлуқотки, у фақат жамиятда ўз эҳтиёжларини қондириши ва олий маънавий даражага кўтарилиши мумкин”⁷. Инсон ўз ҳаётининг меъмори, ижодкори бўлмоғи, ўзида фозила ҳислатлар, истеъдодларни тарбиялаши лозим. Бунга эса у жамиятда яшаб фаолият кўрсатгандагина эришади. Инсон ижтимоий мавжудод. Ёлғизлик узлат уни қашшоқлаштиради, инсоний қиёфасини ва баҳтга олиб борадиган истеъдодини йўқотади. Ибн Халдун инсонга ижтимоий воқелик сифатида қарайди. Ундан ижтимоий моҳият излайди. Инсон жонзот сифатида эзгулик ва ёвузлик оламидир. Шунга кўра, у умрининг ҳар дақиқасида ёвузликдан кўра эзгуликка, ёмонликдан кўра яхшиликка, нафратдан кўра мухаббатга интилиб яшашга маҳкум этилган ақл соҳиби, бебаҳо неъматдир.

Инсон барча ижтимоий муносабатлар мажмуидир, деган фикр инсонга механистик нуқтаи назардан ёндашган Маърифат даври мутафаккирлари, хусусан «Инсон-машина» деб номланган асар муаллифи француз Ж.Ламетри (1709-1751) илгари сурган ғоялар билан тўқнашади.

Бошқа бир машҳур француз файласуфи – Р.Декарт (1596-1650) асарларида инсон моҳияти масаласига нисбатан бутунлай ўзгача ёндашувга дуч келамиз. У «инсон фикрловчи нарсадир», деб ҳисоблади.

«Инсон, у узоқ вақт ўйлаганидек, дунёнинг статик маркази эмас, балки эволюциянинг ўзига ва чўққиси бўлиб, бу анча гўзалпроқдир»⁸, деб қайд этади атоқли француз файласуфи ва теологи П.Т. де Шарден (1881-1955).

Унга зид ўлароқ, А.Шопенгауэр (1788-1860) инсон нуқсонли мавжудот эканлигини таъкидлайди, уни «табиат ҳалтураси» деб атайди.

Француз ёзувчиси ва файласуфи Ж.П.Сартр (1905-1980) бу фикрни бутунлай рад этади. Унинг фикрича, инсон келажакка қараб интилади ва шу тариқа ўзини ўзи яратади. У «Инсон – одамзот келажагидир», деб таъкидлайди.

⁴ Беруний А. Танланган асарлар. 1 жилд. –Т.: Фан, 1968.-Б.16-17.

⁵ Қаранг: Ирисов А. Абу Райхон Беруний ҳикматлари. -Т.: Ёш гвардия, 1973. –Б.40-43

⁶ Ибн Сина. Данишнамэ. -Душанбе.: 1957.-С..59

⁷ Форобий. Фозил одамлар шахри. -Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993. –Б.69

⁸ Тейяр де Шарден П. Феномен человека. -М.: 1987.-С.40

Шундай қилиб, фалсафанинг икки ярим минг йиллик тарихи мобайнида инсонга жуда кўп таърифлар ва тавсифлар берилди, у кўп сонли синонимлар ортириди, фалсафий таҳлилнинг бошқа бирон-бир обьектида бундай ҳолга дуч келиш мушкул. Зеро, фалсафа тарихида инсон:

- «акъли мавжудот»;
- «сиёсий ҳайвон»;
- «табиат гултожи»;
- «хаётнинг боши берк кўчаси»;
- «хаётнинг соҳта қадами»;
- «мехнат қуроллари ясовчи ҳайвон»;
- «ўзликни англаш қобилиятига эга мавжудот»;
- «маънавий ва эркин мавжудот» ва ҳоказолар сифатида талқин

қилинган.

Фикрларнинг бундай ранг-баранглиги сабабини, аввало, инсоннинг ўз табиатидан излаш лозим. Инсон табиатининг сири, ҳеч шубҳасиз, «бокий муаммолар»дан бири бўлиб, фалсафа ўз предметининг моҳияти ва хусусиятига кўра унга қайта-қайта мурожаат этган ва шундай бўлиб қолади. Бу ерда мазкур соҳадаги барча фикр-мулоҳазаларга мўлжал берувчи инсоннинг келиб чиқиши ҳақидаги масала айниқса муҳим аҳамият касб этади. Инсон қаердан ва қандай пайдо бўлгани ҳақидаги кўп сонли ғоялар орасидан энг муҳимларини ажратиб олсак, уларнинг барчасини маълум даражада шартлилик билан икки асосий концепция – инсоннинг табиий ва ғайритабиий келиб чиқиши ҳақидаги концепциялар доирасида бирлаштириш мумкин.

Инсоннинг келиб чиқиши ҳақидаги биринчи ёндашув инсоннинг пайдо бўлишига олиб келган табиатнинг қонуний ривожланиши ғоясидан келиб чиқади. Бунда инсон жонсиз, кейинчалик эса – жонли модданинг табиий эволюцияси маҳсули сифатида қаралади. Мазкур концепция 1859 йилда инсон келиб чиқишининг табиий-илмий талқинига асос бўлган Ч.Дарвиннинг «Ҳайвон ва ўсимлик турларининг келиб чиқиши ҳакида» деб номланган машхур асарини эълон қилган эволюцион назариясига таянади ва ҳозирги вақтда молекуляр биология ва ген инженерияси соҳасида эришилган энг сўнгги ютуқлар таъсирида ўз шакл-шамойилини сезиларли даражада ўзгартириб, аксарият олимлар учун уларнинг илмий фаолиятида ўзига хос дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Яна шуни ҳам таъкидлаб ўтиш лозимки, инсонда нафақат ўта ривожланган тирик жонзорлар, балки ўта содда мавжудотлар билан ҳам кучли генетик ўхашашлик мавжуд. Хусусан, шимпанзе билан бундай ўхашашлик 98% ни, каламуш билан – 80% ни ва ҳатто банан билан – 50% ни ташкил этади.

Бироқ, шуни таъкидлаш лозимки, «табиий» ёндашув тарафдорлари инсон келиб чиқишининг дунёвий концепциясига ҳам (масалан, дарвинчилар билан боғлиқ ҳолда бўлганидек), космик концепциясига ҳам таянишлари мумкин.

Иккинчи ёндашув инсонга, Худо ёки космик Ақл меҳнатининг маҳсули сифатида қараб, уни ғайритабиий асосдан келтириб чиқаради. Гарчи бу концепция исботланганлик жиҳатидан биринчи таълимотга ҳозирги замон табиатшунослиги нуқтаи назаридан ён берса-да, лекин фалсафий нуқтаи назардан у инсоннинг табиий-илмий келиб чиқиши концепцияси каби мавжудлик ҳуқуқига эгадир, зеро биринчи ёндашув ҳам, иккинчи ёндашув ҳам оқилона асосланган ва узил-кесил далил-исботлар келтирмайди.

Инсонга фалсафа нуқтаи назаридан ёндашув. Биз инсонга нисбатан соф фалсафий ёндашувга ҳали қайтамиз ва фалсафа инсон билан қанча шуғулланмасин, у ҳақда ҳамма нарсани билиши ва мазкур билимни узил-кесил ва энг сўнгги ҳақиқат деб хисоблаши мумкин эмаслигини кўрсатиб берамиз. Ҳозир эса шуни қайд этишни истар эдикки, ўзи

ҳақида ва ўзини қуршаган дунё ҳақида инсон фалсафа пайдо бўлишидан анча олдин мулоҳаза юрита бошлаган. Аммо кейинчалик, «доноликка мухаббат» пайдо бўлгач ҳам, инсон мавзуси фалсафанинг дикқат марказидан дархол ўрин олгани йўқ.

Инсонни қуршаган табиат ҳақида билимлар тўпланиши ва уларнинг ривожланишига қараб, одамзотнинг ўз-ўзига бўлган қизиқиши ҳам кучайиб борди, инсон борлигининг бу соҳадаги тадқиқотлар учун янада кенгроқ имкониятлар яратувчи янги ва янги ўзига хос хусусиятлари аниқланди. Одатда, жамият ҳаётida тарихан қисқа вақт ичидаги жиддий ва теран ўзгаришлар юз берган, инсоний муносабатлар негизини ташкил этувчи эскича тасаввурлар ва қарашлар таъсирида бутунлай ўзгарган даврларда инсонга бўлган фалсафий қизиқиши айниқса кучайган. Бундай даврларда фалсафада инсоннинг моҳияти, унинг бурчи, вазифаси ва юз бераётган воқеалар учун жавобгарлиги ҳақидаги азалий масалаларга бўлган қизиқиши яна кучайган. Шундай қилиб, фалсафанинг онтология, гносеология, этика, эстетика каби бўлимлари билан бир қаторда, инсон ҳақидаги билимлар соҳаси аста-секин шаклланиб борди. Бу ерда инсон нафақат турли томонлардан таҳлил қилинди, балки унинг ижтимоий, табиий ва космик жараёнлар билан ўзаро алоқалари ҳам ўрганилди.

Хўш, билимнинг бу соҳасида асрлар мобайнида қандай ижобий билимлар тўпланган? Инсонни тушуниш борасида тараққиётга эришилдими? Фалсафа ва фан соҳасида эришилган инсоннинг моҳиятини тавсифловчи, унинг муҳим хусусиятларини ёритиб берувчи қандай шак-шубҳасиз ютуқларни қайд этиш мумкин?

Инсонни билиш борасидаги кўп асрлик саъй-ҳаракатларни бир ерга жамлаб, уларнинг орасидан узил-кесил ечилган деб ҳисоблаш мумкин бўлганларини ажратиб олсак, шак-шубҳасиз ютуқлар сони унча кўп бўлмайди. Улар орасида аввало шу далилни қайд этиш лозимки, инсоннинг пайдо бўлиши Ерда ҳаётнинг ривожланиши билан узвий боғлиқ бўлиб, у ўз ибтидоси ва муайян тарихига эгадир. Хусусан, 1982 йил Ватикандаги Рим Папаси фанлар академияси ташкил этган конгресс иштирокчилари – дунёга машхур антропологлар, биохимиклар ва генетиклар ҳозирги замон табиатшунослигига таяниб, инсон ва ҳайвонот дунёси ўртасида яқин алоқа мавжуд, деган умумий холосага келдилар.

Инсон ва уни қуршаган дунё тадрижий ривожланишини исботланган деб ҳисоблаш мумкин. Бу нафақат археология ва Ер геологик тарихи билан тасдиқланади, балки Ердаги ҳаётга доир ҳозирги тасаввурлардан ва умумий эътироф этилган «кенгайиб борувчи Олам» назарияси тушунтирадиган дунёдаги эволюцион жараёнлардан ҳам келиб чиқади.

Бироқ фан, айниқса генетика баъзан бизнинг аввалги тасаввурларимизни бутунлай ўзгарирадиган янги кашфиётлар қилишда давом этмоқда. Хусусан, жонли мавжудотларнинг биологик нусхаларини яратиш имкониятини берувчи клонлаш кетидан генетиклар, шов-шувга сабаб бўлган энг сўнгги хабарларга кўра, қадимги файласуфларнинг илгари фақат одатдаги тажрибага таянган ўлмайдиган одам йўқлиги ҳақидаги тахминий (индуктив) холосани жиддий шубҳа остида қолдиришга қодир натижага яқинлашдилар. Жумладан, итальян олимлари сут эмизувчиларнинг қариш жараёнини P66SHC сифатида маълум бўлган алоҳида ген бошқаришини аниқладилар. Улар мазкур генни «назорат ости»га олиш ва шу тариқа синалаётган ҳайвонлар умрини популяция бўйича умрнинг ўртача узунлик кўрсаткичига нисбатан 35% га узайтиришга муваффақ бўлдилар.

Шунга қарамай, бугунги кунда жисмоний умрбοқийлик илмий нуқтаи назардан биологиянинг фундаментал қонунларига зид ҳисобланади. Бу қонунларга мувофиқ ҳужайраларнинг бўлиниш йўли билан кўпайиш қобилиятининг сусайиб бориши инсон ҳаётини чеклайди. Хусусан, инсоннинг етук организми тахминан 50 000 миллиард ҳужайрадан иборат эканлиги аниқланган. «Одамда унинг умри мобайнида бир ҳужайра

авлодида кетма-кет бўлинишлар сони элликтагача бўлади. Бўлиниш жараёнлари маромини ҳисобга олганда, шуни тахмин қилиш мумкинки, инсон умрининг узунлиги (баъзи бир истисно ҳоллардан ташқари) 110 ёшдан ошиши мумкин эмас»¹.

Бироқ фан бир жойда тўхтаб тургани йўқ ва шу боис матбуотда вақти-вақти билан пайдо бўлаётган генетик олимларнинг ҳужайра қаришини тўхтатадиган моддани топиш, шунингдек организмда мазкур модданинг ажралишини бошқарадиган генни аниқлаш борасидаги уринишлари ҳақидаги хабарлар ўзига жиддий эътибор беришни талаб қиласди.

Инсон нима ва унинг моҳияти қандай деган саволларга жавоб топиш учун йўл очадиган баъзи бир муҳим муаммоларнинг таърифланишини ҳам илмий тадқиқотларнинг шак-шубҳасиз натижаси деб ҳисоблаш лозим. Уларнинг энг муҳими – инсоннинг келиб чиқиши, шунингдек онг, тил, ижод, ахлоқ, маънавият ва шу кабиларнинг табиатини аниқлашдир.

Кўрсатилган муаммоларни англаб етишга аҳд қилган ҳар қандай одам,

оҳаёт нима?

о биринчи одам қаерда ва қачон пайдо бўлган?

о инсон маънавиятининг табиати қандай?

о Ерда инсон пайдо бўлишининг сабаби нимада?

о бунда муайян мантиқ, қонуният, азалдан белгиланган муқаррарлик мавжудми ёки бунга қандайдир тасодиф, аномалия, кимнингдир хоҳиш-истаги сабаб бўлганми?

о ҳаёт космик ҳодисами ёки фақат бизнинг сайёрамизда мавжудми?

о инсон бутун Коинотдаги бирдан-бир ақлли мавжудотми?, каби масалаларни эътибордан четда қолдириши мумкин эмас.

Бу ва бошқа шунга ўхшашиб масалалар ечимини топиш устида фалсафий тафаккур ҳам, илмий тафаккур ҳам тинимсиз изланади. Аммо табиатшунослик учун уларнинг аксарияти нафақат мушкул, балки ечиб бўлмайдиган, баъзи бир ҳолларда эса умуман очиқ масалалар ҳисобланади, чунки улар хусусида мавжуд билимлар шу қадар оз, юзаки ва муаммоларга тўлаки, бундай билимларга асосланган муроҳазалар (бошқача муроҳазалар умуман мавжуд эмас) ўзининг ишончлилик даражасига кўра тахминий хусусиятга эга бўлиши мумкин.

Аммо фан ўз кучини йўқотган, ёки, ҳали кучга тўлмаган жойда аниқ таърифлар, бир хиллаштирилган тил, ягона методология ва ишончли далиллар билан чекланмаган фалсафа ўзини эркин ҳис қиласди. Бу муайян соҳа – антропологияда ўз ифодасини топади.

Фалсафа «боқий» масалаларни ўрганар ва бутун борлиқнинг дастлабки асослари ва муҳим қадриятларини аниқлашга ҳаракат қиласди, у узил-кесил ечимлар ва шак-шубҳасиз жавоблар олишга даъвогарлик қилмайди. Синовдан ўтказилган далиллар ва исботланган асосларнинг йўқлиги уни хижолатга солмайди, зоро фалсафа интуиция, ғойибона таъсир, илҳом, мантиқий кучга асосланган фаразлар, тахминлар, тўлдиришлар билан кифояланадики, бу унга мавжуд билимлар ва шаклланган тасаввурлар доирасидан четга чиқиб, аниқ исботланган илмий ечимга эга бўлмаган нарса ёки ҳодисани ўзгача тарзда, эркин тушунтириш имконини беради. Шу тариқа фалсафа инсонни билиш чегараларини кенгайтириб, уни нафақат юқорироқ даражага кўтаради, балки янги муаммоларни қўйиш имконини берувчи янгича ёндашувлар, ўзгача нуқтаи назарлар ва энг муҳими – эски муаммоларнинг янгича талқинлари билан бойитади.

Шу маънода С.Шерозийнинг «Инсон нимадан бошланади?», деган саволга ҳеч иккимасдан: «Инсон марҳумга мотам тутишдан бошланади», деб жавоб беради⁹. Дунёга келдиму, бозорга бордим, кафани олдиму, мозорга бордим¹⁰.

¹ Годфруа Ж. Что такое психология. – М.: 1996. Т. 2. – С.10.

⁹ Қаранг: Саъдий Шерозий. Рубоийлар. –Т.: Шарқ, 1995. –Б.26

¹⁰ Саъдий Шерозий. Рубоийлар. Рубоийлар–Т.: Шарқ, 1995. –Б. 26

Шундай қилиб, ҳақиқий фалсафада муайян масалалар, айниқса инсон билан боғлиқ мураккаб масалалар хусусида бир хил фикрлаш ҳоллари кузатилмайди. Бундан фарқли ўлароқ, фанда бир фикрлилик у ёки бу муаммонинг узил-кесил ечими топилганидан далолат беради. Масалан, «абадий двигател»ни яратиш масаласи хусусида олимлар орасида тўла бир фикрлилик ҳукм суради: ҳозирги замон табиатшунослиги қонунларига мувофиқ бундай двигателни яратиш мумкин эмас. Аммо фандан фарқли ўлароқ, фалсафанинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, у ҳар қандай ҳодисани ўрганиш ва тушунишда таяниладиган қадриятлар ва мўлжаллар тизимидан ташкил топади. Айни шу сабабли бу ерда у ёки бу файласуфнинг дунёни қандай тушуниши, унинг ҳаётга муносабати, айниқса, муҳим рол ўйнайди. У қайси аксиомаларни илгари суриши, қайси устуворликларни қайд этиши, нимани муҳим деб хисоблаши, нимага ишониши ёки ишонмаслигидан файласуфнинг бошқа нарсаларга бўлган тегишли муносабати, унинг умумий ва хусусий масалаларга доир фалсафий позицияси келиб чиқади.

Шундай қилиб, билимни умумий маҳражга келтириш анъанаси узоқ вақт ҳукм сурган фандан фарқли ўлароқ, фалсафа ҳар хил, шу жумладан бир-бирини истисно этадиган нуқтаи назарларни илгари суради, айни бир ҳодисалар ва объектларни тушунишга нисбатан ҳар хил ёндашувларни таърифлайди. Инсонни тушунишга доир турли-туман фалсафий концепцияларнинг кўплиги айни шу ҳол билан изоҳланади. Бу концепцияларда инсон азалдан дам умумий образ сифатида, дам ўз индивидуал борлиғидаги муайян одам сифатида, дам бошқа одамлар, жамоа, жамият, инсоният билан, ниҳоят, табиат, космос билан узвий боғлиқ бўлган ақлли мавжудот сифатида талқин қилинади.

Инсоннинг кўп ўлчовлилиги. Шу билан бир қаторда инсонни ўрганишга нисбатан бошқа кўп сонли ёндашувларни ҳам қайд этиш мумкин бўлиб, уларнинг орасида «интровертив» ва «экстровертив» ёндашувлар айниқса ажралиб туради.

Интровертив ёндашув инсоннинг онг, жон, рухият, инстинктлар, нуқсонлар, фазилатлар каби муҳим хусусиятларини таҳлил этиб, уни «ичдан» тушуниш, англаб этишини назарда тутади. Бунда инсоннинг жисмоний ва маънавий моҳияти ҳақидаги фалсафий мулоҳазалар аксарият ҳолларда табиий фанларнинг эмпирик маълумотларига, авваламбор биология ва психология ютуқларига таянади, лекин баъзан мистика, эзотерика, оккультизм билан белгиланади. Бундай ёндашувлар айниқса немис антропологлари М.Шелер (1874-1928) ва А.Гелен (1904-1976), австриялик файласуф К.Лоренц (1903-1989) ижодига хосдир.

Экстравертив ёндашув инсонга назар ташлаш, унинг моҳиятини таҳлил қилиш гўёки «сиртдан» амалга ошириладики, бунинг натижасида диққат марказидан унинг ижтимоий ва табиий моҳияти ўрин олади; тегишли мўлжалларга мувофиқ инсоннинг Худо, космос, универсум ва шу кабилар билан алоқаси таҳлил қилинади. Бу ерда фалсафа кўпинча тарих, социология, экология, теология билан иттифоқ тузадики, бу ҳол диний фалсафа вакиллари Н.А.Бердяев, С.Н.Булгаков, С.Л.Франк, Н.О.Лосский каби вакилларига кўпроқ хосдир.

Шундай қилиб, инсонни фалсафий тушуниш учун ягона асос мавжуд эмас, худди шунингдек бундай асос яқин келажакда пайдо бўлишига умид қилиш учун ҳам асослар йўқ. Ҳозирча факат шуни қайд этиш мумкинки, диққат марказидан юқорида санаб ўтилганлардан қайси бири, чунончи: космос, табиат, Худо, жамият ёки бевосита инсон ўрин олганига қараб, фалсафа тарихида инсонни тушуниш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилишда асос бўладиган турли фалсафий нуқтаи назарлар фарқланади. Уларнинг орасида космоцентризм, теоцентризм, социоцентризм ва антропоцентризм айниқса кенг тарқалган бўлиб, турли даврларда уларнинг ҳар бири ҳар хил кўринишда намоён бўлган, лекин

инсон муаммоларини ўрганувчи фалсафий концепцияларда доим у ёки бу тарзда мавжуд бўлган.

Шарқ фалсафасида инсон. Қадимги Шарқ, хусусан Хитой фалсафий тизимлари асосан **социоцентрик концепциялардан** иборат бўлиб, уларда инсон, одатда, жамият, социум билан узвий боғлиқ деб қаралади. «Идеал муносабатлар қонуни»га одамлар ўртасида, оила, жамият, давлатда риоя қилиш инсон ҳаётининг муҳим маъноси ҳисобланади; бунга жамиятда қабул қилинган меъёрлар, қоидалар, расм-русумлар ва шу кабиларга иззат-икром билан ёндашиш имконият яратади. Бошқача айтганда, инсон ўз шахсий ҳаётини доим жамият равнақи, камолоти билан ўлчаши лозим, хусусан, у кейинчалик оила ва давлатни такомиллаштиришга ҳаракат қилиш учун ўзини камол топтириши лозим. Шу маънода машхур қадимги хитой файласуфи Конфуций (мил. ав. 551-479 йиллар)нинг фикрлари диққатга сазовор бўлиб, у шундай деб сабоқ беради: «қилмишларнинг асослари ва тамойилларини ўргансанг, яхшилик ва ёмонлик ҳақидаги фикрларинг (ахлоқий билимлар) баркамолликнинг энг сўнгги даражасига етади. Ниятлар соғ ва холис бўлса, қалб ростгўй ва самимий бўлади. қалб ростгўй ва самимий бўлса, инсон тўғри йўлга киради, камол топади. Инсон тўғри йўлга кирса ва камол топса, оиласда тартиб ўрнатилади. Оиласда тартиб хукм сурса, халқларни бошқариш осонлашади. Халқларни бошқариш осонлашса, бутун дунё тинч-тотув яшайди»¹.

Қадимги хинд фалсафасига дунёнинг ички дунёсини биринчи ўринга қўйиш, яъни **антропоцентризм** хосдир.

Масалан, буддизмда нирванага эришиш инсон барча ниятларининг пировард мақсади деб эълон қилинади. Нирвана жоннинг шундай бир ҳолатики, бунда ҳар қандай майллар йўқолади ва ички уйғунлик юзага келади, мутлақо эркинлик ва ташқи дунёга қарам эмаслик туйғуси пайдо бўлади.

Қадимги хиндуларнинг бошқа бир диний-фалсафий таълимоти – жайнизм нуқтаи назаридан инсон ўзининг маънавий моҳияти билан моддий моҳиятни назорат қилиш ва бошқаришга эришиш учун узоқ ва оғир йўл – жоннинг эркинлашуви йўлини босиб ўтиши лозим.

Марказий Осиё мутафаккирлари қарашларида инсонни назарий ақл бошқаради. Жумладан ал-Форобий фикрича “Инсон шахсини шакллантирадиган, уни бошқа маҳлуқотлардан ажратиб турадиган ва унда инсоний хислатларни ривожлантирадиган нарса унинг фаол ақлидир Бу куч аввал- бошда факат қобилиятдир бу кувват ўйлаш, мулоҳаза юритишга қобил, аммо ҳаётга тадбиқ этиш, яъни жорий қилишга қобил эмас”¹¹. Ақлни ҳаётга тадбиқ этиш учун, унга ташқи куч таъсир этиши керак, бу эса фаол ақлдир. Фаол ақл - мустақил қувват бўлиб, ўз моҳияти, Биринчи ва иккинчи ва бошқа сабаблар моҳияти ҳақида фикрлай олади. Айнан шу фаол ақл одам имкониятларининг ташқи воқеаларга таъсир этиши ва уни ривожлантиришга туртки беради. Форобий таъбири билан “моддий ақлдан амалий ақлнинг юқорироқ пиллапоясига кўтарилади ва унинг фаол ақлга муносабати қуёш билан кўзни солишиштирландек бўлади”¹². Агар қуёш бўлмаса, инсон нарсаларни кўра олмайди. Фаол ақл қуёши инсон руҳи да пайдо бўлганидан кейин, ақлий қувват фаол ақлга қарайди. Инсон табиат гултожи, яъни ақлли мавжудод. Юсуф Хос Хожиб фикрича инсон дунёда абадий эмас, бу дунёга келган ҳар қандай одам вақти етгач кетади. Инсон умрининг қиммати неча йил яшагани билан эмас, қандай эзгу ишларни амалга оширганлиги, ҳаётда қолдирган изи билан белгиланади. У киши оламдан ўтгандан сўнг, бу дунёда ундан икки хил, бири ёмон, иккеничиси яхши

¹ Будда. Конфуций. Жизнь и учение. – М.: 1995. – С.139.

¹¹ Ал-Форобий. Фозил шаҳар аҳолиси. -Т.: Шарқ, 1999.- Б. 69

¹² Ал-Форобий Фозил шаҳар аҳолиси.-Т.: Шарқ, 1999 –Б.73.

деган ном қолади Инсон иложи борича ўзидан яхши ном қолдириши, яхши олқиши олиши лозим деб таъкидлаган

Умуман олганда, барча замонларда инсонда умумий асосни излаш билан банд бўлган Шарқ тафаккурига ҳозир ҳам инсонни ва унинг ташқи дунё билан алоқасини тушунишга нисбатан Фарб фалсафасидагидан ўзгача ёндашув хосдир. XX аср бошида ҳинд мутафаккири С.Вивекананда шундай деб ёзган эди: «Инсон табиатни ўзига бўйсундириш учун туғилади ва бу ўринлидир, аммо Фарб «табиат» деганда фақат моддий, ташқи дунёни тушунади. Бу ташқи табиат ўзининг барча тоғлари, океанлари, дарёлари, ўзининг чексиз кучлари, чексиз ранг-баранглиги билан жуда улуғвор, лекин ундан ҳам улуғворроқ дунё борки, бу инсоннинг ички дунёсидир. У қуёш, юлдузлар, ер ва бутун моддий Коинотдан юксакроқ, бизнинг шахсий жажжи ҳаётларимизнинг тор чегарасига сифмайдиган дунёдир. Фарб одами ташқи дунёда «ўзиники» бўлганидек, бу ички дунёда Шарқ одами ҳам худди шундай «ўзиники»дир. Шу боис... Фарб маънавий дунё нима эканлигини, худо нима эканлигини, инсон жони нима эканлигини билмоқчи, дунёнинг сири ва мазмуни нимада эканлигини англаб етмоқчи бўлса, у Шарқ оёклари остига чўкиб қулоқ солиши керак. Ҳамонки дунё ҳозир маълум маънавий уйғонишга муҳтож экан, бунда у кучни Шарқдан олади»¹³.»

Ибн Халдун фикрича, инсон табиатида эзгулик ва ёвузлик мавжуд. Агар одамлар ўз ҳолига қўйилса ва инсонийлик руҳида тарбияланмаса, унда Худо неъматини қўлга киритиш камдан –кам кишига мұяссар бўлади. Хайр ва шаёрр оралиғида қолиб, ҳар иккисидан бирини танлаш лозим бўлганида, унда шаррни танлайди, зеро инсон табиатида шаррга мойиллик кўпроқ. Адолатсизлик ва бошқаларга ҳужум қилиш инсонларга хос хислат. Шунинг учун жамиятда кишиларнинг бир-бирларига жабр қилмасликлари учун маъхрифатга эришмоқ зарур

Келтирилган сўзлар нафақат теран маънога эга, балки ҳозирги дунёнинг глобаллашуви ва ягона инсониятнинг шаклланиши нуқтаи назаридан алоҳида аҳамият касб этади.

Фарб фалсафасида инсон. Шарқ тафаккурида инсонга нисбатан юқорида қайд этилган ёндашувлар билан бир қаторда табиат, космос муаммолари ҳам қадимдан муайян ўрин эгаллаб келади. Бунда инсонга улкан дунёдаги бир зарра сифатида қаралади. Аммо дунёга нисбатан космоцентрик ёндашув антик фалсафа ривожланишининг илк босқичларига кўпроқ хосдир. Дунёнинг мазкур талқинига мувофиқ биринчи ўринга Суқрот даврида ёқ фалсафанинг диққат марказидан ўрин олган инсон ҳақида мулоҳаза юритиши учун ҳам тегишли замин ҳозирловчи дунё ва космос муаммолари чиқади.

Космоцентризм нуқтаи назаридан инсон аввало космоснинг бир қисми сифатида, «кичкина дунё» сифатида (Демокрит), баъзан жонли организм сифатида тасаввур қилинадиган макрокосм билан узвий боғлиқ бўлган микрокосм сифатида идрок этилади. Антик файласуфлар Коинотни ва унда мавжуд тартиби тушуниш орқали инсоннинг ўзини ҳам англаб етиш мумкин деб хисоблаганлар (Платон, Аристотель). Бунда тафаккур, билим, ақл-заковат ва донишмандлик мухим рол ўйнагани боис, улар доим космоцентристлар томонидан юксак баҳоланганди, инсон ва унинг қобилиятларига баҳо беришда биринчи ўринга кўйилган.

Бундай қарашлар Европа фалсафий анъанасида V асргача, уларнинг ўрнини **теоцентризм концепцияси** эгаллагунга қадар кузатилади. Бу концепцияга мувофиқ ҳамма нарсани Худо белгилайди. Христианликнинг моҳиятини акс эттирувчи турли креационистик назарияларга кўра бутун дунё, шу жумладан жонли дунё (ўсимликлар, ҳайвонлар, инсон) дархол ва ўзининг мукаммал кўринишида яратилган. Инжилнинг дунё

¹³ Вивекананда Свами. Философия йога. – Магнитогорск, 1992. – С.488-489.

олти кунда яратилгани ҳақидаги ривоятига асосланган бу нұқтаи назар европаликлар тафаккурида Дарвиннинг эволюцион назарияси пайдо бўлгунича, яъни XIX асрнинг ўрталарига қадар хукм сурди. Христианлар дунёсида диндор одамлар орасида у бугунги кунда ҳам амал қилмоқда.

Теоцентризм нұқтаи назаридан инсоннинг моҳиятини англаб етиш, масалан, қадимги юонон файласуфлари ёки кейинги материалистик фалсафий концепциялардаги каби оқилона фикрлаш йўли билан эмас, балки Муқаддас Китобда таърифланган ваҳийлар ёрдамида амалга оширилади. Бу ваҳийларни факат Инжил ақидаларига эътиқод қилиш орқали тушуниб етиш мумкин. Теоцентризм нұқтаи назаридан эътиқод нуридан чароғон бўлган ақл дунёдаги илоҳий тартибнинг таркибий қисми саналган ва «Худонинг тимсоли» сифатида амал қиласидан инсоннинг ўзини эмас, балки унинг баъзи бир жиҳатларинигина аниқлашга ёрдам беради. Айни шу сабабли христианлик, Худони олий моҳият деб эътироф этадиган ва инсонга У яратган банда сифатида қарайдиган бошқа теоцентрик фалсафий тизимлар каби, инсонни Худонинг ўзи сингари тагига етиш мумкин бўлмаган сир, жумбоқ деб эълон қиласиди.

Теоцентризм фалсафасини бошқа фалсафий нұқтаи назарлар – антропоцентризм ва космоцентризм сиқиб чиқара бошлаган **Уйғониш даврида** инсонга доир қарашларда жиддий ўзгаришлар юз берди. Ўрта асрларда инсон у ёки бу корпорация вакили сифатида амал қиласа, Уйғониш даврида у ўзликни англаш туйғуси ва ижтимоий нұқтаи назари ўсиши натижасида ўз манфаатларини ифода эта бошлади. Инсон шахс сифатида камол топди. У ўзини ўз шахсий хаёти ва тақдирининг бунёдкори сифатида тобора кучлироқ англай бошлади. Инсон мустақилликка ва табиатни ўзига бўйсундиришга ҳаракат қилди, ўз ижодий имкониятлари чексиз эканлигига ишона бошлади. Мазкур қарашлар итальян файласуфи Пико делла Мирандоланинг «Инсон қадр-қиммати ҳақида сўз» деб номланган машхур асарида ўз аксини топди. Тасвирий санъат, меъморчилик, ахлоқ, эстетика, адабиёт ва педагогикани яхши тушунадиган ҳар томонлама комил инсон ўша даврнинг идеалига айланди. Уйғониш даври бу идеалга тўла мос келадиган Леонардо да Винчи, Альберти Боттичелли, Рафаэль каби атоқли шахсларни дунёга берди.

Ўша давр фалсафасида инсонга бўлган қизиқишининг кучайиши билан бир қаторда табиатга бўлган қизиқиши ҳам тикланди. Н.Кузанский, Ж.Брунонинг пантеистик концепциялари христианлар Худосини сиқиб чиқара бошлади. Юононларнинг космоцентризми табиийцентризм сифатида қайта англаб етилди. Бунда антик файласуфларнинг марказида Ер жойлашган пировард космос ҳақидаги тасаввурлари чексиз ва марказсиз космосга ўрин бўшатди.

Бундай космос умумийроқ ва кенгроқ тушунча – «табиат» билан тенглаштирилади. Шундан бери у турли фалсафий тизимларда фаол ўрганилади. Хусусан, Маърифат даври фалсафасида фундаментал тушунчага айланади, Шеллинг ижодида марказий ўрин эгаллайди, шунингдек экологияга қараб мўлжал олувчи айrim ҳозирги фалсафий концепцияларда дунё ва инсонни тушунишда таянч нұқтаси хисобланади. Мазкур ёндашувга кўра инсон табиатнинг ажралмас қисми сифатида қаралади. Бундай қарашларнинг изчил тарафдорлари, масалан, XX асрнинг иккинчи ярмида ривожланган ижтимоий экология намояндалари эътиборни ҳаддан ташқари кенг қаратадиган табиатдан унинг муайян қисмига – инсон ўз ҳаёт фаолиятини амалга оширадиган биосферага қаратиш лозимлигини қайд этадилар ва бунда **антропоцентристик** қарашлардан воз кечиб, уларни биосферацентризм билан алмаштириши талаб қиласидилар. Биосферацентризмда фалсафий тадқиқотлар марказига инсон ўрнига табиатни қўйиш таклиф қилинади ва шу тариқа табиат инсон эҳтиёжлари нұқтаи назаридан қаралмайди,

инсон моҳияти ва унинг эҳтиёжлари эса табиий қонунларни ва биосферанинг тадрижий ривожланиш тенденцияларини билиш нуқтаи назаридан тадқиқ этилади.

Янги даврда инсон фалсафанинг диққат марказидан тушмади, лекин унга бўлган қизиқиш асосан, ижтимоий муносабатлардаги иштироки билан боғланди. Янги даврда инсонга билувчи субъект сифатида ёндашилди. Масалан, Декарт инсоннинг моҳияти, ўзига хос хусусиятини унинг тафаккури, фикрлаш қобилиятида кўрди. XVIII аср француз материалист файласуфлари (Дидро, Гольбах, Гельвеций, Ламетри) табиатшунослик ва механика соҳасида эришилган ҳайратомуз ютуклар таъсирида инсоннинг жонини онг билан, танасини эса – автомат, машина билан тенглаштириб, уни механистик талқин қилдилар.

Буюк немис файласуфи И.Кант (1724-1804) инсонни тушуниш йўлида мухим қадам ташлади. У инсон бетакор мавжудот ва у ҳақда алоҳида фалсафий мулоҳаза юритиш мумкин, деб ҳисоблар эди. Айни вақтда, у «инсон учун мактаб бўлиб хизмат қиласиган маданият соҳасидаги барча муваффақиятларнинг мақсади ўзлаштирилган билим ва кўнилмаларни амалга татбиқ этишдан иборатdir. Аммо бу билимлар татбиқ этилиши мумкин бўлган дунёдаги энг мухим предмет инсондир, зоро у ўзи учун пировард мақсаддир»¹, деб қайд этади.

Дунёнинг бутун ранг-баранглиги орасида И.Кант табиатнинг турли, лекин бир-бiri билан узвий боғланган уч даражаси: нотирик табиат, тирик табиат ва инсон табиатини фарқлади. Унинг фикрича, бу даражаларнинг ҳар бирида табиат ўз қонунларига, чунончи: нотирик табиат – механика қонунларига, тирик табиат – мақсадга мувофиқликка бўйсунади, инсон табиати эса эркинлиги билан тавсифланади. Айни вақтда у инсон табиатини қолган икки табиатга боғлаш ва улар орқали билиш мумкин эмаслигини таъкидлайди. Инсон табиатини факат унинг эркинликдан келиб чиқадиган ўз қонунларига мувофиқ англаб етиш мумкин. Шундай қилиб, И.Кант инсон табиатнинг ундаги бошқа жонли ва жонсиз обьектлар каби ўзига тўқ обьекти ҳисобланиши ҳақидаги фикрни илгари суриш орқали инсонни ўрганиш учун янги имкониятлар яратди ва шу тариқа фалсафий билимнинг мустақил бўлими сифатида фалсафий антропологиянинг яратилишига йўл очди.

И.Кантдан кейин немис класик фалсафасида инсон асосан маданият дунёсини яратувчи маънавий фаолият субъекти сифатида, умумий идеал асос – рух, ақл манбаи сифатида тушунилди. Л.Фейербах (1804-1872) бу ёндашувга карши чиқди. Ўша даврда обьектив идеализм фалсафасида хукм сурган тушунчалар («ғоя», «рух»)га зид ўлароқ, у «инсон» категориясини илгари сурди. Фейербах инсонга тарихий маънавий ривожланиш маҳсули сифатида эмас, балки аввало биологик, ҳиссий-жисмоний мавжудот сифатида ёндашиб, ундаги табиий-биологик асосга мурожаат этди. Унда инсон Худо яратган бандада эмас, балки табиатнинг бир қисми бўлиб, француз файласуфлари қайд этганидек механизм эмас, балки организмдир.

Айни шу сабабли Фейербах фалсафаси «антропологик материализм» деган ном олди. Унинг инсонга нисбатан ёндашуви шу билан тавсифланади, инсондаги табиийлик ва ижтимоийлик материалистик монизм нуқтаи назаридан тушунтирилади. Бу инсон бир вақтнинг ўзида нотирик ва тирик табиатнинг тадрижий ривожланиши маҳсули саналган биологик мавжудот сифатида ҳам, моҳияти ижтимоий муносабатлар билан белгиланадиган ижтимоий мавжудот сифатида ҳам қаралишини англаради.

XIX асрдан бошлаб Европа фалсафий тафаккури Ф.Шеллинг, А.Шопенгаэр, М.Штирнер, С.Кьеркегор, Ф.Ницше, Н.Бердяев, А.Бергсон каби файласуфларнинг саъй-харакатлари билан инсон мавжудлигини индивидуал ва тарихий муайянлаштириш сари

¹ Кант И. Соч. Т. 6. – М., 1966.– С.351.

юз бурди. Ҳаёт, сезгилар, хоҳиши-ирода, иррационаллик тушунчалари маҳсус фалсафий таҳлил предметига айланди ва кейинчалик экзистенциализм, интуитивизм ва персонализм фалсафасида ривожлантирилди.

Хусусан, экзистенциализм нуқтаи назаридан объектив дунё – бу аввало «инсон борлиғи» бўлиб, инсондан ташқарида дунё ҳақида бирон-бир гап айтиш мумкин эмас. Инсон борлиғи тўғрисида сўз юритиш ўринли бўлади, чунки инсон борлиқ хусусида саволлар беради, унинг мазмунини ташкил этган ҳолда уни бошдан кечиради, англаб етади.

Инсон муаммосига қисқача тарихий-фалсафий назар ташлаш XX аср бошига келиб фалсафада билимнинг янги мустақил соҳаси – инсон ҳақидаги таълимот, яъни фалсафий антропология вужудга келиши учун барча шарт-шароитлар яратилганини кўрсатади.

Фалсафий антропологиянинг вужудга келиши ва ривожланиши. Юнонча *sophia* – донишмандлик, *anthropos* – инсон ва *logos* – таълимот сўзларидан келиб чиқкан «фалсафий антропология» атамаси этимологик жиҳатдан инсон ҳақидаги фалсафий таълимотни англатади. Фалсафий антропология инсоннинг алоҳида борлиқ манбаи сифатида келиб чиқиши, тадрижий ривожланиши ва мавжудлигининг ўзига хос хусусиятларига доир фалсафий қарашларни акс эттиради.

Юқорида қайд этилганидек, инсон ҳақидаги фалсафий таълимотлар қадимда вужудга келган ва бутун фалсафа тарихи орқали ўтади. Конфуций, Сукрот, Гераклит, стоиклар, киниклар, Августин, Фома, Форобий, Ибн Сино, А.Навоий, А.Жомий, Декарт, Руссо, Кант, Фейербах, Ницше ва бошқалар инсоннинг фалсафий, назарий образини яратиб, фалсафий антропология фалсафий билимнинг мустақил бўлими сифатида вужудга келиши учун замин ҳозирлади.

Шу маънода фалсафий антропологиянинг ilk илдизларига XVIII аср француз материалистларининг асарларида дуч келиш мумкин. Аммо Кант, шунингдек, инсоннинг моҳияти муаммосини фалсафанинг «бирдан-бир, универсал ва олий» предмети даражасига кўтарувчи антропологик тамойилларни фалсафага киритган ва асослаб берган Фейербах саъй-ҳаракатлари билан фалсафий антропология мустақил фалсафий фан сифатида шаклана бошлади.

Фалсафий антропология XX асрнинг 20-йилларида асосан М.Шелер, А.Гелен, Х.Плеснер асарлари таъсирида узил-кесил вужудга келди. Хусусан, М.Шелернинг «Инсоннинг космосдаги ўрни» асарида инсон ҳақида фундаментал фан яратиш лозимлиги қайд этилади ва уни фалсафий билиш дастури таклиф қилинади. Муаллиф фикрига кўра, инсонни яхлит фалсафий билиш инсон борлигининг турли жабҳаларига нисбатан олинган муайян илмий натижалар билан бирикиши лозим.

М.Шелер фалсафий антропология инсоннинг яхлит концепциясини яратиб, уни муайян илмий, фалсафий ва диний жиҳатдан англаб этишда бирлаштирувчи рол ўйнаши лозим, деб ҳисоблайди. У «Фалсафий антропологиянинг вазифаси инсоннинг барча ўзига хос монополиялари, ишлари ва амаллари: тил, виждан, асбоблар, курол... давлат, раҳбарлик, миф, дин, фан... инсон борлигининг асосий структурасидан қандай келиб чиқишини аниқ кўрсатиб беришдан иборатдир¹, деб қайд этади.

Фалсафий антропология фанининг моҳияти. Инсон ҳақидаги билимларни бирлаштириш лозимлиги хусусида Шелердан олдинроқ ҳам сўз юритилган эди. XIX аср ўрталарига келиб инсон ўта мураккаб структура эканлиги, уни факат фалсафа ёки бошқа бирон-бир муайян фан методлари билан тўла англаб этиш мумкин эмаслиги, яъни инсон жамулжам ҳолда аниқ билим предмети бўла олмаслиги аниқ-равшан бўлиб қолди.

¹ Шелер М. Избранные произведения. – М.: 1994. –С. 187.

Шунингдек, айрим табиий фанлар, ҳар бири ўз соҳасида, вақт ўтиши билан умумийроқ хулосаларга келишни талаб этувчи салмоқли материал тўплади.

Бундай умумлаштиришга эҳтиёж Дарвиннинг эволюцион назарияси пайдо бўлиши билан айниқса бўртиб кўрина бошлади. Бу назария инсонга оид табиий-илмий тадқиқотларга кучли туртки берди, шунингдек материалистик фалсафий концепциялар ривожланиши учун қўшимча асос бўлиб хизмат қилди.

Мазкур ёндашув тарафдорлари инсон кўп ўлчовли ва муттасил ўзгарувчи мавжудот эканлигидан келиб чиқади. Гарчи унинг муҳим хусусиятлари минг йиллар мобайнида ўзгаришсиз қолаётган бўлса-да, улар инсоннинг моҳиятини тўла намоён этмайди. Бу ёндашув тарафдорлари инсон ўз олдига янги ва янги жумбоқлар қўяётган, ташқи дунёни, ўзининг ундаги ўрнини аниқлашга ҳаракат қилаётган, атроф муҳитни ўрганиш орқали уни ўз ихтиёрига кўра ўзгартирадиган фаол асос сифатида амал қиласидиган микрокосм ҳисобланишига ҳам эътиборни қаратмоқдалар.

Бошқача айтганда, инсон бунёдкор ва айни вақтда маданият маҳсули, ўзини қолган жонли дунёдан фарқлаш имконини берувчи маънавият манбаидир.

Фалсафий антропология тарафдорлари инсоннинг мазкур талқинидан келиб чиқиб, бу фан изчил илмий қарашларни илгари суришга даъвогар бўла олмаслигини ва айрим фанлар: психология, социология, биология ва бошқа ижтимоий фанларнинг турли ёндашувлари ва хулосаларини синтезловчи инсон ҳақидаги билимлар тизимини яратишга қаратилиши лозимлигини қайд этмоқдалар. Уларнинг фикрича, бу фан ўз предмети сифатида инсон борлигини белгилайди, унинг моҳиятини ва ўзига хос хусусиятларини таҳлил этиб, шу тариқа инсоннинг ўзини ҳам, уни қуршаган дунёни ҳам фалсафа нуқтаи назаридан англаб етишга ҳаракат қиласиди. «Антропология ёки аниқроқ айтганда – антропологик онг нафақат онтология ва космологияга, балки гносеология ва билиш фалсафасига, ҳар қандай фалсафа ва ҳар қандай билишга замин яратади»¹.

XX асрнинг 60-70-йилларида фалсафий антропология шундай бир ғоявий ҳаракатга айланди, унинг доирасида олимлар инсоннинг хозирги ҳолатини назарий жихатдан англаб етиш ва талқин қилиш, унинг табиатига нисбатан янгича ёндашувни илгари суришга ҳаракат қилдилар. Бу даврда юз берган фан-техника тараққиёти ва инсоннинг ўз илмий ва амалий фаолияти натижалари учун жавобгарлик туйғусининг кучайиши фалсафий антропологиянинг ривожланишига қўшимча туртки берди. Шундай қилиб, у энди инсон ҳақидаги билимларнинг умумийроқ мажмуи – умумий антропологиянинг таркибий қисмига айланди. Бу фан турли-туман таълимотлар, концепциялар ва ўйналишларни ўз ичига оладики, уларнинг орасида фалсафий ўйналишдан ташқари биологик, теологик (диний), социологик, психологик, маданий (этнографик), структуралистик, педагогик ва бошқа ўйналишларни қайд этиш мумкин.

Уларнинг ҳар бири, фалсафий ўйналишдан фарқли ўлароқ, инсоннинг муайян бир томонини ёритади. Масалан, биологик антропология анатомия, физиология, ирқ ҳақидаги таълимот ва шу кабиларга таяниб, инсоннинг қолган барча тирик мавжудотлардан фарқини унинг жисмоний тузилиши нуқтаи назаридан аниқлади. *Теологик антропология инсон ҳақидаги тегишили масавурларни уни Худо яратгани нуқтаи назаридан шаклантиради.*

Фалсафий антропология эса вазиятга яхлит ёндашади ва фанлараро хусусиятга эга бўлган хулосалар чиқаради.

Фалсафий билимнинг таркибий қисми сифатида фалсафий антропология ижтимоий фалсафа, ахлоқ, социология ва психология билан узвий боғлиқ бўлиб, улар билан биргаликда инсон ҳақидаги фанлар мажмуини ташкил этади.

¹ Бердяев Н.А. Смысл творчества. – М., 1989. – С.293.

З-мавзу: Инсонни фалсафий тушунишнинг ўзига хос хусусияти.

- 1.Инсон биосфера эволюциясининг зарурий босқичи.
- 2.Инсон – Гея элементи. В.И.Вернадский «инсониятнинг геологик роли» ҳақида.
- 3.Табиий экологик тизимларда инсоннинг ўрни ва аҳамияти.

Маълумки, инсон муаммоси фалсафанинг азалий муаммоларидан бири ҳисобланади. Юз йилча муқаддам инсон ҳаёти қандай ташкил этилиши лозим, деган савол кун тартибига қўйилади. Тарихийлик, маданий антропология ва эволюционизм тамойиллари асосида амалга оширилган тадқиқотлар натижасида қўлга киритилган ютуқлар билан инсон муаммосига нисбатан анъанавий ёндашувга қақшатқич зарба берилади. Инсон табиати ғоясидан инсоният тарихида кўплаб адолатсизликлар ва шафқатсизликларни оқлаш учун фойдаланилгани ҳам бунга ўз таъсирини кўрсатади. Турли сиёсий, мафкуравий ва бошқа хил воситалар билан «янги инсон»ни яратиш йўлидаги қўп сонли изланишлар ва вайронкор экспериментлар инсон буюм ёки ўзидан сиртдаги мақсадларга эришиш воситаси эмаслигини амалда намойиш қилди. Табиат мисли кўрилмаган даражада эксплуатация қилинаётган ҳозирги индустрисал жамиятда инсон табиати ҳақидаги тасаввур айниқса мураккаб тус олади. Бундай жамиятда (ва шаклланаётган постиндустриал социумда) инсон ўзини муайян кучлар қўлида ўйинчоқ ҳис қилади. Буларнинг барчаси инсоннинг ўз-ўзига бўлган қизиқиши ортишига, инсон табиатига бўлган эътиборнинг кучайишига олиб келади. Шунинг самарааси ўлароқ, бугунги кунда инсонни ўрганувчи фанлар жадал суръатларда ривожланмоқда. Хусусан, одам анатомияси чуқур ўрганилиши, жарроҳлар маҳорати юксак даражага кўтарилиши натижасида инсоннинг айрим аъзоларини сунъий йўл билан яратиш ва қўчириб ўтказиши имконияти пайдо бўлди. Инсон рухияти, айниқса рухий ва физиологик ҳолатларнинг ўзаро алоқаси ҳақида қўп сонли маълумотлар олинди. Индивидларнинг ижтимоий ҳолатини ўрганиш, шунингдек уларнинг маданий ва тарихий дифференциациясини аниқлаш борасида улкан ютуқларга эришилди. Ҳайвонлар ва инсон хулқ-атворидаги ўхшаш жиҳатлар ва фарқлар ўрганилди. Шунга қарамай ҳозирда мавжуд бўлган илмий билим инсон ҳақида тўла-тўқис тасаввур ҳосил қилиш имконини бермайди, зеро индивидларнинг экзистенциал ва маънавий эҳтиёжларини қондира олмайди. Тўпланган билим қаршисида инсоннинг ўз табиатини аниқлашга, ўз мавжудлигининг мазмунини англаб етишга бўлган интилиши кучайди. Айрим тадқиқотчilar инсон ҳаётининг мазмунини Коинот мавжудлигининг мазмуни билан боғламоқдалар. Натижада инсонни муайян универсум сифатида ёки бутун Коинотни, унинг барча даражаларини ўзида акс эттирган монада сифатида тасаввур қилиш билан боғлиқ бўлган масалалар вужудга келаётir. Ушбу бобда биз мазкур масалаларнинг айримларига батафсилроқ тўхталамиз.

Инсоннинг корпускуляр-тўлқинли табиати. Ҳозирги замон фани қўлга киритган ютуқлар инсоннинг озми-кўпми аниқ образини яратиш, унинг табиати ҳақидаги тўғри тасаввурга яқинлашиш учун мистик ва диний тажриба натижаларидан фойдаланиш зарурлигини кўрсатади. Улар қуйидаги эски, бироқ ўта муҳим масалаларга янгича кўз билан қараш имконини беради: «Инсон онгининг табиати қандай?», «Инсон табиатини тушунишда мистик ва диний тажриба қандай роль ўйнайди?», «Бизга маълум бўлган Коинотда инсон қандай ўрин эгаллайди?». Ф.Капра, Ж.Зукав, Д.Постл, В.Томпсон каби олимлар ўз тадқиқотларида ҳозирги замон физикаси ва шарқ фалсафаси ўртасидаги яқин алоқаларни ўрганиб, юқорида зикр этилган саволларга жавоб топишга ҳаракат

қиласылар¹⁴. Масалан, Ф.Капра шарқ тафаккурининг бир нечта йұналишлари (индуизм, буддизм, даосизм ва дзэн) билан янги физиканинг ажойиб кашфиётлари ўртасида мулокотни бошлади ва самарали амалга ошириди. Номлари зикр этилган олимларнинг хар бири физикадаги янги кашфиётлар Коинот табиати ва унинг инсон билан муносабати түгристерде холосалар чиқариш имкониятини беришіни, бу холосалар шарқнинг қадимги фалсафий ва диний таълимлары билан үйғун эканлигини намойиш қиласы.

Ушбу тадқиқотлар ҳозирги инсон ҳақидаги микротасаввурга күрсатадиган таъсир уларнинг өзгерасидан четта чиқади. Буни Ф.Капранинг «Физика даоси» китобидан олинган қуйидаги парча ҳам тасдиқлайды: «Хозирги замон физикаси жамият ҳаётининг деярли барча томонларында таъсир күрсатади... Ишлаб чиқариш соҳасидан ташкари, бу таъсир инсон маданияти ва фикрлаш услубида, хусусан унинг Коинот хусусидаги қарашлари ва унга бўлган муносабатининг ўзгаришида ҳам сезилади... Масалан, субатом физикасидаги материя тушунчалик классик физикасидаги моддий субстанция ҳақидаги одатдаги тасаввурларга мутлако зид. Айни шу гапни макон, замон, сабаб ва оқибат тушунчалари ҳақида ҳам айтиш мумкин. Нима бўлганда ҳам, бизнинг дунёқарашимиз замирида айни шу тушунчалар ётади ва улар бутунлай қайта кўрилган тақдирда бизнинг дунё ҳақидаги тасаввуримиз ҳам ўзгара бошлади»¹⁵.

Инсон ўз концептуал аппаратини қайта кўриши лозимлиги ҳақидаги бу тасаввурлар ҳозирги замон фани билан Шарқ ва ғарбнинг қадимги мистик ва диний ҳақиқатлари ўртасидаги умумий муносабатни ўрганиш жараённанда юзага келувчи ғоялар билан мувофиқ келади¹⁶. Макродунё ҳодисалари қобигидан ташкаридаги универсал борликни намоён этувчи квант назарияси инсайтлари бунинг ёрқин далилларидан бири ҳисобланади. Ф.Капра бу ҳақда шундай деб ёзади: «Квант назарияси оламнинг фундаментал яхлитлигидан далолат беради ва биз дунёни алоҳида «қурилиш ғиштлари»га ажратишимиз мумкин эмаслигини намойиш қиласы. Моддани ўрганаар эканмиз, биз мустақил таркибий элементларни эмас, балки яхлит бир бутун нарсанинг турли қисмлари ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг мураккаб тизимини кузатишимиз мумкин. Кузатувчи инсон кузатиш жараёнлари занжирида охирги бўғин ҳисобланади... Атомлардан таркиб топган воқеликни ўрганишда дунё ва шахс, кузатувчи ва кузатилаётган объектнинг картезианча таснифига амал қилиш ўринли бўлмайди. Атом физикасида табиат ҳақидаги ахборотни маълум қилиш ва айни пайтда ундан четда қолиш мумкин эмас»¹⁷. Демак, воқеликни кузатиш ва айни пайтда уни ўзгартирмаслик мумкин эмас. Маълумки, Шарқнинг қадимги мутафаккирлари кузатувчи ва кузатилувчининг фундаментал яхлитлигини, инсон табиатни ўрганиши жараённанда уни ўзгартириши муқаррар эканлигини қайд этганлар.

Дунё замирида Гейзенбергнинг номуайянлик тамойили ётuvчи квант назарияси доирасида тавсифланғаннанда барча элементлар, шу жумладан инсон корпускуляр-тўлқинли дуализмга эга бўлади. Бинобарин, инсоннинг корпускуляр-тўлқинли табиати түгристерде сўз юритиш мумкин, зеро инсон Коинотдан алоҳида мавжуд бўлмайди. Коинот эса инсондан алоҳида мавжуд бўлмайди. Ф.Капра ушбу ягоналикни яна бир карра эслатади: «Биз субмикродунёга теран назар ташлар эканмиз, ҳозирги замон физиги шарқ мистиги каби дунёга бир-бири билан ўзаро таъсирга киришувчи ва тинимсиз ҳаракат қилувчи ажралмас элементлардан таркиб топган тизим сифатида қарashi лозимлигига ишонч хосил қиласыз. Бунда кузатувчининг ўзи ҳам мазкур тизимнинг ажралмас қисми ҳисобланади»¹⁸. Бу ҳолда дунё (Коинот) қаршимизда инсон интеграл таркибий элементи

¹⁴ Қаранг: Капра Ф. Дао физики. – СПб., 1994; Zukav G. The dancing \Vu Li masters. N.Y. 1979; Postle D. Fabric of the Univers. N.Y., 1976.

¹⁵ Капра Ф. Дао физики. – СПб., 1994. – 12-б.

¹⁶ Қаранг: Needleman J.A sense of cosmos. N.Y., 1965.

¹⁷ Капра Ф. Дао физики. – СПб., 1994. – 60-б.

¹⁸ Ўша ерда. – 20-б.

хисобланувчи тизим сифатида гавдаланади. Табиат «тўлқинлари» ва «квантлари»дан биз «кузатувчи» ва унинг «онги» сари ҳаракатлансак, «физика психологиянинг тармоғига айланади»¹⁹. Ушбу фикр замирида бир қатор физикалар (А.Эддингтон, С.Сираг ва бошқалар)нинг табиат пойдевори ақлдир, деган ғояси ётади.

Декартнинг бир кўниккан инсон образидан фарқли ўлароқ, инсоннинг корпускуляр-тўлқинли табиати образи анъанавий психологияда қўлланилмайди. Бунинг қадимда машҳур бўлган ва ҳозирги замон фанида олинган кўп сонли далиллари мавжуд. Патанжали ўзининг машҳур (тахминан милоддан аввалги 200 йилда яратилган) «Йога Сутра» асарида инсон ақлидан ўтувчи тафаккур тўлқинларининг узлуксиз оқими (ҳозирги психологлар уни ақл «ассоциациялари» оқими деб атайдилар) муаммосини муҳокама қилган эди. Шарқ фалсафий тафаккури контекстида тафаккур тўлқинлари инсон руҳияти тўлқинлари, яъни материя ва энергия каби Коинот билан узвий бўлган «универсал тўлқинлар» хисобланади. Шуни қайд этиш лозимки, бу ерда гап руҳиятнинг аниқ мўлжалли хусусияти ҳақида боради: Шарқ тафаккури йўналишларининг аксариятида медитация ягона универсумнинг ақлини «ягона чексизлик»ка ёки руҳиятнинг соф мўлжалига киритиш учун концепцияни ривожлантириш воситаси сифатида қаралади. Дарҳақиқат, Патанжалининг ўзи ҳам йогани «ақлда тафаккур тўлқинларини бошқариш» сифатида тавсифлайди²⁰.

Шу нуқтаи назардан олиб қараганда, сўнгги йилларда инсон индивидининг «корпускуляр-тўлқинли» табиатини ўрганиш билан шуғулланувчи релятивистик квант психологияси вужудга келгани табиий бир ҳолдир. Ушбу психология назариясига кўра, инсон хулқ-атвори ва тафаккури (дунёнинг лапласча классик манзарасидаги каби) олдиндан аниқ белгиланмайди, балки эҳтимолий хусусиятга эга бўлган қонуниятларга бўйсунади. Сўнгги зикр этилган омил инсон табиатининг «руҳий», «тўлқинли» томони билан боғлиқ, яъни эҳтимол тутилган ҳаракатга мойиллик замирида инсоннинг «тўлқинлар кучи билан йўлга солинадиган машқ қилиш қобилияти»²¹ (бу ерда гап медитация амалиёти ҳақида боради. – Муаллиф) ётади. Бу инсон хулқ-атворини (ва тафаккурини) олдиндан аниқ башорат қилиш мумкин эмаслигини, унга тўлқинли табиат хос эканлигини англатади. Айни пайтда инсон табиатининг «тўлқинли» ва «корпускуляр» томонларини инобатга олувчи релятивистик квант психологияси индивидни соф нисбий атамаларда ўрганиши лозимлиги назарда тутилади (хусусан, эркак ва аёлни ажратиш, эркаклар ва аёллар тафаккурини бир-бираидан фарқлаш мумкин эмас).

Сўнгги йилларда утказилган тадқиқотларнинг натижалари мия фаолияти квант қонунларига мувофиқ амалга оширилишини кўрсатади. Бундай имконият таҳлили миянинг онгли фаолияти иккинчи даражали хусусиятга эга эканлиги ва одатдаги мантиқа бўйсунишидан, унинг онгсиз фаолияти эса асосий бўлиб, квантча мантиқа мувофиқ амалга оширилишидан далолат беради. Онга туғиладиган турли фикрлар ва тасаввурлар мия фаолиятини аниқ акс эттирмайди. «Онг ишга тушганида хulosалар ва қарорларда муайян тартибсизлик юзага келади ва у квант механикаси ўлчовларидаги тартибсизликни эслатади»²².

Е.Уокер мия ишининг таҳлили учун квант механикаси тамойилларидан фойдаланишга ҳаракат қиласи. Миядаги асосий квант-механик жараёнлардан бири сифатида у таъсирланишларнинг синапслар бўйлаб нейроннинг таянч нұкталарига ўтишини ажратади. Синапснинг конкрет физик шароитларини ўрганар экан, Е.Уокер таъсирланишларнинг синапсга ўтиши квант механикасининг «туннель эффекти»га ўхшаш

¹⁹ Zukav G. The dancing Vu Li masters. N.Y. 1979. – 56-б.

²⁰ Карап: The metaphors of Consciousness. – N.Y., 1981. – 430-б.

²¹ Ўша ерда. – 432-б.

²² Электромагнитные поля в биосфере. Под ред. Красногорской. – М., 1984. Т. 2. – 175–176-б.

бўлиши лозим, деган фояни илгари суради. У амалга оширган ҳисоб-китоблар ҳам мазкур гипотеза фойдасига гувоҳлик беради²³.

Аммо айрим синапслар фаолиятнинг бундай квант-механик талқини яхлит мия ишини тушунтириб бера олмайди, у ёки бу синапс иши тўғрисида ахборот узатишни қайси омил амалга оширади, деган саволга жавоб бериш учун имконият яратмайди. Тадқиқотчи синаптик узатиш тизимиши бошқаришни таъминловчи информацион таъсирнинг физик асосини топиш йўлида изланиш олиб боради. Унинг таҳлили синапсларда турли хил ахборот узатишни таъминловчи иккита жараён мавжуд бўлиши лозим, деган хulosага келиш имконини беради. Бу жараёнлардан бири яқин масофага (тахминан 200 А) ахборот узатиш билан боғлик; у синаптик «туннель эфекти» таъсирида юз беради. Иккинчи жараён ўз мияси доирасида ахборот узатишни таъминлайди. Е.Уокер инсон онгли фаолиятнинг вужудга келиши ва яхлит хусусиятини айни шу бошқарувчи омил билан боғлади.

Синапслар фаолиятини, яъни яқин масофага ахборот узатишни таъминловчи жараёнлар анча аниқ моделлаштирилган. Бошқарувнинг иккинчи, янада юксакроқ даражаси ишини таъминлаш учун масъул бўлган физик жараёнларга келсак, Е.Уокер ушбу даража муаммосини туннель эфектини узоқ масофаларга (тахминан 100 мм) модификациялаш йўли билан ечишга ҳаракат қиласди. Ушбу тасаввурга кўра, ахборот узатиш учун бутун мия бўйлаб тақсимланган, ахборотни бир синапсдан бошқасига узатишга хизмат қиласди оралиқ молекулалар (РНК)дан фойдаланилади. Мия ишини моделлаштиришга нисбатан бундай ёндашув Е.Уокерга миянинг беш аниқ параметрини ҳисоблаш имкониятини беради. Ушбу ҳисоб-китоб натижалари экспериментал ўлчашларнинг натижалари билан мувофиқ келади. Аммо Е.Уокер назарияси унинг бош мақсади – онг моделини яратиш имкониятини бергани йўқ. У онг функциясини амалда кузатиш мумкин бўлмаган ва шу туфайли ҳам онгли фаолиятнинг физик моделини яратиш учун асос функциясини бажара олмайдиган баъзи бир «яширин параметрлар»га юклаш билан кифояланди. Амалда Е.Уокер мияда юз берувчи айрим биологик жараёнлар моделини яратди. Е.Уокер моделини аниқ текшириш унинг ёрдамида мия баъзи бир параметрларининг ҳолатини башорат қилиш мумкинлигини аниқлаш имконини берди. Бу мияда квант-механик жараёнлар юз беришидан ва инсон табиати таҳлилига тўлқинли ёндашув реал асосга эга эканлигидан далолат беради.

Биологик объектларни ўрганишнинг радиоэлектрон методлари қўлланиладиган лабораторияларда ўтказилган экспериментал тадқиқотлар ҳам инсоннинг корпускуляр-тўлқинли табиатига ишора қиласди. Ушбу тадқиқотларнинг натижалари ҳар қандай биологик объект атрофида унинг ҳаёт фаолияти таъсирида биологик тизим ҳақида ахборот берувчи физик майдонларнинг мураккаб манзараси ҳосил бўлишини кўрсатади. Бундай майдонлар саккиз хил бўлади:

- электромагнит тўлқинларнинг инфракизил диапазонида иссиқлик тарқалиши, атмосферанинг «шаффофлик дарчаси» орқали унинг ўтиши;
- ички аъзоларнинг температураси ва вақт ритмлари ҳақида ахборот берувчи радиоиссиқлик тарқалиши;
- тебранишлар частотаси секундига нолдан мингтагача бўлган, тана ҳужайралари билан тўсиладиган паст частотали электр майдонлар;
- айни шу частоталардаги магнит майдонлар, улардан мия фаолиятини ўрганиш учун фойдаланилади;

²³ Карапг: Walker H. The nature of Consciousness // Mathematical bio-sciences. – N.Y., 1970. – 131–178-б.

- ички аъзолар, мушаклар ва ҳоказолар инфратовуш диапазонида фаолият кўрсатганида пайдо бўлувчи акустик сигналлар;
- молекулалар ва хужайралар даражасида мавжуд манбалар билан боғлиқ бўлган юқори частотали шовқинсимон акустик сигналлар;
- организмдаги биокимёвий реакциялар таъсирида электромагнит тўлқинлар оптик спектрининг яқин инфрақизил ва яқин ультрабинафша диапазонларида пайдо бўлувчи биолюминесценция сигналлари;
- инсон ҳаракатланганида уни қуршаган муҳит ва организм ўртасида моддалар алмашинуви таъсирида юз берувчи мазкур муҳит таркиби ва физик-кимёвий хусусиятларининг ўзгариши²⁴.

Жисмдан ташқаридаги бу ва бошқа майдонларнинг барчаси сезиларли даражада ностационардир. Улар инсоннинг психофизиологик ҳолатларига қараб вақтда тез ўзгаради. Ушбу майдонларни ўрганишда организм ўзини ўзи бошқариши ҳамда биологик, геофизик ва бошқача хусусиятга эга бўлган ташқи таъсирлар билан ҳисоблашиш талаб этилади. Буларнинг барчаси индивид-шахс физик тузилиши, унинг табиий хоссаларининг фундаментал асосларини намойиш этади.

Шундай қилиб, инсон (бошқа ҳар қандай биологик тизим каби) корпускуляр-тўлқинли табиатга эга. У икки қисмдан, аникроқ айтганда, атом-молекуляр структуруни ўзида ифодаловчи анатомо-геометрик компонент ва (хеч бўлмаса назарий даражада) бутун Коинот бўйлаб тарқалган майдонлардан иборат. Ушбу тасаввур инсоннинг тўлқинли хусусиятига янгича кўз билан қарашиб имкониятини беради. Инсоннинг корпускуляр-тўлқинли табиати инсон жони ҳақидаги тасаввурлар тарихига бутунлай янгича нуқтаи назар билан ёндашиш, инсонни ҳамиша ташвишга солиб келган, инсоннинг космик мезонига қараб мўлжал олувчи дин ва фандан уйғун ўрин олган ўлим ва умрбоқийлик муаммосининг янгича талқинини илгари суриш учун имконият яратади.

К.Циолковскийнинг «гомо космикуси». XXI аср бошида инсон феноменини «Мен ва Коинот» фундаментал ижтимоий ва ахлоқий муаммоси контекстидан ташқарида тушуниш мумкин эмас. Айни ҳол давримизнинг оламшумул муаммоларини ечиш зарурияти ҳамда инсон мавжудлигининг деярли барча соҳаларини қамраб олган космизация жараёни билан боғлиқ. Юқорида зикр этилган муаммонинг долзарб тус олишида атоқли рус олими К.Циолковскийнинг «космик фалсафаси» ҳам улкан роль ўйнайди. Унинг илмий мероси фан-техника тараққиётининг етакчи йўналишларидан бирининг назарий пойдевори ҳисобланади ва айни пайтда космосни ўзлаштиришнинг бир қатор ижтимоий-фалсафий, ахлоқий ва дунёқарашга доир муаммоларини кўтаради.

Шу нарса диқкатга сазоворки, олим ўз асарларида ньютонча механика чегарасидан четга чиқмасдан, уларда улкан ижодий имкониятларни мужассамлаштиришга муваффақ бўлган. Буни фалсафанинг «абадий» муаммоларига нисбатан К.Циолковскийнинг ноанъанавий ёндашуви билан изоҳлаш мумкин бўлса керак. Ушбу ёндашув К.Циолковскийга гояларни техникада гавдалантиришнинг самарали усулларини қашф қилиш имконини беради. Шу маънода баъзи бир олимларнинг К.Циолковский «космик фалсафаси» ҳозирги илмий тасаввурлар билан мувофиқ келмайди²⁵, деган фикрига кўшилиш мушкул. Дунёнинг илмий манзараси ўзгариши мумкин ва лозим (бу илмий изланиш табиатига хос), бизни эса К.Циолковский «космик фалсафаси»нинг эвристик имкониятлари қизиқтиради.

²⁴ Карапнг: Вестник АН СССР. 1983. № 8.

²⁵ Карапнг: Семенова Г.С. Вступительная статья «Русский космизм» // Русский космизм: Антология философской мысли. – М., 1992. – 28-б.

Энг янги фанда инсоннинг Коинотдаги ўрнини ёритувчи ва космосда ҳаёт ва ақлнинг турли шакллари мавжудлиги ҳақидаги фаразларга муайян муносабатни акс эттирувчи антроп космологик тамойилдан фойдаланилади. Бу тамойилни К.Циолковский космобиолог А.Чижевский билан сұхбатда илгари сурган эди²⁶. Таниқли физик олимлар С.Хокинг ва Ж.Уилер Коинотни «лойиҳалаш»да инсоннинг роли ҳақидаги ўз мұлоҳазалари учун таянч нұқтаси сифатида айнан антроп космологик тамойилни танлайдилар (ушбу мұлоҳазалар Коинот ва инсониятнинг ривожланиш имкониятларини таҳлил қилишда яхши самара беради). Ўз-ўзидан ривожланувчи тизимларнинг (Коинот шундай тизимларга киради) хусусияти шу билан белгиланады, уларда вужудға келувчи янги структуравий даражалар ўзидан олдинги даражаларни бошқара бошлайды, икки томонлама алоқа тамойилига мұвоғиқ ularни фаол ўзгартиради. Бинобарин, космик цивилизациялар (К.Циолковский таъбири билан айтганда «янги космик одам») ўз амалий фаолиятида Коинотнинг у ёки бу хоссаларини «лойиҳалаш»да ўз мақсадлари ва эхтиёжларидан келиб чиқиб иштирок этиши мүмкін. Табиийки, бу тахминлар қай даражада тұғри эканлигини фақат келажак күрсатади.

Шуны қайд этиш лозимки, К.Циолковскийнинг «космик фалсафаси»га асосланған прогнозлар ҳозирги замон одамнинг маңнавий дунёсига маълум даражада таъсир күрсатади, унинг тафаккури ва хулқ-авторини йўлга солади. Барча космик дастурлар замирида К.Циолковскийнинг ракета техникасига доир асарлари ётади, аммо бу асарлар фалсафий-ахлоқий дастурда баён этилган фалсафий ғояларни рўёбга чиқариш йўлларини топишга хизмат қиласи. Ушбу дастур таркибидан К.Циолковскийнинг куйидаги асосий фалсафий муаммоларга доир мұлоҳазалари ўрин олган: космоснинг космик цивилизациялар мавжудлик соҳаси, уларнинг билиш фаолияти ва амалиёти майдони сифатидаги «мазмуни», инсоннинг космосдаги ўрни тўғрисида; тарих ва инсон ҳаётининг мазмуни ва мақсадлари, баҳтли келажакни яратиш йўллари, инсон ахлоқининг мазмуни ва асослари тўғрисида.

К.Циолковский концепциясининг ўзига хос жиҳати шундаки, у космосга қараб мўлжал олади: «Инсоният тақдирни Коинот тақдирни билан боғлиқ. Шу сабабли ҳар бир ақлли жонзот Коинот тарихи билан ҳамнафас бўлиши лозим. Бундай кенг дунёқараш боши берк кўчага олиб кириши мүмкін»²⁷. Ушбу нұқтаи назар XIX ва XX асрлар чегарасида жаҳон фалсафий тафаккурида илгари сурилган эди (бунда А.Умовнинг инсоният – космосдаги негаэнтропия омили, деган тавсифи ёки В.Вернадскийнинг ноосфера тўғрисидаги таълимоти мисол бўлиши мүмкін). Аммо энг мукаммал ва ҳар томонлама ишлаб чиқилган «космик фалсафа» тизимини айнан К.Циолковский яратган. Мазкур фалсафадан инсоннинг бевосита космик фаолияти даврида пайдо бўлган бир қатор ғоялар, муаммолар ва концепцияларни ечишда фойдаланилиши мүмкін.

К.Циолковский дунёни табиий ва ғайритабиий соҳаларга ажратишга асосланған ҳар қандай диний тасаввурларга қарши чикувчи монистик дунёқарашни қўллаб-қувватлайди. У «космик фалсафа» фундаментал қоидаларининг материалистик хусусиятига ургу беради: «Мен – соф материалистман, материядан бошқа хеч нарсани тан олмайман»²⁸. Дарҳақиқат, К.Циолковский Коинотда мавжуд битта субстанция ва битта куч – материяни тан олган. «Ушбу синтез ва таҳлил ҳодисалари таъсирида материянинг абадий айланма ҳаракати юз беради»²⁹. К.Циолковский космосни чексиз ва мураккаб механизм деб ҳисоблайди. Унинг фикрига кўра, физика, кимё ва биология моҳият эътибори билан механикани ўзида ифодалайди. Бироқ Циолковскийнинг тасаввурларини

²⁶ Карап: Чижевский А.Л. Теория космических эр // Гиренок Ф.И. Русские космисты. – М., 1990.

²⁷ Циолковский К.Э. Необходимость космической точки зрения. 1934 //Архив АН СССР.

²⁸ Циолковский К.Э. Монизм Вселенной // Русский космизм: Антология философской мысли. – М., 1992. – 264-б.

²⁹ Циолковский К.Э. Научная этика. – Калуга, 1930. – 15-б.

сўзма-сўз тушуниш ва соф механистик руҳда талқин қилиш ярамайди. Гап шундаки, унинг фалсафаси баъзи ҳолларда унча аниқ ифодаланмаган кўп сонли ғоялар ва таклифларни ўз ичига олади. Боз устига, К.Циолковский Коинотнинг «мазмуни» нимада, деган саволга жавобнинг йўқлигини эски, механистик материализмнинг камчилиги деб ҳисоблайди ва уни баъзан панпсихизм, гилозоизм ва буддизм ғоялари ёрдамида бартараф этишга ҳаракат қиласи. Унинг айрим асарларида теософик ва ҳатто мистик хусусиятга эга бўлган фикр-мулоҳазаларга ҳам дуч келиш мумкин. Хуллас, К.Циолковскийнинг «космик фалсафаси» ўта мураккаб ва зиддиятларга тўла таълимотdir.

Инсон ва космоснинг ягоналиги ғояси К.Циолковский концепциясининг ўзагини ташкил қиласи. Унинг ўзига хослиги шу билан белгиланадики, олим инсон ва космоснинг ягоналиги ҳакида гапирав экан, ҳар доим ушбу ғоянинг ижтимоий-ахлоқий ва гуманистик жиҳатларини назарда тутади. Мазкур ғояни фалсафий даражага кўтарар экан, К.Циолковский ҳаёт ва ақл моддий дунёнинг фундаментал атрибутларини ўзида ифодалайди, деб ҳисоблайди. Унинг фикрича, космик эволюция жараёнлари ижтимоий ақлли жонзорлар турли даражада мукаммал қўринишда пайдо бўлишини тақозо қилган. Ижтимоий организмларнинг чексиз жараёни жамиятнинг ҳар бир аъзоси умрини сезиларли даражада узайтириш имконияти билан белгиланади: у тасаввур қилиб бўлмайдиган даражада узок бўлиши мумкин³⁰.

Инсон ва космоснинг ягоналиги ғоясининг муҳим жиҳати К.Циолковскийнинг космоснинг «сабаби» ва «мазмуни» тўғрисидаги мулоҳазаларида намоён бўлади. «Дунё ҳар доим мавжуд бўлган, мавжуд ва бундан буён ҳам мавжуд бўлади, десак ва бундан ўғига ўтишни истамасак, нима учун ҳамма нарса айнан шундай қўринишда намоён бўлади, нима учун табиатнинг айнан шундай қонунлари мавжуд, деган саволлардан қочиб қутула олмаймиз... Бунинг бирон-бир сабаби бўлиши керак, умуман дунёнинг ҳам ўз сабаби бўлиши лозим»³¹. Гарчи К.Циолковский ўзининг ilk асарларида ушбу биринчи сабабни Худо билан айнишлashingган бўлса-да, кейинчалик мазкур муаммони у бутунлай бошқача талқин қиласи, аниқроқ айтганда, «космоснинг яратилиши» ғоясидан бутунлай воз кечган ва биринчи сабабни пантеизм руҳида тушунган.

К.Циолковский нима учун дунё айнан шундай, деган саволга қуидагича жавоб беради: ҳамонки инсоннинг мавжудлиги тасодифий эмас, балки космос билан узвий экан, биз биладиган бу космос бошқача бўлиши мумкин эмас³². Умуман олганда, бу тезис юкорида айтиб ўтилган антроп космологик тамойилнинг мазмунини ташкил этади. Айни пайтда К.Циолковский ҳаёт ва ақлнинг бошқача шаклларини яратишга қодир бўлган ўзга «дунёлар» мавжудлиги ҳам эҳтимолдан холи эмас деб ҳисоблайди. Унинг фикрича, бундай дунёларга ҳам, агар улар мавжуд бўлса, ўз космоси билан узвийлик хосдир. К.Циолковский космоснинг «маъноси» тўғрисида мулоҳаза юритар экан, агар Коинот органик, ақлли ва ҳис қилувчи жонзорларга тўла бўлмаса, у қандай маънога эга бўлар эди, деган саволни ўртага ташлайди ва унга ўзи бу «маъно» космоснинг структурасига ва унда юз бераётган эволюция жараёнларига таъсир қўрсатишга қодир бўлган ўта ривожланган цивилизацияларнинг пайдо бўлиши билан белгиланади³³, деб жавоб беради.

Инсон ва космоснинг ягоналиги муаммосининг бошқа бир муҳим жиҳатини К.Циолковский ўзининг эволюцион ғоялари билан боғлайди. Унинг фикрича, моддий Коинотнинг тадрижий ривожланувчи обьектлари ўзига хос хусусиятларга эга бўлган атомлардан иборатdir. Бир томондан, атом чексиз кичик моддий заррани ўзида

³⁰ Карап: Циолковский К.Э. Космическая философия // Русский космизм: Антология философской мысли. – М., 1992. – 238-б.

³¹ Циолковский К.Э. Этика и естественные основы нравственности. 1902—1903// Архив АН СССР. – 93-б.

³² Циолковский К.Э. Простые мысли о вечности материи и чувства. – М., 1933. – 13-б.

³³ Карап: Урсул А.Д., Школенко Ю.А. Социально-философские проблемы освоения космоса // Философия, естествознание, современность. – М., 1982. – 23-б.

ифодалайди, бошқа томондан эса – сезиш қобилиятига эга бўлади: «Материянинг ҳар қандай атоми ўзини қуршаган мухитга мос равища сезади. Юксак даражада уюшган мавжудотлардан ўрин олар экан, у айни шу мавжудотлар ҳаёти билан яшайди, ёқимли ва ёқимсиз нарсаларни ҳис қиласди, ноорганик дунёга тушиб қолганда эса, у гўё уйқуда, хушсизлик ҳолатида, йўқлиқда бўлади»³⁴. Умуман олганда, бутун *Коинот жонли структура ҳисобланади ва шу боис у ҳиссий идрок этиши қобилиятига эгадир.*

Эволюция жараёнида материя инсонни яратар экан, бундан ўз ривожланиш жараёнининг юксак даражасига кўтарилишнингини эмас, балки инсон ёрдамида ўзини ўзи англаб етишни ҳам кўзлайди. Коинот ўз мақсадига эришиш – фикрлаш ва сезиш қобилияtlари чексиз бўлган инсонни яратиш йўлида изчил ҳаракат қиласди. Ушбу мақсадга эришиш учун табиат модданинг молекуляр структурасидаги ўзининг улкан имкониятларини ишга солади. Бир неча миллиард йил давом этган бу жараён ақлни лол қолдирадиган қобилияtlари сон-саноқсиз хужайралар фаолияти билан боғлиқ бўлган инсон мияси пайдо бўлиши билан тугайди. Нега, нима учун қабилидаги саволларни бериш инсон миясининг энг ғаройиб қобилияtlаридан бири ҳисобланади. Бошқача қилиб айтганда, инсон шакл-шамойилидаги материя ўз мавжудлигининг маъно ва мазмуни тўғрисидаги саволни ўртага ташлайди ва унга жавоб олишга ҳаракат қиласди. Дунё ҳакида тўлақонли тасаввур ҳосил қилиш учун инсон файласуфлар, ёзувчилар, шоирлар, рассомлар, олимлар, коҳинлар, илоҳиётчилар ва бошқаларнинг асарларини ўз ичига олган билимларни жамлагач, у эволюция жараёнининг космик босқичига қадам қўяди.

К.Циолковский фикрига кўра, инсоннинг космосда борлиғи тўрт асосий босқичдан ўтади:

- яқин орада бошланадиган ва бир неча миллиард йилга чўзиладиган **туғилиш босқичидан**;
- инсоният бутун космос бўйлаб тарқалиб, ундан қўним топадиган **шаклланиш босқичидан**. Бу босқич бир неча юз миллиард йил давом этади;
- **инсониятнинг таназзул босқичидан**. Ушбу босқич ҳам бир неча юз миллиард йил давом этади;
- бир неча ўн миллиард йил давом этадиган **терминал босқичидан**. Бу даврда инсоният «нима учун» деган саволга жавоб топади ва мавжудликнинг моддий, корпускуляр шаклидан борлиқнинг тўлқинли – «нурсимон» шаклига ўтади.

Орадан жуда кўп миллиард йиллар ўтгач, нурсимон космос босқичи ўрнини аввалгидан юксакроқ даражадаги корпускуляр космос даври эгаллайди ва яна ўша цикл бошланади: туманликлар, юлдузлар ва сайёralар вужудга келади, эволюция жараёнида космос айланма ҳаракатининг олдинги циклидагидан ҳам баркамолроқ инсон пайдо бўлади. Юксак даражадаги босқичларнинг барчасидан ўтгач, инсоният тағин янада юксакроқ даражадаги нурсимон ҳолатга ўтади. Ушбу космик циклларнинг алмашуви ҳамма нарсани биладиган «ўта янги» инсон пайдо бўлгунга қадар давом этади. Натижада космос буюк баркамолликни ўзида ифодалайди ва «гомо космикус» Коинот билан бир жону бир тан бўлиб бирикади.

Ахлоқ муаммоси К.Циолковский фалсафий изланишларининг таянч нуктаси ҳисобланади. Бунда у дунёвий ахлоқни космик ахлоқ даражасига кўтаради, зеро дунёвий ахлоқ тамойиллари ва қоидалари унинг таълимотида умумкосмик аҳамият касб этади³⁵. К.Циолковский илгари сурган космик ахлоқ тизими баҳт-саодат ва баркамолликка

³⁴ Циолковский К.Э. Монизм Вселенной // Русский космизм: Антология философской мысли. – М., 1992. – 266-б.

³⁵ Қаранг: Циолковский К.Э. Органический мир Вселенной //Собр. соч. Т. 4. – 93-б.

интилиш Коинотда яшовчи барча жонзотларнинг асосий ва узвий хусусияти ҳисобланишидан келиб чиқади. Унинг оқилона ғоялари космик фаолият шароитида инсонлараро муносабатларнинг шаклланишига таъсир кўрсатмоқда. Шуни қайд этиш лозимки, бундай космик ахлоқ абстракт хусусиятга эга эмас, у маданиятнинг космос даражасига кўтарилиши жараёнига ўз ҳиссасини қўшади. Бунга яна шуни ҳам қўшимча қилиш лозимки, К.Циолковскийнинг барча инсоний ақллар ва иродаларнинг ягона фаол қурдатли ақлга бирикуви ҳақидаги фикри кейинчалик француз палеонтологи ва теологи Тейяр де Шарден яратган айрим индивидлар онгининг колектив ақл – Омега нуктасига бирикуви тўғрисидаги таълимотга асос бўлади.

Тейяр эсхатологияси. Тейяр де Шарден инсон мавжудлигининг космик даражасини талқин қилишда бошқача фалсафий нуктаи назарга таянади. Ўз қарашларини у «Инсон феномени» китобида атрофлича баён қилган. Бу китобда инсон мавжудлигининг мазмуни ва мақсади тўғрисидаги абадий саволга ўзига хос жавоб берилган: *инсон «эволюция ўқи ва чўққиси сифатида бутун материяга азалдан хос бўлган имкониятларни намоён этади, яъни инсон космоснинг барча имкониятларини ўзида мужассамлаштирган мураккаб, кенг «микрокосмос»dir*. Инсон эволюция жараёнини теран англаб етиш ва унинг илдизларидаги ижодий кучларни кўришга қодир; бу кучлар ихчам кўринишида бўлади ва космик эволюция жараёнида аста-секин атрофга тарқалади. Натижада бу эволюция инсон кўринишида ўзининг критик нуктасига етади ва конвергенция жараёни бошланади, яъни Коинот олий синтез – Омега нуктасига қараб изчил ҳаракатланади. Ривожланишнинг мазкур схемаси – ягоналик, дифференциация ва синтез Гегель томонидан таърифланган ва В.Соловьев томонидан очиб берилган эди³⁶. Бироқ Тейяр бу схемага биологик тус беради, зеро табиатшунослик уни амалда тасдиқлайди.

Шу нарса диққатга сазоворки, Тейяр схемасида дунёнинг биринчи асоси муаммоси деярли мавжуд эмас. Буни Тейяр фақат «феноменал» гипотезалар таҳлили билан чекланишга ҳаракат қилгани билан изоҳлаш мумкин бўлса керак. У материализм билан ҳам, спиритуализм билан ҳам келишмайди ва уларни бирлаштиришни лозим деб топади. «Спиритуалистлар инсон қолган табиатга нисбатан маълум даражада трансцендентdir, деганда, мутлақо ҳақ эдилар. Бироқ материалистларнинг инсон – тирик жонзотлар қаторидаги аъзолардан бири, холос, деган фикри ҳам мутлақо тўғри. Бу ерда икки тезис ўртасидаги зиддият ривожланиш жараёнида ўз ечимини топади. Бу жараёнда мутлақо табиий ҳодиса – «ҳолатнинг ўзгариши» биринчи даражали аҳамият касб этади»³⁷.

Дарҳақиқат, Тейяр илгари сурган материя ҳақидаги гипотеза материалист томонидан ҳам, спиритуалист томонидан ҳам қабул қилиниши мумкин. Тейяр ўз тадқиқотида панпсихик таърифлардан ҳам, эволюция жараёнининг эмпирик омиллари тўпламидан ҳам фойдаланади. У сайёрамизда илк биологик структуралардан спонтан шаклланиш натижасида пайдо бўлган ҳаёт ва инсон космик жараёнлар, материянинг мураккаблашуви билан узвий боғлиқ, деб ҳисоблайди. Тейяр «ички» дунёга эга бўлган инсонни тадқиқотнинг таянч нуктаси сифатида олади ва шунга ўхшаш «ички» томон ҳайвонлар, ўсимликлар ва жонсиз табиатда ҳам бўлса керак, деган изчил хulosага келади. «Ички» дунёнинг асоси сифатида Тейяр материянинг мураккаблашувига замин яратувчи «радиал энергия» ҳақидаги тасаввурни танлайди. Бу ерда у илмий билимнинг ривожланишини белгиловчи муҳим омилни қайд этади – эндиликда материяга хос бўлган ривожланиш ва мураккаблашишга мойиллик ҳақидаги гипотеза кўпгина илмий концепцияларга асос бўлган фактга айланган. Тейяр бу мойилликни дунё генезиси ҳақидаги христианча тасаввур нуктаи назаридан талқин қиласди; у илоҳий ижодий куч билан яқинлашади.

³⁶ Қаранг: Соловьев В.С. Философские начала цельного знания // Собр. соч. – СПб., 1911, Т. 1. – 250–406-б.

³⁷ Қаранг: Тейяр де Шарден П. Феномен человека. – М., 1987. – 139-б.

Космоснинг эволюцияси замирида айнан «радиал энергия» ётади. Шундан келиб чиқиб Тейяр жонсиз материя босқичини «илк ҳаёт» деб атайди. У дунёнинг келиб чиқиши муаммоси билан шуғулланмаса-да, катта портлаш ва кенгайиб бораётган Коинот назариясини қабул қиласи. Унинг фикрича, катта портлаш элементар материянинг барқарор бирликлари ҳосил бўлишига олиб келади. «Илк ҳаёт», яширин, «радиал» энергия дунёни мураккаблашиш йўлидан ҳаракатлантиради, яъни эволюция тирик организмлар пайдо бўлиши ва ривожланишидан анча олдин бошланади. Универсум ҳужайраси ички (рухий) ва ташқи (моддий) омилларни ўзида мувофиқлаштиради, у элементларнинг бирбирига табиий ўтишини, алоқаларнинг жонли тизимини ўзида ифодалайди.

Универсумнинг бу ҳужайраси тинимсиз эволюцион ҳаракатда бўлади ва натижада инсон вужудга келади. У дунёвий ҳаёт эволюциясида юз берган сакраш, муттасил эволюцион ривожланиш жараёнининг чўққиси ва айни пайтда муайян йўналишдаги эволюция жараёнининг ибтидоси ҳисобланади. Эволюция жараёни Омега нуктаси – дунёвий онг, дунёнинг маънавий ўзаги сари тинимсиз интилади. Ушбу жараён космик экспансияда эмас, балки бизнинг сайёрамиз доирасида юз беради. Биз учун муҳими шундаки, бу ерда Тейяр ҳозирги замон фанида яратилган дунё манзарасида инсон ўзининг муносиб ўрнини ҳанузгача эгалламаганига эътиборни қаратади. Коинот ҳақидаги фан – космология инсонни ўрганмайди, мавжуд инсон ҳақидаги фанлар эса табиатшуносликда иккинчи даражали аҳамиятга эга: инсон мавжудлигини ҳам ўз ичига олувчи космология йўқ. «Соф позитивистик нуктаи назардан инсон – фаннинг энг сирли ва тадқиқотчиларни ҷалғитувчи обьекти. Дарҳақиқат, универсумнинг фанда яратилган манзарапарни инсонга ўрин ажратилмаган. Физика атом дунёсининг шакл-шамойилини чизишга, биология ҳаёт конструкцияларнида муайян тартиб ўрнатишга муваффақ бўлган. Физика ва биологияга таянган ҳолда, антропология ўз навбатида инсон танасининг структурасини ва унинг физиологияси баъзи бир механизмларини тушунтиришга ҳаракат қиласи. Аммо бу ҷизгиларнинг барчаси бирлаштирилганида ҳосил бўладиган манзара воқелик билан мувофиқ келмайди»³⁸.

Тейяр фикрига кўра, Коинотнинг шакланаётган, янгиланаётган манзарасини христианча дунёқараш билан уйғунлаштириш талаб этилади. Ўз-ўзидан равшанки, дунёнинг шакланаётган бу манзараси инсонни ўз ичига олиши лозим. Натижада космик кўламга кўника бошлаган тафаккур инсон (инсоният) ривожланишининг бутунлай бошқача образини кашф этади. Ушбу образ эсхатология руҳи билан суғорилган; бу ҳақда Тейяр шундай деб ёзади: «Ҳозирги замон антропологиясига мувофиқ, одамзот бир ерда жамланган элементларнинг статик мажмууни ўзида ифодаламайди, балки глобал ривожланиш қонунига бўйсунадиган қудратли организмни ҳосил қиласи. Бутун тириклик каби, инсон ҳам индивид сифатидагина эмас, балки тур сифатида ҳам вужудга келган. Бинобарин, унинг индивидуал циклидан ташқари тур сифатидаги циклини ҳам тан олиш ва ўрганиш ўринли бўлади.

Олимлар бу олий циклнинг алоҳида табиати тўғрисидаги масала юзасидан ҳали бир тўхтамга келгандарни йўқ. Бироқ инсониятда ҳозир юз бераётган биологик жараённинг энг муҳим мазмуни коллектив инсоний онгнинг изчил шаклланиши билан белгиланади, десак, асло адашмаймиз. Биокимёвий даражада ҳаётнинг умумий феномени молекуляр жиҳатдан ўта мураккаб бирикмаларнинг изчил шаклланиши билан боғланмоқда. Ўзининг жонли қисми билан Коинот ўта мураккаблик, қудратли онг томонга бир пайтнинг ўзида ва бир маромда ҳаракатланмоқда»³⁹. Бу ерда Тейяр эсхатологиясининг мазмуни намоён бўлади - қудратли онг аслида индивидлар онгини умумлаштирувчи ва айни пайтда кўп сонли инсоний элементлар онгининг индивидуаллигини сақлаб қолувчи Омега нуктасидир.

³⁸ Тейяр де Шарден П. Феномен человека. – М., 1987. – 135-б.

³⁹ Тейяр де Шарден П. Божественная среда. – М., 1992. – 185–186-б.

Тейяр фикрига кўра, Омега (планетар онг, ноосфера) онгнинг бошқа ўчоқлари, бошқа Омегалар билан алоқа ўрната олади. Бир қанча ноосфераларнинг учрашуви ва бойиши юз беради, пировардида планетар онглар синтези амалга ошади. «Ноогенез истиқболларида вақт ва макон амалда инсонийлашади, аниқроқ айтганда, ўта қудратли инсон шакл-шамойилини касб этади, - деб ёзди Тейяр. – Универсум ва шахс бир-бирини асло истисно қилмаган ҳолда, айни бир йўналишда ривожланади ва бир пайтнинг ўзида бир-бирида кульминацияга эришади»⁴⁰.

Шундай қилиб, келажакда универсум Омега нуктасида ўта қудратли инсонга айланади ва инсоният Коинотни бошқариш рулини ўз қўлига олади.

Х.Ортега-и-Гассет таклиф қилган инсоннинг креативистик модели. Х.Ортега-и-Гассет фалсафасининг дикқат марказида турувчи ва XXI аср бошида инсон феноменини тушунишга муайян хисса қўшувчи инсоннинг креативистик модели ҳам дикқатга сазовордир. Инсон билими муқаррар тарзда селекция билан боғланади – бунда олинадиган воқелик образи ҳар доим соддалаштирилган ва деформацияланган қўринишда бўлади. Бироқ (билиш фаолияти натижаларининг экспликатив-прогностик самарадорлиги мезони нуқтаи назаридан) фойдали деформациялар ҳам мавжуд, зеро улар ўрганилаётган объектнинг тасодифий ва аҳамиятсиз жиҳатларини мавҳумлаштириш орқали унинг энг муҳим хусусиятларини ажратиш имкониятини беради. Х.Ортега-и-Гассет таклиф қилган инсон модели ана шундай фойдали деформациялардан бири ҳисобланади. Ушбу модель ҳозирги даврнинг асосий жиҳатларини ўзида мужассамлаштирган Х.Ортега-и-Гассет фалсафасида марказий ўринни эгаллайди. Буни испан мутафаккири ишлатган терминология ҳам тасдиқлайди: ҳаёт («инсон ҳаёти» маъносида) такрор ва такрор «радикал воқелик» деб аталади, бу ерда «радикал» сўзи фундаментал, тамойилиал, туб, ўзак деган маънони англатади⁴¹. Инсон ва унинг ҳаёти Х.Ортега-и-Гассет фалсафа тизимининг пойдевори ҳисобланади. Бу фалсафада ҳамма нарсага инсонга бўлган муносабат нуқтаи назаридан ёндашилади.

Х.Ортега-и-Гассет моделининг фундаментал қоидаларидан бири қуйидагича янграйди: «Мен ўз дунём билан бирга ва ўз дунёмда яшайман»⁴². Хўш, бу қисқача таъриф нимани англатади? Инсон ўзи яшаётган муҳит (дунё) билан узвий ҳисобланади; инсон шахси, унинг ўзлигига уни қуршаган воқелик мужассамлашади. Фалсафий анъана «инсон ким?» деган саволга жавоб бериш йўлидаги кўп сонли уринишларга бой. Х.Ортега-и-Гассет фикрига кўра, уларнинг барчаси умумий жиҳатга эга: инсон-субъектни уни қуршаган дунё билан қарама-қарши қўяди. Бироқ (ўз вақтида Декарт таклиф қилган) бундай ажратишида тамойилиал англашилмовчилик мавжуд. Субъектни объектдан ажратиши онтологик жиҳатдан ҳам, методологик жиҳатдан ҳам мумкин эмас; бу йўлдаги уринишлар инсон хусусияти йўқолишига олиб келади. Инсон жисм ҳам (жисм – бу энг аввало объект), руҳият ёки онг ҳам (улар фақат инсон организми муайян структурасининг фаолият усули ҳисобланади), жон ёки руҳ ҳам (агар улар Платон ғоялари руҳида мавжуд бўлса, объектлар «предметлар» ҳисобланади) эмас. Инсоннинг анъанавий образига кирувчи бу элементларнинг барчаси инсонга ўз борлиғини амалга ошириш, яъни яшаш имкониятини берувчи воситаларни ўзида ифодалайди. Бироқ кийим-кечак, озиқ-овқат, турар-жой, техника, маданият ва цивилизациянинг барча ютуқлари ҳамда ҳар бир инсон ҳаётига таъсир кўрсатувчи ва уни шакллантирувчи сон-саноқсиз омиллар ҳам айни шундай воситалар ҳисобланади. Ҳаёт космик феноменининг (худди шунингдек конкрет шаклдаги ҳар бир инсон индивиди ҳаётининг) мавжудлиги учун зарур бўлган ушбу омиллар мажмуини Х.Ортега-и-Гассет дунё ёки муҳит деб атайди.

⁴⁰ Тейяр де Шарден П. Феномен человека. – М., 1987. – 205-б.

⁴¹ Ortega y Gasset J. Historia como sistema // Obras Completas Revista de Occidente. T. VI. Madrid., 1947-1969. VI.

⁴² Ортега-и-Гассет Х. Что такое философия? – М., 1991. – 161-б.

Инсон ўзлиги ва у яшаётган мұхиттінг ўзаро алоқаси шахснинг мұхит билан, ҳаёттінг – яшаш шароитлари билан, инсоннинг – у яшаётган дунё билан узвийлигидан далолат беради. Натижада антропоцентризм тамойили билан бир қаторда мұносабатлар онтологияси ҳам шаклланади. Үнда инсон ҳаётининг субъекти фақат ўзини күршаган дунё билан мұносабатлар таъсирида мавжуд бўлади. Айни пайтда индивид фаолиятига таъсир кўрсатувчи омиллар иерархияси ҳам фарқланади. Инсон ва унинг мұхити ўртасидаги ўзаро алоқа тўғрисида Х.Ортега-и-Гассет яратган перспективизм назариясида гап боради⁴³. Ушбу назарияга мувофиқ билаётган субъект реал дунё билан учрашар экан, ўз фаолияти билан ўзини күршаган мұхитни сердаражга, концентрик структура сифатида ташкиллаштиради. Ушбу структуранинг биринчи даражаси инсонга бевосита таъсир кўрсатади, унинг ортида эса воқеликнинг инсон назари тушмаган қатламлари ётади. Шу тариқа инсон ўзини күршаган дунё билан бирикади.

Х.Ортега-и-Гассет таклиф қилган инсон моделининг бошқа бир фундаментал қоидаси қуйидагича янграйди: «*Инсон табиатга эга эмас, у ... тарихга эга*»⁴⁴. Ушбу қоиданинг биринчи қисми инсон инвариант табиатга эга эмаслигини, үнда фақат унинг ўзи ўзи учун яратадиган табиат мавжуд бўлишини англатади. Бошқача қилиб айтганда, инсонга абстракт даражада хос бўлган мутлақ хусусиятлар мавжуд эмас. Инсон ҳақидаги ҳар қандай онгли фикр ҳар бир конкрет «Мен»нинг индивидуал шахсиятини мұхит (ёки дунё) билан боғлашни талаб этади. Инсон ҳақидаги ҳар қандай билим пировард натижада уни дунё билан боғловчи мұносабатлар ҳақидаги билимдир. Инсон реляцион мавжудот ҳисобланади – унинг мавжудлиги у яшаётган (физик, биологик, ижтимоий, маданий, тарихий, техникавий ва ҳ.к.) мұхит билан белгиланади⁴⁵. Инсон ўз табиатини ўзи яратади, зеро билиш, лойихалаш, қарорлар қабул қилиш, ижод билан шуғулланиш ва ўзини күршаган мұхитни ўзгартириш жараённанда у ўзини ўзи лойихалайди, бунёд этади ва ўзгартиради. Ҳаётда бирорта ҳам статик инвариант омил йўқ, у муттасил ҳаракат ва ўзгаришдан, ўзгараётган мұхит билан янги мұносабатлар ўрнатишдан иборат. Ўзгаришлар жараённинг барқарорлиги ҳаёттінг бирдан-бир инвариант ҳисобланади. Бу барқарорлик ўтмишнинг ҳозирги замон асосида келажак билан «самарали мавжудлиги»дир.

Айни пайтда инсон тарихан белгиланган мавжудот ҳисобланади. Ҳар бир инсон ўз турининг ўтмиши таъсирида шаклланади. Айни шу сабабли Х.Ортега-и-Гассет ўз фалсафасида ҳозирги замон одами образини яратар экан, унинг ибтидосини Одам Ато билан боғлади. «Жаннатда Одам Ато пайдо бўлиши билан ҳаёт ҳам пайдо бўлади, - деб ёзади файласуф. – Одам Ато буни тушунган биринчи мавжудот ҳисобланади. Одам Ато учун ҳаёт муаммо сифатида мавжуд бўлган... Жаннатда яшаётган Одам Ато соф ҳаёт, чексиз ҳаёт муаммоси учун таянч нуктаси ҳисобланади... Одам Атонинг юраги – оламнинг маркази, демак бутун олам Одам Атонинг юрагидан ўрин олади. Шу маънода инсон ҳаёт муаммоси ҳисобланади»⁴⁶. Одам Атонинг ушбу рамзий образи инсоннинг Коинотдан кўчирилган «нусха» сифатидаги, «микрокоинот» сифатидаги, бутун Коинотни ўзида акс эттирувчи монада сифатидаги талқинини белгилайди. Абадий ҳаракат ва ўзгариш Коинотнинг бирдан-бир инвариант саналгани боис, инсоннинг табиати тарихий хусусият касб этади. Бу инсоннинг ўзига хос хусусияти ҳам глобал тарихий, эволюцион жараён, ҳам ҳаёт тажрибасининг шахсий, индивидуал кечинмалари йигиндиси билан белгиланишини англатади. Шундай қилиб, Х.Ортега-и-Гассет таклиф қилган инсон моделига индивид тарихий ўтмиш билан белгиланиши тўғрисидаги қоида хосдир.

⁴³ Карап: Ортега-и-Гассет Х. Размышления о «Дон Кихоте» // Эстетика, философия культуры. – М., 1991.

⁴⁴ Ortega y Gasset J. Historia como sistema. Т. VII. Madrid., 1947-1969. – 41-б.

⁴⁵ Карап: Ортега-и-Гассет Х. Восстание масс // Дегуманизация искусства и другие работы. – М., 1991.

⁴⁶ Ortega J. Dehumanizacija szutki i inne eseje. – V., 1980. – 55-б.

Айни пайтда яшамоқ - ўзини қуршаган дунё билан иш кўриш, у билан ўзаро алоқага киришиш, у билан шуғуланиш демакдир. Инсон «жонли субъект» сифатида ўзини қуршаган мұхитга қараб мүлжал олади ва бу мұхитни билиш жараёнида ўз-ўзини ҳам англаб етади. Тубан мавжудотлардан инсон ўз-ўзини англаб етиш ва мустақил иш кўриш қобилиятига эга эканлиги билан ажралиб туради. Ҳайвонлар фаоллиги аслида атроф мұхит таъсирига бир лаҳзали муносабатдан бошқа нарса эмас. Шу туфайли ҳам у ўз ҳаракатларини режалаштириш имкониятига эга эмас. Ақлга ва башорат қилиш қобилиятига эга бўлган инсон жуда катта фаолият эркинлигига эгалиги билан ажралиб туради. Унинг ўзини қуршаган мұхит таъсириларига муносабати ўзининг дунёга бўлган муносабатини оқилоналаштиришга, мұхитни интеллектуал талқин қилишга ва эҳтимол тутилган хулқ-автор вариантларига асосланади. Бундай вазият тирик мавжудотлар дунёсида инсон устун мавқега эга бўлишини белгилайди. Зеро ҳаёт унга тайёр ҳолда берилмайди, аксинча, унга нимаики берилган бўлса, соф потенциалликни ўзида ифодалайди. Ҳар бир инсон ўзини ўзи яратади: у ўз келажаги билан белгиланади.

Х.Ортега-и-Гассет таклиф қилган инсоннинг креативистик модели «омма қўзғолони»ни инсон экзистенциясининг Европа цивилизациясидаги чукур инқроз билан белгиланган патологияси сифатида тушунтириш имкониятини беради. Унинг «Омма қўзғолони» деб номланган машхур асарида инқироз аждодлар қадриятлари дунёсининг вайрон бўлишидан иборат эканлиги қайд этилади. Аниқроқ айтганда, янги авлод бу қадриятларни қабул қиласиди ва инсон қўққисдан ҳаётда мүлжални йўқотади. Европа цивилизацияси инқирозига кўйилган «ташхис» куйидагича янграйди: бу омма қўзғолонидир, бунда омма деганда чакана инсон ёки «инсон-омма» тушунилади. У маданият меъёрларига қараб мүлжал оловчи шахс – «инсон-индивидуаллик» билан тўқнашади. «Меъёрлар бўлмаган жойда маданият ҳам бўлмайди, - деб таъкидлайди Х.Ортега-и-Гассет. - Қонунийлик асослари бўлмаган жойда ҳам маданият мавжуд эмас. Низоларни ҳал қилишда ақлнинг асосий тамойиллари назар-писанд қилинмайдиган жойда ҳам маданият йўқ... Ким баҳсада ҳақиқатнинг тагига етишга ҳаракат қиласа, у ақлий варвардир»⁴⁷.

«Инсон-омма» патологияси шахсни белгиловчи элементлар – «жон» билан муайян «экзистенциал структура»ни ҳосил қилувчи омиллар ўртасида мувозанатнинг бузилиши билан боғлиқ. Бунинг натижасида ижтимоий ҳаётнинг стандартлашуви, маданиятнинг «коммавийлашуви» юз беради, бу эса ўз навбатида тоталитаризмга ва зўравонликнинг кучайишига олиб келади. Инсон-омма маданият ва ахлоқнинг одатдаги меъёрлари ва қадриятларини четга чиқарип ташлайди, бироқ уларни янги, яхшироқ меъёрлар ва қадриятлар билан алмаштиромайди; у маданият ва ахлоқ доирасидан ташқарида яшаш ва иш кўришга ҳаракат қиласи, у – XXI аср варваридир.

Инсон – Коинот голограммаси. Юқорида баён этилган инсон моделларида инсон экзистенциясининг космик даражаси қайд этилади, зеро биз индивидни космик руҳий-ижтимоий яхлитлик сифатида тушунишдан келиб чиқамиз. Шуни эътиборга олиш лозимки, ушбу моделлар ҳозирги замон илмий билими структурасига кирмайди. Шу нуқтаи назардан инсоннинг Коинот голограммаси сифатидаги талқини диққатга сазовордир. Ушбу тасаввур корпускуляр-тўлқинли дуализм билан боғлиқ. Турли англашилмовчиликлар келиб чиқмаслиги учун мазкур бўлимнинг номи мажозий хусусиятга эга эканлигига эътиборни қаратмоқчимиз.

Маълумки, ўрта аср файласуфлари мажозни илмий тафаккурнинг тушунарсиз нарсалар ва ҳодисаларни тушунарли нарсалар ва ҳодисалар билан боғлаш имкониятини берувчи мұхим элементи деб хисоблаганлар. Жан Жак Руссо, токи олим тадқиқот предмети ҳақида етарли билимга эга эмас экан, у кузатилаётган ҳодисаларнинг моҳиятини

⁴⁷ Ортега-и-Гассет Х. Восстание масс// Дегуманизация искусства и другие работы. – М., 1991.

тушунтириш учун фаннинг бошқа соҳаларидан олинган мажозлар ва тимсоллардан фойдаланишга мажбур, деб таъкидлаган. Инсон ҳақидаги ягона фан ҳали яратилмаган экан, кўпгина муаммоларни мажозлар даражасида муҳокама қилишга тўғри келади. Махсус илмий ва фалсафий адабиётларда биологик турлар эволюцияси назариясига асосланган «инсон – бу ҳайвон» деган ва инсон билан турли техника мосламалари хулқатворидаги юзаки ўхшашлиқдан келиб чиқувчи «инсон – бу машина» деган мажозий иборалардан фойдаланилади. «Инсон – бу Коинот голограммаси» деган ибора ҳам шунга ўхшаш мажоз хусусиятига эга, зотан инсон марказий нерв системаси, айниқса бош мия фаолияти голографик парадигма билан мувофиқ келади.

Дарҳакиқат, мия ишини ҳозирги замон физикасининг тўлқинли жараёнлар соҳасидаги ютуқларидан келиб чиқиб таҳлил қилиш йўлидаги харакатлар муайян даражада дикқатга сазовордир. Бундай ютуқлар қаторига энг аввало илк бор К.Прибрам ва Ф.Вестлейк тадқиқотларида таърифланган мия ишининг голографик моделини киритиш мумкин⁴⁸. Нейрофизиологияда нейрофизиологик тармоқларнинг тақсимланиш хусусияти яхши маълум бўлиб, у икки қонун билан тавсифланади:

- оммавий ҳаракат қонунига мувофиқ таълим олиш қобилиятининг сусайиши бузилган кортикал хужайра миқдори (массаси) билан бевосита боғлик;
- эквипотенциаллик қонунига мувофиқ бу сусайиши шикастланиш жойининг ўрнига боғлик бўлмайди.

Шундан келиб чиқиб Ф.Вестлейк замирида оптик голографик жараёнлар билан ўхшашлик ётувчи мия фаолияти моделини таклиф қиласди. Голографик жараёнларга тақсимланиш хусусияти хослиги аниқланган. Муайян турдаги голограммаларга хос бўлган бу хусусият шундаки, голограмманинг ҳар қандай кичик қисмига қараб унда қайд этилган бошланғич манзарани тўлиқ тиклаш мумкин⁴⁹.

Инсон миясида ташқи дунёning аниқ акс этишига сенсорли ахборотни «қисм бутунга ўриндош» тамойилига биноан кодлаш орқали эришилади. Дунёни символлар ёрдамида тасаввур қилиш замирида айни шу тамойил ётади. Бунинг натижасида инсон хотирасида жуда катта ҳажмдаги ахборот қайд этилиши мумкин. Оптик голограммалар эндилиқда кенг маълум, улар обьектнинг яхлит кўламли тасвирини олиш имкониятини беради. Ушбу тасвирининг фотосуратдан фарқи шундаки, у тасвиранган обьектни ҳар томонлама кўздан кечириш учун имконият яратади. Оптик голограмма интерферланувчи когерент нурланишларнинг ўзаро алокаси маҳсул хисобланади. Голограммани когерент ёритиш барқарор ёруғлик тўлқини ҳосил бўлишига олиб келади. Голографик жараёнлар пайдо бўлиши учун голограммани ҳосил қилувчи ўзаро алоқаларнинг тўлқинли хусусияти биринчи даражали аҳамият касб этади.

Мазкур физик жараён мия ишининг, бинобарин, билиш жараёнларининг нейроголографик моделини яратиш учун бошланғич нуқта бўлиб хизмат қиласди. Бу ерда нерв хужайраларининг иш жараёнида юзага келувчи тўлқинли жараёнлар ва импульслар мия голографик ёзувини шакллантириш манбаи хисобланади, ахборот эса бир-бири билан ўзаро алоқага киришувчи нейронлар тўпламида кодланади. Голографик модель миянинг нейрон тармоқларида ахборотнинг тақсимланиш хусусиятларини яхши тавсифлайди. Ҳозирги вақтда ахборот майдонининг исталган нуқтасида ахборотнинг тақсимланишини голография математик аппарати даражасида аниқ кўрсатадиган бирорта ҳам метод мавжуд эмас.

⁴⁸ Каранг: Прибрам К. Языки мозга. – М., 1975; Вестлейк Ф.О. О возможности протекания нейроголографических процессов мозга // Кибернетические проблемы бионики. – М., 1971. Т. 1.

⁴⁹ Каранг: Вестлейк Ф.О. О возможности протекания нейроголографических процессов мозга // Кибернетические проблемы бионики. – М., 1971. Т. 1. – 116-б.

Ахборотни голографик усулда кодлашнинг бошқа бир хусусияти унинг мисли кўрилмаган даражада самаралилигидир. Голограмма воситасида қайд этилиши мумкин бўлган ахборот миқдори билан айни шу ҳажмда ахборот сақлаш имкониятини берувчи мавжуд воситалардан бирортаси ҳам тенг кела олмайди. Голография ёрдамида ахборотни кодлашнинг самарадорлиги шу даражада каттаки, уни маълум маънода мия ҳужайраларида ахборот сақлашнинг самарадорлик даражаси билан тенглаштириш мумкин.

Ахборотни голографик усулда кодлашнинг учинчи хусусияти голография тамойилларига бош мия ярим паллаларининг билиш функциясини моделлаштиришнинг муайян асоси сифатида ёндашилганида айниқса бўртиб намоён бўлади. Голографиянинг тўлқинли тамойили мазкур тўлқинли жараён воситасида кодланган ахборотни у сақланётган жойдан бир лаҳзада чиқаришга қодир бўлган механизмни тасаввур қилиш имкониятини беради. К.Прибрам голографик ёндашувнинг умумпсихологик аҳамиятига баҳо берар экан, детекция механизми ва нейронлар томонидан амалга оширилган белгилар таҳлили, агар уларга мантиқий операцияларни бажарувчи элементлар сифатида қараладиган бўлса, идрок этиш феноменларини тушунтириш учун етарли деб ҳисобланиши мумкин эмаслигини таъкидлайди. Перцептив жараёнларга турли нейронлар ўртасида динамик харакатлар (фазавий муносабатларнинг суперпозициялари) хосдир. Шундан келиб чиқиб, образларни шакллантириш қобилияти замирада фазавий муносабатларнинг айни шу ўзаро алоқаси ётишини тахмин қилиш мумкин. Нейронли структуралар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг бундай тизими оптик ахборотга ишлов берувчи тизимларнинг хоссаларига ўхшаб кетади. Бошқача қилиб айтганда, образлар вужудга келишини таъминловчи тизимлар ўз механизмларига кўра голография механизмлари билан ўхшашдир⁵⁰, деган холосага келади К.Прибрам.

Билиш жараёнларини голографик моделлаштиришнинг аҳамияти шу билан белгиланадики, бу ерда инсон томонидан ташқи дунё обьектларини тўлқинли кодлаш тамойили амалга киритилади. Тўлқинли тил турли обьектларнинг хусусиятларини дискрет (алифболи) тилга қараганда аниқроқ акс эттириш имкониятини беради. Объектларнинг ўзлари уларнинг кўламлилик хусусиятлари нуқтаи назаридан тўлқинли тавсифларнинг муайян тизимлари сифатида, амплитудаларнинг тақсимланиши сифатида қаралиши мумкин. Боз устига, дунёнинг (Коинотнинг) голографик моделлари ҳам амалда мавжуд. Бу моделларда дунё (Коинот) улкан голографик пластинкани ўзида ифодалайди⁵¹. Макрообъект сифатида инсон ҳам тўлқинли структура ҳисобланади. *Инсон ва Коинотнинг ягоналиги, одамзот Коинотнинг жасажжи нусхаси ҳисобланиши тўғрисидаги таълимотдан келиб чиқиб, инсон Коинот голограммасидир, деб айтиши мумкин.* Дунёнинг голографик моделлари мавжудлиги инобатга олинса, айрим тадқиқотчиларнинг қуйидаги фикрига қўшилиш мумкин: «Мазкур физик назариялар дунёнинг тўлқинли тузилишини акс эттиришнинг энг самарали усули ушбу дунё обьектларини тўлқинли тилда акс эттиришдир, деб фараз қилиш мумкин. Инсон муайян физик дунёда яшайди ва фаолият кўрсатади. Бинобарин, мазкур дунёнинг фундаментал хоссалари инсоннинг акс эттириш, руҳий фаолиятига ҳал қилувчи таъсир кўрсатмаслиги мумкин эмас...»⁵². Фаннинг ривожланиш жараёни ушбу фикрни тасдиқлади: бугунги кунда **«инсон – Коинот голограммаси»** мажозий ибораси инсоннинг ген инженериясида ҳам, борлиқнинг автомат-ҳужайрали талқинида ҳам ишлатилади. Дарҳақиқат, фан бугунги кунда ўз ривожланиш жараёнининг **«постноклассик»** босқичига қадам қўйишга тайёргарлик кўрмоқда. Бунинг муҳим белгиси шундаки, кўп даражали, иерархиявий, ўзини ўзи ташкил этувчи тизимларни билиш ва уларнинг эволюцияси сценарийларининг кўп

⁵⁰ Қаранг: Прибрам К. Языки мозга. – М., 1975.

⁵¹ Қаранг: Микляев И. Квантовая симфония. – Харьков, 1992. – 192-б.

⁵² Қаранг: Пушкин В.Н. Моделирование познавательных процессов // Зарубежные исследования по психологии познания. – М., 1977. – 191-б.

вариантлигини тушуниб етиш юз бераётир. Бу ерда соф динамик физик жараёнлар билан бир қаторда ўзини ўзи ташкил этувчи фаол тизимлар ёки мұхитларда символлы ахборотта ишлов бериш, уни сақлаш, узатиш ва яратиш билан боғлиқ информацион-символик жараёнлар айниңса мұхим роль ўйнайды. Айни ҳолда гап табиатнинг ўзи яратган фаол тақсимланган noctisic мұхитлар ҳақида боради. Бундай мұхитларни ўрганиш билан яқында вужудга келгән синергетика шуғулланади. Ушба фан доирасида инқилобий қашфиётни ўзида ифодаловчи «детерминацияланган хаос» ҳақидаги тасаввурдан анча самарали фойдаланилади (у бизнинг Коинот ҳақидаги асосий тасаввуримизни бутунлай ўзgartиради).

Шу нүктай назардан синергетик борлықнинг ягона автомат-хужайрали модели диккәтта сазовордир. Ушбу модель ўз-ўзидан ташкил топувчи физик жараёнларга ҳам, шу жумладан руҳий фаолият билан боғлиқ бўлган информацион жараёнларга ҳам тенг даражада татбиқ этилиши мумкин⁵³. Автомат-хужайрали борлик ҳақидаги тасаввур доирасида квант механикасининг кўпгина парадоксал хусусиятлари, энг аввало «**тўлқин – зарра**» дуализми ўзининг табиий талқинини топади, инсон мияси фаолиятининг эҳтимол тутилган механизми ўзига хос тарзда тушунтирилади. С.Я.Беркович таклиф қилган бу модель замирида анчайин содда информацион структура – ўзаро боғланган циклик ҳисоблагич «панжараси» ва ўзгартиришни амалга оширишнинг анча содда ва табиий қоидаси ётади: навбатдаги босқичда ҳисоблагичнинг кўрсатувлари унга кўшни ҳисоблагичлар кўрсатувларининг ўртача қиймати билан белгиланади. Хужайрали автоматлар модели «моддий формацияларни ўзига хос тарзда тарқалувчи тўлқинли ечимлар сифатида»⁵⁴ тавсифлайди. Боз устига тақсимланган хужайрали автоматлар тармоғи тез тарқалувчи диффузион фаолликларни вужудга келтиради. Бу фаолликлар ахборотта ишлов бериш жараёнларида, шу жумладан голографик тамойиллар асосида иштирок этиши мумкин.

Мазкур моделда инсон мияси ҳисоблаш машинаси сифатида қаралади, унинг ахборот процессори сифатидаги имкониятлари таҳлил қилинади. Бу унинг мисли кўрилмаган қобилиятларининг барчаси учун ягона операцион механизмни аниқлашни талаб қиласи. Кўрсатилган қобилиятлар қаторига процессорнинг улкан қуввати, чексиз виртуал хотира, нуқсонларга мисли кўрилмаган даражада чидамилийк ва мустаҳкамлийк, функцияларнинг ранг-баранглиги, марказлаштирилган ва марказлаштиришдан чиқарилган бошқарувнинг ўйғунлигини киритиш мумкин⁵⁵. Бир марта олинган ахборот мияда абадий қайд этилади, зеро образлар вақт ўтиши билан хиралашмайди ва орадан кўп йиллар ўтганидан кейин ҳам онгда акс этиши мумкин.

Аммо энг қизиғи шундаки, мазкур модель доирасида голографик ёндашув қуйидаги холосага келиш имкониятини беради: «Билиш функциясини бажаришга кўмаклашувчи ахборот процессори миядан ташқарида мавжуд бўлиши, голографик мұхит сифатида физик дунёнинг автомат-хужайрали фонидан фойдаланиши мумкин»⁵⁶.

Холоса. Демак, асосий фикрлаш жараёнлари инсон миясида эмас, балки ундан ташқарида, мияни қуршаган фаол автомат-хужайрали мұхитда юз беради. «Инсон – Коинот голограммаси», деган мажозий ибора айни шу холосага келиш имконини беради.

4-мавзу: Шарқ фалсафасида инсон муаммоси.

⁵³ Қаранг: Беркович С.Я. Клеточные автоматы как модель реальности: поиски новых представлений физических и информационных процессов. – М., 1993.

⁵⁴ Ўша ерда. – 91-б.

⁵⁵ Қаранг: Neumann J. von. The computer and brain. – L., 1979.

⁵⁶ Беркович С.Я. Клеточные автоматы как модель реальности: поиски новых представлений физических и информационных процессов. – М., 1993. – 91-б.

- 1.Хинд ва Хитой фалсафасида инсон муаммосининг ўрганилиши.
- 2.Зароастиризмда инсон муаммоси.
- 3.Авесто асосида инсонга муносабатни белгилаш.
- 4.Сўфийлик таъриқати инсон моҳияти.

Инсон тўғрисидаги дастлабки фалсафий фикрлар пайдо бўлган мамлакатлардан бири қадимги Ҳиндистон эди. Ҳин-дистонда инсон тўғрисидаги фалсафий фикрларнинг вужудга келиши, ҳозирги замон фани маълумотларига кўра, эра-миздан аввалги XII-VII асрларга тўғри келади¹. Чунки бу давр-ларда Ҳиндистонда чорвачилик, дехқончилик, хунармандчи-лик ривожланди. Дастлабки сув иншоотлари барпо этилди. Савдо-сотик жадаллик билан одимлаб бораверди. Ривожла-ниб бораётган ижтимоий-иктисодий, маданий-маърифий муносабатларни мувофиқлаштириш зарурияти мамлакат худу-дида кичик-кичик давлатчаларнинг юзага келишига сабаб бўлди.

Ҳиндистонда инсон тўғрисидаги дастлабки фалсафий фикрларнинг вужудга келганлигидан далолат берадиган ишончли манбалардан бири эрамиздан олдинги XII-VII аср-ларда шаклланган қадимги Ведалардир. Қадимги Ҳинд Веда-ларида (тўрт асосий муқаддас китоб: Ригведа, Атҳарваведа, Самаведа ва Яжурведа), яъни диний билимлар, гимнлар, қў-шиқлар, урф-одатлар тўпламларида инсоннинг инсоний хусу-сиятлари ҳақидаги дастлабки фикр-мулоҳазаларни учратиш мумкин. Лекин шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, ҳинд Веда-ларида баён қилинган инсон тўғрисидаги фалсафий фикрлар мифологик-диний қарашлар билан қўшилиб-қорилиб кетган эди¹.

Ҳинд Ведалари ўз замонаси ижтимоий-иктисодий, ма-даний-маърифий ҳаётини акс эттирувчи йирик маданий-маъ-рифий меросидир. Ушбу маданий бойлик бир кунда ёки бир йилда шаклланган эмас. Унинг яратилиши узоқ давом этган. Ҳусусан, Ҳиндистонга қадимги орий қабилалари бостириб кирган пайтлардан бошлаб мамлакат худудида ягона давлат шакллангунга қадар бўлган даврда содир бўлган ўзгаришларни ўзида акс эттиради. Шубҳасиз, ўша тарихий тараққиёт жараённада ҳинд жамияти ҳаётида, кишиларнинг фикрлаш тарзида муҳим ўзгаришлар содир бўлди. Жамият аъзолари асосан тўртта йирик табақага: браҳманлар (художўйлар), кшатрийлар (хукмдорлар, ҳарбийлар), вайшъалар (ер эгалари, хунармандлар, савдогарлар) ва шудраларга (мехнаткашлар) бўлиндилар. Табақалар ичida энг фаросатлиси браҳманлар эди². Шунинг учун ҳам браҳманларнинг обрў-эътибори уз-луксиз ошиб борди.

Ведаларнинг якунловчи қисми упанишадлардир³. Упанишадларда коинот билан одам орасидаги ўзаро алоқадорлик ҳакида бир талай фалсафий фикр-мулоҳазалар баён этилган. Ҳусусан, оламдаги барча ҳодисалар, воқеалар, шу жумладан инсон хулқ-атвори, хатти-ҳаракати ҳам олам билан боғлиқ, доимо ўзгариб туради. Оламдаги, одамдаги ўзгаришларнинг асосида шахссиз вужуд ётади. Шахссиз вужуд эса дунёвий жон билан индивидуал жоннинг бирлигидан иборат. Дунёвий жон нафақат оламнинг, балки одамнинг ҳам руҳий асосини ташкил этади. Шунингдек, упанишадларда жоннинг айланма ҳаракати, унинг ўлмаслиги, абадийлиги ҳақидаги қарашлар ҳам баён қилинган. Бундай қарашларга мувофиқ, одам ҳаёти доимо ўзгаришда бўлган занжирдан иборат, яъни бир туғи-лиш ҳолатидан қайта туғилиш ҳолатига ўтиб туради. Қайта туғилиш ўтган замондаги одам ҳаётининг натижаси, янги формадаги шаклидир, деб таъкидланади. Қайта туғилиш нати-жасида одам инсонга айланиб боради. Унда инсоний хислат-лар, фазилатлар вужудга келади. Қадимги ёдгорликда таъ-кидланишича, ким яхши хулқ-атвор, хатти-ҳаракат эгаси

¹ История философии. В кратком изложении. Перевод с чешского И.И.Богоута. М., 1991, 17-бет.

¹ Радхакришнан С. Индийская философия. В двух томах. Том 1. М., 1956, 51-бет.

² Шри Ишупанишад. Илохий Ҳазрат А.Ч. Бхактиведанта Свами Прабхупада. Бхакти-веданта Бук Траст. Тошкент, 1992, 8-бет.

³ Қаранг: Древнеиндийская философия. Начальный период. Перевод с санскрита. М., 1963, 83-260-бетлар.

бўлса, савоб ишлар қилса, кейинги сафар туғилганида браҳман, кшатрий ёки вайшья бўлиб туғилади.

Қадимги Ҳинд Ведаларида инсон тушунчаси “ҳаммабоп”, барчага хос “умумийликни ифодаламасдан, балки ўзининг келиб чиқиши ва ривожланиш тарихига эга бўлган айримлик, яккалик рамзи сифатида таърифланган. Ведаларда таъкидла-нишича, айрим кишидаги ҳаммага хос, барчага тааллуқли фа-зилатларнинг вужудга келишига сабаб браҳманлардир. Браҳ-манлар туфайли одамда инсоний хислатлар, фазилатлар шаклланган. Чунки ўша браҳманлар жамики мавжудотнинг асоси, унинг вужудга келиши учун дастлабки абсолют суб-станция вазифасини бажарар эмиш.

Ведаларда ёзилишича, бир бутун яхлит борлиқнинг ай-рим хусусиятларини ўзида мужассамлаштирган инсон икки йирик моҳият: тана билан жоннинг қоришмасидан иборат. Тана билан жон эса ҳамиша ўзаро алоқадорликда, бири-ик-кинчиси билан боғлиқ¹. Тана инсон жисмининг умумий асо-сини ташкил этади. Ўша асосни эса браҳман яратган. Жон атман (руҳ) томонидан яратилган бўлиб, у доимо абсолют мавжуд. Танадан кейин яратилган жон индивидуал хусусият-ларга эга бўлади. Шунинг учун ҳам жон инсон ўлиши билан яна атманларга (руҳга) айланиб қолади ва браҳманлар билан бирга абсолют субстанцияга қўйилади.

Хуллас, қадимги Ҳинд Ведаларида ёзилишича, инсон “ат-ман–браҳманнинг” йиғиндисидан иборат. Бошқача айтгани-мизда, қадимги Ҳинд фалсафасида эътироф этилишича, ин-сон борлигининг моҳиятида “Ҳамма нарса браҳмандан таш-кил топган, браҳман эса атмандан иборат” деган қоида ётади. Бироқ “атман-браҳман” бирлиги ҳамиша ҳам содир бўлавер-майди. Инсоннинг ердаги фаолияти турли нопокликлар билан боғланмаса, атман-браҳманларнинг аралashiш жараёни содир бўлади. Мабодо инсон фаолияти ердаги нопокликлар билан алоқадор бўлса, унинг жони жон кўринишида эмас, балки ҳай-воний тана сифатида қайта туғилади.

Шундай қилиб, қадимги Ҳинд Ведаларида айтилишича, олам бир бутун, тирик мавжудотларнинг ҳаммаси ўша бутун-нинг зарраларидир. Инсон эса ўша тирик зотларнинг ўзига хос шакли, кўринишидир. Ҳозирги одамзот танасининг шак-ли жоннинг бир шаклли танадан бошқа шаклли танага сон-саноқсиз марта кўчиб ўтиши натижасида содир бўлган¹.

Замонлар ўтиши билан Ҳинд Ведаларида баён этилган олам ва инсон борлиғи ҳақидаги фикр-мулоҳазалар турлича шарҳланди. Чунончи, ортодоксал оқим тарафдорлари Веда-ларда баён қилинган олам ва инсон борлиғи орасида ўзаро алоқадорликнинг мавжуд эканлиги ҳақидаги ғояларни кўл-лаб-куватлаган, уни ҳар томонлама ривожлантирган бўлса-лар, ноортодоксал оқим яловбардорлари бундай карашларни танқид қила бошладилар. Ҳинд фалсафасидаги ортодоксал оқимнинг шаклланишига: санкхъя, вайшешика, нъяя, йога, миманса диний-фалсафий мактабларининг ижодкорлари кат-та ҳисса қўшишган бўлса, ноортодоксал оқим ривожида: жай-низм, буддизм, локаята, чорвака мактаблари муҳлисларининг улуши салмоқли бўлди.

Ортодоксал оқимнинг шаклланишига беқиёс ҳисса қўш-ган санкхъя мактабининг асосчиси эрамиздан аввалги VII-асрларда яшаган Капила эди². Ушбу мактаб ижодкорлари Ведаларда баён қилинган олам ва одам борлиғи ҳақидаги фикр-ларни янада ривожлантирилар. Уларнинг фикрига кўра, олам ва одам борлиғи бири-иккинчиси билан чамбарчас боғлиқ, яхлит бир бутун бўлиб, ягона қудрат туфайли ву-жудга келган. Ўша ягона қудрат Пурушадир. Шунинг учун ҳам дастлабки одам боласининг яратувчиси, уни инсон дара-жасига кўтарган ҳам Пурушадир. Пуруша одамда содир бўл-ган барча

¹ Шри Ишупанишад. Илохий Ҳазрат А.Ч.Бҳактиведанта Свами Прабхупада. Бҳакти-веданта Бук Траст. Тошкент, 1992, 7-15 бетлар.

¹ Шри Ишупанишад. Илохий Ҳазрат А.Ч.Бҳактиведанта Свами Прабхупада. Бҳакти-веданта Бук Траст. Тошкент, 1992, 30-бет.

² Қаранг: История философии. Том 1. М., 1957, 54-бет; Философия. Часть первая. Ис-тория философии. М., 1999, 28-бет.

ўзгаришларга гувоҳ бўлиб, космос каби абадий, ўз-гармас, коинотдан ташқарида турувчи, яъни соф транцендентал онгдир. Уни жисмга ҳам, ҳис-туйғуга ҳам, ақлга ҳам, интеллектга ҳам тенглашириб бўлмас эмиш. Пурушанинг минг-та боши, мингта кўзи, мингта оёғи мавжуд эмиш. Унинг ақл-заковати - ой, кўзи - қуёш, хориб-толикиши - олов, нафаси эса шамол эмиш. Оғзидан браҳман, қўлидан кшатрий, вай-шъя, шудра каби жамиятнинг турли табақаларга мансуб “вар-на”лар вужудга келганмиш¹.

Оlam ва одам борлигининг ўзаро алоқадорлиги ҳақидаги дастлабки фикр-мулоҳазалар ортодоксал оқим ривожига се-зиларли ҳисса қўшган вайшешика мактаби намоёндала-рининг қарашларида ҳам ўз ифодасини топди². Вайшешика диний-фалсафий мактабига эрамиздан олдинги учинчи асрда яшаган Канада асос солган. Аникроқ Қилиб айтганда, Вайшешика мактаби ижодкорларининг олам ва одам борлиги, унинг ўзига хос хусусиятлари тўғрисидаги қарашларини Канада маълум бир системага солди. Вайшешика таълимотига кўра, олам ва одам орасидаги ўзаро алоқадорлик, ўзаро таъсир дои-мо ўзгариб туради. Ўзгаришлар эса доимий ёки мавсумий бўлади. Лекин ўша ўзгаришлар жараёнида доимий ўзгармас бир элемент-атом мавжуд бўлади. Атомлар абадий, бўлинмас, йўқ бўлмас бўлиб, у ҳеч ким томонидан яратилмаган. Атом-лар ўзига турли хосса ва хусусиятларни, яъни турли сифат-ларни мужассамлаширади. Инсоннинг сезги аъзолари се-зишга қодир бўлган барча тирик ва ўлик мавжудотлар ана ўша атомларнинг кўшилувидан хосил бўлади. Ҳатто туғилиш ҳам, қайта туғилиш ҳам атомларнинг кўшилиши ёки ажрали-шининг натижасидир, деган ғояни баён қиладилар³.

Вайшешика таълимотига кўра, ўзига турли хусусиятлар-ни, хоссаларни бирлашириб турган сифатлар икки: умумий ва хусусий гурухларга бўлинадилар. Ҳар қандай сифатнинг субстанциясини моддий асос (сув, олов, ер, эфир) билан бир-га номоддий рух (атман) ҳам белгилайди. Рух- номоддий, чек-сиз бўлиб, икки хил шаклда намоён бўлади. Чунончи, бирин-чи шакли ишвара бўлса, иккинчи шакли параматмандир, деб таъкидланади.

Вайшешика нъяя таълимоти билан бевосита боғлиқ. Бу икки таълимот бири иккинчисини тўлдиради. Нъяя мактаби-нинг асосчиси Акшанада Готама (Гоутама) бўлиб, эрамизнинг бошларида яшаб, ижод этган. Нъяя мактабининг ижодкорла-ри инсоннинг билиш борасидаги фаолиятини тавсифлашга ҳаракат қилдилар¹.

Ортодоксал оқимнинг шаклланишига сезиларли ҳисса қўшган мактаблардан бири йогадир. Йога диний-фалсафий мактабига эрамиздан аввалги тахминан иккинчи асрда яша-ган Патанжали асос солган. Ушбу мактаб ижодкорлари турли машқлар ёрдамида инсон руҳиятини, маънавиятини, фикр-лаш тарзини ўзгаририш мумкин, деган ғояни баён қилдилар. Ҳатто турли машқлар ёрдамида инсонда хайриҳоҳликка, эзгу-ликка, яхшиликка интилиш каби олийжаноб хислатларни шакллантириш мумкин, деб хисоблайдилар².

Қадимги Ҳинд фалсафасидаги ортодоксал оқим-мактаб-лардан яна бири мимансадир. Ушбу мактабга эрамизнинг учинчи асрларида яшаган Жаймини асос солган. Миманса мактабининг муҳлислари яна Ведаларга қайтишга даъват эта-дилар. Уларнинг фикрича, ҳақиқатни инсон ақли ёрдамида била олмайди. Ҳақиқатга факат билим ва онгли ҳаракат ёрда-миди эришилади, деган ғояни илгари сурадилар. Кишиларни диний урф-одатларга риоя қилиш, ижтимоий бурчни бажа-ришга чорлайдилар. Миманса мактабининг муҳлислари фик-рига мувофиқ, ижтимоий бурчга (дхармага) садоқат инсонни ўзлигини англашга олиб келиши мумкин. Ўзлигини илғаб олиш-инсонга ҳар қандай бадбаҳтиклардан қутулиш учун охирги нажотдир, деган фикрни баён қиладилар.

¹ История философии. В кратком изложении. Перевод с чешского И.И.Богоута. М., 1991, 17-24 бетлар.

² Гостеева Е.И. Философия вайшешики. Тошкент, 1963.

³ Қаранг: Лысенко В.Г. “Философия природы” в Индии: атомизм школы вайшешика. М., 1986.

¹ Қаранг: Чатверджи С. и Датта Д. Введение в индийскую философию. М., 1955, 146-197 бетлар.

² Қаранг: Рой М. История индийской философии. М., 1958, 344-354-бетлар.

Ноортодоксал оқимнинг шаклланишида салмоқли ҳисса қўшган диний-фалсафий мактаблардан бири жайниздир³. Жайнизм мактабига эрамиздан аввал олтинчи асрда яшаган, Кшатрий табақасига мансуб Бихарлик Махавира Вардхамана асос соглан. Махавира (ёки Жина) асос соглан жайнизм таълимотига кўра, инсон борлигини икки: моддий ва маънавий (руҳий) асос ташкил этади. Ўша асослар бири - бири билан “кармалар” орқали боғланиб, бири-иккинчисига таъсир ўтка-зид туради. Инсон танасининг асосини ҳам худди ўша карма-лар (нозик материал, ёхуд нозик материя) ташкил этади. Ин-сон танасида нозик материя дағал материя билан қўшилиши унинг маънавий-руҳий ҳолатининг доимиyllигини таъминлайди.

Жайнизм мактаби ижодкорлари карма концепциясини ишлаб чиқдилар. Ушбу концепцияга мувофиқ, моддийлик би-лан маънавийлик орасидаги ўзаро алоқадорликнинг саккизта тури бўлади. Ўша саккизта тур бири-иккинчисидан ўзига хос хусусиятлари билан тубдан фарқ Қиласи. Лекин ўша саккиз хусусият орасида муҳим икки фундаментал хусусият: яхши-лик ва ёмонлик инсон амалий фаолияти учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади. Худди ўша яхшилик ва ёмонликка бўл-ган муносабат инсоннинг оламдаги ходиса ва воқеаларга бўл-ган муносабатини белгилайди. Кишининг руҳий-маънавий оламини бошқаради.

Жайнизм таълимотининг ахлоқий қоидалари асосида уч асосий принцип ётади. Чунончи: 1) тўғри эътиқодга эга бў-лиш; 2) тўғри эътиқодга эга бўлиш учун тўғри билимга асос-ланиш; 3) тўғри ҳаётий мўлжалга эга бўлиш. Ушбу принцип-ларга риоя қилган инсоннинг руҳий-маънавий қиёфаси ҳар қандай ахлоқий заифликлардан, айниқса худбинлик, ичиқо-раликлардан озод бўлади, деган фикр-мулоҳазаларни баён қиладилар.

Инсон ҳаётининг маъноси ҳақидаги дастлабки фикр-мулоҳазаларни, ноортодоксал оқим ривожига муносиб ҳисса қўшган буддизм¹ мактаби муҳлисларининг қарашларида ҳам учратиш мумкин. Буддизм - эрамиздан аввалги VI асрда Ши-молий Ҳиндистонда вужудга келди. Унинг асосчиси Сиддхар-тхи Гаутама тахминан эрамиздан аввалги 623-544 йилларда яшаган². У Капиловаста вилояти Шакъя уруғи ҳукмдорининг ўғли бўлиб, 29 ёшида таркидунё қиласи. Ўзининг ҳаётий мўл-жали қилиб бадхини (йўл) танлайди. Ушбу таълимот аста-се-кинлик билан кишилар қалбидан жой ола бошлайди. Буддизм қоидалари, унинг ахлоқий принципларига аввал кишилар сух-батларида, оғзаки айтишувларда амал қилинган бўлса, ке-йинчалик (тахминан юз йиллардан сўнг) ёзма матнларда расмийлаштирилди. Йирик эътиқод даражасига кўтарилди. Аста-секин илоҳийлаштирилиб, инсон шахсини яратувчи асосий куч деб таърифлана бошланди¹.

Буддавий эътиқоднинг асосида тўртта ҳақиқат ётади. Чу-нончи: 1. Инсоннинг бутун ҳаёти турли азоб-уқубатлардан иборат (туғилиш, касаллик, ўлим билан курашиш ва ҳоказо) деб қараш. 2. Азоб-уқубатларнинг асосий сабаби ҳаётдан кўп-роқ лаззат олишга, роҳат-фароғатга интилиш эканлигини ино-батга олиш. Худди шу интилишлар туфайли барча истаклар пайдо бўлади, деб ҳисоблаш. 3. Азоб-уқубатлардан кутилиш учун барча ҳоҳиш ва истаклардан воз кечиш. 4. Азоб-уқубат-ларни бартараф этмоқ, ундан кутилмоқ учун тўғри фикр юритиш, тўғри қарорга келиш, ходиса ва воқеаларга дикқат билан қараш, ҳаётда тўғри йўл танлаш. Ушбу принципларга асосланган эътиқод, буддизм таълимотига кўра, мустаҳкам эътиқод бўлади. Ўз навбатида, бундай эътиқодга асосланган инсон фаолияти самарали, хайрли ишларга қаратилади.

Қадимги Ҳинд фалсафасининг ноортодоксал оқимига мансуб диний-фалсафий мактаблардан бири локаятада ҳам инсон борлиғи, моддийлик билан маънавийлик орасидаги ўзаро алоқадорлик муаммолари ҳақида ажойиб фикр-мулоҳазалар баён қилинган. Локаята мактабига эрамиздан аввалги биринчи минг йиллик ўрталарида яшаган

³ Қаранг: Чаттвэрджи С. и Датта Д. Введение в индийскую философию. М., 1955, 73-105-бетлар.

¹ Буддизм будда сўзидан олинган. Будда-такминан уйғониш, покланиш, дили равшан-лик деган маънони билдиради.

² Қаранг: Философия. Часть первая. История философии. М., 1999, 32-бет.

¹ Қаранг: Чаттвэрджи С. и Датта Д. Введение в индийскую философию. М., 1955, 106-145 бетлар.

Брихаспати асос солган². Ушбу мактаб ижодкорларининг фикрига кўра, олам-нинг асосини тўрт элемент: сув, ҳаво, ер ва олов ташкил этади. Ўз навбатида, худди шу элементлар инсон танасида ҳам мавжуд бўлади. Олам ҳам, одам ҳам ўша элементларнинг комбинациясидан иборат бўлиб, илохий қудрат томонидан яратилмаган. Худо ҳақидаги гап-сўзлар шунчаки бир афсо-надир. Худо, рух, жамият, у дунёда ҳаётнинг мавжудлигига ишониш-бу ёлғончиликдир. Ҳар қандай организм ўлгандан сўнг яна ўз субстанциясига қайтади, дейиш бемаънилиқдир. Инсоннинг онги номоддий нарса бўлиб, сезиш орқали ҳосил бўлади. Шахс инсон танасидан ташқарида бўлиши мумкин эмас, деган фикрларни баён қиласдилар.

Локаята таълимоти чорвака мактаби муҳлислари томо-нидан ҳар томонлама ривожлантирилди. Чорвака таълимоти-нинг асосий қоидалари эрамиздан аввалги IV-III асрларда яшаган Каутилья трактатларида баён қилинган. Чорвака мактаби ижодкорларининг фикрига кўра, инсон у дунёда эмас, балки бу дунёда, ер юзида рўй берадиган ҳодиса ва воқеалар-га қараб мўлжал олиши зарур. Инсон танаси хузур-ҳаловат ва азоб-уқубатлар билан боғлиқ бўлади. Шунинг учун ҳам инсон кундалик амалий фаолиятида хузур-ҳаловат (кама) ва фойда олиш (артха) принципларига амал қилмоғи даркор. Хузур-ҳа-ловат, шубҳасиз, инсоннинг кундалик амалий фаолияти билан боғлиқ. Қилган меҳнатидан хузур-ҳаловат олиш, ундан қони-қиши ҳосил қилиш-инсоннинг энг олий мақсадидир. Бойлик ва эзгулик эса унга эришиш воситасидир. Юқоридаги фикр-мулоҳазалардан кўриниб турибдики, чорвака мактабининг муҳлислари ҳаётдан қониқиши туйғусини инсоннинг энг му-ҳим хусусияти деб қарайдилар. Уларнинг фикрига кўра, инсон ҳаётининг маъносини кундалик ҳаётдан қўпроқ хузур-ҳа-ловат олиш, азоб-уқубатлардан холи бўлиш ташкил этмоғи ло-зим. Лекин айрим ҳолларда хузур-ҳаловат, турли азоб-уқу-батлар билан бирга рўй бериши ҳам мумкин. Азоб-уқубат-лардан эса кўр-кўrona, бирдан воз кечиб бўлмайди. Чунки баъзан хузур-ҳаловат азоб-уқубат билан чирмасиб кетади. Кишиларда ўзининг кундалик амалий фаолиятидан, турмуш тарзидан роҳатланиш туйғусини шакллантириш - чорвака мактаби ижодкорларининг улкан орзуси эди. Шунинг учун ҳам чорвакаликлар – “егин, ичгин, хурсандчилик қилгин” де-ган қоидага қўпроқ амал қиласдилар.

Шундай қилиб, қадимги замон Ҳинд фалсафасининг ўзига хос энг муҳим хусусияти транцендентализмга мойил-лиги, яъни инсон ва унинг руҳий-маънавий олами, тақдири ва истиқболи коинотдан ташқарида яшаётган транцендентал билимлар билан боғланганлигини эътироф этишдир. Қадимги Ҳинд фалсафасига кўра, инсон тана билан жоннинг йифин-диси, “дунёвий жон”нинг ажралмас бўлгидир. “Дунёвий жон” одамнинг инсон даражасига кўтарилишида муҳим аҳа-мият касб этади. “Дунёвий жон”нинг инсон табиий-ижтимо-ий қиёфасига таъсир ўтказиш жараёни доимо ўзгариб тура-ди. Ўз навбатида, якка кишининг жони (“индивидуал жон”) ҳам “дунёвий жон”га ўз таъсирини ўтказади. Бундай ўзаро таъсир туфайли инсон табиатида ижобий ўзгаришлар рўй бериши билан бирга камчиликларга йўл қўйиш, алдаш, фи-рибга мойиллик каби салбий ҳолатлар ҳам вужудга келади. Бундай салбий ҳолатларни бартараф этмоқ учун инсон ҳа-миша эркинлик томон интилади. Худди шунинг учун ҳам ин-соннинг бошқа тирик мавжудотлардан фарқ Қилувчи энг му-ҳим хусусияти эркинликка интилишдир. Ҳинд файласуфлари инсон табиатида учрайдиган ижтимоий иллатларни бартараф этиш, ўз навбатида, кишиларнинг эркинликка эришиш йўлла-рини қидирдилар.

Инсон тўғрисидаги дастлабки фикр-мулоҳазаларни қа-димги Хитой манбаларида ҳам яққол кўриш мумкин. Бунга қадимги Хитой маданий меросининг тожи хисобланган уч асосий китоб: “Ашулалар китоби” (“Ши цзин”), “Ўзгариш ки-тоби” (“И цзин”), “Тарих китоби” гувоҳлик беради.

Хитой афсоналарида, ривоятларида дастлабки инсон Одамато Паньго қиёфасида намоён бўлади. Эрамиздан ав-валги XII асрда мавжуд бўлган Чжоу давлатида дастлабки

² Қаранг: Философия. Часть первая. История философии. М., 1999, 35-38 бетлар.

ин-сон (Одамато) Паньго яшаган экан. У шунчалик күч-Қудратга эга бўлганки, унинг нафасидан шамол, булут, бошидан мо-мақалдириқ, чап қўзидан қуёш, ўнг қўзидан ой, бели, оёқла-ри ва қўлларидан ёруғ дунёнинг тўрт томони, қонидан дарё-лар, терларидан ёмғир ва шудринг, кўзининг ярқирашидан яшин пайдо бўлган эмиш¹. Чексиз бўшлиқлардан иборат бўл-ган олам унинг қудратли зарбасидан ер ва осмонга бўлиниб кетибди. Ўзининг сеҳрли күч-қудрати билан оламда тартиб-интизом ўрнатган Одамато Паньгодан одамзот бир умрга қарздор эмиш.

Дастлабки одам боласининг вужудга келиши, унинг ин-сон даражасига кўтарилиши ҳақидаги фикр-мулоҳазалар уз-луксиз ўзгариб борган. Чунончи, қадимги “Ашуалар китоби” (“Шеърлар тўплами”)да айтилишича, одамни (“Тянь”) осмон яратган эмиш. Осмон энг умумий яратувчи, буюк бошқарув-чи бўлганлиги учун ҳам одам деган зотни яратди ва унга хаёт ато этди.

Қадимги Хитой манбаларидан бири “Ўзгариш китоби”да баён қилинишича, одам олам билан бевосита боғлиқ. Оламни олам қилиб ушлаб турган ўнта асосий устун бор. Бутун олам ўнта устун: ян, инь, осмон, ер, инсон, олов, сув, металл, ёғоч, уруғларга таяниб туради. Ўша устунларнинг мустаҳкамлиги инсон ва унинг амалий фаолияти билан боғлиқ. Инсон фао-лияти эса дунёқарашибилан алоқадор. Осмон, ер ва инсон дунёқараашнинг асосий элементлари эмиш. Кўриниб турибди-ки, қадимги Хитой манбаларидан инсон, осмон, ер орасида ўзаро алоқадорлик мавжудлиги эътироф этилади.

Қадимги Хитой манбаларидан таъкидланишича, одамзот ҳаётида космос билан оқилона муносабатда бўлиш ҳал қи-лувчи аҳамиятга эгадир. Ўша ўйғунлашув (гармония) инсон-нинг хулиқ-атворида, хатти-харакатида, расм-русларни, урф-одатлари, таомларида яққол намоён бўлади. Инсон ҳатти-ҳа-ракатида яхшилик ва ёмонликнинг вужудга келиши учун турткি беради. Ёмонлик космос билан инсон орасидаги но-оқилона муносабатларнинг натижаси эмиш.

Одамнинг инсон даражасига кўтарилиши, унинг бошқа тирик мавжудотлардан фарқ Қилувчи инсоний хусусиятлари ҳақидаги дастлабки фикр-мулоҳазаларни ҳам, юкорида биз эслатиб ўтган, қадимги Хитой манбаларидан учратиш мумкин. Чунончи, одамдаги инсонийлик, энг аввало, инсонпарварлик-да ўз ифодасини топади. Инсонпарварлик деганда ахлоқий нормалар, удумлар, этикетларга амал қилиш, хусусан тўғри сўзли, оққўнгил, мард бўлиш тушунилади¹. Шунингдек, одам-даги инсонпарварлик, хайриҳоҳлик ҳар бир киши ўзига топ-ширилган вазифани аниқ бажариши билан амалга оширил-моғи, чунончи, давлат бошлиғи – давлат ишларини, ота-оталик, ўғил-ўғиллик вазифасини бажариши зарур².

Инсон тўғрисидаги мифологик-диний қарашлар ўрнини аста-секин фалсафий қарашлар эгаллай бошлади³. Бундай қарашларни қадимги Хитой фалсафа мактабларидан Ян инь цзи (эрэмиздан аввалги VIII-VI асрлар)да кўриш мумкин. Ушбу мактаб мухлисларининг фикрига кўра, Коинотда тар-тибсиз учиб юрган ўн минг нарсалар замирида икки илоҳий қудрат: Янь ва Инь вужудга келди. Янь (эркак ҳоҳиширо-дасининг асоси) бутун осмонни бошқарган бўлса, Инь (аёл-ликнинг асоси) ерни бошқарган эмиш. Ўша икки қудрат ора-сидаги ўзаро алоқадорлик бутун олам биносининг асосини барпо этибди. Эркаклик ва аёллик, шунингдек “беш стихия”: сув, олов, металл, ёғоч, уруғ орасидаги ўзаро алоқадорлик ин-сон руҳий-маънавий қиёфасининг асосини ташкил этаркан¹.

Қадимги Хитойда инсон тўғрисидаги фалсафий фикрлар доираси узлуксиз кенгая бошлади. Чунончи, қадимги дао-сизм таълимотида одамнинг инсон даражасига

¹ Введение в философию. Под общей редакцией И.Т. Фролова. Часть 1. М., 1989, 88-бет.

¹ Қаранг: Древнекитайская философия. В двух томах. Том 1. М., 1972, 148, 150, 159 бет-лар.

² Законы ману. М., 1960, 22-23 бетлар.

³ Шуцкий Ю.К. Китайская книга перемен. М., 1966; Быков Ф.Зарождение политичес-кой и философской мысли в Китае. М., 1966.

¹ Степанянц М.Т. Восточная философия. М., 1997.

күтарилиш жараёни, инсоннинг инсонийлигини ифодаловчи принцип-лар, уларнинг фаровон турмуши, баҳт-саодати ҳақида бир қа-тор янги фикр-мулоҳазалар баён этилган. Даосизм таълимомо-тига эрамиздан аввалги VI-V асрларда яшаган Лао-цзи асос солган.

Даосизм таълимотига кўра, дао-оламда мавжуд бўлган барча мавжудотларнинг ибтидоси. Унинг мавжудлигини таъ-минловчи асосий принципдир. Дао оламдаги барча ҳодиса ва воқеаларни, нарсаларни нарса қиладиган қудратдир. Дао кос-мик жон бўлиб, ҳамма томондан оқиб турди, у ўнгда ҳам, сўлда ҳам бўлиши мумкин. Унинг шарофати билан бутун мав-жудот туғилади ва доимий ўсишдан тўхтамайди.... Ҳамма мав-жудот эртами-кечми унга қайтади².

Даосизм таълимотига мувофиқ, инсоннинг инсонийлиги ишонч, умид принципига риоя қилишига қараб белгиланади. Умидга эса истакни, орзуни чеклаш воситаси ёрдамида эри-шилади. Истак, орзуни чеклай олмаслик инсонда худбинлик, ичиқоралик каби иллатларнинг пайдо бўлишига туртки бе-ради. Кишиларнинг худбинлиги нафақат одамни, ҳатто олам-ни ҳам деформацияга гирифткор қиласи. Бундай ҳолат олам-нинг асоси бўлган даонинг гармоник табиатига, яъни “Ҳар бир киши ҳамма нарса учун” қоидасига мос тушмайди.

Даосизм таълимотида ҳар томонлама гармоник ривож-ланган инсон қиёфаси ҳақида бир талай ажойиб фикрлар баён этилган. Ушбу таълимотга кўра, гармоник ривожланган инсон, табиийликка қўпроқ майли бор, ҳар қандай бехуда ишлар билан ўзини овора қилмайдиган, ҳар қандай васва-салар таъсирига берилмайдиган кишидир. У осмонга қиёс-ланади. Бундай кишилар ўзининг осмон даоси билан узвий алоқадор эканлигини ҳис қилиб турди. Чунки инсон космос билан боғлиқ бўлиб, ўзига хос микрокосмосдир.

Даосизм таълимотига кўра, инсоннинг баҳт-иқболи, фа-ровон турмуши ҳукмдор (император) фаолияти билан боғ-лиқ. Ҳукмдор фуқароларнинг орзу-истакларини эзгулик то-мон бошқариши лозим. Шунинг учун ҳам ҳукмдор фаолия-тининг асосида ҳалқ даоси билан осмон даосининг аралашуви ётмоғи даркор. Осмон даоси табиат қўйнида яшовчи оддий одамларнинг идеал жамиятини бунёд этишга ҳаракат қиласи. Донишманд император осмон даоси муддаосини, яъни идеал жамият қуриш истагини турли амалдорлар ёрдамида бажа-ради. Ўша амалдорлар идеал жамият қуриш жараёнида вужудга келган турли нифоқларни оқилона бартараф этмоқ-лари лозим. Шундай қилиб, даосизм таълимотида ижтимоий идеал, ҳар томонлама ривожланган инсон осмон даоси сиймо-сида намоён бўлади

Қадимги Хитой фалсафасида инсон тўғрисидаги фикр-мулоҳазалар Конфуций таълимотида янада янги босқичга кў-тарилди¹. Конфуций ўзидан мерос қилиб ҳеч қандай асар қолдиргани йўқ. У ўзининг фалсафий қарашларини оғзаки баён қилган. Конфуций вафотидан сўнг унинг шогирдлари устоз сухбатларини тўплаб, “Лунъюн” номи билан алоҳида трактат этиб расмийлаштирганлар².

Конфуций хитойликларни аждодларидан қолган буюк маданий-маънавий мерос-уч буюк китобда: “Ашуалар кито-би”, “Ўзгариш китоби”, “Тарих китоби”да баён қилинган қо-идаларга амал қилишга чорлаган. Ўша китбларда баён қи-лингган қоидаларни ўтмиш билан бугунни, аждодлар билан ав-лодларни, инсон билан осмонни боғловчи йирик руҳий-маънавий қудрат деб ҳисоблаган. Шунинг учун ҳам хитойлик му-тафаккир “Мен фақат узатаман, лекин бунёд этмайман; мен ўтмишга ишонаман ва уни севаман”³ деб айтган эди.

² Древнекитайская философия. В двух томах. Том 1. М., 1972, 125-бет.

¹ Конфуций эрамиздан аввалги 551-479 йилларда яшаган. Конфуций номи “Кун” ва “Фуцизм” сўзлари асосида вужудга келган. Ҳозирги замон қоидаларига асосан таҳлил қилсан, “Кон” фамилиясини билдириш, “фу” сўзи файласуф, “цзи” ўқитувчи, устоз, муаллим маъносини англатади. Хитойликлар уни “Кунцизм”, яъни “Файласуф устоз Кун” деб аташган.

² Конфуций. Лунъюн. Изречения. М., 2000.

³ Древнекитайская философия. В двух томах. Том 1. М., 1972, 153-бет.

Конфуций ҳам ўз ўтмишдошларининг олам ва одам тўғ-рисидаги фикрмуроҳазаларини давом эттириб, осмон-бу та-биат, худо ва инсондир, деб тушунтириди. Осмон уларга куч ва ақл ато этган. Шунинг учун ҳам инсон ўз ихтиёри билан ҳа-ракат қилолмайди, ўзини-ўзи яратади. Чинакам инсон ўз фаолиятининг осмон билан боғлиқлиги учун ўз тақдиридан ҳамиша миннатдор бўлмоғи керак.

Конфуцийнинг фикрига кўра, осмон ва ерда туғилганлар ичida энг қудратлиси инсондир. Инсон ўз моҳиятига кўра ях-лит, бир бутундир. Шунинг учун ҳам одамлар ўз табииатига кўра бир-бирларига яқиндиrlар. Лекин ўзларининг хулқ-ат-ворлари, урф-одатларига кўра бир-бирларидан йироқдир-лар¹. Инсон ўзининг ички моҳиятига кўра бошқаларга яхши-лик қилишга, эзгуликка мойиллиги бор. Хусусан, бошқаларга хайриҳоҳлик (жень), адолатпарварлик (и), самимият (синь), уруғ-аймоқ, Қавм-қариндошларга хурмат (сyo), хукмдорга са-доқат (чжун) шулар жумласидандир. Лекин бундай олижа-нобликлар инсоннинг амалий фаолиятида бирдан намоён бў-лади, деб бўлмайди. Ҳамма ҳам бундай олийжаноб ишларида юксак ахлоқий принципларга асослана-ди. Ўша ахлоқий принциплар аста-секин инсоннинг ташки қиёфасида, амалий фаолиятида намоён бўла бошлайди. Турли урф-одатлар, расм-руsumлар ва удумлар ахлоқий принциплар-нинг рӯёбга чиқиши учун ички импульс беради. Ким ўзининг қалби ва ақли имкониятларидан тўла фойдаланса, ўзлигини намоён қиласи. Ўзлигини намоён қила туриб, бутун борлиғи-ни намоён қиласи². Шундай қилиб, машҳур хитойлик мутафаккир инсонпарварлик билан яхшилик орасида уйғунлик – кўприк ўрнатади. Бундай уйғунлик қадимги замон Хитой фалсафасида яратилган ахлоқийликнинг “олтин қоидаси” эди. Худди шу қоида аста-секин “сўз билан иш” орасидаги мутаносиблиknинг вужудга келиши учун замин яратди.

Конфуций фалсафасидаги инсонпарварлик билан яхши-лик орасидаги уйғунлик инсоннинг инсонийлигини ифода-ловчи олийжаноблик қўринишларини ягона бир бутунга бир-лаштиради ва қудратли ижтимоий тартиб-интизом тизими-нинг вужудга келиши учун асос яратди. Ўз навбатида, бундай тартиб-интизом инсоннинг эзгуликка қаратилган хайрли иш-ларида намоён бўлади. Агар ўша хайрли ишлар давлат томо-нидан бошқарилса кишилар тарбиясида туб бурилиш содир бўлади. Конфуций Хитой фалсафаси тарихида биринчилар-дан бўлиб, одамнинг инсон даражасига кўтарилишида жами-ят, давлат, ижтимоий муҳитнинг таъсири бўлади, деган ғояни илгари суради. Ўзи фаолият кўрсатаётган жамиятда, фуқаро-ларнинг тўҚ-фаровон яшашлари учун зарур бўлган сиёсий, маънавий-ахлоқий принципларни ишлаб чиқишига ҳаракат қи-лади¹.

Конфуцийнинг фикрига кўра, жамиятнинг асосий ячей-каси - оиладир. Жамиятни, давлатни у катта оила, деб тушу-нади. Оилада азал-азалдан ўрнатилган тартиб-коидага кўра – кичиклар катталарга бўйсуниши лозим бўлганидек, давлатда ҳам кичиклар катталарга бўйсунишлари даркор. Оиладаги тартиб-интизом қавм-қариндошлиқ, уруғ-аймоқчилик белги-ларига асосланса, давлатда ўрнатилган тартиб-интизом кў-пинча шахснинг ижтимоий мавқеига, жамиятда эгаллаган ўр-нига қараб белгиланади.

Қадимги Хитой файласуфи Конфуцийнинг жамиятни бошқариш ҳақидаги фикрмуроҳазаларнинг марказида “Ҳик-матли зот” туради. “Ҳикматли зот” хукмрон табаканинг идеал намоёндасидир. Бундай давлат арбоби ўзида фуқаролар фа-ровонлигини таъминлай оладиган барча олийжаноб фазилат-ларни мужассамлаштироғи лозим. Конфуций ўзининг суҳ-батларида жамият бошқарув илларини қўлида ушлаб турган “Ҳикматли зот”нинг бешта инсоний хислатлар: бурч, адолат, мардлик, урф-одатларга риоя қилиш, билимдонлик безаб турмоғи лозим, дейди. “Ҳикматли зот” фуқароларга нисбатан мурувватли, хизмат вазифасини сидқидилдан бажарувчи, эгаллаб турган лавозимидан ўзига шон-шуҳрат орттириш учун эмас, балки жамият аъзолари фаровонлигини таъмин-

¹ Древнекитайская философия. В двух томах. Том 1. М., 1972, 171-бет.

² Қаранг: Степанян М.И. Восточная философия. М., 1997, 48-бет.

¹ Қаранг: Философия. Часть первая. История философии. М., 1999, 42-44 бетлар.

лашга қаратмоғи даркор. Унинг ҳатти-ҳаракатлари оқиста ва хотиржам, табиатига дағаллик ва фаҳмсизлик бегона, кийи-нишлари озода ва ўзига муносиб, жамиятда ўрнатилган маъ-навий-ахлоқий қоидаларнинг моҳиятини чуқур англаб етувчи, бойлик ва мартабани “тақдир инъоми” деб, уларга атайин интилмайдиган, хайру-саҳоватли, лекин исрофгарчиликка йўл бермайдиган, ҳалоллик бобида событқадам ва дуч келган гу-руҳга кўшилиб кетавермайдиган кишидир. Конфуций бундай хислатлар соҳиби бўлган кишини “Гўзал инсон” деб билади. Жамиятни, давлатни шундай “Гўзал инсон”лар бошқарса, шубҳасиз, ундан юртда фаровонлик таъминланади.

Конфуций “Ҳимматли зот” шахсининг антиподини – “Нобакор кимса” деб атайди. “Нобакор кимса”нинг ҳатти-ҳа-ракати, “Ҳимматли зот”никига тескари. У ўз нағсининг қули, бурч, инсоғ нималигини умуман билмайди. Жамиятда ўрна-тилган тартиб-интизомни маккорлик билан бузади. Жамият-нинг ҳукмдори бўлган “Осмон ўғли” хошиш-иродасини сез-майди. Унинг бисотида жамиятнинг мартабали кишиларига, донишмандларига, олиму-фозилларига ҳурмат-иззат бўлмай-ди. Энг муҳими ўз қадр-қимматини билмайди, ҳатто талон-чилик қилишдан ҳам уялмайди. Шундай қилиб, Конфуций таълимотида инсоннинг шахсий, ахлоқий хислатлари чуқур ижтимоий мазмунга эга бўлган меъёрга айланади.

Конфуцийнинг эътироф этишича, “Ҳимматли зот” ҳасад билан шуғулланмаслиги, ҳасадгўйлар даврасида бўлмаслиги, бирорларга ҳасад билан қарамаслиги, ўзидан юкори марта-бали кишиларга иззат-икромли, қўл остида ишловчи фуқаро-ларга мурувватли, ҳалқни бошқаришда адолатли, ўз ҳаётини гаровга қўйиб бўлсада тўғриликни ҳимоя қилиши зарур. Жа-миятни, давлатни бошқарувчи олий “Ҳимматли зот” бийрон сўзли нотик ёки олий ҳимматли киши бўлмаслиги мумкин. Чинакам “Ҳимматли зот” сўзи ишига мос тушмаса қаттиқ азият чекади. Бундай кишилар ҳамиша обрўли, довруқли бў-ламан, деб эмас, балки ўзида бор имкониятларни, қобилият-ларни тўла рўёбга чиқара олмадим, деб азият чекадилар.

Конфуцийнинг фикрига кўра, “Ҳимматли зот” қуйидаги тўҚҚиз ҳолатни ўзининг амалий фаолиятида муҳим аҳамиятга эга деб қарамоғи даркор. Чунончи: қараганда кўра олишни (кўришни); тинглагандан эшита олишни (эшитишни); бирорлар билан сўзлашганда чехрасида самимият, қиёфасида ўзгаларга эҳтиром бўлишни; нутқида садоқат, ишида шинавандалик бў-лишини; шубҳалангандан, бошқалардан сўрашни; тутакҚан пайтда оқибатни ўлашни; бир нарсани бошқалардан олаёт-ганда унинг қарз эканлигини тушуниб етишни унумаслиги даркор. Мамлакатни бошқаргандан, бешта гўзал усулага астой-дил амал қилишни ва тўртта ҳолатдан ўзини олиб қочиши зарур. Чунончи, “Ҳимматли зот” жамиятни бошқаргандан, энг аввало исрофгарчиликка йўл қўймаслиги; иш пайтида талаб-чан бўлиши, лекин бошқаларда норозилик уйғотмаслиги; ис-так-хошишни рўёбга чиқараётганда очқўзлик қилмаслиги; кенг хулқ-атворга эга бўлиши, лекин такаббур бўлмаслиги; ҳамиша ўзининг улуғворлиги билан ажралиб туриши, лекин атрофдагиларга важоҳат солмаслиги керак.

Конфуций “Ҳимматли зот” жамиятни бошқаргандан, бош-қарувнинг тўрт ярамас усулидан қочишини маслаҳат беради. Чунончи, Қонунни четлаб ўтиб, шошмашошарлик билан тут-қинни ўлимга ҳукм этишни, яъни шафқатсизлик қилишни; топширилган иш натижасини огоҳлантирмасдан туриб талаб этиш, яъни зўравонлик қилишни; иш тугатилиб, якунига етиб қолган бўлишига қарамасдан, тегишли буйруқни ҳаяллатиб ўтириш, яъни қароқчилик қилишни; меҳнатга ҳақ тўлашда хасислик, яъни пасткашлик қилишни тушунади.

Қадимги Хитой мутафаккири инсонда инсонийлик хусу-сиятларининг шаклланишида жамиятни бошқариб турган раҳбарнинг мурувватли бўлиши катта аҳамиятга эга экан-лигига эътиборни қаратади. Мурувватли раҳбар деганда, энг аввало, ҳалқҚа фойда келтирувчи юмушлар билан шуғулла-нишни; фуқароларнинг қобилиятларига қараб иш беришни ва берилган ишни ўз вақтида бажарилишини талаб қилишни; катта ва кичик, босиқ ва тез одамлар билан бир хил муома-лада бўлишни;

қараашларидаги қатъиятни тушунади. Бундай хислатлар “Химматли зот”ни янада улуғвор қилиб кўрсатади.

Конфуций ўзи яшаётган жамиятда содир бўлаётган ах-лоқсизликлардан қаттиқ ташвишга тушади, фуқароларни тар-биялашга харакат қилиб, уларни инсоф-диёнатга, бир-бирла-рини ҳурмат қилишга, атроф-муҳит мусаффолигини таъмин-лашга чорлайди. Унинг тушунтиришича, инсонийликнинг тур-ли-туман кўринишларини ўзида мужассамлаштирган чинакам инсон фақат ўзи учун эмас, бошқалар учун ҳам яшамоги дар-кор. Инсоннинг инсонийлиги, энг аввало, қуидаги талаблар-га жавоб бермоғи даркор. Чунончи: а) ўзи эришишни орзу қилган муваффақиятларга бошқалар эришиши учун ҳар то-монлама қўмак бер; б) ўзингнинг бошингга тушишини иста-маган кулфатларни бошқаларга ҳам раво кўрма.

Конфуцийнинг фалсафий таълимотида одамнинг чина-кам инсон даражасига кўтарилишида жамият, унда ўрнатил-ган тартиб-интизом ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканлигига алоҳида эътибор қаратилади. Шунинг учун ҳам етук инсон жамиятда мавжуд бўлган тартиб - қоидаларни ҳурмат қил-моғи даркор. Жамиятда инсонпарварликка (жень) асосланган барча тартиб-интизомлар осмондан тушган, унга ҳамма итоат қилиши шарт. Барча тартиб-интизомлар, ахлоқий қоидалар, Конфуций қараашларида – “Ли” деган тушунчада ўз ифода-сини топган. Жамиятда “Ли” бўлмаса тартиб-интизом ҳам бўлмайди, тартиб-интизом йўқ жойда эса ривожланиш бўл-майди, деган фикр-мулоҳазалар Конфуций таълимотида мар-казий ўринни эгаллайди. Конфуций таълимотида ушбу гоялар жамиятни бошқариб турган ҳукмдорлар учун ўз ҳукмларини сўзсиз бажартириш, фуқароларга тобелик руҳини сингди-риш, ҳеч қандай эътиrozсиз бўйсуниш кайфиятини шакллан-тириш учун кўл келганлигини ҳам унутмаслик лозим.

Жаҳон цивилизацияси тарихида биринчилардан бўлиб хитойлик мутафаккир Конфуций инсон фаолиятини баҳолов-чи мезонни яратишга харакат қилди. Унинг тушунтиришича, одамлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар табиат қонунларига асосан эмас, балки аллақандай ўзига хос қонуниятларга асо-сан содир бўлади¹.

Кишилар фаолиятини тўғри баҳоламоқ учун, энг аввало, ўша фаолиятнинг содир бўлиш сабабларини аниқламоқ за-рур. Бир ибора билан айтганда, инсон фаолиятига баҳо бер-ганда, унинг сўзига, нутқ ирод қилишига қараб эмас, балки кундалик ишига қараб баҳоламоқ зарур,² деган хуносага ке-лади.

Қадимги Хитой фалсафасида инсон тўғрисидаги фалса-фий фикрлар тараққиётига муносаб ҳисса қўшган таъли-мотлардан яна бири моизмдир³. Моизм таълимотининг асосчи-си Мо ди (Мо-Цзи)дир.(Мо ди эрамиздан аввалги 480-400 йил-ларда яшаган). У яратган инсон тўғрисидаги фалсафий фикр-лар асосида “умумий, ўзаро муҳаббат ва манфаат” уйғунлиги ҳақидаги гоя ётади. Моизм, Конфуций таълимотидан фарқли ўлароқ, адолат билан манфаатни ягона бир тугунга бирлашти-ришга харакат қилди. “Адолат – бу фойда демакдир”, деб ту-шунтирди. Фойда, манфаат, моизмда факат киши учун эмас, балки бутун жамият, бутун ҳалқ учун характерли хусусият эканлигини исботлашга уринади. Шунинг учун ҳам, Моизм мухлислари “фаолият” (вей) ва ахлоқий хулқ-атвор, ҳатти-ҳа-ракат” (син) тушунчаларини бирини-иккинчисидан ажратди-лар. Уларнинг фикрига кўра ахлоқ-одобнинг ягона мезони - эзгуликка қаратилган ҳатти-харакатдир. Бундай ҳатти-харакат факат шахсий ўrnak кўрсатиш орқали рӯёбга чиқади. Эзгу-ликка қаратилган ҳатти-харакат унинг мақсади, сабаб ва оқи-батларига қараб аниқланади, “хизмати”, “мукофоти”, “шон-шарафи”, “жиноятлари”, “жазоси”да ўз ифодасини топади.

“Умумий, ўзаро муҳаббат ва манфаат” принципи намоён бўлишининг идеал ҳолати осмон ҳоҳиш-иродаси билан боғ-лиқ, дейилади, Моизм таълимотида. Чunksi, осмон оламдаги бутун мавжудод учун андоза(эталон)дир. Ердаги унинг ўғли (император) худди шу андозани турмушга татбиқ этиш учун масъулдир. Ерда унинг амалдорлари шундай

¹ Қаранг: Древнекитайская философия. В двух томах. Том 1. М., 1972, 281-бет.

² Қаранг: ўша ерда, 143-бет.

³ Қаранг: Философия. Часть первая. История философии. М., 1999, 44-46 бетлар.

тартиб-интизом ўрнатишлари зарурки, у туфайли барча кишилар бир-бирла-рини севишилари, бир-бирларига ёрдам қўлларини чўзишилари, чунончи: “бойлар ўз бойликларини камбағаллар билан баҳам кўришлари”, “ўҚимишли кишилар саводсиз одамларни савод-ли қилишлари”, “зўрлар заифларни химоя қилишлари” дар-кор. Халқ энг олий қадрият ҳисобланади, шунинг учун ҳам унинг эҳтиёж ва истакларини рўёбга чиқариш, ҳукмдор учун осмон ҳоҳиш-иродасини намоён қилишдир. Мо ди ёзганидек, чинакам жасорат эгаси бўлган ҳукмдор ўзининг ҳатти-ҳара-катини осмон остининг манфаати билан таққослади, улар-нинг чарчаб-хоришиларини янада чигаллаштирмайди. Чинакам инсонпарвар ҳукмдор халқнинг мол-мулкига зиён-заҳмат ет-казадиган, уларнинг кийим-боши, озиқ-овқатларини тортиб оладиган бирон иш қилмайди¹. Ана шундай мақсадда, ҳукм-дор ҳаммага бир хил талаб қўйган қонун ва адолат имконият-ларидан фойдаланиши даркор. Мансабдорларнинг ўзбошим-чаликларига чек қўйилиши керак. Ана шундай йўл билан ос-мон ўғли билан халқ ва давлат орасида мажбурият (шарт-нома), алоқа ўрнатилади. Бундай шартноманинг бажарилиши-да, шубҳасиз, ҳукмдор ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Моизм таълимотига кўра, осмоннинг ҳоҳиш-иродаси ин-сон тақдирини, келажагини белгиловчи омил эмас. У фақат кишиларни бир-бирларига адоват, нафрат билан эмас, балки уларни дўсту-биродар, ҳамкору-ҳамдард, хайриҳо бўлишга, ҳурмат қилишга чорлайди. Одамларнинг ўзаро муносабат-ларида ана шундай муносабатлар шакллангандағина жами-ятда уйғунлашув, барқарорлик содир бўлади. Моистлар инсоннинг билиш борасидаги фаолиятини такомиллаштиришга ҳаракат қилдилар. Оламдаги ҳодиса ва воқеаларни ўрганиш-да, билишнинг ҳиссий ва ақлий шаклларидан оқилона фой-даланиш йўлларини изладилар.

Шундай қилиб, қадимги Хитой файласуфлари, инсон-нинг руҳий-маънавий қиёфасининг шаклланиш жараёнини, осмон ва ер муносабатларининг уйғунлашуви чиғириғидан ўтказиб таҳлил қилдилар.

Хуллас, қадимги Ҳинд файласуфлари – инсон икки йи-рик қудрат: тана билан жоннинг уюшмасидан иборатлиги, жон танани тарқ этиб руҳга айланиб туриши, руҳ эса ўлмас-лиги, у маълум вақт ўтгач яна бошқа танага қайтиб кириши мумкинлигини, тана билан жон бири-иккинчиси билан боғ-лиқ бўлиб, бири-иккинчисига ҳамиша таъсир ўтказиб бо-риши, одамзот танасининг шакли (жисми) узоқ давом этган эволюцион ўзгаришларнинг натижаси эканлигини исботлаш-га уринган бўлса, қадимги Хитой файласуфлари инсон кунда-лик амалий фаолиятини ахлоқий нормалар ёрдамида бошқариш мумкинлиги, айниқса, кишидаги инсоний фазилатлар-нинг шакллантиришда тарбия, тартиб-интизом муҳим аҳами-ятга эга эканлиги, инсон камолотида табиий-ижтимоий муҳит ҳал қилувчи омиллигини тушунтириб беришга ҳаракат қилди-лар. Шунингдек, инсон ахлоқининг ижтимоий мақомини (ста-тусини) яратишга асос солдилар.

Қадимги Ҳинд ва Хитой файласуфлари, одамни инсон даражасига кўтариш жараёнини, асосан, ақл имкониятлари-дан фойдаланиб таҳлил қилдилар. “Фикрловчи мавжудод” – инсон ўзининг кундалик амалий фаолиятидан ақлан қониқ-мас экан, турган гапки, қолган ишларидан ҳам ҳеч қачон қо-ниқиши ҳосил қилмайди. Ақл имкониятларига асосланган қа-димги Ҳинд ва Хитой файласуфлари инсон ҳаётининг маъно ва мазмунини бойитиш учун фуқаролар ташвишларини ка-майтириш йўлларини изладилар. Энг муҳими, фаровон тур-муш қуришни орзу қилдилар. Ана шундай ҳаётни барпо этишда, асосан, инсоннинг ўзи мутасадди эканлигини исбот-лашга уриндилар. Шунинг учун ҳам инсонни буюк қадрият, деб эълон қилдилар.

Қадимги Ҳинд ва Хитой файласуфлари фаровон тур-мушни яратиш учун одамлар орасидаги муносабатларни ўз-гартириш зарурлигини алоҳида таъкидладилар. Ўша муноса-батларга гуманистик мазмун ато қилдилар. Энг муҳими ин-соннинг ўзини ўзгаририш, унинг руҳий-маънавий оламини такомиллаштиришга эътиборни қаратдилар.

¹ Қаранг: Краткая история философии. М., 1996, 79-бет.

Инсон тўғрисидаги қарашларни эрамиздан аввалги VII-VI асрларда Ўрта ва Яқин Шарқ мамлакатлари, хусусан Эрон ва Туронда кенг тарқалган мифологик-диний, диний-фалса-фий таълимотларда яққол кўриш мумкин. Ана шундай таъли-мотлардан бири Зардуштийлик эди¹.

Зардуштийлик таълимотига Туронзаминнинг Хоразм ўл-каси қишлоқларидан бирида таваллуд топган, ўз замонаси-нинг йирик қомусий олими, шоир Зардушт Спитамон² асос солган. У ёшлигидан билимга, илмга чанқоқлиги билан тенг-дошларидан ажралиб туар эди. Етти ёшидан ўн беш ёшигача замонасининг билимдонларидан бири ҳисобланган Барзин Курасдан сабоқ олди. Табиатшунослик, жамиятшунослик, маданиятшунослик, диншуносликка оид билимларни қуент билан ўрганди. Айниқса, Каломи Бадеъ, нотиқлик санъатини, паҳла-вонлик, чавандозлик сирларини билиб олди. Саркардалик, жанг қилиш малакаларини узлуксиз такомиллаштириб борди.

Зардушт ҳалқ оғзаки ижоди, урф-одатлари, расм-руссум-ларини ўрганиб, ахлоқ-одобга доир фикр-мулоҳазаларини жамлаб, ягона тўплам ҳолига келтирди. Унинг диний-фалса-фий қарашлари “Авесто”нинг қадимий қисми “Гат” (шеърий мадхия)ларда баён қилинган.

Зардуштийлик таълимотининг асосий қоидалари унинг муқаддас китоби “Авесто”да баён этилган. “Авесто” бир кун-да ёки бир йилда вужудга келган эмас, балки асрлар даво-мида тўлдириб, бойитиб борилган. Илмий манбаларда қайд этилишича “Авесто” эрамиздан аввалги VII-VI асрлардан тор-тиб милоднинг III-IV асрларигача бўлган барча ўзгаришларни ўзида қамраб олган. “Авесто” ибораси “асос”, “асосий матн” деган маънони билдиради.

Зардуштийликнинг ўта ноёб тўплами “Авесто” 21 китоб-дан иборат бўлиб, Абу Райхон Беруний “Осорул-боқия...” (“Қадимги ҳалқлардан қолган ёдгорликлар”) китобида ва Абул-Қосим Фирдавсий ўзининг “Шохнома” асарида Зардуштнинг 1200 бобдан иборат панду-насиҳатлари, якка худо-ликка асосланган Зардуштийлик таълимотининг асосий қоидалари баён қилинган эди. “Авесто”даги 21 китобнинг: би-ринчи еттитаси Худоларга, коинотнинг пайдо бўлиши ва инсоният тарихига доир; кейинги етти китоб ибодат масала-лари, диний дастурлар, одамларнинг турмуш тарзи ҳақида; охирги етти

¹ Зардуштийликнинг жаҳон цивилизацияси тараққиётига қўшган ҳиссасини ҳар то-монлама ўрганишда XVIII асрда ижод этган Анкетил Дюперрон, инглиз тадқиқотчиси Дж. Буггерларнинг хизматлари катта бўлди. Хусусан, А.Дюперрон “Авесто”ни фран-цуз тилига таржима қилди ва алоҳида китоб қилиб чоп эттириди. “Авесто”ни немис тилига таржимаси Ф.Шингель ва Ф.Вольфлар томонидан (1852-1863) амалга оширилган бўлса, инглиз тилидаги таржимаси И.Дармстадер ва Л.Х.Миллслар томонидан бажа-рилди. Дания тилига “Авесто”ни А.Христансен таржима қилган бўлса, форс тилида бундай хайрли ишни Иброҳим Пур Довуд бажарган. Эрон ва Турон ҳалкларининг қа-димий маданий меросининг буюк дурдонаси бўлган “Авесто”ни ўзбек тилига 1990-1999 йилларда шоир Асқар Махкам таржима қилди. Китобнинг қўлёзма нусхаси Ко-пенгагенда сакланмоқда.

Зардуштийлик диний-фалсафий таълимотининг асосчиси Зардушт илмий-маданий меросини таҳлил қилишда XIX асрнинг машҳур немис файласуфлари Вильгельм Ге-гель, Фридрих Ницшелар муносиб ҳисса қўшдилар. Ф.Ницше ўзининг “Зардушт та-валлоси” асарида Зардуштни Европа цивилизациясининг Цезарь, Шекспир, Данте, Ри-хард Вагнер, Байрон ва унинг қаҳрамони Манфред, Генрих Гейне каби етук намоёндалари билан бир қаторга қўйди. Шунингдек Зардушт таълимотини тарғибот ва таш-виқот қилишда Европа олимлари Э.Берзин, Е.Е.Бертельс, В.А.Бартольд, А.О.Маковель-ский, Н.Прохоров, В.В.Струве, В.А.Травер, С.П.Толстов, В.А.Лившиц, С.Н.Соколов, В. Хен, Ю.А.Рапопорт, С.В.Ольденбург, М.Бойс, Б.И.Авдиеv, ўзбек олимлари Н.Маллаев, Ҳ.Ҳомидов, А.Қаюмов, Й.Жумабоев, М.Исҳоқов, М.Рахмонов, Ф.Сулаймонова, И.Жаб-боров, Й.Хўжамуродов, А.Ирисов, Т.Махмудов, М.Қодиров, С.Ҳасанов, А. Зоҳидов, Б. Эшовларнинг хизматларини алоҳида таъкидламоқ даркор.

² Зардушт шахси, унинг тугилган ватани, ҳаёти ва ижоди ҳақида хозирги замон илм-фан арбоблари турли-туман фикрларни баён қилмоқдалар. Фикрлар хилма-хиллиги-дан қатъий назар Зардушт Спитамоннинг эрамиздан аввалги VII асрнинг иккинчи ярми - VI асрнинг бошларида Хоразмда тугилгани, яшагани ва ижод қилгани тарихий ҳақиқатдир. Зардушт номи Европа файласуфлари асарларида “Зараостра”, “Заратуш-тра” деб ҳам юритилади. Заратуштра эронча сўз бўлиб, “зара”-олтин, “уштра”-түя маъноларини билдиради. Айрим холларда “Заратуштра” ибораси “олтин туялик”, “ол-тин туя эгаси”, “туяларни етакловчи киши”, деб ҳам таржима қилинади.

китобда тиббиёт, астрономия муаммоларига бағишиланган эди¹. Эрон ва Туронни Александр Македонский забт этгач 1200 қорамол терисига тилло билан битилган ушбу нодир түпламни Юнонистонга олиб кетади².

Александр Македонский “Авесто”нинг тиб, астрономия-га оид қисмларини юонон тилига таржима қилдирган, қолган қисмларини эса ёқтириб юборган. Бундай нодир китобни ёқ-тириб юборишдан мақсад ўша замонда Эрон ва Турон халқ-лари дунёқарашида мустаҳкам ўрнашиб олган Зардуштийлик таълимотини йуқотиб юборишга қаратилган эди.

Замонлар ўтиши билан Эрон ва Турон халқлари ўзлари-нинг қалбларидан мустаҳкам ўрин эгаллаган “Авесто”ни тик-лашга киришдилар. Ёдноманинг пароканда қисмларини түп-лашда, зардуштийлик қоидаларини сақлаб қолишида Эрон ва Турон шоҳлари: Гуштасп, Балоши Ашконий, Ардашер Боба-кон, Шопури Ардашер, Шопур иккинчи, Хусрав Анушервон-лар фидойилик қилдилар¹. Сосонийлар сулоласи хукмронлик қилган замонларда (милоднинг III-IV асрлари) “Авесто” қайта тикланган, янги кўринишда намоён бўлди. Зардуштийлик Со-сонийлар империясининг расмий дини даражасига кўтарилди. Афсуски, Ёдноманинг тикланган нусхалари ҳам, милод-нинг VII-VIII асрларида, Эрон ва Турон мамлакатларига ислом дини кириб келиши билан йўҚ Қилиб ташланди. Шундай бў-лишига қарамасдан, ўша буюк маданий мероснинг тўрт китоби: “Ясна”, “Видевдат”, “Яшт”, “Виспарад” қайта тикланди ва бизнинг замонамизга етиб келди. Бу китоблар ўз мазму-нига кўра турли вазифаларни бажарган. Жумладан: “Ясна” (Ёсин), 17 бобдан иборат бўлиб, турли дуолар ва башоратлар йиғиндисидан ташкил топган. Шунингдек, унда “Авесто”нинг энг қадими қисми “Гот”лар ҳам ўрин олган. “Гот”лардаги асосий ғоя: “эзгу фикр, эзгу калом, эзгу амал” бирлигини таъминлашга қаратилган бўлса, “Видевдат” 22 бобдан иборат бўлиб – бутун оламнинг яратувчиси Ахура Мазданинг душ-манлари бўлган ёвуз девлар, инсу-жинсларга қарши кураш олиб боришга мўлжалланган қонун-қоидалар, турли гуноҳлар-дан покланиш маросимлари, саховатли бўлишга қаратилган расм-русумлар (чунончи, ўликни ерга кўмиш, ёлғон ваъда берган кишини жазолаш, аёлларга бўлган муносабат, ит бо-қиши ҳақидаги қоидалар) тўпламидир. “Яшт” турли руҳлар шаънига айтилган, куйланиши савоб хисобланган қўшиқлар (гимнлар) тўплами (24 бобдан иборат) бўлса, “Виспарад” оламни билишга доир панду насиҳатлар, унга хукмронлик қи-лишга қаратилган ҳамду-санолар тўпламидан иборат².

Зардуштийлик шаклланиб, ундаги асосий ғоялар киши-лар қалбидан мустаҳкам ўрин эгаллай бориши билан, унинг муқаддас китоби “Авесто”да баён қилинган олам ва одам му-носабатларини шарҳлашга интилиш ҳам ўсиб борди. “Авес-то” қоидаларини шарҳлашга бағишиланган рисолалар пайдо бўла бошлади¹. Ана шундай рисолалардан бири, милоднинг IX асрининг бошларида Озорбод Имидон ва Озорфаринж Фар-рукзодонлар томонидан ёзилган “Динкард” (“Дин саргузашт-лари”) китобидир. “Динкард”да зардуштийликнинг пайдо бў-лиши, унинг илк даври ҳамда шаклланиш жараёнларининг ўзига хос хусусиятлари, “Авесто”нинг ёзилиш тарихига оид бир талай маълумотлар берилган. Ушбу асар паҳлавий тилида (“Авесто” ёзилган тилда) яратилган мукаммал илмий манба-дир. Бизнинг замонамизга “Динкард”нинг бир неча нусхаси етиб келганлиги кувончли воқеадир².

¹ Махмудов Т. “Авесто” ҳақида. Тошкент, 2000, 19-бет.

² Абу Райҳон Беруний. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар. Танланган асрлар. Биринчи жилд. Тошкент, 1968, 38-бет.

¹ Маърифат, 2003 йил 18 январь.

² Илмий, илмий оммабоп адабиётларда: “Видевдат”- “Видевдот”, “Виспарад” эса- “Вис-парт”, “Виспарат”, “Виспарахт” деб ёзилмоқда.

¹ “Авесто” тиклангандан сўнг унга битилган шарҳларни “Занд” деб атай бошладилар. Шунинг учун ҳам илмий адабиётларда “Занд-Авесто” термини юзага келди.

² Маърифат, 2003 йил 18 январь.

Зардүштийлик таълимотининг марказий муаммоси олам билан одам ўртасидаги ўзаро алоқадорлик жараёни, одамнинг инсон даражасига кўтарилигани ифодаловчи кўрсатгич-лар таҳлилига қаратилганини эди. Бу таълимотга кўра, одам борлиғи олам борлиғи билан бевосита алоқадор. Ушбу таъли-мотга мувофиқ, бутун олам борлиғи тўрт унсурдан (чор ун-сур)³: тупроқ, сув, ҳаво, оловдан иборат. Олам борлиғининг энг мураккаб шаклларидан бири бўлган одамнинг табиати ҳам, шубҳасиз, ўша тўрт унсур билан боғлиқ бўлади. Шунинг учун ҳам, ушбу тўрт унсур ҳамиша муқаддас ҳисобланган. Зардүштийлик таълимотига кўра инсон билан табиат ораси-даги ўзаро алоқадорликка путур етказмаслик даркор. Ер, сув, ҳавони ифлослантириш гуноҳи аъзим ҳисобланган. Ҳатто, сувга тупурган кишига ўлим жазоси тайинланган. Зардүш-тийлик таълимотида баён қилинишича, ҳатто инсоннинг ми-жози ҳам олам борлиғи таркибидаги чор унсур билан бево-сита боғлиқ. Вазмин, босик одамларни “ҳоксор” деб аташ, ғайратли, ҳаракатчан кишиларни “жўшқин”, “тошқин”, “қай-ноқ Қон” деб баҳолаш ёки бебурд, енгилтак кишиларни “ҳа-войи”, “бодий” деб аташ ҳам ўша замонлардан қолган удумлардир.

Одамзот тупроқда вужудга келиб, тупроққа Қайтиши ло-зим, деган нуқтаи назар зардүштийлик таълимотидаги энг му-хим ғоялардан бири эди. Одам ўлгандан сўнг, уни муқаддас тупроққа Қайтармоқ учун, энг аввало, танадаги гўштни суюги-дан ажратмоқ лозим, деб ҳисобланган. Чунки одам гўшти ҳа-ром бўлганлиги учун муқаддас тупроқни булғаши мумкин. Худди шунинг учун ҳам ўлган кишилар суюгини гўштидан ажратмоқ учун мурдалар ўлаксахўр қушлар, итлар олдига қўйилган. Мурданинг гўшти суюгидан ажралиб қолгач, маҳсус мосламаларга жойлаштирилиб, ерга қўмилган. Шундай қилиб, зардүштийлик таълимотида таъкидланишича, табиатдан олин-ган одамзот танаси яна унинг ўзига қайтирилган.

“Авесто” китобларидан бири - “Яшт”да таъкидланишича, инсон ўлгандан сўнг, унинг бутун умри давомида қилган иш-ларига адолатли баҳо берилмоғи даркор. Ўлимдан сўнг мар-хум билан видолашилаётган энг сўнги кезларда унинг босиб ўтган ҳаёт йўли адолат тарозисига қўйилади. Адолат тарози-сининг бир палласида мархум қилган жамики яхши ишлари, бошқа бир палласига ёвузлик, жаҳолат билан боғлиқ ножӯя хатти-ҳаракатлари қўйилади. Яхшилик, эзгуликка қаратилган ишлари оғирлик қиласа, мархум руҳи жаннатга, ёвузлик ва жаҳолатга қаратилган ишлари устунлик Қиласа дўзахга жўна-тилади. Зардүштийлик таълимотида одам танаси билан жони орасидаги ўзаро алоқадорликнинг моҳиятини тушунтиришга қаратилган фикр-мулоҳазаларнинг кўплити алоҳида аҳамият-га моликдир. Ушбу таълимотга асосан, одам ўлгандан сўнг унинг жони уч кун танада туарар эмиш. Фақат тўртинчи кунда жон гўзал қиз қиёфасига кириб, фаришталар йўлбошчили-гида нариги дунёга жўнайди. Нариги дунёга етиб боргач, ўша гўзал қиз “Чинват” деган кўприкдан ўтиши лозим. Бу дунёда яхши ишлар қилган одам учун ўша “Чинват” кўприги кенга-ярмиш. Ундан бемалол ўтиб олган, танани тарк этган жон абадий роҳат-фароғатда яшар эмиш. Роҳат-фароғатда яшаёт-ган жонлар охиратни кутиб ётаверармиш. Ўликлар тирилиши мукаррар бўлган охират етиб келгач, ўз таналарига яна қайтиб келарканлар. Умрида бировларга яхшилик қилмаган, ёвузликлар билан шуғулланган одамлар жони “Чинват” кўп-ригидан ўта олмас экан. Бундай кимсалар учун кўприк тора-йиб қолар, уларнинг жонлари жаҳаннам азобларига гириф-тор бўларкан.

Зардүштийлик таълимотига кўра, олам бири-иккинчиси-га қарама-қарши кучлар, хусусан, яхшилик билан ёмонлик, рост билан ёлғон, ёруғлик билан зулмат орасидаги курашга асосланган. Бу курашни ҳеч қачон муросага келтириб бўл-майди. Шунинг учун ҳам бу кураш бутун коинотни қамраб олади. Яхшилик, ёруғлик, ростгўйлик Аҳура Мазда, ёмонлик, зулмат эса Аххра Ману (Ахриман) Худолари тимсолида на-моён бўлади. Худди шунинг учун Аҳура Мазда бутун олам-ни, ерни, сувни, ўсимликларни, ҳатто дастлабки одамни ҳам яратган эмиш. Бутун тирик мавжудот, ҳаётни ҳам Аҳура Маз-да кашф этибди.

³ “Унсур” арабча сўз бўлиб, жисм таркибидаги модда маъносини англатади.

Ахура Мазда яратган биринчи Одам Ато Ийим деб номланган экан. Ахура Мазданинг кўрсатамасига мувофиқ, Ийим ер юзига турли жонли мавжудотлар, хусусан одамлар, ҳайвонлар, қушлар уруғини сочиб, осойишталик билан пар-вариш қилибди. Уларнинг ўсиб улғайиши учун зарур бўлган қизил шуъла таратиб турувчи оловни кўпайтирибди. Шу ас-нода, Ийим ер юзида 900 йил яшабди. Одам боласининг сони кўпайиб кетиб, ер юзи унга торлик қила бошлабди. Ана шун-да Ийим Худога илтижо қилиб, ерни кенгайтиришни сўрабди ва бунга эришибди ҳам. Кунларнинг бирида Ахура Мазда ер юзини музлик босиб келаётганилиги ҳақида Ийимни хабардор қилибди. Ийим ер юзида мавжуд бўлган тирик мавжудотлар уруғини сақлаб қолиш учун шошилинч чоралар кўришга ки-ришибди. Махсус уй қуриб, ер юзида яшаб турган барча тирик мавжудотларнинг энг яхши зоти, аъло навларидан бир жуфтдан сақлаб қолибди. Шундай қилиб Ийим, ер юзида яшовчи тирик жонзотларни даҳшатли офатдан сақлаб қолган экан.

Зардустийлик диний-фалсафий таълимотида таъкидла-нишича, Худо асли одамзотни яратганда уни умуман ўлмай-диган, мангу яшайдиган қилиб яратган экан. Лекин ўша Одам Ато - Ийим ўзи амалга оширган хайрли ишлардан мағрут-ланиб кетиб, Худо томонидан тақиқлаб қўйилган неъмат - қорамол гўштидан танаввул қилиб қўяди. Оқибатда Худонинг қаҳрига учрайди. Шундай қилиб, одамзот абадий яшаш имко-ниятидан маҳрум бўлиб қолибди.

Яхшилик худоси Ахура Маздани хайрли ишларини кузатиб турган ёмонлик Худоси Анҳра Ману ҳам тек турмади. У осмонни торайтирди, кишиларнинг қалбига ғашлик ва хафа-лик солди. Макр, хийла, риёкорлик, айёрликнинг турли-туман кўринишларини яратди. Худди ўша Анҳра Ману алвости, аж-даҳо, дев каби жонзотларни ўйлаб топди. Заҳарли жонивор-лар, қумурсқаларни яхшилик, мангаликка қарши қўйди. Яхшилик билан ёмонлик орасидаги кураш борган сари авж ола-верди.

Зардустийлик таълимотига кўра, инсон фаолиятини бошқариб турган энг муҳим қудрат - ахлоқ-одоб нормалари-дир. Шунинг учун Зардушт олий ибтидо - Ахура Маздадан инсоннинг кундалик амалий фаолиятини ахлоқий камолот то-мон бошқарувчи қонун-қоидаларни аниқлаб беришни сўрай-ди. Ана шунда Ахура Мазда бутун олам борлиғи икки йирик бошланғич асос - эзгулик ва ёвузлик атрофида мужассам эканлигини хабар қиласди. Бири-иккинчисига зид бўлган ушбу асослар доимо ўзаро алоқадорликда бўлади. Бундай ҳолат ҳаёт ва ўлим, осмон ва жаҳаннам орасидаги курашда яққол намоён бўлади.

Зардустийлик таълимотида “ҳаётнинг энг ёмон онлари”, яъни ёмонлик жаҳаннамга, яхшилик, эзгулик эса мусаффо, беғубор осмонга қиёс қилинади. Яхшилик ва ёмонлик оламда мавжуд бўлган ҳодисалар, воқеалар моҳиятидан келиб чиқа-ди. Иймонли, эътиқодли кишилар яхшилик билан ёмонлик орасидаги узоқ вақтдан буён давом этиб келаётган душман-ликни устакорлик билан бартараф этишлари даркор. Одам-лар Ахура Мазда томонидан юборилган ахлоқий нормалар, тартиботларга амал қилсалар, унинг панду насиҳатларига қу-лок солсалар, ёмонлик устидан яхшиликнинг ғалабаси таъминланади.

Зардустийликнинг муқаддас китоби - “Авесто” (“Ясна”)да баён этилишича, яхшилик билан ёмонлик орасидаги курашда оралиқ йўл бўлмаслиги лозим. Шунинг учун ҳам ҳар бир ки-ши бундай жараёндан четда туриши мумкин эмас. Чунки яхшилик билан ёмонлик орасидаги курашда ҳал қилувчи ролни инсондаги иймон-эътиқод ўйнайди. Иймон-эътиқодли киши ҳамиша яхшилик томонида туради. Худди ўша иймон-эътиқод яхшилик билан ёмонликни бирини-иккинчисидан ажратади.

Зардустийлик фалсафасида таъкидланишича, инсон ий-мон-эътиқодининг учта йирик таянчи бўлади: фикрлар соф-лиги (“эзгу фикр”), сўздаги событилик (“эзгу қалом”) ҳамда фаолиятнинг инсонпарварлиги (“эзгу амал”). “Авесто”да ёзи-лишича, иймон-эътиқоднинг мустаҳкамлигини ифодаловчи аломатлар турли-туман бўлади. Хусусан, берган сўзининг ус-тидан чиқиши, унга содик Қолиши, савдо-сотиқда тузилган шартномаларга қатъий амал қилиш, қарзни ўз вқтида тўлаш, алдамчилик ва хиёнатдан холи бўлиш, иймон-эътиқодлилик аломатларидир. Иймонли одам ўғрилик ва

талончиликдан, би-ровларнинг молу-дунёсига кўз олайтиришдан ўзини сақлайди. Иймон-эътиқодли инсон узлуксиз ўз билимларини ошириб боради, касб-кор малакаларини такомиллаштиради, киши-ларни маърифатга, инсофу диёнатга, инсонпарварликка чорлайди. Инсон маънавий етук бўлса, касб-кор, билим-ilm би-лан ризқ топиб яшаса, кун ўтказса унинг иймони бутунли-гидан далолат беради. Бундай кишилар ҳеч қачон одамлар на-заридан четда қолмайдилар.

Зардуштийлик таълимотда яхшилик, эзгуликнинг барча қирраларини ўзида мужассамлаштирган, адолатли баркамол инсонни шакллантириш ғояси марказий ўринни эгаллади. Зардуштийликнинг яхшилик Худоси Ахура Мазда одамларни инсоф, диёнатга ундейди, бир-бирлари билан муроса қилиб яшашни одат қилишлари, ғаразгўйлик, ҳасадгўйлик, калонди-моғлик, шуҳратпарамастлик каби ғайриинсоний қилиқлардан ўзини тийиб юришга чорлайди. Бундай олийжаноб истаклар-нинг ижобат бўлишида Ахура Маздага “Абадий яхшилик”, “Яхши фикр”, “Яхши тартиб”, “Муносиб қудрат”, “Илоҳий тобелик”, “Сихат саломатлик”, “Абадийлик” каби қадрияtlар мадад бериб туради.

Зардуштийлик қоидаларига кўра, инсоннинг баркамол-лигини белгилашда, унинг нафақат ташқи қиёфаси, балки маънавий дунёси ҳам ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади. Шунинг учун ҳам Ахура Мазда таналарингизга нисбатан қал-бингиз ҳақида кўпроқ Қайғуринг, чунки маънавий дунёнгиз қанча мусаффо бўлса, моддий турмушингиз ҳам фаровон бўлиб бораверади, деб тушунтиради. “Авесто”да таъкидлани-шича, инсоннинг маънавий етуклиги унинг дўсту-биродар-ларига садоқати, кечиримли бўлиши, жоҳилларнинг қалбини яхшилик нури билан тўлдириши, ёмонликка яхшилик билан жавоб қайтариши каби мезонлар билан ўлчанади. Ёдномада инсоннинг маънавий-ахлоқий фазилатларини улуғлайдиган бир қатор фикр-мулоҳазалар бугунги кун учун ҳам ўз қадрини йўқотмаганлиги дикқатга сазовордир. Чунончи: “Ўзга-ларни яхшиликка йўллай олган одамнигина яхши одам дейиш мумкин”, “Тангри ростгўйларнинг нигоҳбонидир”, “Менга ҳамиша ғайрат ва шижоат бахш эт. Мени ҳамиша ғафлат уй-қусидан йироқ тут”, “Қаерда икки тан бир-бирини қўлласа, ўша ерда иш юришади” ва ҳоказо. Кўриниб турибдики, зар-душтийлик таълимотида маънавият ҳар томонлама улуғлан-ган. Маънавият, билим-ilm аҳлининг, мударрису-муаллимлар-нинг тафаккур даражасига, ўз вазифасига бўлган фидойили-гига, ҳалқи, Ватани олдидаги масъулиятини нечоғлик хис эти-шига боғлиқлигига алоҳида эътибор берилган.

“Авесто” (“Яшт”)да таъкидланишича, инсон ўзининг олий-жаноб инсоний фазилатлари билан ғайриинсоний ҳатти-ҳара-катларга қарши бўлмоғи лозим. Олийжаноб инсонларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли юртда: фармонбардорлик- бўйсун-маслик устидан, сулҳ - можаро устидан, тўғрилик - эгрилик устидан, ғайратлилик - танбаллик устидан, ростгўйлик-ёлғон-чилик устидан, адолат - зулм устидан тантана қилмоғи даркор. Зардуштийлик одамларни дўсту-биродар бўлиб яшашга даъват этади. Ирқи, қавми, аймоғи, динидан қатъий назар - ҳаммани башарнинг баравар аъзоси деб билади. Динни рўқач қилиб мунофиқлик билан одамлар орасида нойтифоқлик уруғини сочадиган риёкор оқимларни қаттиқ Қоралайди.

“Авесто” (“Яшт”) сахифаларида инсонпарварлик, ватан-парварлик, одамларга яхшиликни раво кўриш ҳар томонлама улуғланади. Ғафлат ва локайдлик эса қораланади. Бирорларга жабр-зулм ўтказган кимсалардан узоқ юришга, бехуда қир-ғинбарот урушлардан зарар кўрган жабрдийдаларга ёрдам қўлини чўзишга чакирилади.

Зардуштийликнинг асосчиси Зардуст Спитамоннинг фик-рига кўра, инсоннинг маънавий-ахлоқий қиёфасининг шакл-ланиш жараёнини тезлаштиrmоқ учун, одамлар орасидаги ишончсизликни ўртадан кўтармоқ даркор. Қавму-қариндош-лар орасида бир-бирига адоват, душманлик бўлмаслиги ло-зим. Ҳамкору-ҳамнафаслар ғаламислардан кутулмоғи, жаҳон аҳли ёмон раҳбарлар зулмидан холи бўлмоғи зарур. Эл-юртда осойишталик, барқарорлик ҳукмрон бўлмоғи, фуқаролар онги ва фаолиятида нафақат ўзи, балки бошқалар ҳақида ғамхўр-лик қилиш туйғуси устивор бўлмоғи даркор.

“Авесто”да қайд этилишича, инсоннинг яшashi учун энг муҳим шартлардан бири ерга бўлган оқилона муносабатдир. Худди шунинг учун ҳам зардустийлик таълимоти кишиларни ердан унумли, оқилона фойдаланишга даъват этади. Қўриқ, бўз ерларни ўзлаштириш, уни суғориладиган, экин экилади-ган майдонларга айлантириш, айниқса, ғалла экиш инсоннинг муқаддас, олийжаноб ишларидан бири, чунки ғалла инсон тирикчилигининг асоси, деб қаралади. Ана шундай олийжаноб мақсад йўлида ҳалол меҳнат қилиш - инсон ҳаётининг мағзидир, дейилади. Шунингдек, ижтимоий-фойдали меҳнат, унинг самараси, яъни ҳалол меҳнат туфайли етиштирилган ҳосил ёвуз кучларга (ҳатто девларга) берилган қақшатқич зар-ба, деб ҳисобланади.

“Авесто” башоратларида эътироф этилишича, ердан унумли, оқилона фойдаланмоқ учун, унга “яхши, соғлом уруғ сепиш” лозим. Ерга яхши ният билан уруғ қадаш, ўн минг марта ибодат қилиш ёки юзлаб жониворларни қурбонликка сўйишдан афзал, деб ҳисобланади. Экин экиш, дехқончилик қилиш она заминда мавжуд бўлган турли ёвузиликларни ҳай-даш, унинг илдизини қуритишнинг муҳим йўли, деб қаралган. Ким ерга уруғ қадаса, у ўзидаги одамийликнинг даражасини, иймон-эътиқодининг мукаммаллигини намойиш қиласи. Ягона шу йўл ҳақиқат бўлиб, қолганлари саробдир, дейилади. Худди шунинг учун ҳам, одамларнинг, айниқса ёшларнинг меҳнат тарбиясига эътибор қаратилди. Маданий-тарихий ёдгорликда таъкидланишича, одамларнинг ҳалол меҳнат қилиши, уларнинг ризқ-рӯзларининг, баҳт-саодатларининг манбаидир. Ҳалол меҳнат соҳиби учун ғайриинсоний одатлар: ўғирлик, хиёнат, безорилик билан шуғулланишга вақт топил-майди.

Зардустийлик таълимотига мувофиқ, инсон баркамол бўлиб ривожланиши учун яхши овқатланиши зарур. Зардушт васиятларига кўра, ёмон овқатланган ҳалқ на яхши, на кучли ишловчиларга, на соғлом, на бақувват болаларга эга бўлади. Ёмон овқатланишдан одоб-ахлоқ ҳам айниб кетади. Шунинг учун инсон баркамоллигининг муҳим шартларидан бири бўл-ган озиқ-овқат мўл-кўлчилигини таъминламоқ, бунинг учун эса дехқончилик, чорвачилик махсулотларини кўпайтириш лозим. Қайси мамлакатда нон мўл-кўл бўлса, ўша юртда муқаддас сўзлар ҳам, панду-насиҳатлар ҳам тезу-соз қабул қи-линади.

“Авесто” (“Ясна”)да жамиятни, давлатни бошқариб тур-ган раҳбар (оқсоқол, кайвоний) шахси ҳақида ҳам бир талай фикр-мулоҳазалар баён қилинган. Зардушт мухлисларининг фикрларига кўра, раҳбар ҳамиша жамоа манфаатини ҳимоя қилиши, жамоа томонида бўлиши шарт. У ўзи мансуб бўлган одамлар гурухи, тоифаси билан бирга нафас олмоғи, улар-нинг қувончларию ташвишлари билан яшамоғи, жамоа душманларига нафрат билан қарамоғи даркор. Яхши, олийжаноб раҳбар эл, ҳалқ бойлиги, баҳти ҳисобланса, ёмон раҳбар одамлар бошига битган балодир. Шунинг учун ҳам, жамият, эл, улус, олам “Авесто”да ёзилганидек, ёмон раҳбарлардан тезроқ Кутилиши, холос бўлиши даркор¹.

Зардустийлик таълимотида тинчлик-осойишталик барқа-рор бўлган ҳаёт ҳақиқат рамзи ҳисобланади. “Авесто” (“Яс-на”)да таъкидланишича, кишилар тинч-осойишта яшамоқлиқ-лари, меҳнат қилмоқликлари учун улар турмуш тарзидан уруш, талончилик, ноҳақлик, таъмагирлик, шафқатсизлик, ға-разгўйлик, ҳасадгўйлик, шуҳратпарастлик, қонунбузарлик ка-би ярамас иллатларни суриб чиқармоқ лозим. Бундай талаб-лар ўз даврининг қасамёди бўлиб, унга зид иш тутиш гуноҳ ҳисобланган. Зардустийлик қоидаларига кўра, инсоннинг ин-сонга бўлган муносабатлари қандайдир бир қолипга солинган эмас. Зардушт асос солган таълимотга мувофиқ, инсон энг улуғ зот, унинг иззат-нафси ғоятда ҳурмат қилиниши лозим.

¹ Қаранг: “Авесто”. Тарихий-адабий ёдгорлик. Тошкент, 2001, 15-бет.

5-мавзу: Инсон масаласида Ғарб анъанаси.

1.Хозирги замон Ғарбий Овруподагы инсон фалсафасини қўйилиши. Инсоннинг ички дунёсига мурожаат. Инсон муаммосини ҳал қилиш давр талаби.

2.Рационализмда инсон Ҳақидаги таълимотларнинг Ўзига хос хусусиятлари ва мактаблари. Инсон "рацио-машина". Инсонни объект сифатида ўрганиш. Инсон биологик тузилма.

3.Иррационализмда инсон талқини. Инсон қалби коинот. Ирода масаласи. Экзистенция. Инсон руҳий олами.

4.XX аср иккинчи ярим XXI асрда рационализм ва иррационализм оқимларининг аҳамияти ва тарихий тақдирни.

Фалсафа тарихида XIX-XX аср алоҳида ўрин тутади. Бу давр фалсафаси Ғоят мураккаб ва хилма-хил фикрларга бой бўлиб, турлича мактаблар ва қарашларни ўз ичига олади. Бу даврда инсонлар ҳаётидаги, фан тараққиётидаги, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаётда мисли кўрилмаган тарихий воқеалар бўлди. Булар барчаси инсоннинг дунёга бўлган муносабатини ўзгартириб, дунёни янгича чуқурроқ ўрганиш ва билимни ҳаётга татбиқ қилишга унадди. Айни вақтда инсоннинг тутган ўрнини, моҳиятини, ўзлигини ва ички дунёсини тўлароқ ўрганишга имкон яратилди. Табиатшунослик ривожи шунчалик илгарила бетди, микро ва макродунёни тадқиқ қилиш, космосга одам учириси каби масалалар инсонни ҳайратга соларли даражага етди. Шу билан бирга табиатшуносликнинг ривожи янги-янги муаммоларни ҳам келтириб чиқарди. Булар ичидаги инсон муаммоси, хусусан, унинг ички дунёси, борлиғи, моҳияти ва унинг фалсафий таҳлили каби масалалар долзарблиги билан файласуфлар дикқат-эътиборини жалб қилмоқда.

Маълумки, Гегель ва унинг Маркс томонидан қайта ишланган таълимоти XIX аср фалсафий тафаккури ривожида алоҳида аҳамиятга эга бўлди. Бироқ бу таълимот советлар даврида мутлақлаштирилди, барча фанлар ва амалиётнинг ягона методологик асоси сифатида талқин қилинди. Фалсафа тарихи материализм билан идеализм ўртасидаги кураш деб қаралди. Ходисаларни тушунтиришда синфийлик, партиявийлик, мафкуравиийлик бош мезон қилиб олинди.

XIX-XX аср Ғарб фалсафаси бошқа йўлдан кетди. Бир томондан, фалсафадаги борлик, онг, билиш, тарих фалсафаси каби анъанавий масалаларга ўзгартириш киритиб, уларни янгича таҳлил қилди. Иккинчидан, марксистик фалсафага ўз муносабатини билдириб, бу фалсафа янги даврда эйёй берайтган ўзгаришларни изоҳлашга ожизлик қилаётганини қўрсатди.

Шунинг учун XIX-XX аср Ғарб файласуфлари шу вактгача фалсафада кам эътибор берилган ёки бутунлай ишланмаган масалаларни фалсафий баҳс-мунозара майдонига олиб чиқдилар. Шундай қилиб, XIX асрнинг ўрталаридан бошлаб ноанъанавий (ноклассик) йўналишдаги бир қанча фалсафий оқимлар юзага кела бошлади. Уларнинг вакиллари ижтимоий тараққиёт, инсон ақли билан боғлиқ масалаларни қайта кўриб чиқибгина қолмасдан, жамиятдаги маънавий бўхрондан кутулиш чораларини кидирдилар. Дунёнинг турли-туман ва ранг-баранглиги, инсон маънавий ҳаётининг ички конуниятларини, ҳаёт мазмуни, инсон ва унинг моҳияти, яшашининг маъноси, инсон руҳиятининг таҳлили, фалсафий тафаккурнинг ўзига хослиги, фалсафада янги услугуб, инсон фаолиятини ижобий томонга йўналтириш каби муаммоларга алоҳида эътибор бердилар. XIX аср фалсафасида инсон, инсонийлик ва инсоният, инсоннинг ички ва ташки дунёси, билиш жараённинг янги қирралари каби масалаларга кенг ўрин берилди. Фалсафий ижодиётда бўлган эркинлик, қўлланган демократик тамойиллар, плорализм тамойили турли ғоявий илмий қарашлар билан бойитилди. Бу даврда бир қанча фалсафий оқимлар вужудга келди.

Жамият тараққиётини муаммолари ҳам уларнинг дикқат марказида турди. Бу фалсафий таълимотларда ҳам хозирги пайтдаги мураккаб муаммолар билан бир қаторда анъанавий муаммоларни ҳам муайян нуқтаи назардан ёритишга ҳаракат қилинади. Хозирги мураккаб шароитда аввалгидек кўр-кўрона бизга ёқмаган ёки биз тушунмаган оқимларга «зараарли» деган ёрлик бермасдан, уларни холис нуқтаи назардан ўргансак фойдадан ҳоли бўлмас. Чунки ҳар қандай ходисада бир-бирига зид томонлар бўлгани сабабли ушбу ноклассик таълимотлар ҳам «соғ» салбий ходиса бўлиб қололмайди. Масалан, марксча фалсафа вакиллари эътиборидан четда турган норационаллик муаммоларини ишлаб чиқишида неофрейдизмнинг хизматлари катта. Худди шу оқим намояндаларининг инсонда кўпинча учраб турувчи психик касалликларнинг, англамаган хатти-ҳаракатларининг сабабларини тушунтиришда тегишли хulosани чиқариб олсин.

Мана, мисол учун Фрейднинг назарий қарашлари, прагматизм ва экзистенциализм ғоялари, Бердяев ва бошқаларнинг фалсафасидан ўргансак, фойдадан холи бўлмайди.

Мен гарб фалсафасида ҳам барча муаммолар ечилган, демоқчи эмасман. Биз кўп масалаларда Farb файласуфларининг фикрлари билан, айниқса, индивидуализм, эгоизм қарашларини илоҳийлаштириш билан келишмаслигимиз мумкин. Лекин уларни ҳисобга олишимиз, кераклисими эътироф, кераксизини инкор этишимиз зарур»⁵⁷.

Уйгониш давридан XIX асрнинг биринчи ярмигача бўлган даврда янада маънавий юксалиш давом этди. Бу давр фалсафий қарашларида табиат, жамият ва инсонга турли жиҳатдан фалсафий ёндашишнинг ўзига хос тамойиллари, идеаллари ва маданий қадриятларини ишлаб чиқилиши ўзига хос ҳолда ниҳоясига етказилди. Жуда кўпчилик адабиётлар бу давр фалсафий йўналишларини ҳам классик фалсафа деб аташади. Анъанавий ва ноанъанавий фалсафанинг фарқи энг аввало ақл (интеллект) муаммосида кўринади. Бу тасодифий эмас. Чунки ақл муаммоси янги давр фалсафасининг марказида туради. Янги давр файласуфлари тафаккурни жуда кенг маънода тушунишган ва табиат, жамият ва инсоннинг фаолияти уларга хос бўлган тафаккур билан боғланган. XIX-XX асрлар классик фалсафасида «индивидуал онг» билан бир қаторда «индивидуаликдан ташқари онг» сифатида амал қилувчи инсон маънавий маданияти доирасидаги турли ғоялар, тушунчалар, ғоялар, идеаллар, нормалар, қадриятлар таҳлилига ва ундан ташқаридағи маънавий фаолият шакллари ёрдамида инсоннинг дунёни ўзлаштириши, яъни фикрда дунёнинг «иккиланиши» жараёнидир. Худди шу нарса «илоҳий» тафаккур ҳақидаги теологик, идеалистик йўналишларининг қандайдир абсолют рух, олий ақлнинг дунё тараққиётини бошқариши ҳақидаги қарашларига асос бўлган.

Кантдан Гегелгача бўлган йўл - бу инсоннинг танқидий баҳоловчилик қобилияти сифатида тушунишган олий ақлнинг гегелча «илоҳий» ақл ақидасига ўрин бўшатиб бериши йўлидир. Бу даврда фаннинг тараққиёти ҳамда ақлнинг такомиллашиб боришига ишонч ҳукмон бўлган. Шунинг учун классик фалсафада, нафақат дунё, билиш, унинг усууллари ҳақидаги, балки худо, ишонч ва диний муаммолар ҳам рационалистик рухда талқин қилинган. Кисқаси, классик фалсафа намояндлари умумийлик ҳақидаги назарий фикрлар бир бутун борлиқ инсон ва унинг умумий моҳияти, жамият билишнинг методлари ва унинг умумахамиятли тамойиллари, барча даврлар ва барча кишилар учун умумий аҳамиятга эга бўлган ахлоқ нормалари ва ҳакозолар ҳақида мунозара юритишган. Алоҳидалик, конкретлик ҳақидаги, масалан, алоҳида, конкрет кишилар, уларнинг эркинлиги, ҳуқуқлари, фикрлари, изтироблари ҳақидаги масалалар, умуман инсон, унинг моҳияти ҳақидаги масалага бўйсндирилган эди. Хуллас, XIX асрнинг ўрталаригача рационализм руҳи ҳукмон бўлган классик йўналишлар барча фалсафий йўналишларнинг белгиловчиси эди.

XIX асрнинг 40-50 йилларидан бошлаб ноклассик фалсафий йўналишлар юзага кела бошлади. Бу энг аввало К.Маркс ва Ф.Энгельснинг фалсафий назариясидир. Улар классик фалсафанинг умумий рационалистик йўналишини, унинг фан ва тараққиётта ишонч руҳини ривожлантириш билан бирга дунё, инсон, ақл, билиш, фан, жамият ва ижтимоий тараққиёт ҳақида таълимот яратдилар.

Шу билан бирга бу даврда бошқа ноклассик йўналишлар ҳам пайдо бўлди. Уларга даниялик С.Къеркегор, немис файласуфлари Ф.Ницше, О.Шпенглер ва бошқалар киради. XIX-XX асрлардаги классик фалсафани ҳимоя қилувчи янги йўналишлар пайдо бўлди. Буларга XIX асрнинг 60-70 йилларида юзага келган неокантчилик, неогегелчилик ва неотомизм (Фома Аквинский, лотинчалаштирилган номидан келиб чиккан Томас) киради.

XIX-XX аср Farb фалсафаси тушунчасига мазкур даврда вужудга келган ноклассик таълимотлар киради. Шу давр мутафаккирлари классик фалсафаси асосий-фундаментал тушунчаларни танқид остига олдилар, жумладан, «ҳақиқат», «ақл» каби тушунчаларни, ҳаттоқи фалсафани фан сифатидаги предмети ва вазифасини ҳам қайтадан кўриб чиқишни мақсад қилиб қўйдилар. Шу давр файласуфлари «метафизика»нинг умумий, мавҳум категорияларига қарама-карши яккалик, бевосита намоёнлик, яққоллик тушунчаларини қўйдилар. Объектив дунёнинг умумий қонунларидан «далилларни», «ҳаётни», субъект онгининг ҳодисаларини таҳлил қилишга ўтдилар; рационализмдан, гегелнинг мантикий таълимотидан иррационализмга, мутафаккирнинг бадиий, диний, мифологик интуициясига ўз эътиборини қаратдилар. Умумий фаровонликка эришишда якка манфаатни умумий манфаатга бўйсндиришда маърифий ахлоқка карши якка индивиднинг эркинлиги, ҳуқуқи ва ғурурини, шаънини қўйдилар.

⁵⁷ Каримов И.А.. Миллий истишлол мафкураси хал් эътишоди ва буюк келажакка ишончdir. Т.: Ўзбекистон, 2000, Б. 27-28.

Экзистенциализм фалсафаси XX аср бошларида Германияда юзага келди. Бу даврда ижтимоий-сиёсий шароитлар Биринчи Жаҳон урушидан сўнг анча мураккаб эди. Германия урушда қаттнашган асосий давлатлардан бўлиб, бу урушда енгилиши муносабати билан ички сиёсий-иктисодий аҳвол ниҳоятда оғир эди. Мамлакатда ишсизлик, иктиносидий танглик кенг миқёсда тарқалганди. Германиянинг зиёли табака вакиллари руҳий инкирозга юз тутган эдилар.

Бундай шароитда янги фалсафий гояларнинг шаклланиши ва уларнинг янги фалсафий оқимга айланиши муқаррар эди. Экзистенциализм фалсафаси айнан шу оқимлардан бири бўлди. Лекин бу фалсафа, албатта, бўшлиқда пайдо бўлгани йўқ. Унинг назарий ва гоявий асослари С.Къеркегор ва А.Шопенгауэрнинг тушкунлик фалсафаси, Н.Бердяевнинг романтик ва мистик қарашлари, Ф.Ницше ва В.Дильтейнинг "ҳаёт фалсафаси"дир. Бадиий адабиётда экзистенциализмнинг шаклланишига Кафка, Марк Аврелий, Ф.Достоевскийларнинг ижоди катта таъсир кўрсатди.

Экзистенциализм фалсафасида "экзистенция" тушунчаси асосий тушунчалардан бири ҳисобланади. "Экзистенция" - "мавжудлик" деган маънени англатади. Бу тушунчанинг шаклланишида неокантчиликнинг ҳам таъсири бўлган. Айниқса, "экзистенция" тушунчаси Кантнинг "нарса ўзида" тушунчасига ўхшаб кетади. Кант фалсафасида "нарса ўзида" биз учун сирли бир олам бўлиб қолгандай ва бу сирли оламга ўтиш, яъни Кантнинг ибораси билан "транценденция" содир бўлиши қандай мушкул бўлса, экзистенциализм фалсафасида ҳам инсон борли³ини билиш ва шу борлиқнинг ички моҳиятини тушуниш ниҳоятда қийин. Бу қийинчиликнинг сабаби нимада?

Экзистенциализм борлиқ ва инсон борлиғи масаласини кўтаради ва бу борлиқ инсондан ташқарида бўлганлиги учун инсон бу борлиқни идрок эта олмайди ва у ҳақида ҳеч нарса дея олмайди. Биз бу ерда инглиз файласуфи Жорж Берклининг қарашларига ўхшаш мулоҳазаларга дуч келамиз. Беркли "бутун олам менинг ҳис-туйғуларим" - деганидай, экзистенциализм ҳам инсоннинг ҳис-туйғулари чегарасидан чиқиб бўлмайди, деб таъкидлайди. Берклининг бундай дунёқараси солипсизмга олиб келди, яъни бу оламда мендан бошқа ҳеч нарса йўқ деган фалсафий фикрни келтириб чиқарди. Солижизм нузо³ига тутилмаслик учун экзистенциализм фалсафасининг асосчилари инсондан ташқаридаги борлиқ масаласини эътиборга олишмади. Улар борлиққа эмас, инсон мавжудлигига дикқатларини қаратдилар. Инсон борлигини "экзистенция" деб атадилар. Инсоннинг мавжудлигига ҳаётнинг моҳияти очилмайди. Биз инсон борли³ининг моҳияти нимада деган саволни ўртага ташлай олмаймиз. Шунинг учун ҳам инсон ҳаётининг мавжудлиги, моҳияти, мазмуни биз учун сир бўлиб қолаверади. Нега деган савол туғилади?

Бу саволга жавобни экзистенциалистлар инсоннинг бегоналашувидан ахтарадилар.

Дастлаб, инсон табиат кўйнида яшар экан, уни ўзидан ажратмайди ва табиатнинг бир қисми сифатида мавжуддир. Лекин кўхна ўтмишнинг бу даври узокқа чўзилмайди. Инсон тафаккури тараққиёти натижасида у сунъий табиат яратиб, ўзини табиатдан ажратади. Бу бегоналашиш жараёни хусусий мулкнинг шаклланиши, шаҳарларнинг пайдо бўлиши натижасида ниҳоятда кучайиб борди. Инсон ақли яратган фан ва унинг юту³и бўлган техника бегоналашиш жараёнининг кучайишига олиб келди. Қачонлардир ягона бўлган одамзод миллатлар, элатлар ва давлатларга бўлинниб кетди. Натижада инсон, ҳам табиатдан, ҳам кишилик жамиятидаги ўзаро қардошлиқ алоқаларидан бегоналашшиб қолди. Бу бегоналашининг иккинчи босқичи бўлди.

Экзистенциалистлар фикрича, бегоналашиш жараёнининг учинчи босқичи ҳозирги замонда давом этмоқда. Бу босқичда инсон ўзининг ички оламидан, ўзининг ҳаётидан, мазмунидан ҳам бегоналашшиб қолмоқда.

Инсон ўзининг ботиний табиатини йўқотиб, факат зохирий табиатда яшаб, унга мослашиб бормоқда. Инсон тобора ўзининг ички хиссиятларини йўқотиб жамият машинасининг бир заррачасига айланиб қолмоқда.

Демак, экзистенциалистлар фикрича, инсон жамиятда ўзининг қандайдир ролини бажариб боради. Бу хилма-хил ниқоблар ортида инсоннинг асл қиёфаси яшириниб ётади. Бу асл қиёфа қачон очилиши мумкин. Бу қиёфа заминида ётган инсон моҳияти қачон юзага чиқади? Бу масала экзистенциализмни ниҳоятда қизиқтириб келди. Экзистенциализм фалсафаси инсон ўз ҳаётининг моҳияти ва маъносини англаши учун, у эркинликка ва эркинликка танлаш ҳуқуқига эга бўлиши керак, деган фикрларни илгари сурди. Лекин инсон бу эркинликни субъистемол қилиб, билим мевасидан татиб кўрди ва шу билан гуноҳкор бандага айланди. Унинг гуноҳи билимга эга эканлигидир. Шу билим орқали инсон ўзининг фожиасига ўзи сабаб бўлди.

Демак, инсон ҳаёт моҳиятини билишга эмас, балки шу ҳаётда яшаш, мавжуд бўлишга итилиши керак. Борлиқдаги барча жараёнлар Сартр таълимотига кўра, "нарса ўзида" бўлиб

қолаверади ва биз уларнинг сирини очолмаймиз. Ҳатто, илм-фан ҳам нарса ва ҳодисаларни факат юзаки ҳодиса сифатида ўрганади. Уларни харакатга келтирувчи бирламчи кучларни ва бирламчи сабабларни метафизика, деб атаб, назарга ҳам илмади. Натижада оламдаги барча воқеа ва ҳодисалар инсон томонидан сир, махфий "шифр"ларга айланиб қолди. Бу сирлар, махфий шифрлар ичida инсоннинг ўзи ҳам бир катта сир бўлиб қолди.

Хайдеггер фикрича, инсон ички моҳиятининг очилишига ёрдам берувчи воситалар тасвирий санъат ва мусиқадир. Айнан шу соҳаларда инсон табиатида яшириниб ётган ижодкорлик кучлари юзага чиқади.

Ижод қилиш, янгилик яратиш инсон табиатидаги энг катта мўъжизадир. Инсон жамиятда ўз ўрнини топаолмаса, бу ижодкорлик кучини юзага чиқара олмайди. Унинг қалбида яшириниб ётган марварид, худди денгиз тубида яшириниб ётган марвариддай ўз нурини ҳеч кимга ёғдира олмайди. Инсон қалби яширин қолар экан, ундаги нур ҳам хиралашади. Қалби яширин инсондан ташкил топган жамият эса ёпик жамиятга айланиб қолади. Бундай жамиятда инсон ижод қилишдан маҳрум бўлиб қолади. У фақат моддий манфаатларга интилиб яшайди. Унинг моддий манфаатлари ва эҳтиёjlари бирин-кетин пайдо бўлиб, ҳеч вақт тугамайди. Бу манфаатлар кетидан интилган шахс ҳеч вақт ўз мақсадига эриша олмайди.

Экзистенциал файласуфлар фикрича, ҳозирги жамиятдаги инсон ҳаётга бўлган қизиқишини тобора йўқотиб бормоқда. У табиатнинг гўзаллигини ҳам, бошқа инсонлар кайфиятини ҳам ҳис қилмайди. Инсон фақат ақли билан яшар экан, ақл уни фақат ўз манфаатларини кўзлашга ундейди. Натижада инсон ҳаётидан эзгулик ўрнига фақат фойда ахтаради. Бундай одамнинг онги дастурлаштирилган машинага, компьютерга ўхшаб қолади. Инсон ҳам компьютерга ўхшаб, ички беғубор ҳиссиётларидан маҳрум бўлиб қолади. Бундай одамларга ҳаёт зерикарли, маъносиз бўлиб туюлади. Юракдаги болаларга хос бўлган самимийлик ва ҳайратланиш хусусиятларини сақлаб қолган одамлар ҳаётнинг гўзаллигини ҳис қилиши мумкин.

Хайдеггер фикрича, инсон ўз кўллари билан яратган нарсалардагина жозиба, илик сақланади. Инсон бу нарсаларни яратишида уларга ўз меҳрини, руҳиятини беради. Ҳозирги замонавий саноат маҳсулотлари эса инсон билан бундай руҳий алоқани йўқотган ва натижада инсон ўзи яратган моддий оламдан ҳам бегоналашиб қолиб, нарсалардан фақат манфаат келтириш жиҳатидан фойдаланади.

Инсоннинг асл қиёфаси фақат айрим шароитларда яққол очилиши мумкин. Бундай шароитларни экзистенционалистлар чегарадош вазият деб атайдилар.

Ўлим ва ҳаёт ўртасидаги чегара, инсоннинг ички ва ташки олами ўртасидаги ва инсоннинг мавжудлиги ва ҳақиқий борлиғи моҳияти ўртасидаги чегара ниҳоятда мураккаб бўлиб, бу тушунчани очиб бериш учун экзистенционалистлар инсоннинг ички оламига, эркинлик масаласига диққатларини жалб этдилар.

Ж.П.Сартр ва А.Камю асарларида инсоннинг эркинлиги, эркин танлаш хукуки асосий муаммолардан биридир. Сартр Иккинчи Жаҳон уруши даврида фашистларга қарши "Озодлик" ҳаракатида фаол қатнашиб ниҳоят бой тажрибага эга бўлган. Бу ҳаракатда ватанпарвар қатнашчилар билан бир қаторда сотқинлар ҳам бўлган. Уларни бундай қилишга мажбурлаган холат ўлим олдидағи кўрқувдир.

Сартрнинг фикрича, ўлим муқаррар бўлган холатда ҳам инсонда эркин танлаш имконияти бор. Агар инсон ўз эркинлигидан воз кечса, бу ўлимдан ҳам оғирроқдир, деб ҳисоблайди.

Қисқача айтганда, ўлим ҳақиқатдир. Ўлим арафасида инсоннинг ички кечинмаларида кескин ўзгариш содир бўлади. Бу ўзгариш натижасида инсон аввал англаб етмаган нарсалари бирданига ўз-ўзидан равшанлашади. Инсон учун яхшилик ва ёмонлик ортида ётган чексиз олам очилади. Барча нарсалардаги зиддиятлар бирданига бирлашади. Ясперснинг фикрича, ўлим билан бир қаторда парокандалик холатида ҳам инсон меҳр кўйган нарсаларидан ажralар экан, булардан ҳам устун турадиган қадр-қиммат борлигини ҳис қиласи. Бу қадрият моддий бойлик бўлмай, бекиёс чексиз уммондир. Бу уммонни қалб хотиржамлиги, ички сокинлик деб ҳам аташимиз мумкин. Бу ички сокинлик олдида ҳаёт бўронлари кучсизdir. Ички сокинликнинг ўзи буюк бир оламий кучdir. Ясперс фикрича, бу ички сокинлик хотиржамлик оламига эсанкиратиб қўядиган йўқотишлар, ажralишлар натижасида кириш мумкин. Бундай зарбаларга фақат қалбда яширинган чексиз хотиржамлик ва ички сокинлик дош бера олиши мумкин. Инсон йўқотиш орқали бутун борлиқда мавжуд бўлган ички сокинликни бирданига ҳис қиласи. Агар инсон қалби ёл³из бўлган бўлса, эндиликда бу ички сокинлик орқали бутун борлиқка туташади. Экзистенциализмдаги чегарадош вазият масаласини файласуфлар айнан шундай очиб бердилар.

М.Хайдеггер. Бу фалсафий оқимнинг йирик намояндаларидан бири М.Хайдеггердир. Хайдеггер ўзининг феноменологик услубини яратиб, инсон борлиғи масаласини шу услуб орқали тушунишга ҳаракат қилди.

Бу қандай услуб эди? М.Хайдеггер фанга “феномен” тушунчасини киритди, бу тушунчани очиб бериш учун ҳодиса ва моҳият ўртасидаги муносабатни янгича талқин қилади. Хайдеггер учун ҳодиса ўзидан олдинги бошқа бир вазият ёки нарсага боғланади ва ундан келиб чиқади.

Хайдеггернинг “феномен” тушунчаси айнан шу ҳодисанинг пайдо бўлишига сабаб бўлган моҳиятни очиб беради ва “моҳият” тушунчасини ўз ичига қамраб олади. Хайдеггер инсон борлигини ўрганар экан, уни бошқа борлиқлардан ажратиб олади. Бу ички борлиқни, яъни моҳиятни “экзистенция” деб атади. Демак, Хайдеггер фалсафасида “экзистенция” тушунчаси инсон ички борлигининг моҳиятини акс эттиради. Ички борлиқни ўрганиш учун инсон ўз ички оламини эшита билиши ниҳоятда мухимдир. Бу ички оламда эса Хайдеггер эътиборини шеъриятга қаратди. Негаки, шеъриятда инсоннинг ички олами ниҳоятда яққол намоён бўлади.

Хайдеггер қадимги қўлёзмаларни ўрганиш ва уларнинг мазмунини инсоннинг ички оламидан келиб чиқиб, асл моҳиятини очиб беришга катта эътибор беради. Бу услубни у “герменевтика” деб атади.

Хайдеггердан олдин бу тушунчани Шлейермахер киритган бўлиб, қадимги матнларни ўрганиш, таҳлил қилиш ва фалсафий шарҳлашни “герменевтика” деб тушунтирган. Бу соҳада Хайдеггер ўзига хос ўзгартириш киритди. Ундан илгариги файласуфлар Шлейермахер, Дильтей ва бошқалар бу матнларни лингвистик таҳлил қилишга кўпроқ эътибор беришган бўлса, Хайдеггер ўз дикқатини бу таҳлил ичida яширинган руҳиятни ҳис “эштишга” қаратади.

Хайдеггернинг феноменологик усули Гуссерлнинг услубидан юқоридаги кўрсатилган фикрлардан ташқари шу билан фарқ қилади, Гуссерлда фикр оқимини таҳлил қилиш биринчи ўринда турса, Хайдеггерда бу фикрлар орқасида яширинган феномен-ички руҳий ҳиссиётни таҳлил қилиш асосий аҳамиятга эгадир.

Анъанавий рационал фалсафадаги ҳақиқатга бўлган қарашиб, Хайдеггер фалсафасида ўзига хос хусусиятга эга бўлди. Р.Декарт ҳақиқатнинг асосий мезони унинг очиқ ва равшанлиги деб билади. Хайдеггер ҳам ўзининг “Борлик ва вақт” асарида шу фикрга кўшилади. Кейинчалик, 1935 йилга келиб, унинг фикри кескин ўзгаради ва шу даврдан бошлаб ижодининг иккинчи босқичи бошланади. Хайдеггер «Гельдерлин ҳақида»ги мақоласида ҳақиқат “қанчалар очиқ ва равшан бўлса, шунчалар яширинган ва мавхумдир”, - дейди. Шунинг учун ҳам Хайдеггер борлик ҳақидаги ҳақиқатни кўпроқ мантиқий тушунчалар билан эмас, балки шеърий метафора, образлар орқали ҳис қилиш мумкин, деб ҳисоблайди.

Хайдеггер ўз фалсафасига “дасийн” тушунчасини киритади. Бу тушунча инсон борлиғи маъносини англатади. Борлиқнинг бошқа турларидан, Хайдеггер фикрича, у тубдан фарқ қиласи. “Дасийн” тушунчаси инсоннинг моддий борлигини эмас, аксинча, унинг онги борлигини ифодалайди.

Хайдеггер инсон борлигини таърифлаш учун, “категориялар” тушунчасини киритди. Бунинг сабаби инсон борлигининг негизи “экзистенция”, яъни “ички моҳият” бўлгани учун бу борлиқни таъриф этувчи тушунчалар ҳам бу ички моҳият билан боғлик бўлиб унга тааллуклидир. Шунинг учун улар категориялар эмас, балки, “экзистенциллар”дир. “Экзистенциаллар” тушунчасини Хайдеггер “Гуманизм ҳақидаги хат”ида (1947) очиб беради. Уни инсон ички борлигини “экстаз” ҳолати деб таърифлаган. “Экстаз” бу илоҳий куч билан ғайритабиий кўшилиш жараёнидир.

Хайдеггер фалсафасида “ўзликни англаш” тушунчаси “экзистенция”га боғланади. У инсоннинг чекланган борлигининг асосида ётади. Инсон борлигининг моҳияти шу тушунча орқали ҳам очилади. Бошқа мавжудодлар ўз-ўзини англаш қобилиятига эга эмас. Бу қобилият фақат инсонда мавжуд бўлиб, инсоннинг борлиғига хос. Шунинг учун у мухим аҳамиятга эга Инсоннинг ҳаёти ва борлиғи чегаралангани учун Хайдеггерда ўз-ўзини англаш қобилияти тушкунлик руҳи билан суғорилгандир. Инсон онги тузилишини уч босқичга бўлади: “дунёдаги борлик”, Хайдеггер бунда инсон онгини дунё билан чамбарчас боғлиқлигини кўрсатади. “Олдинга ўтиш” - инсон руҳини борлиқдан ажралиши ва Ғоялар сифатида шаклланиши. Бу шаклланишини Хайдеггер “лойиха” деб атайди. “Борлик ичидаги моҳият”ни очиш учун нарсалар ва инсон онги орасидаги муносабатни таҳлил қилиш зарурдир.

Нарсаларнинг борлиғига инсон онги катта таъсир кўрсатади. Инсон борлиғи нарсалар борлиғи билан чамбарчас боғлик бўлиб, ҳар бир нарсада инсоннинг таъсирини кўришимиз

мумкин. Масалан, музей экспонатлари ҳозирги замонда мавжуд бўлган нарсалар бўлибгина колмай, ўтмишдаги даврни ва ўша даврдаги эгасининг таъсирини ҳам ўзида сақлади.

“Вақт” тушунчаси Хайдеггер фалсафасида катта аҳамиятга эгадир. Вақтнинг ўтмишдаги, ҳозирдаги ва келажакдаги хусусиятлари бир-бири билан чамбарчас боғлиқдир. Ҳозирги замонни ўтмишсиз тасаввур этиб бўлмайди. Ўтмиш ҳозирги даврни қандай йўналишда ўзгаришини, ривожини кўп жиҳатдан белгилайди. Демак, ўтмиш ҳозирги замон билан чамбарчас боғлиқ. Келажакнинг қандай бўлиши ҳам ҳозирги давр ўзгаришларига боғлиқ бўлиб, ундан ажралмас ҳолда шаклланади ва ривожланади.

Инсоннинг келажаги қандай бўлиши унинг ижобий ҳаётй фаолиятига боғлиқдир.

Хайдеггер фалсафасида катта муаммолардан бири - бу ўқлик масаласидир. Бу ғайритабиий “йўқлик” холати инсонда айрим “чегарадош” вазиятларда содир бўлади. Бу ҳаёт-мамот масаласи ҳал қилинадиган ҳаётй вазиятлардир. Инсон ўлимга юз тутган дақиқаларда уни даҳшат ҳиссиёти қамраб олади. Даҳшат инсондаги ҳис-туйгуларни, унинг учун қачонлардир аҳамиятга эга бўлган нарса ва муносабатлар қадрини ўқотади ва ички бўшлиқни пайдо бўлишига олиб келади. Бу ички бўшлиқда инсон ўзининг асл-моҳияти - “Экзистенция”сини ва бошқа нарсаларнинг соғ борлигини ҳис қиласди. Айнан шу вазиятда инсоннинг асл моҳияти очилади ва у ирода ва руҳ эркинлигига эга бўлади.

И.Кант ва Э.Гуссерль онтологик метафизикасидан Хайдеггернинг метафизикаси “ўзгарувчанлик” ички моҳияти билан фарқ қиласди. Инсоннинг борлиғи, яъни “дасий” - бу марказий аҳамиятга эга бўлиб, бутун эътибор инсоннинг ички оламига қаратилган.

Инсоннинг бу ички оламида инсон таффакури томонидан яратилган техника катта аҳамиятга эгадир. Техник ривожланишга ўтиш бутун цивилизация ва маданиятни янги босқичга кўтаришни англатади. Лекин бу босқич инсоннинг табиатидан узоқлашиш ва бегоналашувга олиб келади. Ҳозирги замон техникаси, яратилган кашфиётлар ва алоқа воситалари инсонни янада ёлғизланиб қолиши ва табиатни ҳис қилмаслигига, натижада эса, ўз ички оламида ҳам йўқлик, бўшлиқнинг пайдо бўлишига олиб келади.

Хайдеггер фалсафасидаги соғ борлиқ, бўшлиқ инсоннинг руҳий бўшлиғига, парокандаликка олиб келади. Хайдеггер бу парокандаликдан чиқиш йўли, қачонлардир ўзи қайд этган илоҳий куч билан қўшилиши бўлган “экстаз” - илоҳий муҳаббат ва эзгу туйғуларнинг курсандчилик йўлини мутлоқ унугандек туолади.

Хайдеггернинг бўшлиғи илоҳий бўшлиққа, экстаз ҳолатига олиб келмади, аксинча, унинг йўқолишига олиб келди.

К.Ясперс экзистенциализми. Карл Ясперс 1883 йилда Ольденбург шахрида туғилди. Дастрлаб у ҳукукий билим олади, тиббиёт соҳаси билан шуғулланади. Ҳукукий соҳани “мавҳум” деб хисоблади. Ясперс Берлин, Геттинген, Гейдельберг шаҳарлари университетларида тиббиёт бўйича тадқиқотларини олиб бориб, тиббиёт ва психиатриядан докторлик унвонига сазовор бўлади. Виндельбанд раҳбарлигига психиатрия клиникасида врач бўлиб ишлайди. 1916 йилда Гейдельберг университетига эксординар, бир йилдан кейин ординар профессор лавозимида ишлайди. 1920 йилда Гейдельберг университетига эксординар, бир йилдан кейин ординар профессор лавозимида ишлайди.

Германияда фашистлар ҳокимиятга келгандан сўнг унинг профессорлик фаолияти тугалланди. 1933 йилдан сўнг барча маъмурий лавозимларда ишлашдан маҳрум этилди. Бунинг асосий сабабларидан бири унинг 1910 йилда турмуш қурган, яхудий миллатига мансуб бўлган рафиқаси Гертруда Майердан воз кечишдан бош тортганилигидир. 1937 йилда профессорлик унвонидан ҳам маҳрум қилинди. 1938 йилда унинг асарлари ҳам норасмий ман этилди. 1943 йилда бу ман этиш расмий тус олди.

1948 йилда у Швейцариянинг Базел шаҳрига кўчиб ўтади. Бу ерда у 1961 йилдан маҳаллий университет фалсафа кафедрасида профессор лавозимида ишлайди. 1969 йилда шу ерда вафот этади. Ясперснинг психиатрия, психиатрия тарихи, фалсафа ва ижтимоий-сиёсий масалаларга оид асарлари жаҳон адабиётида машҳур бўлиб, жаҳоннинг 25 тилига таржима қилинган.

Ясперснинг асосий асарлари: ”Умумий психопатология”, ”Психопатология бўйича мақолалар тўплами”, З жилдли ”Фалсафа”, ”Кант”, ”Ницше”, ”Августин”, ”Машхур инсонлар (Сукрот, Будда, Конфуций)”, ”Мартин Хайдеггерга тааллуқли лавҳалар”, ”Фалсафа эътиқоди”, ”Фалсафий таржима ҳол”, ”Илоҳий воқеага фалсафий эътиқод муносабати”, ”Афлотун”, ”Спиноза”, ”Стрингберг ва Ван Гог”, ”Ҳақиқат тўғрисида”, ”Фалсафа нима?”, ”Университет Фояси”, ”Илоҳиятнинг мавҳум белгилари”, ”Буюк файласуфлар Анаксимандр, Гераклит, Парменид, Платон, Авлиё Ансельм, Спиноза”, ”Қадимги даврлардан хрестоматик метафизикасигача”, ”Айб масаласи-ирқий қирғин кечирилмайди”.

Собиқ Совет Иттифоқи даврида Ясперснинг асарлари номаълум эди. Фақат 1991 йилга келиб “Тарихнинг мазмуни ва моҳияти” рукни остида унинг З та асосий асари нашр этилди. Кейинчалик ана шу рукн остида “Вақтнинг руҳий ҳолати”, “Фалсафий эътиқод” асарлари ҳам нашр этилди.

Ясперснинг диний қарашлари унинг фалсафий қарашига катта таъсир қилди. Унинг ижоди кўп жиҳатдан Хайдеггер ва Сартрнинг ижодига яқин бўлганлиги учун бу жиҳатларни кайтариб ўтирамаймиз.

Хайдеггер дунёқарашининг айрим томонларига ўхшашлигига қарамасдан, “дасийн” тушунчаси бўйича Ясперснинг инсон борлиғи ҳақидаги фикрлари ундан катта фарқ қиласди. Ясперс фалсафасида “дасийн” инсоннинг асл моҳияти бўлмай, балки предметлашган ва бегоналашган инсон борлиғидир. Инсоннинг асл борлиғи эса “экзистенция”да намоён бўлади, “дасийн” эса унинг айрим хусусиятидир.

Экзистенция инсон ички оламининг обьекти эмас, балки сабабидир. Экзистенция ўз-ўзини белгилайди ва илоҳиёт (“трансценденция”) оламини билиш учун калитдир. “Экзистенция” ва илоҳият тушунчаларининг моҳияти таффаккур, ақлий билим орқали очилмайди. Ақлий тадқиқот илоҳият оламини билиш учун фақат замин тайёрлайди. Бу оламнинг ўзи нарсалар, обьектлар моҳияти орқали “белгилар (шифр)” орқали намоён бўлади. Инсоннинг асл моҳияти унинг фаолияти обьектлари орқали инсон асл ички эркинлигини очади. Экзистенциясиз “таффаккур ва ҳаёт чексиз борлиқда йўқолиб кетади”.

Агар фан ташқи оламдаги обьектларни ўрганиб, шу билим орқали инсон таффакурини ривожлантирса, экзистенциал фалсафани бу йўсиндаги таффаккур ривожи қизиқтирамайди. У обьектив оламни фанга яқин бўлган усуслар, воситалар орқали ўрганмайди. Шунинг учун экзистенциал фалсафа тилга мурожаат қилиб, унда умумийлик ўрнига шахснинг индивидуал хусусиятларига эътибор беради.

Инсоннинг ҳар кунги ҳаётида унинг ички моҳияти очилмайди. У фақат чегарадош вазиятларда, яъни инсон ҳаёт ва ўлими ҳал қилинаётган пайтда юзага чиқади. Демак, инсоннинг борлиқ сирлари оддий ҳаётда мавхум, яширин бўлиб, ғайритабиий вазиятда бу мавхумликнинг асл киёфаси гавдаланади, яккол намоён бўлади.

Ташқи оламдаги обьектларнинг белги сифатидаги моҳияти фақат экзистенциал билишда очилади. Ясперс фикрича, фақатгина илоҳий куч ташқи обьектлар оламини ундан ажратиб, қолган инсоннинг ички олами билан бирлаштиради. Бу илоҳий куч ақлий билиш ўрнига экзистенциал қўркув ҳолатида очилади.

Кундалик ҳаётда инсон илоҳий кучни ҳис қилишга, билишга қодир эмас. Унинг онги ҳаётий ташвишлар билан банд бўлади. Ғайритабиий ўлим ва ҳаёт ўртасидаги чегарадош вазиятда инсон илоҳий кучдан нажот истаб, унга интилади. Демак, қўркув орқали инсон онги илоҳий кучга яқинлашади.

Борлиқ масаласини ўртага ташлаган метафизика, илоҳий кучга яқинлашиш йўли сифатида намоён бўлади. Инсоннинг ички эркинлиги чексиз бўлганидай, бу йўл ҳам чексиздир. Инсон илоҳий кучнинг борлигини ҳам тан олса ҳам, тан олмаса ҳам бу масалани ўз олдига кўяр экан, инсон ички эркинлиги ва унинг бутун борлиғи худо билан боғлиқ бўлиб қолади.

Инсоннинг ички эркинлиги унинг ҳаётий йўли билан чегараланган бўлиб, экзистенция тушунчасини очиб беролмайди. Ясперс фикрича, экзистенция бу инсоннинг ички эркинлиги эмас, балки бу инсоннинг худо билан бўлган алоқаси, ички эркинлик оламидан, илоҳият оламига сакрашидир. Илоҳий тил орқали предметлашади ва унинг белгиларини биз ғояларда, образларда, мифларда, диний тушунчаларда кузатишмиз мумкин.

Ясперс фоний ва боқий олами бир-биридан ажратиб, фоний олам бизга обьектлар орқали, ҳис-туйғуларимизга берилган. Боқий олам эса, моддий бўлмаганлиги учун биз уни ҳис қилолмайди. Шунинг учун ҳам бизга бу олам саробдир. Лекин биз уни инкор эта олмайди. У нарсаларнинг ички моҳиятида “белги” сифатида яширинган. Билиш жараёни обьектлар моддий оламининг инъикосидир. Лекин ақлий билиш ҳеч қачон инъикосни обьект билан тенглик сифатида тан олмайди. Масалан, кўзгудаги инсон акси инсоннинг ўзидан фарқ қиласди. Демак, ақлий билиш обьект ва субъект ўртасида фарқ бор деб ҳисоблайди. Аксинча, илоҳий билишда бу бўлиниш йўқолади. Субъект ва обьектга ажралиш ҳам аҳамиятсиз бўлиб қолади. Бутун борлиқни яратган Худо субъект сифатида барча обьектларнинг моҳияти, экзистенцияси сифатида мавжуддир. Масалан, Ясперс фикрича, Инжилдаги худонинг сўзи ва амали бирдир ва ўзи яратган борлиқда намоён бўлади. Бу борлиқдаги худонинг мавжудлигини инсон ўзининг ақлий билиши орқали таҳлил қилолмайди. Биз худонинг ҳар ерда мавжудлигини фақат чегарадош вазиятларда

қўрқиши ёки қўтаринки руҳий ҳолатда хис қилишимиз мумкин. Кундалик ҳаётимизда бу хис-туйғу йўқолади ва унинг ўрнини шубҳа эгаллайди.

Шубҳани йўқотиш учун инсон билимга интилади. Инсондаги билимга интилиш эҳтиёжини Ясперс, фожиали деб ҳисоблайди. Одам Ато билимга интилиб, билим мевасидан тотиб қўрганлиги учун жаннатдан ҳайдалган. Демак, ҳақиқатни билишга интилиш худо томонидан берилган инсон эркинлигидан келиб чиқади. Инсонга худо томонидан берилган эркинлик уни хато йўлга бошлади ва инсоннинг бошланғич гуноҳига сабаб бўлди. Лекин бу эркинлик худо томонидан берилганлиги учун илоҳиёт олами ҳам бу хатога сабабчидир.

Инсон қалбida азалдан икки қарама-қарши куч курашади. Бу эзгулик ва ёвузылик кучлари - фаришта ва шайтондир. Бу икки куч ўртасидаги кураш доимо давом этади. Бу кураш бор экан, инсон инсонлигича қолади. Лекин бу кураш натижасида инсон ички хотиржамлигига эриша олмайди, баҳтсизликка, чексиз изтиробга маҳкумдир. Унга на яқинлари, на дўсту биродарлари, на севган одамлари, на бойлик роҳат бера олади. Инсон ўз ички оламида роҳат топа олмайди. Бу роҳатни унга на ўзи, на илоҳий куч бера олади. Инсоннинг ички оламидаги зиддият бутун борликка хосдир. Бу зиддиятдан чиқиб кетиш йўллари инсон учун мавхумдир. Инсон барча нарсаларда илоҳий белгиларни топади, лекин улар унинг учун мавхум бўлиб қолади. Бу вазиятдан чиқиб кетиш учун инсон зиддиятни бартараф қилувчи мутаносиблиқ, яъни гармонияга интилади. Бу ҳолатни мусиқадан, мифологиядан, санъатдан, архитектурадан ахтаради. Лекин бу соҳаларда ҳам белгиларни очиб бериш мавхумликни равшанлаштириш учун инсонда ички экзистенциал руҳий қўтаринкиликка эришиши ёки тубанлашиши лозим.

Экзистенциал ҳолатдан ташқарида бутун олам инсон учун мавхумдир. Барча тушунчалар, макон, замон, ўлим ва ҳаёт, ҳақиқат ва ноҳақлик, баҳт ва изтироб, ёвузылик ва эзгулик в.ҳ. инсонлар учун белгиларга айланиб қолади.

Ясперс учун инсон борлиги ташқи борлиқдан ажралган. Бу бўлиниш барча нарса ва ҳодисаларга хос. Бу ажралишдан, бегоналашишдан чиқиб кетиш йўлларини Ясперс худога бўлган ишонч ва ундан қўрқиши ҳолатидан ахтаради. Шунинг учун Ясперс фалсафасини биз диний фалсафа деб атаемиз. Ясперс ўз давридаги ривожланган ақл, мантиқий позитивизмни танқид қилган. Унингча позитивизмнинг тушунчалари ҳақиқатга эмас, балки фикр бўшлиғига олиб келади. Лекин Ясперснинг ўзи ҳам бу хатодан ҳоли қолмади. У ўзининг фалсафий қарашларида инсонга хос бўлган билимга интилиш унинг эркинлигидан келиб чиқади, деб ҳисоблайди. Бу эса инсоннинг жаннатдан ҳайдалишига ва доимий курашга маҳкум этади. Демак, Ясперс инсон табиатида энг юкори қўйган хислатлардан бири билимга интилишдир. Бу хислат эса уни баҳтсизликка олиб келади. Билиш жараёнига танқидий ёндашган бошқа иррационал фалсафий йўналишлар Ясперс қарашидан четда қолган. Унинг таълимотида мўъжизага ўрин йўқ. Инсондаги энг буюк мўъжизавий кучга эга хис туйғу - муҳаббат туйғуси унинг учун қуруқ белгига, шифрга айланиб қолган. Барча мавхумликни, барча белгиларни, ўзининг ички нури билан ёритувчи илоҳий муҳаббат худонинг инсонга бўлган муҳаббати ва инсоннинг унга бўлган муҳаббати Ясперс эътиборидан четда қолди. Илоҳий муҳаббатни оламдаги барча зиддиятларни бирлаштирувчи, барча мавхумликларни равшанлаштирувчи мўъжизавий куч Ясперс фалсафасида очилмаган сир бўлиб қолди.

Француз экзистенциализми оғир шароитларда шаклланди. Унинг вакиллари Ж.П.Сартр (1905-1980) ва А.Камю нацизмга қарши Франциянинг "озодлик" партизанлар ҳаракатида қатнашишди. Фашистлар босқинчилиги натижасида Франция халқи кргина моддий ва маънавий талофатлар кўрди, минглаб француздар ва бошқа славян халқлар Иккинчи Жаҳон уруши даврида озодлик, эркинлик учун ҳаётларини қурбон қилди.

Бу воқеаларнинг гувоҳи бўлган экзистенциал фалсафанинг вакиллари инсон қадр-қиммати, ҳаёт моҳияти, ҳаёт ва ўлим ўртасидаги чегарадош вазият инсоннинг ички руҳий эркинлиги, иродаси ва о‘ир вазиятда инсоннинг эркин танлаш муаммоларини кўтариб чиқиши.

Иккинчи Жаҳон урушидан кейинги йилларда экзистенциализм файласуфларининг қарашлари ривожланиб янги фалсафий фикрлар ва 3оялар пайдо бўла бошлади. Экзистенциализм эволюциясини, айниқса, А.Камюнинг қарашларида кузатишимиш мумкин. А.Камю ижодининг иккинчи босқичларида фалсафий қарашлари ниҳоят муҳим ўзгаришлардан ўтди.

Ж.П.Сартр экзистенциализми. Жан-Поль Сартр Париж шаҳрида 1905 йил 21 июнда туғилди. 1980 йили 15 апрелда шу шаҳарда вафот этган. 1924-1928 йилларда Эколе Нормал Супериор номли коллежда таҳсил олган; 1929 йилда файласуф дипломини олади. 1931-1933 йилларда Ле-Гавр шаҳри гимназиясида ўқитувчилик қиласди. 1933-1943 йилларда Франция институтининг мукофатига сазовор бўлган. Э.Гуссерль, М.Шелер, К.Ясперс

асарларини чукур ўрганади. 1937-1939 йилларда Пастер лицейиде ўқитувчилик қиласы. 1945 йилдан бошлаб эркин ёзувчилік фаолияти билан шуғулланади. Ж.П.Сартр ўзининг академик фалсафий усулидан воз кечиб, кенг оммага мұлжалланган, тушунарлы бўлган адабий асарлар ёзишга ўтди. Илмий-тегориал тилдан оддий равон, кенг оммага тушунарлы бўлган адабий тил Сартрнинг ёзиш услугига айланди ва у кўпгина машхур асарлар яратди. Масалан, "Борлик ва йўқлик" киссаси, "Озодлик йўли", "Ўсиш даври", "Коммунистлар ва дунё" каби мақолаларни ёзди. Уни бир неча асарлари учун Нобель мукофотига тавсия қилишади, лекин у бу мукофотдан воз кечади. У 1945 йилда "Янги давр" журналига асос солади. Бу журнал Франциянинг урушдан кейинги ижтимоий-сиёсий ҳаётида катта роль ўйнади. Унинг фалсафасида кўп тушунчалар Хайдеггер дунёкараши билан боғлиқдир. Ўзининг "Борлик ва йўқлик" асарида Сартр Хайдеггернинг "дасийн" тушунчасига яқин "ўзи учун борлик" тушунчасини киритди. Бу тушунча Сартрнинг фикрича, инсон ички олами моҳиятини очиб беради. Бу тушунчани ёритиш учун Сартр "фаоллик" тушунчасини ҳам ўз фалсафий тизимига киритади. Фаоллик тушунчасини икки турга ажратади: ишчан фаоллик, суст фаоллик.

Бутун борликқа ҳаракатнинг ҳар хил турлари мансуб бўлганлиги учун уни инсондан ташқаридаги борлик деб ҳисоблайди. Инсон ўз фаолиятининг асосида мақсад йўклиги ва уни амалга оширишга интилганлиги учун инсоннинг ички оламидаги фаолияти ишчан, актив фаолият ҳисобланади.

Ишчан фаолиятни Сартр эркинлик деб атайди. Уни табиатдаги эркинликдан фарқ қиласы. Табиатдаги эркинлик заруриятга боғлиқ бўлиб, уни англаш натижасида шаклланади. Инсоннинг ички оламидаги эркинлик эса, унинг ички моҳиятидан келиб чиқади ва фақат айrim вазиятларда намоён бўлади. Бу вазиятларни экзистенциалистлар чегарадош вазият деб атаганлар. Бу ўлим ва ҳаёт ўртасидаги чегарадир. Бундай вазиятларга биз ҳаётимизда ниҳоятда кам тушиб қолишимиз мумкин. Масалан, урушда қатнашиш масаласи инсон олдига шундай чегарадош вазиятни қўяди. Бу вазиятда инсон танлашга мажбур бўлади: урушда қатнашиш ёки қачоқлик қилиш. Бу танлашга ҳам инсон, Сартр фикрича, эркинлик билан ёндашиши керак. Демак, Сартр фикрича, эркинлик шундай чегарадош вазиятларда инсонга ўзининг актив фаолиятини ва асл ички қиёфасини очишига ёрдам беради.

Урушдан кейинги йилларда Сартрнинг ахлоқ мавзусига бағишлиланган асарлари Франция зиёлилари ўртасида норозилик ва танқидий қарашларга сабаб бўлди. Буларга қарши Сартр ўзининг мақолаларида экзистенциализм фалсафасининг ғоялари ахлоқий қарашларга зид келмаслигини тушунтириди. Сартрнинг фикрича инсон чегарадош вазиятда ҳам ўзининг эркинлигини йўқотмайди ва бу йўналишда ҳар қандай қийинчиликларни енгигб ўтишга ҳаракат қиласы. Баъзан эса, бу ҳаракатлар ахлоқий принципларга зид келиб қолиш ҳам мумкин. Айнан шундай холатни кўпгина танқидчилар ахлоқсизлик деб аташган. Жумладан, ўз замонасининг гарб тадқиқотчилари томонидан Сартр таълимоти ахлоқсизликда айбланганилиги учун у масъулият тушунчасини эркин танлаш вазиятидаги аҳамиятини кўрсатади. Сартр фикрича, инсондаги масъулият инсондаги ахлоқий-маънавий тушунчаларни инкор этиш учун эмас, балки уларни тан олиши даъват этади. Лекин бу масъулият ташқи ҳаётнинг заруриятлари ва эҳтиёжлари натижасида эмас, аксинча, инсоннинг ички, актив фаоллигидан келиб чиқади. Бундай масъулият, Сартр фикрича, жамият ҳаётининг ижтимоий заруриятларига, қонуниятларига кўр-кўрона бўйсунишидан эмас, балки ички ирода эркинлиги ва актив фаолиятидан келиб чиқади. Сартрнинг экзистенциалистик фалсафий қарашлари динсизлик рухига эга бўлган. Шунинг учун ҳам Сартр инсоннинг ички олами, борлигини ташқи оламдан ажратиб, бир-бирига қарама-қарши қўйган. Уларни бирлаштирувчи илоҳий кучни рад этган. Бундай дунёкараш натижасида Сартр учун эркин рух эмас, балки шахс эркинликка маҳкум қилинган бўлиб чиқади. Масалан, Сартрнинг фикрича, бирорта шахс қамоқда ўтиrsa ҳам ички эркинликдан уни ҳеч ким маҳкум қила олмайди. Үнга ҳеч ким эркин яшашни, фикр қилишни, эркин ўйлашни, қамоқдан қочиш режасини тузишни ман қила олмайди.

Сартрнинг машхур ибораси бўйича, "инсон эркинликка маҳкум этилган". Лекин бу эркинлик инсонга баҳт келтирмайди. Инсоннинг шахсий эркинлиги бошқа одамларнинг эркинлиги билан тўқнашади, натижада инсон вазият пайдо бўлганда танлашга мажбур бўлади. Бу танлашда шахснинг ички дунёкараши яққол гавдаланади. Мана шу ички оламда инсон ўзининг масъулиятини ҳис қилмоғи керак. Шу масъулиятни амалга оширишда унинг ўзи эркин бўлмоғи лозим.

Демак, Сартр фикрича, эркинлик масъулиятни ҳис қилиб, шу асосда танлаш жараёни билан боғланган. Бу танлаш эркинлигидир.

А.Камю экзистенциализми. Альберт Камю 1913 йилда Алжирда туғилған. У камбабалда дәхқон оиласыда дүнәнгә келди. Бир ёшта тұлғанда отаси вафот этади. Онасининг бой хонадонларда оқсочлик қилиб топған пулға үқиган. Камю үқиган мактаб үкитүвчесининг саъи-харакатлари туғайли Алжир университети унинг учун стипендия тұлайды. У ерда Камю фалсафани ўрганади. Ижод килишни эрта бошлайды. Ҳаваскор театр ташкил қиласы.

1938 йилда Камю “Алжье республиken” янги сүл газетасыда ишлай бошлайды. “Ғалати уруш” даврида газетаны тақылаб қўйиши. Шундан сўнг Камю Парииждаги “Paris Loire” таҳририятида ишлайды. Франция босиб олингандан сўнг Алжирга қайтади. 1941 йил кузда эса яна Францияга қайтиб бориб, Қаршилик харакатининг фаол иштирокчисига айланади. Шу ерда Сартр билан танишади.

1942 йилда А.Камюнинг “Ўзга” номли повести нашрдан чиқади. 1943 йилда фалсафий асари “Сизиф ҳақида афсона” нашр қилинади. 1944 йил августдаги қўзғолондан сўнг “Комба” газетасыда бош муҳаррир сифатида ишлайди. 1947 йилда Камюнинг машхур романы “Вабо” чоп этилади. 1951 йилда “Исёнкор инсон” номли фалсафий асари нашр қилинади, 1956 йилда йирик асари “Бузилиш” нашрдан чиқади.

Совук уруш йилларида Камю руҳий изтироблар ва тушкунлик ҳолатини бошдан кечиради. Умрининг охирги йилларида ижодий инқироздан чиқиб кетиш йўлларини топа олмайди ва 1960 йилда автомобиль фалокатидан фожиали ҳалок бўлади.

Камюнинг фалсафий қарашлари зиддиятли бўлиб, ўзгариб, ривожланиб борган. Унинг дүнёқарашига индивидуализм ва ҳаётнинг маъносизлиги ҳақидағи фикрлар хос бўлган. Унинг қарашлари ҳам фалсафий ҳам адабий асарлар сифатида ёзилган.

М.Хайдеггер ва К.Ясперснинг қарашларидан Камюнинг фарқи шундаки, у борлик масаласини кўтармайди. М.Хайдеггер борлиқнинг мазмуни ҳақида гапиради. Камю эса борлик масаласини четда қолдириб, бутун эътиборини ҳаёт мазмуни масаласига қаратади.

Камюнинг фикрлари, жамиятда диний эътиқод сусайган даврда шаклланди. Худодан ажралиб қолган инсоннинг ҳаёти ўз маъносини йўқотади. Шундай вазиятда инсоннинг ҳаёти маъносиз деган фикр туғилади.

Камю фалсафасининг негизи индивидуализмдир. С.Къекегор фалсафасыда бу индивидуализм диний қарашларга йўғрилган бўлса, Ясперс фалсафасыда эса индивид трансценденция орқали илоҳий куч билан боғланади. Камю ва Сартрнинг диний эътиқодсизликлари туғайли бу алоқа бутунлай узилган. Инсон ҳаёти буткул маъносиз бўлиб қолган.

Инсон ҳаётининг маъносизлиги Камюнинг “Ўзга” асарида яққол кўзга ташланади. Бу асарнинг қаҳрамони Ўрта ер денгизида яшовчи оддий ҳаёт кечиравчи хизматкор Мерсо ҳеч нарсага қизиқмайди ва ҳеч кимга меҳр қўймайди. Ҳатто унинг қариялар уйида яшайдиган онасига ҳам меҳри йўқдир. Онасининг вафотини Мерсо бутунлай бефарқ қабул қилиб, барча зарур маросимларни бефарқлик билан бажаради. Ўзи билан яшайдиган аёлга ҳам ҳирсий муносабатдан ташқари ҳеч қандай ҳис-туйғуси йўқ.

Одамлар ичиди Мерсо ўзини бегона деб ҳисоблайди. Ундаги ягона илиқ муносабат фақат табиатга нисбатан сақланиб қолган. У табиатни бутун қалби билан яхши кўради. Фақат шу ҳисстуйғу уни яшашга даъват этади.

Кунлардан бир куни Мерсо денгиз бўйига ҳеч қандай ниятсиз, ўзи билан қурол кўтариб боради. Бу қуролни нима учун ишлатишни ҳеч тассаввур қилмаган Мерсо фавқулодда денгиз бўйида юрган араб йигитини отиб ўлдиради. Унинг устидан бошланган суд жараёнда Мерсо бу ҳатти-харакатини ҳеч қандай сабаб билан тушунтириб бера олмайди.

Камю судда қатнашган Алжир жамиятининг ҳар хил табақаларини кўрсатиб, уларнинг ахлоқсиз ички қиёфасини очиб беради. Мерсо бу жамият учун унинг учун бегона бўлгани каби бу жамиятнинг барча аъзолари ҳам бир-бирига бегонадирлар.

Камю одамлар ўртасидаги меҳр-оқибатнинг кўтарилиши ва бунинг натижасыда одамлар бир-биридан ниҳоятда бегоналашиб қолишини ва натижада ҳар бир инсон ёлғизланиб қолишини яққол очиб беради.

Бу асарда Камю гарб жамиятининг фожиасини атрофлича ёритишга тўлиқ эришган.

Ҳикоянинг сўнгидаги ўлимга ҳукм қилинган Мерсо охирги тавба-тазаррудан ҳам бош тортади. Барча одамлар ўлимга маҳқум қилинган экан, яшашнинг ҳеч қандай мазмуни йўқдир, дейди. Мана шу ҳаётини тамойил Мерсонинг тамал тошиидир.

Камю “Сизиф ҳақида афсона” номли фалсафий рисоласыда маъносизлик (абсурд) фалсафасини олдинга сурди. Инсонни қамраб олган табиат инсонга қарама-қарши ва унга

бегонадир. Инсоннинг ички туйғулари ва табиати ўртасида ҳеч қандай алоқа йўқдир. Камюнинг фикрича, мушукнинг олами - бу унинг оламидир, инсоннинг олами факат унинг оламидир. Улар ўртасида ҳеч қандай ўхшашик йўқдир. На табиатда, на инсонда рухият бордир.

Камю фалсафасида табиат жонсиз, ҳар қандай ҳис-туйғуга бегона, инсонга ёт бўлган бир коинотдир. Агарда табиатда инсон ҳис-туйғу борлигини пайқаганда, табиатни ҳис қилганда инсон ўзининг шу даражадаги тушкунлигини ва ёлғизлигини ҳис қилмаган бўлар эди.

Бу фикрлар орқали Камю "Ҳаёт яшашга арзийдими ёки йўқми?" - деган саволга келади. Бу саволга Камю ижобий жавоб беради. Инсонга кучни яшаш учун унинг ички оламидаги мажбурияти беради. Демак, ҳаёт нақадар аянчли ва зерикарли бўлмасин, инсон ўзида ҳис қилган мажбурият туфайли яшashi шарт. Бу мажбурият ташқи эмас, балки ичкидир.

Камю ўзининг "Вабо" асарида бу фикрни ривожлантириб, инсоннинг яшашдан мақсади бошқа одамларга ҳам ёрдам беришдир, деган холосага келади. Бу асарда Камю Ўрта ер денгизи бўйида жойлашган Орен шаҳарчасида содир бўлган фожиали воқеаларни моҳирона тасвирлайди. Шаҳарчанинг аҳолиси хотиржам ва сокин даҳшатли касаллик ларзага келтиради. Кунларнинг бирида шаҳар аҳолиси каламушлар ва мушукларнинг ғойиб бўлаётганликларига эътибор беради.

Қандай куч шаҳар аҳолисининг ўз жойларини тарк этишга мажбур қиласди? Бу даҳшатли куч "Вабо" эди. У шаҳарни қуршаб олиб, ҳар бир кўча ва ҳар бир хонадонга кириб келади. Саросимага тушган шаҳар аҳолиси қаердан нажот излашни, қандай даво топишни билолмай қолди. Шаҳардаги касалликни бошқа ерга тарқалмаслиги учун, ҳарбий кучлар шаҳар атрофини қуршаб оладилар. Бу ердан ҳеч ким чиқиб кетолмас эди. А.Камю бундай фожиали шароитда айрим кишиларнинг характерларини моҳирона очиб беради.

Доктор Риё бошчилигидаги шифокорларнинг бир гуруи "вабо" га қарши фаол қураша бошлайдилар. Улар касалларга дори-дармон бериб, ўлаётганларнинг охирги дақиқаларини енгиллаштиришга ҳаркат қиласди.

Бу шаҳарда вақтинча иш юзасидан тўхтаган муҳбир амбер чиқиб кетишига ҳаракат қиади. Уни бошқа шаҳарда истиқомат қилувчи қайлиги кутар эди. У ҳар куни шаҳарда минглаб одамлар ўлаётганлигини кўриб, даҳшатга тушар, бир кунмас бир кун бу фожиа ўзига ҳам етиб келишдан кўркиб яшарди. Рамберни бир тарафдан қайли³ига бўлган муҳаббатидан айрилиб қолиш, иккинчи томондан, вабо олдидаги кўркув эди.

Рамбер шаҳардан чиқиб кетиши учун кўп уриниб, шаҳарни ўраб турган ҳарбийлар билан келишиб кўяди. Лекин бир вақтнинг ўзида Рамбер доктор Риё бошчилигидаги врачларга ҳам ёрдам беради. У ҳар куни, а соатда ўлимнинг фожиали юзини кўрар ва унга қарши қурашаётган одамларнинг матонатига ҳайратланар эди. Рамбер айниқса, доктор Риёнинг хотиржамлиги ва шижаоткорлигига караб, секин ўзи ҳам кўркув холатидан хотиржамликка ўта бошлайди. Унинг қалbidаги сокинлик фикрларини ўзгартира бошлайди. Ҳаёт ва ўлим ўртасидаги чегарадош вазиятда Рамбер дунёқарашида кескин ўзгариш содир бўлади. Рамбер факат манфаатини кўзловчи худбин шахсдан, бошқа одамлар олдидаги масъулиятни ҳис қилувчи шахсга айланади.

Рамбер шаҳардан чиқиб кетиши фикридан воз кечиб, доктор Риё бошчилигидаги шифокорларга ёрдам бериш учун шаҳарда қолади. Рамбер шифокорлардан, "сизларга касаллик юқишидан кўрқмайсизларми", - деб сўрайди. Риё бу саволга жавоб берар экан, бундай эҳтимол борлигини тасдиқлайди. Кўп вакт ўтмасданоқ Риё ўзи ҳам бетоб бўлиб, ётиб қолади. Лекин Риёдаги ҳаётий куч шу қадар қучли эдик, у касалликни енгади. Рамбер бу холатни таажжуб билан кузатиб, инсонни ҳар қандай ҳавф-хатардан қандайдир тушуниб бўлмайдиган мавхум куч асрashinga инкор бўлади.

Бу қандай куч? Табиатнинг мавхум ҳаётий кучими, инсоннинг эркин иродасими ёки илоҳий кучми бу саволларга Рамбер жавоб излайди. Аста-секин шаҳарда вабо чекиниб, охирги ўлим чекинади.

Нима учун Рамбер омон қолди, даҳшатли касалликни ўзига юқтирмади? Бу саволнинг ту³илиши табиийдир. Саволга ҳар хил жавоб бериш мумкин. Масалан, Ибн Сино фикрича, руҳий кўркув тирик организмга ниҳоятда салбий таъсир қиласди. Агар инсонда кўркув ўрнига меҳр кучлироқ бўлса, у ҳар қандай хатарли вазиятдан эсон-омон чиқиб кетади.

Рамбер ўз қайлигини севар ва унга етишиш учун интилар эди. Унинг қалbidаги бу муҳаббат ўлим устидан тантана қиласди. А.Камю бу фикрни янги йўналишда ривожлантириди. Рамбер қалбida ёр муҳаббатидан ҳам устун турувчи одамлар олдидаги ўз масъулиятини ҳис қилиш пайдо бўлди.

Француз файласуфи Анри Бергсон бундай меҳрни интеллектуал хайриҳоҳлик, интуиция деб атади. Айнан ана шу интуиция ҳиссиёти Рамбер қалбida бошқа барча ҳиссиётлардан устун турди. Унинг ҳаётини янги йўналишга бошлади. Романнинг бу гоясида А.Камюнинг дунёқарашида катта

ўзгаришни кўришимиз мумкин. Агар биз "Бегона" ва "Вабо" асарларини солиштирасак қуидаги фикрларга келишимиз мумкин. "Бегона" асарининг бош қаҳрамони Мерсо факат ўзи учун яшайди, унинг қалбида одамларга бўлган меҳр алангаси сўнган. Бутун олам Мерсо учун ўз қувончини йўқотган зерикарли ва маъносиз эди. У ўзига ҳам, бошқаларга ҳам керак бўлмаганлиги учун борлиқдаги мавжуд бўлган буюк ҳаётий кучни йўқотади ва ўлим олдида таслим бўлди. "Вабо" асарида эса унинг бош қаҳрамони Рамбер факат ўз қайли³ига бўлган ҳиссиёт ўрнига ундан нихоятда улкан бўлган, одамларга бўлган меҳр ҳиссиётини ўз қалбида кашф этди. У бу ҳиссиётни ҳатто англамади, тўғрироғи уни бошқалар учун бўлган масъулият деб ҳисоблади.

Шундай қилиб, А.Камю ижодининг охирги босқичларида руҳий фалсафанинг чуққига қўтарди. Бу чўққилардан у ахлоқ инсон қалбида ёниб турган руҳий куч қуёши эканлигини кузатди. Ахлоқ ҳакида гапирилар экан, уни виждон, меҳр, руҳий куч, интуиция тушунчалари орқали ёритиш зарурдир.

Кўриниб турибдик, Камюнинг фалсафий қарашлари унинг ҳаёти давомида ривожланиб, ўзгариб боради. Бу ўзгариш индивидуализм чегарасидан четга чиқиб, унинг тор доираларини кенгайтиришга ҳаракат қилишдир.

Камю ва бошқа экзистенциалистлар фалсафасининг камчиликларидан бири инсон борлиғини табиатдан ажратиб қўйиш ва бошқа инсонлардан бегоналаштиришдир. Натижада инсон табиатни жонсиз, руҳсиз танадек тасаввур этиб, бу жонсиз табиатдан ўз ўрнини топа олмай қолади.

Шу ерда бундай бегоналашувга инсоннинг ўзи айбордor эмасмикан?, деган ўринли савол туғилади. Асрлар давомида инсон табиатга ақл, таффакур нуқтаи назаридан кўз ташлади. Ҳатто ўзини ҳам ақлли мавжудот (хомо сапинс) деб атади. Ўзининг руҳий мавжудот эканлигини мутлақо унутди. Билиш жараённида инсон бутун борлиқни алоқалар, хусусиятлар, тушунчалар, қоидаларга бўлиб ташлайди. Борлиқни бўлиш жараёнидаги энг фожиали ходиса худди шу йўл билан инсонни табиатдан бегоналашуви бўлди. Илм-фан бутун оламни бўлиб, бир-биридан ажратиб, кейин эса сунъий равишда бу бўлинган қисмларни қонун ва тушунчалар орқали бирлаштиришга ҳаракат қиласди. Билиш жараёнини обьект-субъектга бўлиб, инъикос деб атади.

Олам обьект ва субъектга бўлинар экан, уларнинг орасидаги алоқадорлик ҳам узилиб қолиб, эзгу ҳис-туйғуларга ўрин қолмайди. Натижада тафаккур инсонни боши берк кўчага олиб кириб қўйди. Бу вазиятдан чиқиш йўллари йўқ, деб эълон қилинди.

Аслида бу фалсафасидаги маъносизлик - бу ҳаётнинг маъносизлиги эмас, тубан ақлнинг маъносизлигидир. Ақл барча саволларга жавоб топади ва лекин борлиқни маъносиз дейди. Шундай экан, ақлнинг ўзи маъносиз бўлиб қолмайдими? Демак, бу маъносиз вазиятдан чиқиб кетишнинг ягона йўли инсон ва бутун борлиқни бирлаштирувчи, уни ягона коинот деб тан оловчи руҳий кучга мурожат қилиш, бу куч орқали худонинг инсонга бўлган муҳаббатини топишдир. Бундай фалсафий таълимот, қадимдан маълум бўлиб, Шарқда ўрта асрларда тасаввуф деб аталган.

Экзистенциализм фалсафаси XX аср бошлари ва ўртасидаги фожиали ходисаларни тўғри акс эттириди ва бу фожиадан чиқиб кетиш йўлларини изтироб билан ахтаради. Экзистенциализм файласуфлари Ясперс, Хайдеггер, Сартр, Камю илоҳий кучга, инсондаги руҳий кучга охирги таянч нуқтаси сифатида мурожат қилишга мажбур бўлишди. Уларнинг асарларида учрайдиган инсонпарварлик ғоялари бу фалсафани юқори баҳолашга имконият беради.

АМАЛИЙ МАШГУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-амалий машғулот: Онг инсон борлиғининг асоси.

1. Машғулотни олиб бориш технологияси

<i>Талабалар сони:</i>	<i>Вақти:</i> 4 соат
<i>Машғулот шакли</i>	Амалий
<i>Маъруза режаси</i>	<p>1.Мия фаолияти квант қонунларига мувофиқ амалга оширилиши.</p> <p>2.Мия ишини моделлаштиришнинг аҳамияти.</p> <p>3.«Гомо космикус» концепцияси.</p> <p>4.Инсон ва космоснинг ягоналиги фояси.</p>
<i>Машғулотнинг мақсади:</i> Дарс ўтиш шакллари хақида умумназарий тасаввурлар,инсон хақида толерантлик ва ижодий ёндошув,талабаларда илмий ва фалсафий дунёқарашнинг шаклланишида инсон фалсафанинг аҳамияти ҳақида тушунча ҳосил қилиш.	
<i>Педагогик вазифалар</i>	<i>Ўқув фаолияти натижалари:</i>
Инсон биосфера эволюциясининг зарурий босқичини ўрганиш.	Технологик тараққиёт жараёнини оқилона бошқаришнинг биологик мухитни асрардаги роли.
Инсон – Гея элементини очиб бериш	Биологик сиёсатни амалга оширишнинг зарурияти.
В.И.Вернадский «инсониятнинг геологик роли» ҳақида тушунчасини ёритиб бериш	Ж.Лавлок моделини ўрганиш.
<i>Ўқитиии усуллари ва техника</i>	Маъруза, «ақлий хужум», Т-схема, мунозара, муаммоли вазиятлар усули.
<i>Ўқитиии воситалари</i>	Маъруза матни, тарқатма материаллар, слайдлар, проектор.
<i>Ўқитиии шакллари</i>	Жамоа, тўғридан-тўғри ва гурӯхларда ишлаш.
<i>Ўқитиии шарт-шароити</i>	Техник воситалар билан таъминланган аудитория.

<i>Мониторинг ва баҳолаш</i>	Оғзаки назорат, савол-жавоб, ўз-ўзини назорат қилиш, рейтинг тизими асосида баҳолаш.
------------------------------	--


2. Машғулотнинг технологик картаси

<i>Иш жараёнлари вақти</i>	<i>Фаолиятнинг мазмуни</i>	
	<i>ўқитувчи</i>	<i>Талаба</i>
I-босқич. Курсга ва мавзуга кириш. (20 минут)	1.1. Ўқув курси номини айтиб, курс доирасида дастлабки умумий тасаввурни беради ҳамда услубий ва ташкилий томонлари билан таништиради.	Тинглайдилар.
	1.2. Курс бўйича ўтиладиган барча мавзулар билан таништиради, уларнинг узвийлиги ҳақида қисқача маълумот беради.	Тинглайдилар.
	1.3. Курс якунида қўйиладиган рейтинг баҳолаш мезонлари билан таништиради	ЎУМ га қарайдилар.
	1.4. Курсни ўзлаштиришда фойдаланиш учун зарур бўлган адабиётлар рўйхати билан таништиради.	ЎУМ га қарайдилар.
	1.5. Биринчи ўқув машғулоти мавзуси билан таништиради ва унинг мақсади, ўқув фаолияти натижаларини баён қиласди.	Мавзу номини ёзиб оладилар.
	1.6. Биринчи мавзу юзасидан ақлий ҳужум қоидаси асосида дарс ўтказишни таклиф этади. Доскага « Инсон биологик мавжудот» деб ёзади. Тингловчилар томонидан айтилган фикрларни ёзиб боради ва умумлаштиради	Тушунчаларни эркин фикр орқали билдиради.
II-босқич. Асосий	2.1. Мавзу режаси ва таянч тушунчалар билан таништиради.	Тинглайдилар.
	2.2. Маъruzani режа бўйича тушун-	Тинглайдилар.

(50 минут)	тиради, ҳар бир режани нихоясида умумлаштиради. Жараён компьютер слайдларини намойиш қилиш билан олиб борилади	Слайдга эътибор қаратади, уни ўзига ёзиб олади ва саволлар беради.
	<p>2.3. Ҳар бир режани мустаҳкамлаш учун қуидагича саволлар беради.</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Ген технологияси ва инсоннинг жисмоний олами. 2. Гўзаллик туйғусининг биологик асослари. 3. Инсон – Гея элементи. 	Саволларга жавоб берадилар, эркин баҳс-мунозара юритадилар.
	<p>2.4. Таянч ибораларга қайтилади.</p> <p>Талабалар иштирокида улар яна бир бор тақорорланади.</p>	Ҳар бир таянч тушунча ва ибораларни муҳокама қиласидилар. Конспект қиласидилар.
<p>III-босқич. Якуний босқич. (10 минут)</p>	<p>3.1. Т-схема техникасидан фойдаланилган ҳолда жуфт-жуфт бўлиб ишлаш учун ларга: “Инсон ва табиат” деган савол ёзилган тарқатма материаллар тарқатади. Ушбу техника орқали мавзу бўйича якунловчи хулоса қиласиди</p>	Мустакил Т-схемани тўлдирадилар. Эркин фикрини баён этади.
	3.2. Талабаларнинг фаолиятига баҳо қўйилади ва рағбатлантирилади.	Эшитади.
	3.3. Келгуси машғулотга тайёргарлик кўриш учун топшириқлар ва фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати берилади.	Эшитади ва йўл га қарайдилар.

Кўшимча ва тушунтирувчи матнлар

Ҳозирги замон физикаси ва шарқ фалсафаси
үртасидаги алоқалари ўрганилган




Ф.Капранинг «Физика даоси» китоби

Ҳозирги замон физикаси жамият ҳаётининг деярли барча томонларига таъсир кўрсатади... Ишлаб чиқариш соҳасидан ташқари, бу таъсир инсон маданияти ва фикрлаш услубида, хусусан унинг Коинот хусусидаги карашлари ва унга бўлган муносабатининг ўзгаришида ҳам сезилади.

ОНГНИНГ БОРЛИГИ

Нима учун билиш жараёнида инсоннинг ички дунёси доим биринчи ўринда туради? Нима учун инсон борлиги нарсалар борлигини тушунишда аксарият муаллифларга таянч нұктаси бўлиб хизмат қиласди? Бу саволларга жавобни қисман француз файласуфи А.Бергсон (1859-1941)нинг қўйидаги сўзларидан топиш мумкин: «Мавжуд барча нарсалар орасида энг ишончлиси ва бизга кўпроқ маълум бўлгани, ҳеч шубҳасиз, бизнинг ўз мавжудлигимиздир, зоро бизда бошқа нарсалар ҳақида мавжуд тушунчаларни сиртқи ва юзаки деб ҳисоблаш мумкин, ҳолбуки ўз-ўзини билиш ички, теран билишдир»



2-амалий машғулот: Инсон фалсафий мұаммом сифатида.


1. Машғулотни олиб бориș технологияси

<i>Талабалар сони:</i>	<i>Вақты:</i> 2 соат
<i>Машғулот шакли</i>	Амалий
<i>Маъруза режаси</i>	<ol style="list-style-type: none"> Хаёт шаклларининг айланиши ҳақидаги умумий дунёвий тасаввурлар. Фалсафий антропология ва табиий-илмий фанларнинг сентизи. Инсон борлиги.
<i>Машғулоттинг мақсади:</i> Дарс ўтиш шакллари ҳақида умумназарий тасаввурлар, фалсафани ўқитишининг бошқа фанларини ўқитишдан фарки ва умумийлиги, фалсафани ўқитищдаги толерантлик ва ижодий ёндошув, талабаларда илмий ва фалсафий дүнекараашнинг шаклланишида фалсафанинг ахамияти ҳақида тушунча ҳосил қилиш.	
<i>Педагогик вазифалар</i>	<i>Үқув фаолияти натижалари:</i>
Хаёт шаклларининг айланиши ҳақидаги умумий дунёвий тасаввурлар.	Тушиниш ва тушинтириш дилеммаси мазмунини англаш.
Фалсафий антропология ва табиий-илмий фанларнинг сентизи масаласи.	Дунёнинг бинар ва триад структурасини тушуниш.
Инсон борлигининг таҳлили.	Антропология ва фан этикасининг таҳлили.
<i>Ўқитиши усуллари ва техника</i>	Маъруза, «ақлий хужум», Т-схема, мунозара, мұаммоли вазиятлар усули.
<i>Ўқитиши воситалари</i>	Маъруза матни, тарқатма материаллар, слайдлар, проектор.
<i>Ўқитиши шакллари</i>	Жамоа, тұғридан-тұғри ва гурухларда ишлаш.
<i>Ўқитиши шарт-шароити</i>	Техник воситалар билан таъминланған аудитория.
<i>Мониторинг ва баҳолаш</i>	Оғзаки назорат, савол-жавоб, ўз-ўзини назорат қилиш, рейтинг тизими асосида баҳолаш.

2. Машғулоттинг технологик картаси

<i>Иш жараёнлари вақти</i>	<i>Фаолияттинг мазмуні</i>	
	<i>Ўқитуучи</i>	<i>Талаба</i>
I-босқич. Курсга ва мавзуга кириш. (20 минут)	1.1. Ўқув курси номини айтиб, курс доирасида дастлабки умумий тасаввурни беради ҳамда услубий ва ташкилий томонлари билан таништиради.	Тинглайдилар.
	1.2. Курс бўйича ўтиладиган барча мавзулар билан таништиради, уларнинг узвийлиги ҳақида қисқача маълумот беради.	Тинглайдилар.
	1.3. Курс якунида қўйиладиган рейтинг баҳолаш мезонлари билан таништиради	ЎУМ га қарайдилар.
	1.4. Курсни ўзлаштиришда фойдаланиш учун зарур бўлган адабиётлар рўйхати билан таништиради.	ЎУМ га қарайдилар.
	1.5. Биринчи ўқув машғулоти мавзуси билан таништиради ва унинг мақсади, ўқув фаолияти	Мавзу номини ёзиб оладилар.

	натижаларини баён қиласи.	
	1.6. Биринчи мавзу юзасидан аклий ҳужум қоидаси асосида дарс ўтказишни таклиф этади. Доскага « Антропология » деб ёзади. Талабалар томонидан айтилган фикрларни ёзиб боради ва умумлаштиради	Тушунчаларни эркин фикр орқали билдиради.
Ушбу ярмаркани Президент Ислом Каримов томонидан мамлакатимиз иқтисодиётининг барча тармоқларида илм талаб, юкори технологияга асосланган ва рақобатбардош ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш, модернизация қилиш ва техник янгилаш бўйича белгиланган устувор вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида қатор республика вазирлик ҳамда идоралари ташкил этди.

4. Ижтимоий ҳимоя – устувор йўналиши

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 37, 38, 39-моддалари Инсон хукуqlари умумжаҳон декларациясининг 23, 24, 25-моддаларида фуқароларнинг меҳнат ва ижтимоий ҳимояга бўлган хукуqlари кафолатлари мустаҳкамланган. Булар қаторида ҳар бир шахснинг меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаши ва ишсизлиқдан ҳимояланиш хукуқи, дам олиш хукуқи, шунингдек қариганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда, боқувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш хукуқи қайд этилган. Дарҳақиқат,

мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларнинг муҳим таркибий қисми бўлган ижтимоий ислоҳотлардан кўзланган мақсад – фуқаролар учун муносиб турмуш шароитларини яратиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳамда самарали кафолатларини таъминлашдир. Бу инсон ҳуқуқлари умумжахон декларациясининг 22-моддасида қайд этилганидек, инсон ва фуқароларнинг иқтисодий, ижтимоий ва маданий соҳалардаги ҳуқуқларини амалга ошириш, шахснинг қадр-қимматини таъминлаш ва эркин ривожланиши учун ниҳоятда зарур.

Президент Ислом Каримов таъкидлаганидек, бозор механизмини жорий этишда аввал одамларни ижтимоий ҳимоялаш бўйича кучли эҳтиёт чора-тадбирлари олдиндан кўриб қўйилиши объектив заруратдир. Шу нуқтаи назардан, бозор муносабатларига ўтишнинг “Ўзбек модели” аҳолини кучли ижтимоий ҳимоя қилиш, айниқса унинг кам таъминланган ва муҳтоҷ катламларини қўллаб-қувватлаш, уларга ҳар томонлама кўмак беришга қаратилган қўшимча чора-тадбирларни ишлаб чиқиш вазифасини илгари суриб, юртимизда аҳолини ижтимоий ҳимоялашнинг мутлақо янги ва ўзига хос тизимини шакллантиришни тақозо этди.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда ижтимоий таъминот ҳамда ижтимоий муҳофазалаш давлат органлари тизими тамомила қайта қурилди. Ижтимоий ҳимоянинг янги шакллари жорий этилиши билан бирга уни амалга оширувчи давлат органлари ваколатлари қайта кўриб чиқилди. Ислоҳотлар натижасида ваколатларнинг муайян қисми нодавлат ташкилотларига, биринчи навбатда, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларига ўtkazildi.

III. Ўқитувчининг кейсни ечиш ва таҳлил қилиш варианти

Кейсдаги асосий муаммо

Жамият тараққиётида бекарорликка йўл қўймаслик ва ижтимоий-сиёсий барқарорликни мустаҳкамлаш.

Муаммоли вазиятни ечиши йўллари

1. Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан танишамиз

Муаммони ечиш даражасини аниқлаймиз.

Ҳаммамизга маълумки, Ўзбекистонда иқтисодий ислоҳотларнинг бош мақсади – барқарор ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини, кучли демократик ҳуқуқий давлатни ва фуқаролар жамиятини қуриш хисобланади. Бу борада хусусий тармоқнинг жадал ривожланишини, унинг мамлакат иқтисодиётидаги улуши кўпайишини таъминлаш белгиланган. Ижтимоий-сиёсий соҳада барқарор тараққиётни юқори суръатларда олиб бориш учун: биринчидан, Давлат тузилмаларининг хусусий тадбиркорлик фаолиятига аралашувини янада кўпроқ чеклаш; иккинчидан, илм-фан тараққиётида инновацион янгиликларни қўллаш; учинчидан, хавфсизлик ва тинчлик сиёсатини юритиш; тўртинчидан, хусусий тадбиркорларга зарур ресурсларни сотиб олиш ва ўз маҳсулотини сотиш учун бозорларга чиқиш имкониятларини кенгайтириш; бешинчидан, кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш, ҳамда қўшимча солиқ имтиёзлари ва преференциялар бериш; олтинчидан, ОАВдаги глобаллашувнинг интеграцион, интенсив ва универсал жараёнларини чекламаслик лозим.

Мулксиз ижтимоий муносабатларни ривожлантиришнинг, мамлакатда халқ фаровонлигини таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширишнинг иложи йўқ. Конституциямизнинг “Жамиятнинг иқтисодий негизлари”га бағишлиланган XII боби 53-моддасида мамлакат иқтисодий асосини ташкил этувчи “бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этиши, давлат истеъмолчиларининг ҳуқуқий устунлигини хисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлиги, барча мулк

шаклларининг тенг ҳуқуқлилиги ва ҳуқуқий жихатдан тенг муҳофаза этилиши кафолатланиши” тўғрисидаги конституциявий меъёр белгиланиб, у ўз ўрнида мамлакат иқтисодий муносабатларини тартибга солувчи конституциявий тамойил ҳисобланади.

2. Берилган вазият билан танишамиз.

Маълумотларни яна дикқат билан ўқиб чиқиб, биз учун муҳим бўлган сатрларни тагига чизиб оламиз. Бир абзацдан иккинчи абзацга ўтишдан олдин, уни икки уч маротаба ўқиб мазмунига кириб борамиз. Кейсдаги муҳим фикрларни қалам ёрдамида остини чизиб қўямиз. Вазият тавсифида берилган асосий тушунча ва ибораларга дикқатимизни жалб қиласиз:

- | | |
|-------------------------------|---------------------------------|
| - Сўз эркинлиги; | - либерализм; |
| - Ахборот асри; | - тенденция; |
| - Оммавий ахборот воситалари; | - инновация; |
| - Нодавлат ахборот тизимлари; | - ижтимоий ҳимоя; |
| - Интернет; | - ижтимоий таъминот; |
| - жамият; | - тараққиётнинг “Ўзбек модели”; |
| - ижтимоий- сиёсий тизим; | - хавфсизлик; |
| - барқарорлик; | - модернизация; |
| - бекарорлик; | - менталитет. |

3. Муаммоли вазият таҳлили.

Тақдимотни тайёрлаймиз. Мазкур ҳолатда қабул қилиниши мумкин бўлган муаммонинг барча ечимларини топамиз:

Муаммоли вазият тури

1-муаммо. ОАВ - инсон тафаккурини ривожлантириш омили сифатида.

1. ОАВ жамият тараққиётида қандай роль ўйнайди?
2. ОАВнинг тараққиёт омили – Интернетми?
3. Мустақил фикрга эга бўлган шахсни тарбиялаш - миллат камолоти мезони.

Муаммоли вазиятнинг келиб чиқиши сабаблари

1. Президент И. Каримов ахборот соҳасини жадал ривожлантириш, оммавий ахборот воситалари - матбуот, радио-телевидение фаолиятини эркинлаштириш фуқаролик жамияти асосларини барпо этиш жараёнининг узвий таркибий қисмига айланиси зарурлигини таъкидлаб ўтди. «Қисқа қилиб айтганда, оммавий ахборот воситалари том маънода “тўртинчи ҳокимият” даражасига кўтарилимоғи керак.

Ўзбекистонда демократик янгиланишлар жараёнини чуқурлаштириш ва фуқароларнинг эркинликларини таъминлашнинг ғоят муҳим шарти – оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш учун демократик андозаларни жорий этиш бўйича чораларни амалга ошириш керак.

2. Интернет воситасидан фойдаланувчилар сони бугун кундан кунга кўпайиб бормоқда. Ўз навбатида, мазкур ҳолат дунё ахборот тўрида миллий манфаатларни ҳимояловчи, керак бўлса, миллий мафкура ва ғояни тарғиб-ташвиқ қилувчи Интернет ресурсларини яратиш эҳтиёжини юзага келтирди. Миллий қонунчиликда Интернет ОАВ воситаси тури сифатида алоҳида тилга олинмаган, лекин “ОАВ тўғрисидаги” қонуннинг 1-моддасида электрон ахборот тизими ОАВ воситаси сифатида берилган.

Интернетни тўғри самарали фойдаланиш йўлларини шакллантириш зарур. Интернетга ёшларда миллий ахлоқ ва тарбия нормаларидан келиб чиқсан ҳолдаги муносабтни шакллантириш зарур.

3. Бугун давлат ташкилотлари, ишлаб чиқарувчилар ва новатор-олимлар ўртасида амалий муносабатларни мустаҳкамлаш ва улар ўртасидаги рақобатни кучайтириш асосий вазифалардандир. Инновация жараёнларини илм-фан тармоғига олиб киришда, моддий таъминот даражаси паст. Ўзбекистон тамғаси босилган маҳсулотлар дунёning кўплаб давлатларига экспорт қилинмоқда ва бунинг натижасида мамлакатимизнинг экспорт салоҳияти йил сайин ортиб бормоқда

Вазиятдан чиқиб кетиш ҳаракатлари

1. Конституциянинг 67-моддасида “Оммавий ахборот воситалари эркиндинг ва қонунга мувофиқ ишлайди. Улар ахборотнинг тўғрилиги учун белгиланган тартибда жавобгардирлар. Цензурага йўл кўйилмайди”. Бундай қоида илгари Ўзбекистоннинг бирорта конституциясида, хаттоки собиқ Иттифоқ конституциясида ҳам бўлмаган. ОАВнинг жамиятдаги ўрнини юксалтириш, матбуот, телевидение, радио фаолиятини янада либераллаштириш, уларнинг мустақиллиги ва эркинлигини амалда таъминлаш масалалари устувор вазифадир.

2. Интернет оммалашиб бормоқдаки, бевосита ахборот соҳасидаги тараққиёт уфқларидир. Ўзбекистон мустақил давлат сифатида жаҳон ҳамжамиятининг тўлақонли аъзоси бўлганидан бўён ўтган ҳар бир йилимиз том маънода бунёдкорлик даври бўлаётганига, юртимизда яратувчанликнинг ўзига хос мактаби барпо этилганини интернет яҳонга узатиб бермоқда. Ижтимоий тараққиётнинг ривожланиш омили ҳисобланмоқда

3. Мамлакатимизда инновация фаолиятини кенгайтириш учун қулай мухит яратилган. 2009 йилгача ўқув муассасалар замонавий талаблар асосида қурилиши ва қайта таъмирланиши тутатилади. Давлат томонидан турли хил давлат грантлари, кўриктанловлар ва кўргазмалар жорий этилган. Турли мулкчилик шаклидаги, шу жумладан, кичик бизнес корхоналарида импорт ўрнини босадиган кенг кўламли дастурлар амалга оширилмоқда, сифати бўйича жаҳон стандартларидан қолишмайдиган, харидоргир турли буюм ва товарларни ишлаб чиқариш йўлга кўйилди. Илгари бунинг учун айрим хўжалик юритувчилар четдан зарур ва нисбатан қиммат технологияларни сотиб олишга тўғри келарди. Айни пайтда эса олимларимиз томонидан энг яхши ва самарали ишланмалар яратилиб, синовдан муваффақиятли ўтмоқда

Муаммоли вазият тури

2-муаммо. Жамиятни демократлаштириш ва мамлакатни сиёсий ва иқтисодий модернизациялашнинг мухим омиллари

1. Ўзбекистонда мавжуд партиялар фаолиятида мухолифатлик масаласи-нинг заифлиги
2. Сиёсий ва иқтисодий ислохотлардан кўзланган мақсадлар
3. Иқтисодий глобаллашувнинг салбий оқибатларини кўрсатиб беринг?

Муаммоли вазиятнинг келиб чиқиши сабаблари

1. Табакаланиш, дифференциациялашиш жараёни кечмоқда. Партия дастурларининг мақсад ва вазифаларининг ўхшашлиги; Партия аъзоларининг амалий тажрибалари камлиги; Партия аъзоларининг амалий фидойилиги пастилиги; Партия ҳақидаги буклетлар, партия хабарларининг ўхшашлиги.

Ахолини иш билан таъминлаш, самарали бошқарувни олиб бориш, ижтимоий ва иқтисодий соҳаларга устувор аҳамият бериш.

2. Ижтимоий - сиёсий муносабатларни кенгайтириш, хусусийлаштириш жараёнини чукурлаштириш, иқтисодиётга хориж сармоясини жалб этиш, мамлакат иқтисодиётининг жаҳон тизимига интеграциялашуви ва иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, мағкуравий жараёнларни глобаллаштирувчи ва универсаллаштирувчи омилларни шакллантириш, маънавий муносабатлар ва маданий

алоқалар кўламини орттириш, ахборот ва алоқа коммуникацияларининг тараққиёти ва фундаментал илмий кашфиётлар ва фан ютуқларини қўпайтириш, техник ва технологик имкониятларни янада ўстириш, сиёсий ҳаётнинг барча соҳаларини эркинлаштириш, аҳолининг сиёсий фаоллигини ошириш, турли қатлам, миллат, дин вакиллари ўртасидаги уйғунликни таъминлаш, сиёсий ҳаётда қўппартиявийлик тамойилини янада мустаҳкамлаш, демократик институтларнинг фаолият қўрсатиши учун кенг шароит яратиш, ҳокимият тизимлари бўлинишининг конституциявий тамойилига қатъий амал қилиш, маҳаллий ҳокимият, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари фаолият доирасини кенгайтириш, «кучли давлатдан - кучли жамият сари» концепциясини ҳаётга жорий қилиш, Ватанга, она заминимизга садоқатли, чукур билимли ва юксак малакали кадрларни тарбиялаш.

3. Иқтисодий глобаллаштириш «ягона жаҳон иқтисодиёти, жаҳон бозори, пировард натижада жаҳон ҳамжамиятининг барпо этилишидир». Глобаллашув натижасида ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар ўртасида тафовут кучайиб боради.

Иқтисодий глобаллаштириш сари ҳаракат тўғридан-тўғри эмас, балки иқтисодий салоҳияти тенг мамлакатларнинг минтақавий (маҳаллий) уюшмалари орқали амалга оширилмоғи керак.

Вазиятдан чиқиб кетиш ҳаракатлари

1. Партия манфаатларини химоя қилиш; уларнинг ижтимоий-сиёсий қиёфасини шакллантириш; Ҳар бир партия ўзининг индивидуал, миллий, оригинал дастурларини ишлаб чиқиши керак. Тарғибот-ташвиқотнинг амалий йўлларининг самарадорлигини ошириш, Партия аъзоларининг ҳалқ орасига самараали киришиши;
 - иш ўринларини ташкил этиш;
 - ташаббускорлик фаолиятини амалга ошириш;
2. Бугунги дунёда мислсиз илмий кашфиётлар, улкан техникавий имкониятлар, универсал технологиялар, ахборот тарқатишининг глобаллашуви, яъни уларнинг бутун кураш заминини қамраб олиш жараёни шиддат билан бормоқда. Бу жараёнлар жаҳон тараққиётининг муҳим хусусияти экани эътироф этилган. Мамлакат ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ривожланишининг ўзига хос шароитларида бу жамият ҳаёти билан боғлиқ кўп масалаларни ҳал қилишда давлат тузилмаларининг ролини камайтириш ва бу вазифаларни босқичма-босқич жамоат ташкилотларига ўтказа боришини тақозо этади. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари - маҳалла институти, турли жамоат бирлашмалари ҳамда ташкилотларининг фаолиятини янада демократик тарзда ривожлантириш керак.
3. Иқтисодий глобаллашув жараёнида молиявий глобаллаштириш, жаҳон савдоси унумдорлигини ошириш, дунё миқёсидаги трансмиллий бирлашмалар тармоғи вужудга келиши ва кенгайтирилиши керак.

Ушбу йўналиш доирасида глобаллаштиришнинг қуидаги асосий жараёнларини қайд этиш мумкин:

- иқтисодиётнинг интернационаллашуви;
- жаҳон ягона алоқа тизимининг ривожланиши;
- ахборот, билимлар ва экспертлар аҳамияти ошиши;
- трансмиллий иқтисодий дипломатиянинг яратилиши.

Глобаллашувнинг салбий оқибатларига албатта ўз вақтида кураш олиб бориши лозим. Ёшларда дунёдаги мағкуравий манзара ва глобаллашув жараёнларини теран англаш ва бу борада зарур кўнімалар ҳосил қилиб бормоқ лозим. Бунинг учун ислом экстремизми ва ақидапарастлигига қарши кескин кураш олиб бормоқ учун сиёсий, ҳукуқий, маънавий билимларимизни чуқурлаштиришимиз лозим. Диний экстремизм ва ақидапарастликнинг келтириб чиқараётган сабабларини ўрганмоқ керак.

1. Биринчи сабаби - мустамлакачилик ва янги мустамлакачилик, буюк давлатчилик шовинизми.
2. Иккинчи сабаби - Халқаро муносабатларда мусулмонларга қарши зўровонлик, мусулмон давлатларининг Farb мамлакатларидан кучайиб кетмаслигига эришиш нияти, «парчалаб ташла ва ҳукмронлик қил» деган кўп синалган сиёсатни давом эттириш.
3. Учинчи сабаб - иқтисодий камситишлар, калондимоғлик.

Бошқа маданият, бошқа цивилизациянинг, хусусан, кўп асрлик илдизларига эга Шарқ фалсафасининг бир қисми бўлган ислом цивилизациясининг фазилатларини, умуман, исломнинг ўзини яхши билмаслик, тушунмаслик ҳоллари каби сабабларни ҳам кўрсатиб ўтиш мумкин.

4. Ўтказилган таҳлиллар ва натижалар

Муаммоли вазиятни таҳлил қилиш – объектнинг ҳолати аниқлангандан сўнг, муаммонинг асосий қирраларига эътибор қаратиб, муаммоли вазиятнинг ҳамма томонларини таҳлил қилишга ҳаракат қиласиз. Муаммонинг ечимини аниқ вариантлардан танлаб олиб, “Балиқ скелети” техникасидан фойдаланган ҳолда, жамият тараққиётида ижтимоий-сиёсий барқарорликнинг омиллари

Жамият тараққиётида ижтимоий-сиёсий барқарорликнинг омиллари қўйидагилар:

1. Оммавий аҳборот воситаси
2. Фуқаролик жамияти
3. Демократия
4. Интернет
5. Инновация
6. Иқтисодий ислоҳотлар
7. Сиёсий партиялар
8. Ижтимоий-сиёсий муносабатлар
9. Иқтисодий глобаллашув
10. Мафкура.

Жамият тараққиётида ижтимоий-сиёсий барқарорлик омилларининг ечимлари қўйидагилар:

1. ОАВнинг эркинлигини таъминлаш ва либераллаштириш.
2. Фуқаролик жамияти асослари ва тамойилларига асосланиб ислоҳотларни чуқурлаштириш.
3. Шарқона демократияга амал қилиш.
4. Интернет ресурсларини яратиш.
5. Илм-фан қашфиётларини ҳаётга татбиқ этиш.
6. Ислоҳотларни чуқурлаштириш рақобатни кучайтириш.
7. Партияларнинг амалий фаолиятини ошириш, ракобат мухитини яратиш, ташаббускорлик фаолиятини ошириш.
8. Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларининг фаолиятини демократлаштириш.
9. Интеграция ва регионализацияни шакллантириш.
10. Миллий истиқлол ғояси ва истиқлол мафкурасини тарғиб этиш.

Якуний хулоса

Ижтимоий-сиёсий барқарорлик омиллари ҳамда тараққиёт кафолати – бу маънавий қадриятлар ва миллий ўзликни англашни шакллантириш, давлатчиликни шакллантириш ва мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш, бозор муносабатларини қарор топтириш ва

мулкдорлар синфини шакллантириш, демократик институтларни ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш, кучли ижтимоий сиёсат ва аҳоли ижтимоий фаоллигини ошириш, инсон салоҳияти, ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини такомиллаштириш, кенг кўламли ўзгаришлар ва ҳамкорлик кафолатларини таъминлаш, жаҳон ҳамжамияти билан ҳамкорликни чуқурлаштириш ва “Ёшлар йили” давлат дастурида белгиланган чора-тадбирларни амалга оширишdir.

Инсон фалсафаси мавзуси бўйича Кейснинг таълим технологияси модели

<i>№ 8 мавзу, 2 соат</i>	<i>Таълим олувчилар сони: 21 кишидан оимаслиги лозим</i>
<i>Мавзу</i>	Жамият ва инсон фалсафаси. Маънавият, маданият, ғоялар, қадриятлар, сиёсат ва ҳуқук, фан фалсафаси
<i>Амалий машғулот режаси</i>	<ol style="list-style-type: none"> Талабалар билимларини фаоллаштириш мақсадида “Блиц - сўров” ўтказиш. Муаммони ва уни ечиш вазифаларини аниқ ифода этиш. Кейсни гурӯхларда ечиш. Натижалар тақдимоти ва муҳокамасини ўтказиш. Муҳокама этилаётган муаммони “Балиқ скелети” техникасидан фойдаланилган ҳолда таҳлил этиш. Якуний хулоса чиқариш. Эришилган ўқув натижаларига кўра талабалар фаолиятини баҳолаш
<i>Машғулотнинг мақсади:</i> Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш. Талаба-ёшларда Ватанга бўлган эътиқодини, садоқатини ошириш. Ўзбекистоннинг буюқ, фаровон, тинч равнақ этган келажагига ишонч билан қарашни шакллантириш	
<i>Педагогик вазифалар:</i>	<i>Ўқув фаолияти натижалари:</i>
<ul style="list-style-type: none"> кейс мазмунини мустақил ўрганиш учун асос яратади; “Жамият тараққиётида ижтимоий-сиёсий барқарорлик: омиллар, муаммолар, ечимлар” муаммосига оид вазият билан таништиради; муаммони ажратиб олишга ўргатади, таққослашга, таҳлил қилишга умумлаштиришга кўмак беради; муаммони ҳал этиш бўйича аниқ ҳаракатлар кетма – кетлигини тушунириб беради; муаммоли вазифаларни ечишга шарт-шароит яратади; мантиқий хулоса чиқаришга кўмак беради. 	<ul style="list-style-type: none"> кейс мазмуни билан олдиндан танишиб чиқиб, ёзма тайёргарлик кўради; “Жамият тараққиётида ижтимоий-сиёсий барқарорлик: омиллар, муаммолар, ечимлар” муаммосини ечиш бўйича аниқ вазиятларнинг кетма – кетлигини аниқлайди; муаммоли вазифаларни ечишда назарий билимларини кўллади; муаммони аниқлаб, уни ҳал қилишда ечим топади; якуний мантиқий хулосалар чиқаради.
<i>Ўқитиши усуллари ва техника</i>	Кейс, блиц-сўров, “Балиқ скелети”, баҳс-мунозара
<i>Ўқитиши воситалари:</i>	Маркерлар, қоғозлар, доска, бўр

<i>Үқитиши шакллари</i>	Индивидуал ва гурӯҳларда ишлаш
<i>Үқитиши шарт-шароити</i>	Гурӯҳлар билан ишлашга мӯлжалланган аудитория
<i>Мониторинг ва баҳолаш</i>	Оғзаки назорат, савол-жавоб, ўз-ўзини назорат қилиш, рейтинг тизими асосида баҳолаш

Кейснинг технологик харитаси

<i>Иш жараёнлари вақти</i>	<i>Фаолиятнинг мазмуни</i>	
	<i>ўқитувчи</i>	<i>талаба</i>
Тайёров босқичи	Мавзуни, вазият мазмунини аниқлайди, информацион таъми-нотга тайёргарлик кўради, кейсни расмийлаштиради, кейсни кўпай-тириш муаммосини ҳал этади. Мустақил равишда тайёргарлик кўришни, тавсия этилган адабиётларни ўқиб ўрганишни тавсия этади. Кейс вазифаси ва унинг жамият ижтимоий-сиёсий барқарорлигининг омилларини аниқлайди. Амалий машғулотнинг иш тартиби ва натижаларни баҳолаш мезонлари билан таништиради. Кейс мазмуни билан янада яқинроқ танишиб чиқишилари учун талабаларга материалларни тарқатиб чиқади	Тинглайдилар Мустақил равишда кейсни ечадилар
I - босқич. Мавзуга кириш (10 дақиқа)	1.1. Ўқув машғулоти мавзуси, мақ-сади, вазифалари ва ўқув фаолияти натижаларини айтади, долзарблиги ва аҳамиятига тўхталиб ўтади. Оммавий ахборот воситаларини жамият тараққиётидаги ижобий ва салбий жиҳатларини, ҳамда, инно-вацион жараёнлар, ахборот техно-логияларни илгарилаб кетиши инсон соғлигига солаётган хавф-хатарларни салбий оқибатларини, қолаверса Интернетни ривожла-ниши ёш авлоднинг ахлоқий шакл-ланишига бўлган таъсирларини ёритиб беради	Тинглайдилар
	1.2. Мавзу бўйича талабалар билимларини фаоллаштириш мақсадида блиц – сўров ўтказади (1-илова)	Саволларга жавоб беради
II - босқич. Асосий (60 дақиқа)	2.1. Кейсда бор бўлган материалларни муҳокама қилишни ташкил-лаштиради, диққатни кейс билан ишлаш қоидаларига, муаммони ечиш алгоритмига ва вазифани аниқлаштиришга қаратади	Муҳокама қиласидилар

	2.2. Мустақил равишда уйда ёзиб келинган вазият таҳлилини ўтка-зишни таклиф қиласы	Вазиятни мустақил равишда таҳлил қиласылар
	2.3. Талабаларни 2 та гурухга ажратади. Мавзу бўйича тайёрлан-ган топшириқларни “Муаммоли вазият” услубидан фойдаланилган ҳолда тарқатади (2-илова)	Гурухларга ажралади, ёзиб оладилар, топшириқлар устида ишлайдилар
	2.4. Кичик гурухларда кейс билан якка тартибда бажарилган ишлар натижаларини мухокама қилишни ташкиллаштиради. Гурухларга топшириқларни бажариш учун ёрдам беради, қўшимча маълумотлардан фойдаланишга имкон яратади. Диққатларини кутиладиган натижага жалб қиласы	Фаол қатнашадилар
	2.5. Ҳар бир гурух топшириқларни ватман-қоғозларга тушириб, тақдимотини ўтказишида ёрдам беради, изоҳ беради, билимларини умум-лаштиради, хулосаларга алоҳида эътибор беради. Топшириқларнинг бажарилиши қай даражада тўғри эканлигини диққат билан тинг-лайди	Жамоа бўлиб бажа-рилган ишнинг тақ-димотини ўтказади-лар, баҳс-мунозара юритадилар, қўшимчалар қиласылар, баҳолайдилар, хулоса чиқарадилар
	2.6. Талабаларнинг фикрларини умумлаштириб бўлгач, ҳар бир гурухга “Балиқ скелети” техника-сидан фойдаланилган ҳолда “Жа-мият тараққиётида ижтимоий-сиё-сий барқарорликнинг омилларини аниқланг ва ечимини топинг?” саволини ечиш топширилади. (3- илова)	Тинглайдилар. Гурухлар берилган топшириқни бажарадилар. Тақдимот ўтказадилар. Мавзу бўйича якуний хулоса чиқарадилар
	2.6. Талабаларнинг тақдимотда кўрсатилган фикрларини умумлаштиради	Тинглайдилар
III – босқич. Якуний (10 дақиқа)	3.1. Иш якунларини чиқаради. Бу-гунги мавзу долзарб эканлигига тўхталиб ўтади. Ўқитувчи талаба-ларга дарсда олган билимларини амалиётга татбиқ этишлари лозим эканлигини таъкидлайди. Фаол та-лабаларни баҳолаш мезонлари ор-қали рағбатлантиради. Мустақил уйда таҳлил қилинган кейслар кўриб чиқилиб, энг яхши кейсларни аниқлайди ва баҳолайди	Эшигади. Аниқлайди. Фикр - мулоҳазалар билдирадилар.
	3.2. Тавсия этилган муаммо ечим-ларига изоҳ беради. Яна бир бор Кейснинг аҳамиятига атрофлича тўхталиб ўтади	Тинглайдилар

Блиц-сўров савол - жавоблари

<i>№</i>	<i>Савол</i>	<i>Жавоб</i>
1.	Жамият нима?	Кишиларнинг тарихан қарор топган хамкорлик фаолиятлари мажмуи. Жамиятдаги ҳамма нарса (моддий ва маънавий бойликлар, инсонлар ҳаёти учун зарур бўлган шарт-шароитларни яратиш ва б.) муайян фаолият жараёнида амалга ошади. Инсонлар фаолияти ва улар ўртасидаги ижтимоий муносабатлар жамиятнинг асосий мазмунини ташкил этади. Булар ишлаб чиқариш, оиласвий, сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий, диний, эстетик фаолиятлари ва уларга мос келувчи муносабатлардир
2.	Ахборот жамияти нима?	Жамият тараққиёти негизи сифатида асосан ахборотдан фойдаланишга асос-ланган келажак жамияти
3.	Технофобия нима?	Инсон ҳаёти ва фаолиятининг барча жабҳаларини техника тўлиқ қамраб олишидан қўрқиши
4.	Демократия нима?	Юн.demos-халқ ва kratos-ҳокимият маъносини англатиб, фуқароларнинг озодлиги, тенглиги тамойилларини эълон қилишга асосланган сиёсий тузум шакли
5.	Модернизация нима?	Қайта ташкил этиш, янгилаш деган маъноларни англатади
6.	Бозор муносабати қандай тизим?	Давлатнинг иқтисодий фаолиятига аралашиши чекланган, яъни маълум бир жамият эҳтиёжлари асосидагина аралашиши давлат қонунчилиги билан белгиланган ўзига хос эркин муносабатлар тизимири
7.	ОАВ нима?	Оммавий ахборот воситаси – содир бўлаётган воқеа-ҳодисалар ҳақидаги барча маълумотларни тўплаб, қайта ишловчи ва уларни янгилик-ахборот сифатида оммага етказиб турувчи муассасадир. 5 та асосий тури мавжуд: матбуот (газета, журнал ва бошқа нашрлар), телевидение, радио, ахборот агентлиги, Интернет сайтлари

1 - топширик
Гурухларда ишлаш учун эксперт вароғлари

I-гурух.

ОАВ - инсон тафаккурини ривожлантириш омили сифатида.

1. ОАВ жамият тараққиётида қандай роль ўйнайди?
2. ОАВнинг тараққиёт омили – Интернетми?
3. Мустақил фикрга эга бўлган шахсни тарбиялаш - миллат камолоти мезони.

Муаммоли вазиятни тахлил қилиш жадвалини тўлдиринг

Муаммоли вазият тури	Муаммоли вазиятнинг келиб чиқиш сабаблари	Вазиятдан чиқиб кетиш ҳаракатлари

2- гурӯҳ.

Жамиятни демократлаштириш ва мамлакатни сиёсий ва иқтисодий модернизациялашнинг мухим омиллари.

1. Ўзбекистонда мавжуд партиялар фаолиятида мухолифатлик масаласининг заифлиги.
2. Сиёсий ва иқтисодий ислохотлардан кўзланган мақсадлар.
3. Иқтисодий глобаллашувнинг салбий оқибатларини кўрсатиб беринг?


“Муаммоли вазият” жадвалини тўлдиринг

Муаммоли вазият тури	Муаммоли вазиятнинг келиб чиқиш сабаблари	Вазиятдан чиқиб кетиш ҳаракатлари

З-илова

2 – топширик

“Балиқ скелети” техникасидан фойдаланилган ҳолда “Инсон ва жамият муносабатларининг муаммоли жиҳатларини топинг?”



VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ

Мустақил ишни ташкил этишнинг шакли ва мазмuni Тингловчи мустақил ишни муайян модулни хусусиятларини ҳисобга олган холда қуидаги шакллардан фойдаланиб тайёрлаши тавсия этилади:

- меъёрий хужжатлардан, ўқув ва илмий адабиётлардан фойдаланиш асосида модул мавзуларини ўрганиш;
- тарқатма материаллар бўйича маъruzалар қисмини ўзлаштириш;
- маҳсус адабиётлар бўйича модул бўлимлари ёки мавзулари устида ишлаш;
- тингловчининг касбий фаолияти билан боғлиқ бўлган модул бўлимлари ва мавзуларни чукур ўрганиш.

МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ

1. Фалсафий антропология методлари
2. Психонализ ва психотрапия, дескурсив тажрибанинг таҳлили.
3. Биологик сиёсатни амалга оширишнинг зарурияти.
4. Инсон ва биосферанинг квант-тўлқинли алоқаси.
5. Тоталитар ва демократик тизимларда инсон мақоми.
6. Янги ижтимоий мегамашина - ҳокимиятга ташналил.
7. Инсон ижоди ва санъат символизми.
8. Инсон ва виртуал воқелик.
9. Биотехнология методларидан фойдаланиш хавфи
10. Инсон рухиятидаги инқилоб.
11. «Тотемизм мафкураси» ижтимоий онгнинг биринчи шакли.
12. Магик тотемизм ижтимоий муносабатлар норасолигининг мафкуравий ифодаси.
13. Иезуитларда диний фанатизмни шакллантириш воситалари ва усуллари.
14. Диншуносликда «индивидуал» диндорлик атамаси.
15. Инсон қурқувининг янги образлари.
16. Экологик ҳалокат хавфи
17. Инсонни фалсафий тушунишнинг ўзига хос хусусиятлари.
18. Фалсафа тарихида инсон муаммоси.
19. Инсонни ўрганишга нисбатан фалсафий ва табиий-илмий ёндашувларнинг фарқи.
20. Фалсафий антропологиянинг шаклланиш босқичлари.
21. Инсон келиб чиқишининг фалсафий концепциялари.
22. Инсон биологик ва ижтимоий табиатининг бирлиги.
23. Инсон, индивид, шахс.
24. Инсон ҳаётининг мазмuni муаммоси.
25. «Ҳаёт», «ўлим», «умрбоқийлик» фалсафий категориялар сифатида.
26. Фалсафа инсоннинг вазифаси ҳақида.

ГЛОССАРИЙ

Агностицизм – инсон объектив борлиқни түлиқ билиши мумкин эмас, деб ҳисоблайдиган фалсафий таълимот.

Антисциентизм – фаннинг жамият ҳаётидаги роли ва аҳамиятини салбий баҳолайдиган фалсафий нуқтаи назар.

Антропоген – инсон фаолияти билан боғлик.

Антропоцентризм – дунёни билишда инсонни устун қўювчи фалсафий ёндашув.

Априор – тажрибадан ташқарида. Инсон тафаккурида тажрибада кўрилгунга қадар, тажрибадан қатъий назар пайдо бўлган образ, ғоя, тушунча.

Атеизм – худонинг борлигини инкор этувчи фалсафий нуқтаи назар.

Атрибут – хосса.

Башорат – келажак ҳақидаги, яъни ҳали амалда мавжуд бўлмаган, лекин ривожланишининг кутилаётган ривожини белгиловчи объектив ва субъектив омиллар кўринишида ҳозирги замонда потенциал мавжуд бўлган ҳодисалар ва жараёнлар ҳақидаги билим.

Белги – бошқа бир предмет, хосса ёки муносабатни ифодалайдиган ва муайян хабарни узатиш, сақлаш ёки унга ишлов беришда ишлатиладиган моддий, ҳиссий идрок этиладиган предмет.

Гармония – бир бутун нарса қисмларининг ўзаро мувофиқлиги.

Герменевтика – фалсафада – тарих, маданиятни, ўзга индивидуалликни тушуниш санъати.

Гипотетик – эҳтимол тутилган, фараз қилинган, тахмин (гипотеза)га асосланган.

Глобаллашув – ижтимоий ҳаётнинг турли жабхаларида яхлит тузилмаларнинг дунё миқёсида шаклланиш жараёни.

Глобалистика – глобаллашув ва унинг оқибатлари моҳиятини англа бетишга қаратилган илмий ва фалсафий тадқиқотлар фанлараро соҳаси.

Гносеология – билиш назарияси.

Дедукция – тадқиқот ёки тавсифлаш методи, усули бўлиб, бунда айрим қоидалар умумий хулосалар, аксиомалар, қоидалар, қонунлардан тадрижий йўл билан келтириб чиқарилади.

Дезинтеграция – бутуннинг айрим қисмларга парчаланиши.

Деизм – Худо дунёни яратгач, унда иштирок этмайди ва унинг воқеалари табиий кечишига аралашмайди, деб ҳисоблайдиган фалсафий нуқтаи назар.

Детерминизм – барча воқеалар ва ҳодисаларнинг қонунийлиги ва сабабий боғланганлиги ҳақидаги фалсафий таълимот.

Диалектика – ҳаракат, ривожланиш, ўзгариш ҳақидаги фалсафий таълимот.

Дискрет – узлукли.

Дифференциация – бутуннинг турли-туман қисмлар, босқичлар, шаклларга бўлинishi, парчаланиши, ажралиши.

Идеал – мутлақ баркамоллик, бундай баркамоллик ҳақидаги тасаввур.

Иерархия – бир нарсанинг функционал аҳамияти ёки хизмат мавқеига кўра иккинчи нарсага, учинчи нарсага ва ҳоказоларга бўйсуниши.

Ижтимоий прогноз қилиш келажакни муайян тарзда даврийлаштиришни назарда тутади

Изотроп – барча йўналишларда бир хил.

Индeterminизм – детерминизмга қарама-қарши таълимот.

Интеграция – бирлашиш, бирикиш, яхлит бир бутуннинг шаклланиши.

Интровертив – ўзига, ўз ички дунёсига қараб мўлжал олувчи.

Имитация – тақлид қилиш, сохталашибтириш.

Ахборот инқилоби – фан-техника инқилобининг ривожланиш босқичи бўлиб, бунда ахборот ўта муҳим ресурсга айланади.

Иrrационализм – борлиқни оқилона мантиқий билиш имкониятини рад этувчи нуқтаи назар.

Каузаллик – сабабият, сабаб ва оқибатнинг қонуний алоқаси.

Коммуникация (кенг маънода) – мулоқот. Экзистенциализмда – мулоқот тури бўлиб, унинг ёрдамида «Мен» ўзини бошқа одамда топади.

Конституциялаш – яратиш, белгилаш, муайян ташкилий тус бериш.

Консьюмеризм – истеъмол қилишга бўлган кучли эҳтиёж.

Коэволюция – биргаликда тадрижий ривожланиш.

Креационизм – бутун борлиқни Худо яратган деб ҳисоблайдиган диний таълимот.

Материализм – дунёнинг моддийлигидан ва онгдан қатъий назар мавжудлигидан келиб чиқадиган фалсафий йўналиш.

Маҳаллий муаммолар тушунчаси юқорироқ даражадаги муаммоларга, аниқроқ айтганда, айрим мамлакатларга ёки йирик мамлакатларнинг анча катта худудларига тегишли бўлган муаммоларга нисбатан татбиқ этилади. Бу ерда одатда кучли зилзилалар, йирик сув тошқинлари ёки, масалан, кичик давлатдаги фуқаролар уруши назарда тутилади.

Метафизика – Гегелдан олдинги ва ҳозирги Ғарб фалсафасида борлиқнинг ўта ҳиссий тамойиллари ва асослари ҳақидаги фан. Фалсафанинг синоними сифатида ишлатиладиган атама.

Методология – метод ҳақидаги таълимот, билишнинг янги методларини яратиш тамойилларини ишлаб чиқиши.

Миллий муаммолар тушунчаси ижтимоий-сиёсий ва илмий муомалада баъзан муайян давлат ёки миллий ҳамжамиятнинг маълум қийинчиликлари, ғам-ташвишларини акс эттиради. Микёс даражасига қараб

улар минтақавий ёки маҳаллий муаммолар сифатида талқин қилиниши мүмкін.

Минтақавий муаммолар айрим қитъалар, дунёning йирик ижтимоий-иқтисодий ҳудудлари ёки анча йирик давлатларда юзага келадиган мұхим масалалар доирасини қамраб олади

Мистика – сирли, ғайритабиий, тушунарсиз нарса ёки ҳодиса.

Моддийлаштириш – маъно структуралари, схемалар, лойихаларнинг инсон фаолиятида гавдаланиши.

Модус – предметнинг унга айрим ҳолатлардагина хос бўлган мувакқат хоссаси.

Монизм – плюрализмга зид ўлароқ, муайян бир асосдан келиб чиқадиган фалсафий ёндашув.

Нано юононча “нанос” сўзидан олинган бўлиб, митти деган маънони билдиради.

Нанотехнология-митти технология бўлиб, унинг прототипи табиатнинг ўзида мужассам. Кўзга кўринмас бактериялар, чумоли, ўргимчак ва шунга ўхшаш ҳашаротлар табиий нано жисмлардир.

Негатив – салбий, бирор нарсага зид.

Ноумен – мушоҳада йўли билан англаш мүмкін бўлган моҳият.

Ноосфера – ақл-идрок соҳаси ёки биосферанинг шундай бир ҳолатики, бунда одамларнинг оқилона фаолияти биосфера ривожланишининг мұхим омилига айланади.

Образ – амалий фаолият ва билиш жараёнида шаклланган ҳиссий ёки оқилона тасаввур.

Оккультизм – маҳсус руҳий машқлар, алоҳида маросимлар орқали айрим инсонларгина била оладиган коинотда сирли кучлар мавжудлигини эътироф этувчи таълимот.

Оппозиция - қарши ҳаракат, муайян нарсага очикдан-очиқ ёки зимдан қаршилик кўрсатиш.

Пантеизм – Худони табиат билан тенглаштирувчи фалсафий таълимот.

Парадигма – мазкур даврда илмий ҳамжамият томонидан эътироф этилган муайян илмий тадқиқот йўналишини белгиловчи принциплар мажмуи.

Пассионар – ички энергияга эгалик ёки ўта ғайратлилик.

Перманент – доимий, узлуксиз.

Перцепция – идрок этиш.

Прогноз қилиш – бу маҳсус илмий методлар ёрдамида келажак ҳақида билимлар олиш жараёни

Рационализм – ақлни билиш ва одамлар хулқ-авторининг негизи деб эътироф этадиган фалсафий йўналиш.

Редукционизм – мураккаб нарса ёки ҳодисани соддароқ нарса ёки ҳодисага боғлаш.

Релятивизм – бизнинг барча билимларимиз, қадриятларимиз ва хулосаларимизни нисбий, шартли деб ҳисоблайдиган фалсафий ёндашув.

Рефлексия – ўз фикрлари ва кечинмаларини таҳлил қилишга қаратилган муроҳаза.

Сакрал – муқаддас.

Сенсуализм – ҳиссий билишнинг ролини оқилона билишнинг аҳамиятидан устунроқ қўювчи фалсафий йўналиш.

Символ – бирон-бир ғояни ифодаловчи белги, образ.

Синкремтизм - қисмларга ажралмаганлик, бирон-бир ҳодисанинг норасо ҳолати билан белгиланадиган ҳар хил жинсли элементларнинг аралашуви.

Скептицизм – инсон билимининг ишончлилигига шубҳа билдирувчи ва барча ҳақиқатларни нисбий деб эълон қилувчи фалсафий концепция.

Стереотип – кўпинча жамият томонидан фаол илгари суриладиган ва индивид танқидсиз қабул қиласидиган борлиқнинг нисбатан барқарор ва соддалаштирилган образи.

Субстанция – биринчи асос, барча нарсалар ва ҳодисаларнинг моҳияти.

Сциентизм – маданият тизимида, жамият ҳаётида фан ролини мутлақлаштириш.

Табу – бирон-бир нарса, ҳаракат, сўзга нисбатан белгиланадиган диний тақиқ.

Теология – диний таълимотлар тизими.

Теоцентризм – дунёни тушуниш марказига Худони қўювчи фалсафий ёндашув.

Техноген – техника билан боғлиқ, унинг таъсири билан белгиланган.

Технократик – техникани биринчи ўринга қўювчи.

Технооптимизм – турли муаммоларни ечишда фан-техника тараққиётининг ролини ошириб кўрсатувчи фалсафий ёндашув.

Технопессимизм – фан-техника тараққиётини жамият ва табиат таназзулининг манбаи ва омили деб эълон қилувчи фалсафий ёндашув.

Технотрон жамият – компьютер инқилоби босқичига кирган жамият.

Трансцендентал – ўта умумий.

Универсум – ягона Олам, яхлит дунё.

Хусусий муаммолар давлат фаолиятининг муайян жабҳасига, айрим аҳоли яшайдиган пунктларга ёки кичик табиий объектларга тегишли бўлган муаммолардир

Фауна – барча турдаги ҳайвонлар мажмуи.

Фаолият атрибулари (хоссалари) фаолиятни мотивлаштириш ва амалга ошириш механизмларини тавсифлайди. Фаолият атрибулари орасида аввало субъектлилик ва моддийлик қайд этилади.

Феномен – инсонга ҳиссий билиш тажрибасида берилган ҳодиса.

Феноменология – бевосита кузатиш мумкин бўлган идеал моҳиятлар сифатидаги феноменлар ҳақидаги фалсафий таълимот.

Флора – ўсимликлар дунёси.

Флуктуация – ўзгариш, белгиланган параметрлардан тасодифий оғиш.

Футурология – келажак ҳақидаги фан.

Фундаментал глобаллашув дунё миқёсидаги алоқалар, тузилмалар ва муносабатлар юзага келиши билан боғлиқ. Бу жараёнлар натижасида дунё ўзининг деярли барча жиҳатларида яхлит бир бутун организм сифатида узилкесил шаклланди. Фундаментал деб номланувчи бундай глобаллашувнинг илк аломатлари XIX асрнинг иккинчи ярмида пайдо бўлди, XX аср ўрталарига келиб эса у тўла даражада борлиққа айланди.

Эволюцион эпистемология – билишни жонли табиат эволюциясининг моменти ва унинг маҳсулси сифатида ўрганувчи фан.

Эвристик – ижодий, номаълум нарсалар ва ҳодисаларни билишда сакрашни амалга оширувчи.

Эгалитаризм – умумий тенгликни тарғиб қилувчи ғоявий-сиёсий оқим.

Экзистенциализм – диққат марказида ҳаётнинг маъноси, инсон эркинлиги ва масъулияти муаммолари турувчи фалсафий йўналиш.

Экология – жонли мавжудотларнинг ўзини қуршаган муҳит билан ўзаро муносабатлари ҳақидаги фан.

Экологик муаммо – жонли организмларнинг атроф муҳит билан мувозанатининг бузилиши.

Экологик танглик – экологик муаммонинг кескинлашуви, бунда унинг оқибатлари орқага қайтариб бўлмайдиган хусусият касб этади.

Экспликация – у ёки бу предмет (ёки маданият обьекти)нинг моҳиятини аниқлаш, унинг мазмунини кенг тавсифлаш.

Экспертиза усулида баҳолаш- бу илмий методнинг моҳияти эксперталар (фан ва техниканинг турли соҳасидаги етакчи мутахассислар) томонидан муаммони таҳлил қилиш ва сўнгра натижаларни формаллаштирилган асосда қайта ишлашдан иборат

Экопессимизм - асосий эътибор инсон фаолиятининг салбий оқибатлари ва атроф муҳит муаммоларига қаратилган, уларни ечиш имкониятлари салбий тусда кўрилган ҳол.

Экстравертив – сиртга қаратилган.

Экстраполяция методлари - қонуниятлари ўтмишда ва ҳозирги даврда яхши маълум бўлган тенденцияларни келажакка татбиқ этишга асосланади.

Эмпиризм – ҳиссий идрок этиш ва тажрибани билишнинг асосий манбаи деб ҳисоблайдиган фалсафий таълимот.

Эмпирик – тажрибада кўрилган.

Этимология – у ёки бу сўз ёки иборанинг келиб чиқиши.

Эпистемология – билиш ҳақидаги фалсафий таълимот.

Этногенез – халқлар ёки миллатларнинг келиб чиқиши.

Ўз имкониятларини рўёбга чиқариш – ўзининг бетакор мөҳиятини фаолиятда намоён этувчи ва гавдалантирувчи ҳар бир индивид ахлоқий фаолиятининг мақсади.

Қидирув прогнози – ижтимоий обьектнинг келажаги қандай бўлиши мумкинлигини кўрсатиш учун тузиладиган прогноз.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

I. Норматив - хуқуқий хужжатлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2010. – 46 б.
2. Таълим тўғрисида: Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. 1997 йил 29 август // Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Тошкент, 1997. – Б. 20-29.
3. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида: Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. 1997 й. 29 август // Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Тошкент, 1997. – Б. 30.
4. “Баркамол авлод йили” давлат дастури. – Тошкент: Ўзбекистон, 2010. – 80 б.
5. “Малакали педагог кадрлар тайёрлаш ҳамда ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасаларини кадрлар билан таъминлаш тизимини янада такомиллаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори. “Халқ сўзи”, 2012 йил 28 май.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июнданги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-4732-сон Фармони.
7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16-февралдаги “Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларни малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 25-сонли Қарори.
8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли Қарори.
9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 10 январдаги «Олий таълим Давлат стандартларини тасдиқлаш тўғрисида»ги 2001 йил 16 августдаги 343-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги №3-сонли қарори.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сон қарори.
11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 18 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги 515-сонли қарори.
12. Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегияси. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда

II. Раҳбарий адабиётлар

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: “Маънавият”, 2008. – 176 б.

2. Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш – давр талаби // “Халқ сўзи”, 2009 йил 14 февраль.
3. Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир. // Ўзбекистон овози, 2010 йил 28 январь.
4. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. –Т.: “Ўзбекистон”, 2010.
5. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. - Т.: “Ўзбекистон”, 2011. - 438 бет.
6. Каримов И. “Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш – мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарти”. (Халқаро конференциянинг очилиш маросимида сўзланган нутқ). “Халқ сўзи”, 2012 йил 18 февраль.
7. Каримов И.А. Демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш – мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезонидир. 19-жилд. - Т.: Ўзбекистон, 171-172 бет.
8. Каримов И.А. Бизнинг йўлими - демократик ислоҳотларни чукурлаштириш ва модернизация жараёнларини изчил давом эттириш йўлидир. 20-жилд. - Т.: Ўзбекистон, 2012. 207-б.
9. Каримов И. Она юртимиз баҳту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. – Т.: Ўзбекистон, 2015.
10. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимиға киришиш тантанали маросимиға бағишланган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги нутқи. Тошкент, 2016 йил 14 декабрь.
11. Мирзиёев Ш. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб интизом ва шахсий жавобгарлик - ҳар бир раҳбар фаолиятининг қундалиқ қоидаси бўлиши керак. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2017.
12. Мирзиёев Ш. Қонун устиворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2017.
13. Мирзиёев Ш. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргалиқда барпо этамиз. - Тошкент: “Ўзбекистон”, 2017.
14. Мирзиёев Ш. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. - Тошкент: “Ўзбекистон”, 2017.

III. Махсус адабиётлар

1. Falsafa. Faylasuflar milliy jamiyatı.-Т.2006.
2. Жаҳон фалсафаси тарихидан лавхалар. УФМЖ. –Т.: 2004.
3. Шарқ фалсафаси. Муаллифлар жамоаси–Т.: 2006
4. Фарб фалсафаси. Шарқ.-Т.: 2004.
5. Чориев А. Инсон фалсафаси. Мустакил шахс.-Т.: 2004.
6. «Антропологический поворот» в философии XX века. Вильнюс, 1989.
7. Аристотел. О душе Собрание сочинений в 4-х т.Т.1.-М.:,1975.

8. Бердяев Н.А. Самопознание Л.,1991.
9. Кант И.Антропология:соч. Т,6.-М.:1966.
- 10.Гегель Г. Феноменология духа-М.:1989.
- 11.Гумилёв Л.Н. Этногинез и биосфера земли.Л., 1990.
- 12.Хайдиггер М.Бытие и время-М.: 1997.
- 13.Григорьян Б.Т.Философская антропология –М.:,1982
- 14.Грофф С. За пределами мозга –М.:1992
- 15.Делез Ж.Логика смысла-М: 1995.
- 16.Бескова И.А. Эволюция и сознание: новый взгляд. -М.: 2002.
- 17.Гайденко П.П. Прорыв к трансцендентному. Новая онтология XX века. -М.: 1997.
- 18.Шермухамедов С. Инсон фалсафаси.-Т.: Фан, 2009.
- 19.Тихонова С.В. Человек в пространственных структурах глобального социума : дисс ... канд. философских наук : 09.00.11. Саратов, 2003.

IV. Электрон таълим ресурслари

- 20.www.ziyonet.uz
- 21.www.philosophy.ru.
- 22.<http://www.intencia.ru>.
- 23.<http://www.anthropology.ru>
- 24.<http://www.ido.rudn.ru>.
- 25.<http://www.filosofia.ru>.
- 26.<http://www.falsafa.dc.uz>.
- 27.<http://www.phenomen.ru>.
- 28.<http://www.lib.ru/FILOSOF>.
- 29.<http://www.filam.ru/sait.phg>.